

Ш.Д. Наралиева, Н.Д. Досметова, Ф.Н. Абдалиев

Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг
6-синфи учун дарслик

2-қисм



Алматы
«Жазушы»
2018

Шартли белгилар:



Ёдда сақланг!



Ёзамиз



Билиб олинг!



Муҳокама қиламиз



Гуруҳда ишлаймиз



Видеолавҳа томоша қиламиз



Монолог



Суҳбатлашамиз



Мулоқот



Жуфтликда ишлаймиз



*Савол ва топшириқлар
устида ишлаймиз*



Якка тартибда ишлаймиз



Тинглаймиз



Матнолди топшириқлар



Ўқиймиз



Донолар ўғити



Сўзлаймиз

Наралиева Ш.Д. ва б.

Н 23 **Ўзбек тили.** Умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. 2 қисм-
ли. 2-қисм./ Ш.Д. Наралиева, Н.Д. Досметова, Ф.Н. Абдалиев – Алматы:
Жазушы, 2018. – 312 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-607-0 (2-қисм)

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922

ISBN 978-601-200-607-0 (2-қисм) ISBN
978-601-200-616-2 (жами)



© Наралиева Ш.Д., Досметова Н.Д.,
Абдалиев Ф.Н., 2018

© «Жазушы» баспасы, 2018

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкӣ ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.



VI бўлим СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ ДАРЁ ВА КЎЛЛАРИ



Шилдир-шилдир этади сув,
Куйлаб ерни ўпади сув.
Гўё олтин рубобини
Тиним билмай чертади сув.

Сувдай яхши бўлсам қани,
Чаман бўлиб кулсам қани.
Сувдай ширин жон халқимга
Тинмай хизмат қилсам қани!





1-дарс: СУВ – ОБИ ҲАЁТ, ТИРИКЛИК МАНБАИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

140-машқ. Матн асосида мулоҳаза билдиринг.



Эртак бўлиб қолди

Сув – оби ҳаёт, тириклик манбаи, поклик, мусаффолик рамзи. Сув инсоннинг ҳаёт кечириши учун асосий қувват манбаидир. Табиатда биз кўриб турган, баъзан унчалик парво қилмайдиганимиз ана шу табаррук сув – улуғ неъмат, таркиби мураккаб тузилган, турли хусусиятларга эга ва айни пайтда, бемисл мўъжиза. Ҳар бир оқилу доно ўзи яшаб турган жойдаги ер, сув, ҳаво, ҳайвонотга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муомалада бўлиши, уларни асраб авайлаб сақлаши лозим. Теварак-атрофни озода сақлашда ота-боболаримиз: “**Чиқинди-ни ариққа ташлама, сувга тупурма, ҳовли ва кўчаларга ахлат ташлама**”, – деб қайта-қайта тайинлар, агар сувга тупурсанг, кўр бўласан, уволи тутуди, гуноҳ бўлади, болам, дер эдилар. Ўша вақтларда одамлар ариқ ва булоқлар сувидан ҳеч ҳадиксиз қониб ичарди. **Иссиқ нонларни оқар сувга ивитиб истеъмол қилар эди.** Афсуски, ҳозирги ёшларга бу гапларни гапирсангиз, эртак айтиб беришяпти деб қабул қилишади. Чунки ҳозир ким ҳам маҳалла, гузарлар оралаб оқиб ўтадиган ариқдан сув ича олади? Бугунги кунда инсониятга неъмат қилиб берилган сувни ҳам исроф қилаётган, бу бебаҳо неъматга кўр-кўрона бепарво муносабатда бўлаётганлар кўп. Баъзилар ҳеч тортинмай ариққа супуриндини ташлашади, кир ювилса, мағзавасини оқизишади, чиқинди ахлатларни ариқларга ташлашади, ҳатто ўша ахлатлар орасида азиз бўлган нон ушоқларини ҳам кўрамиз...



Ҳозир жаҳонда ичимлик суви муаммоси энг биринчи даражали ташвишлардан.

Н. Қосимова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Сув – тириклик манбаи эканлигига ишонч ҳосил қилдингизми?
2. Инсон овқатсиз уч-тўрт ҳафтагача яшаши мумкин, сувсиз-чи?
3. Сувнинг таркиби ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Таркибида қандай моддалар бор?
4. Иссиқ нонларни оқар сувга ивитиб истеъмол қилар эди, деган фикрга муносабатингизни айтинг-чи? Ишонасизми шунга?



Жуфтликда ишлаймиз

5. Сизга сувни исроф қилмасликни ким ўргатади?
6. Ишдан чиққан жўмрақдан томчилаётган сув бир соатда қанча исроф келтиради деб ўйлайсиз? Шу сувни нимага фойдаланса бўлар эди?



Ёзамиз

7. Ичимлик суви муаммоси ҳақида фикрингизни ёзма баён қилинг.
8. Матн таркибидан *ким?*, *нима?* сўроғига жавоб берувчи сўзларни аниқланг, уларни куйидаги намунага қараб, гуруҳларга ажратиб ёзинг. Фарқини тушунтиринг.

Туб от	Изоҳ	Ясама от	Изоҳ
Сув	<i>Нима?</i> сўроғига жавоб бўлади, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди.	тириклик	<i>Нима?</i> сўроғига жавоб бўлади, тирик – ўзаги (белгини билдирувчи сўз), <i>-лик</i> сўз ясовчи қўшимчаси орқали янги сўз ҳосил бўлган.



Билиб олинг!

Бир хилдаги предметлардан бирига атаб қўйилган отлар атоқли отлар дейилади. Атоқли отларга киши исмлари, ташкилотлар, муассасалар номлари, тарихий ҳодисалар, газета, журнал, бадий асарлар, номлари, астрономик номлар (Марс, Юпитер), орден ва медаллар номи, байрамлар номи (Наврўз байрами), уй ҳайвонларига (Олапар) атаб қўйилган номлар киради.

Бир турдаги предметларнинг умумий номини билдирган отлар турдош отлар дейилади: мактаб, одам, дарахт. Отларнинг асосий қисмини турдош отлар ташкил этади. Турдош отлар кўплик шаклида қўлланишига кўра атоқли отлардан фарқланади: **болалар, уйлар, дарахтлар.**



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

141-машқ. Матнга сарлавҳа қўйинг ва ўзлаштиринг.



Соғлиғимиз ҳам, умримизнинг узоқ бўлиши ҳам, аввало, ичар сувимизнинг сифатига боғлиқ.

Инсон танасининг 65-66 фоизи, унинг энг олий узви бўлмиш бош мианинг эса 80-82 фоизи сувдан иборат. Танамизнинг учдан икки қисми сув бўлса, демак биз, аввало, сув эканмиз-да! Боз устига, одам ва умуман, барча тирик организм истеъмол қилиб ютадиган озуканинг ҳам саксон-тўқсон фоизи сувдан иборат бўлади.


Ҳаммага аёнки, сув қаттиқ (муз), суюқ (сув) ва газ (буғ) ҳолатида бўлади. Булар физикага тегишли. Аммо бундан ташқари, ҳар қандай сув ё тирик, ё ўлик ҳолда бўлади; ўлик сувнинг хоссаси билан тирик сувнинг хусусияти бошқа-бошқа. Уларнинг таъми ҳам бўлакча. Хўш, тирик сув нима-ю, ўлик сув нима? Осмондан ёққан қор-ёмғир, ҳавонинг тунда совушидан пайдо бўлган шабнаму



қиров, музликларнинг эриб сув ҳолига келаётган, дарё-сойларда оқаётган ҳолати – тирик сув, қизиган, қайнаган, ё қайнаб бугга айланаётган сув — ўлик сувдир.



Табиатдаги сувнинг айланма ҳаракатида ушбу биологик ҳолатлар мудом ал-машиниб туради: денгизу кўллардаги сув қизиб, аста-секин ўлик сувга айлана боради, унинг бир қисми буғланиш туфайли осмонга кўтарилиб, булут бўлади, қор-ёмғир бўлиб ерга ёғади — яна тирик сувга айланади — тириклик ана шу ходисадан бошланади, у туфайлигина давом этади.



Денгиз ва океанларда буғланиш билан қайтиб тушиш ўртасидаги фарқни дарё оқимлари текислай боради. Дарёлардан денгиз ва океанларга йилига 45 минг км куб атрофида сув қуйилади.

Н. Қосимова




Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Сувнинг қаттиқ муз ва газ ҳолатда бўлади деганини қандай тушунтирасиз? Булутларни тузилишини эсланг-чи.
2. Ўсимлик ва дов-дарахтларнинг ҳаёти фақат тирик сув билан боғлиқми? Инсоннинг ҳаёти-чи?
3. Ер юзиде иқлим ҳосил қилишда сувнинг қандай аҳамияти бор? Тоза сув деганда нимани тушунасиз? Ҳозирги филтрланган сувларни тоза дея оламизми? Кимёвий жиҳатдан ва маънавий жиҳатдан қаранг.
4. Табиатда сув ўз-ўзини тозалаш хусусиятига эгами?
5. Экологик мувозанатнинг бузилиши дегани нима?
6. Экотизимда ҳар бир табиий ресурснинг ўз ўрни борми?



Тақдимот

7. Гуруҳингизда юқоридаги саволлар юзасидан тўпланган фикр-мулоҳазалар асосида ўзга гуруҳларда “Ёш тадқиқотчи” усулида оғзаки тақдимот ўтказинг.



Ёзамиз Жуфтликда ишлаймиз

8. “Икки тарафли кундалик”ни тўлдиринг. “Бу фойдали!” туркумидаги гапларда иштирок этган отларни такрорий қўллаб ёзинг.

Фикр	Изоҳ
“Сув – етти юмаласа ҳалол”.	
“Сувдай сероб бўлинг”, дея дуо қилган.	
“Олдингда оққан сувнинг қадри бўлмас”.	



Одамнинг фикр-ўйи, нияти ва қилмишлари пок бўлиши учун унинг халқуми тоза бўлиши керак.	
Табиатда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ўз-ўзидан йўқолмайди. Сув-чи?	



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

142-машқ. Матнга сарлавҳа қўйинг ва қайта ҳикояланг.



Дарё сувлари миқдори Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудларида турлича жойлашган. Улардаги жами сув 4350 км.куб бўлиб, бу дунё миқёсидаги дарё сувлари миқдорининг 14 фоизни ташкил қилади. Бу сув Шимолий муз океани ва Тинч океани ҳавзаларида, шунингдек, аҳоли нисбатан зич жойлашган Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Каспий ва Орол денгизлари ҳавзасида жойлашган. Марказий Осиё республикалари, айниқса Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон ҳудудлари ҳам камсув районлар қаторига киради. Бу қурғоқчил ҳудудларда сувни ифлосламаслик, ундан тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо қилади.

Қозоғистонда катта-кичик 48000дан кўп кўллар бор. Кўлларнинг кўпчилик қисми оқмас кўлларга киради. Сувларнинг сатҳи ҳам тез-тез ўзгариб туради. Кўпчилигининг сувлари шўр бўлиб ҳар хил тузлар олинади. Кўллар асосан, ҳар хил сабаблар билан вужудга келган сойликларга ҳам эга. Йирик кўллар денгиз ўрнида қадимдан шаклланган. Булар: Каспий, Балхаш, Орол, Олакўлдир.

Зайсан кўли – Совур-Тарбағатай билан Олтой тоғлари оралиғида жойлашган оқувчи, чучук сувли кўл. Кўл қиш фаслида музлайди. Ёзда эса ҳарорат кўтарилади. Бунда балиқнинг 23 хилини учратиш мумкин.

Сувнинг йиғилиш майдони 94900 км² тенг. Кўлнинг қирғоқлари текис бўлиб, Нура ва Қулонўтмас дарёларининг сувларидан ичади. Сариарқанинг Тен-



гиз-Қўрғалжин ботиғида Тенгиз, Қўрғалжин, Қипчоқ, Қарай, Қияли кўллари жойлашган. Тенгиз кўли Қўрғалжин давлат қўриқхонаси таркибига киради.

Н. Латипов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Қандай ўйлайсиз, кўлларнинг оқувчи ёки оқмаслигининг сабаблари борми?
2. Агар сув бирор бир ёпиқ идишда ёки чуқурчада кўп туриб қолса, сувда қандай ҳодисалар юз беради? “Нега кўлларда бу ҳодисалар бўлмайди?” мавзусида гуруҳлараро “Очиқ студия” усулида баҳс-мунозара ўтказинг. Баҳсни журналист-юрғизувчилар олиб борсин.



Ёзамиз

4. **Нима?** сўроқли сўзларни бирикмаси билан ёзиб олинг. **Қаер?** сўроғига жавоб берувчи сўзларни, жой номларини ёзиб олинг.



Бу фойдали!

Ер юзининг тўртдан уч қисми сув билан қопланган ҳолда, унинг атиги 6 фоизи чучук сув ҳисобланади. Шундан 2,5 фоизи истеъмол учун яроқли бўлиб, унинг асосий қисми табиатда муз ҳолатда учрайди.

- Киши умри давомида ўртача 75 тонна сув истеъмол қилади. Катта ёшдаги киши жисмининг 82 фоизини сув ташкил этади.
- Катта ёшдаги киши бир кеча-кундузда 2,5 литр сув истеъмол қилади, ундан 1,2 литри ичимлик сувига тўғри келади, 1 литри турли озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар таркибидаги сув орқали истеъмол қилинади, 0,3 литри организмда модда алмашинуви жараёнида пайдо бўлади.
- Организмда сувнинг бир йўла 10% га камайиши одамни оғир аҳволга солиб қўяди, унинг 20-25% га камайиши эса кишини ҳалок қилади.
- Одам ва ҳайвон организми бир қисм сувни эндоген йўл билан ўзи ишлаб чиқаради. Организмдаги 100 г. ёғнинг парчаланишида 107 мл, 100 г. углевод парчаланишда эса 55 мл сув ажралади. Шу сабаб саҳродаги ҳайвонлар – туя, юмронқозиқ, қумсичқонлар узоқ муддат сув ичмасдан яшай олади, Австралия сичқонлари эса умр бўйи сув ичмасдан эндоген сув ҳисобида яшайди.



2-дарс: ЦИВИЛИЗАЦИЯ БАҲОНАСИ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

143-машқ. Диққат билан ўқиб ўзлаштиринг.

Ёмғир ва қорнинг ёғишини кутиб



Бугунги кунда дунёдаги салкам 7 млрд. аҳолининг 2 млрд. га яқини тоза ичимлик сувига муҳтожлик сезяпти. Бундай ҳолат ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Яъни ҳеч нарса ўз-ўзидан иллатга айланмайди. Агар бундан бир неча минг йиллар илгари яшаган халқлар олдин дарахт кесиб, сўнг мевасини истеъмол қилган бўлса, инсониятнинг бугунги авлоди ҳам цивилизация баҳонасида табиат инъом этган бойликларни талон-тарож қилишда давом этмоқда. Шу боис кимдир сувни ариқ, дарё ёки кўлдан олиб ичса, яна кимлардир қудуқ қазиб, минг заҳматлар билан сув чиқаряпти.



Баъзилар эса ташналикни қондириш учун ёмғир ёки қор ёғишини кутиб яшамоқдалар. Сув танқислиги дастлаб қашшоқ мамлакатлар, хусусан, Африка қитъасида пайдо бўлган бўлса, бугунга келиб энг бой давлатлар ҳам ана шу муаммога рўбарў келмоқдалар. Хусусан, Таиланд, Индонезия, Мексика сув тақчиллиги остонасида турибди. Ҳатто баъзи маълумотларга қараганда, биргина «қора қитъа»да 2020 йилга бориб иқлим ўзгаришлари туфайли 250 миллионга яқин киши тоза ичимлик сувдан бебахра қолиши мумкинлиги айтиляпти. Бундан кўпроқ болалар азоб чекаётгани, айниқса, ачинарлидир. ЮНИСЕФ маълумотларига қараганда, дунё миқёсида ҳар куни 4 мингга яқин киши яроқсиз сув истеъмол қилиш натижасида, йил давомида эса 3 млн. га яқин киши ҳаётдан кўз юмаяпти. Бундай муаммолар Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёни ҳам четлаб ўтмаяпти. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида ҳатто ариқ ва қудуқлар ҳам қуриб қолган. Шу боис миллионлаб одамларга ичимлик сув бошқа ҳудудлардан етказиб берилаётир.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Цивилизация баҳонасида сувнинг қадрини билияпмизми?
2. Мавжуд сув ресурсларидан меъеридан ортиқ фойдаланишни қандай тушунтирасиз?
3. Келажакда сув олтиндан қиммат бўлишига ишонасизми? Далил келтира olasизми?



Жуфтликда ишлаймиз



Сўзлаймиз

4. Ривожланган давлатлар қашшоқ мамлакатларга нега нефтдан кўра сувни чиқариб бермайдилар?
5. Ҳар куни 4 мингга яқин киши яроқсиз сувни истеъмол қиляпти деганни қандай тушунтирасиз?



Ёзамиз

6. Расмлар асосида “Сув бу – тухфа, инсоннинг унга муносабати эса қандай?”. Сувнинг танқислигига, ифлосланишига “Ким айбдор?” масаласини “Оқилнинг олти қалпоғи” ёки “Фикр ҳимояси” усулида ҳал қилинг. Атоқли отларни атанг.





Муносабат	“Менинг фикримча, бу (масала)...”
Оқлаш (қоралаш)	“Чунки, сабаби...”
Мисол	“Мен буни ... исботлар эдим. Исботи шуки”
Хукм	“Бундан келиб чиқиб, хулосам шуки”





Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

144-машқ. Матннинг мазмунини ўзлаштиринг.



Плато Устирт



Алтай



Сарыарка



Прибалкашская равнина



Тянь-Шань



Жонгарский Алатау

Қозоғистон Евроосиё қитъасининг марказий қисмида жойлашган. Ватанимиз ғарбида Каспий бўйи ботиғи, шарқида Олтой тоғлари, шимолидаги Ғарбий Сибир текислиги, жанубида Тянь-Шань тоғлари жойлашган бепоён ўлка. Худуди ўрмон-дашт, дашт, яримчўл, чўл кенгликлари бўйлаб чўзилган. Дунё океанларидан узоқ жойлашганлиги сабабли майдоннинг кўп қисми чўллардан иборат. Ўз навбатида бепоён ўлкамиз табиий бойликларининг бебахоси сувнинг захирасига жуда бой. Республикамизнинг (турдош, аниқ, содда, якка от, географик ном, I шахе кўпликда, унли+ *-миз*, *-нинг* қаратқич келишиги) ички сувларига унинг худудидаги сувнинг барча турлари, яъни дарёлар, кўллар, ер ости сувлари ва музликлар киради. Ер рельефи билан иқлимга боғлиқ Қозоғистон дарёлари нотекис тақсимланган. Иқлими қуруқ чўл ҳамда яримчўл қисмларида дарё, кўл кам, ёғин-сочин кўпроқ бўлган ўрмон, дашт қисмларида баланд тоғли ўлкалар оқар сувларга бойдир. Қозоғистоннинг барча дарёлари, асосан, икки ҳавзага: **Шимолий Муз океани** ва **ички берк ҳавзага** киради. Шимолий Муз океани ҳавзасига кирадиган дарёлар Савур-Тарбағатай ҳамда Олтой тоғларидан, Сариарқадан ҳамда Жанубий Урал тоғининг жанубий-шарқидан бошланади.

Бу ҳавзанинг дарёсидан бири **Иртиш**–Хитой худудидаги Монголия Олтойи тоғининг ғарбий бағридан Қоратош Иртиш деган ном билан оқиб келиб, Зайсан кўлига қуйилади. Дунёдаги энг йирик дарёларнинг бири. Иртиш дарёсига кўпгина irmoқлар келиб қўшилади. Ўскемен шаҳридан пастда Иртиш кенг водий бўйлаб оқиб, унга Улби билан Оба дарёлари қуйилади. Иртишнинг тўйиниши



аралаш бўлиб, баъзи ирмоқлари Олтой тоғининг доимий қор ва музликларидан, баъзилари ер ости сувларидан, баъзи ирмоқлари ёмғир ва қорлардан тўйинади. Ёсил ва Тобил дарёлари ҳам Қозоғистоннинг шимолий ҳудудларини босиб ўтиб, Иртишга қуйилади. Иртишда бир неча сув электр станциялари қурилган. Унда яна чўртан, осётр, лаққа балиқ, окун, сазан, сельд, леш, карас ва бошқа турлари овланади.

М. Абдуллаев



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Жуфтликда ишлаймиз



Сухбатлашамиз

1. Матн мазмунини қисқача оғзаки баён этинг.
2. Қозоғистон қандай иқлимий минтақада жойлашган?
3. Ер рельефини қандай тасвирлай оласиз?
4. Шимолий Муз океани ҳақида қандай тушунчага эгасиз? Нима биласиз?





Ёзамиз

- «Елпиғич» усули асосида матн юзасидан очиқ саволлар тузинг ва гуруҳлараро алмашинг.



- Отларни қавс ичида ажратиб кўрсатилган намунадек ёзинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Жуфтликда ишлаймиз

- Интернет манбаларидан фойдаланиб, “Қозоғистон сувлари, дарё ва кўллари” номли 3-4 дақиқали ҳужжатли фильм томоша қилинг. Олган маълумотларингиз билан ўзаро фикр алмашинг. Нотаниш сўзларни А4 русумли қоғозга ёзиб боринг.



Ёзамиз



Жуфтликда ишлаймиз

145-машқ. Таркибида *Абду, -қул, -бой, -хон, -жон, -ой, -шо, -хўжа, -бек, -тўра, -бону, -улла, -ёр, -берди, -зода, -буви, -бобо* каби киши номларига мисоллар келтиринг. Мисолларнинг мавзу доираси сув мавзусига оид бўлсин.

Масалан: Ойбек, Қодирқул, Шодиқул, Асрор бобо, Мирзо Улуғбек...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Ёзамиз




Якка тартибда ишлаймиз

- Смарт жадвалдаги тушунчаларни ўзаро мослаштиринг, мисолларни давом эттиринг. Ўйланг, изланг, хулосаланг.



2. Ватанимиз харитасидан географик номларни СМАРТ жадвалга ёзинг.



Ёдда сақланг!

Китоб, газета, журнал, кинофильм, кинотеатр, спектакль, завод, фабрика, ташкилот, корхона, меҳмонхона, маҳсулот номлари, машинага қўйилган номлар бош ҳарф билан ёзилади ва қўштирноқ ичига олинади. “Жанубий Қозоғистон” газетаси, “Аватар” фильми, “Олтин одам” фабрикаси, “Риксос” меҳмонхонаси, “Лексус” машинаси, “Қорақум” конфети. Аммо шаҳар, қишлоқ, кинотеатр кишилар номига қўйилган бўлса, қўштирноқ ишлатилмайди. Сейфуллин номидаги кинотеатр, Сатбаев номидаги шаҳар каби.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

146-машқ. “Тўғри-нотўғри тушунча” усулида ишланг.

- Иссиқ сув совуқ сувдан кўра тезроқ музламайди.
- Сувнинг хотираси мавжуд .
- Асабийлашиш ва толиқишга чанқоқлик сабаб бўлиши мумкин.
- Сув организмга ёғларни ўзлаштиришга ёрдам беради.
- Организмда сув миқдорининг 2 фоизга камайиши ақлий ва жисмоний қобилиятларнинг 20 фоизга сусайишига сабаб бўлади.
- Сув инфрақизил радиацияни ютиш хусусиятига эга эмас.



- Бир куб сантиметр миқдоридagi денгиз суви таркибида 1,5 гр. оқсил ва бошқа фойдали моддалар бор.
- Сувнинг таркибини ҳатто мусиқа ҳам ўзгартириши мумкин.
- Бир идишда 10 литр сув бўлса, у музлагандан сўнг 11 литрни ташкил этади.
- Тундаги сув кундузгидагига қараганда оғир эмас.
- Тиббиётда сувдан қўрқиб касаллиги гидрофобия дейилиши мумкин.
- Тиббиётда сув билан даволаш гидротерапия дейилмайди.
- Саҳродаги одам ёмғирда қолиб ҳам қуруқ юриши мумкин.
- Ҳар йили ерга тахминан 519 000 километр куб ёмғир ёғади.
- Ҳар юз миллион одамнинг бирида ёмғир сувига аллергияси бор. Бундай одамнинг баданига сув тегса, олдин қизаради, кейин шишиб кетади. Агар у ёмғирда қолиб кетадиган бўлса ҳалок бўлиши ҳам мумкин.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Ушбу саволларни уч гуруҳда муҳокама қилинг: “Тушингни сувга айт” тушунчасини қандай тушунтира оласиз? Сувсизликдан инсонда ақлий сустлик пайдо бўлиши мумкинми? Табиат инсонни ифракизил нурлардан қандай муҳофаза қилади деб ўйлайсиз?



Жуфтликда ишлаймиз

2. Гуруҳдаги муҳокамаларингиз асосида фикрларингизни жамлаб, муҳокама эссе ёзинг.
3. Жуфтликда ишларни ўзаро алмашинг.



Бу фойдали!

- Сувнинг яна бир муҳим хусусияти унда иссиқлик сиғимининг юқорилигидадир. Сувнинг иссиқлик сиғими ёғочникдан 2 баравар, қумникдан 5 баравар, темирникдан 10 баравар ва ҳавоникдан 3200 баравар юқори.
- Атмосферадаги сув буғлари қуёш радиациясини филтрлаб, унинг ҳароратини 80% га ютади ва бу ҳароратни сутканинг қуёшсиз пайтларида сарфлайди. Шу асосда кун ва туннинг, ёз ва қишнинг ҳарорати ўртасидаги фарқ камайтиради. Бундан ташқари ер юзидаги сувликлар ва улардан кўтарилаётган сув буғлари ерда иқлим ҳосил қилиши, минтақаларнинг иқлими орасида ўзаро боғлиқлик бўлишини таъминлайди.



3-дарс: ТАБИАТ ТИКОНДАН ГУЛ, АРИДАН БОЛ ЯРАТАДИ.



Ўқиймиз



Ёзамиз

147-машқ. Матни ўзлаштиринг. Қайта ҳикояланг.



Меҳмондўст дарё

Икки давлат ҳудудидан Қозоғистон ва Россиядан оқиб ўтувчи – **Есил дарёси** Қозоғистоннинг Нияз ясси тоғи шимолӣ-шарқий томонидан бошланади. У Ир-тишнинг сўнг ва энг узун ирмоғи. Қозоғистондаги асосий ирмоқлари ўнг томондан булар – Колутон, Жабай, Аққанбурлик, Иманбурлик, сўнг – Терисаққан. Унинг бир неча тармоқлари бор, улар ёзда қуриб қолади. Есил Астана шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтади ва шаҳарни икки қисмга ажратиб туради. Есил дарёсига Кўкчатов ёнида бир нечта ирмоқлар қўшилиб, у суви кўп дарёга айланади. Яна дарё бўйида Отбосар, Есил, Петропавл, Ақмўла областига қарашли шаҳарлар жойлашган. Дарё қишнинг ноябрь ойларида музлайди ва апрель, май ойларида





очила бошлайди. Қорлар эриган пайтда дарё сувлари кўпаяди. Дарё суви кичик кемаларнинг қатнашига қулай. Кичик кемалар дарё соҳили бўйлаб Петропавлдан 270 км юқорига кўтарила олади.

Есил дарёсида кемалар қатновига қулай бўлиши ва шу ҳудудларни сувга бўлган талабини қондириш мақсадида Сергеевка, Вязьма сув омборлари қурилган. Балиқчилик хўжалиги ҳам жуда бой. Шунингдек, дарёнинг қуйи оқимида Панов ва Уст-Ишим қишлоқлари яқинида 2008 йилда замонавий одамнинг (*Homo sapiens*) турига тегишли инсоннинг энг қадимий қолдиғи – сон суяги топилган. Суякнинг ёши 45 минг йил эканлиги аниқланди. ДНК сифати унинг Y хромосомали эканлигини кўрсатди.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Гуруҳингизда дарёнинг харитасини чизинг. Унинг яқинидаги шаҳару қишлоқларни кўрсатишни ҳам унутманг.



2. Матнда сув омборлари ҳақида фикр айтилди, сув омборлари, тўғонларининг зарари ва фойдаси ҳақида фикрингизни “Оқилнинг олти қалпоғи” усули ёрдамида билдиринг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

3. Интернет манбаларидан фойдаланиб, мавзу бўйича видеолавҳадан олган маълумотларингизни юқоридаги маълумот билан қиёсланг. Фарқланувчи маълумотларни эшиттириб айтинг.



Ёзамиз

4. Қаер? сўроғига жавоб берувчи сўзларни ёзиб олинг.



Билиб олинг!

Давлат, ўлка, шаҳарларнинг расмий номлари мураккаб, яъни бир неча сўздан иборат бўлса, барча сўзлар (жумладан, республика, қироллик сўзлари ҳам; М-н: Лихтенштейн Қироллиги, Қозоғистон Республикаси) ажратиб, бош ҳарф билан ёзилади. Даҳа, маҳалла, жамоа ҳўжаликлари номлари таркибидаги номли, номидаги сўзлари бўлмаса, атоқли отлар қўштирноқ ичига олинади.



Ёзамиз Жуфтликда ишлаймиз

148-машқ.

1. Қуйидаги сўзларни пайт чегарасига кўра кетма-кет жойлаштиринг.
2. Пайт (замон) отларига қўшиладиган **-лар** кўплик қўшимчасининг маъноларини аниқланг.
3. **-ча,-лаб** қўшимчаси қўшилганда маъно ифодаланишини тушунтиринг. Смарт жадвалдан фойдаланинг.

Эрталаб, кечқурун, тушгача, пешин, ярим тун, тонг, оқшом, кеча, кундуз, шом, хуфтон, намозшом, кунботар, кунлар, ҳафталар, ойлар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Тушунчалар асосида хулоса билдириг.





Ёзамиз



Муҳокама қиламиз

149-машқ. Матни ўзлаштиринг. Сарлавҳа қўйинг.



Ирмоғи топилмаган сувнинг денгиздан 80 км узоқда бўлишига ва атрофида бошқа ҳеч бир қудуқ йўқлигига қарамай қанча йиллардан бери қуриб қолмаётганлиги тадқиқотчиларни ҳайрон қолдирмоқда. Бир ярим метр чуқурликдаги қудуқдан ҳаж мавсумида миллионлаб ҳожи сувга бўлган эҳтиёжини қондирса ҳам сув камаймайди.



Ичган кишининг очлигини ва чанқоғини босадиган сувнинг сири тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Европадаги лабораторияларда ўтказилган тадқиқотларда сув таркибида жуда кам миқдорда олтингугурт борлиги аниқланди. Америкадаги тест натижалари эса замзам сувининг ичида микроорганизм ва бактерия бўлмаган ягона сув эканлигини кўрсатди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарафидан ҳам замзам дунёнинг энг соғлом сувларидан бири деб эълон қилинди. Замзам ер юзидаги энг муқаддас тупроқдан чиқадиган



сув ҳисобланади. Пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) муборак юраклари бир неча марта ювилган сувдир. Ҳар даража даводир. Хусусан безгак касаллигига шифо. Замзам сувининг азон айтилганда тиниқлашишини айтган япон олими доктор Масару Ямото “Замзам атрофидаги барча ўзгаришларни хотирасида сақлайди. Тузилиши бошқа сувлардан фарқ қилади. Бу уни дунёдаги бошқа элементлардан устун қилади” – деди. Ямото замзам кристалларини микроскоп остида тадқиқ қилди. Сувнинг кристал тузилиши турли частоталарда ўзгаришини кўрган Ямото замзам кристалларининг Қуръони карим ва азон овозларида порлашини пайқади.

(Зийёуз саҳифаларидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Сув инсоннинг қорнини тўйдириши мумкинми?
2. Ҳаж сафарига борган инсонлардан Замзам суви ҳақида эшитган маълумотларингиз билан ўртоқлашинг.
3. Замзам суви инсон касалликларидан тузатиши мумкин экан, нега ўзга сувлар шундай хусусиятга эга эмас?
4. Маълумотни ўргандингиз, қандай ҳисдасиз? Мўъжизами ё қудратми?



Ёзамиз

5. Ўрин-жой номларини кўрсатинг.



Ўқиймиз

150-машқ. Матн мазмунини ўзлаштиринг.





“Одамлар, кимсиз ўзи?”

Ўша пайтларда улар суви мусаффо, ҳароратли ва сокин кўрфазда яшашар, у ерда балиқ мўл-кўл бўлиб, ҳаммаларига етиб ортар, бинобарин, дельфинлар қорин ташвишидан бутунлай фориг эдилар. Ўзига айтилган гапни ҳали тушунмаса ҳам, лекин сузишга келганда дельфинчага етадигани йўқ эди, у шунчалар моҳирона сузар эдики, гарчи очиқ денгизга чиқмаса ҳам бир ўзи кўрфазда эмин-эркин сузиб юра оларди. Дельфинча ҳар куни эрталаб, кун энди ёйила бошлаганда ота-онаси билан бирга денгизга балиқ овлаш учун чиқадиган таги ясси кема ортидан эргашиб юрарди. У ўша кеманинг капитани билан унинг икки нафар ёрдамчи матросларини аллақачон таниб олган эди. “Кармина” деб номланган бу кема ана шу уч кишига тегишли эди. Дельфинчани ўзига ўхшаган, катталар доим овга ўзлари билан олиб чиқадиган кичкина одамча – қуралай кўз бола қизиқтириб қолганди.

“... Дельфинча Фукодан сўради ва йиғлаб юборди, ваҳоланки, дельфинлар одатда йиғламас эдилар: Биз ахир дўстмиз-ку, нега ахир сен ўзинг яшаётган қишлоқни, мана шу кўрфазни, мени яхши кўра туриб ташлаб кетмоқчи бўлаяпсан? Нега, нима учун?” ...Фуко: “...Бизнинг кўрфазда балиқ қолмади, одамлар сувни заҳарлашди, булғашди, балиқлар қирилди ёки олисларга кетиб қолди, балиқчилар кун кўра олмаяпти. Бу ерда қолсанг, сен ҳам ҳалок бўласан”, – дейди.

Фуко тўғриси бўлганига қарамай дельфин боласи унга ишонмади ва уни яна саволга тутди.

– Нега улар сувни ифлос қилишади? Нима сабабдан балиқларни қириб юборишади? Нима фойдаси бор бунинг?

Фуко елка қисди ва кўнгли бузилиб деди:

– Пул учун, улар пул дардида шундай қилишган.

Буни эшитиб дельфин боласи довдираб қолди.

– Одамлар бизларга мутлақо ўхшамас экан. Сизлар ваҳший экансиз, сизларга заррача зиёни етмаган бўлса ҳам балиқларни ўлдирасиз, сувларни заҳарлайсиз, ер юзида ҳаёт чашмаларини қуритасиз, ўзгаларни яксон қилиш, қириш, ўлдириш, вайрон қилишга шароит яратасиз, йўл қўясиз! Фақат инсонларгина бир-бирига шундай адоватда яшар экан. Сизларнинг тилингизни ҳеч қачон ўрганмасам бўлар экан-а! Алвидо, Фуко-Фукиньо, биз бошқа ҳеч қачон кўришмаймиз!

(Хоан Игнасио Тайбо)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матн сарлавҳасига эътибор бердингизми?
2. Нега ундай номланади?



3. Матндаги асосий ғояни айтинг. Дельфин инсон билан гаплаша оладими?
4. Инсон пул учун қандай ифлослик қилиши мумкин?
5. Нега дельфинчанинг бошқа ерга кетгиси йўқ?



Ёзамиз

6. Матн асосида очиқ саволлар тузинг. “Чорси баҳс-мунозараси” усулида мунозара ўтказинг.
7. Отларни аниқланг, маъновий гуруҳларга ажратинг.
8. Дельфинча сўзига изоҳ беринг-чи? *-ча* қўшимчаси яна қандай сўзда иштирок этган?



Тақдимот

9. Дельфинча монологи (Унинг ҳиссий кечинмалари, инсон билан муносабати ва ҳк.).



4-дарс: ШУНЧАКИ “ЮМ-ЮМАЛОҚ ТОШ”ДАГИ ТИРИКЛИК



Ўқиймиз




Муҳокама қиламиз

151-машқ. Матни қунт билан ўқинг. Сарлавҳа қўйинг.

Сув бизнинг турмуш тарзимизга айланган, бир қарашда, оддийгина бир неъмат. Аммо унинг аслида нима эканлигини одамзот ҳали тўлиқ англай олгани йўқ. Ҳозиргача сувнинг олимлар изоҳлай олмаётган 43та хусусияти аниқланган. Қонунларга зид равишда сув бошқа субстанцияларга тегишли қонунларга бўйсунмаган ҳолда яшайди... Барча суюқликлар музлаганда тораяди, сув эса кенгаяди. Ҳар қандай



модда қаттиқ ҳолида суюқлигига қараганда оғир бўлади, сувда эса бунинг акси. Муз унинг юзасида қалқиб туради, физик қонунларга кўра чўкиб кетмайди. Фақат ўтган асрдагина олимлар бу шунчаки табиатнинг инжиқлиги эмаслигини пайқаб қолишди. Зеро, агар муз сувга чўкканида ҳавзалар туб-тубигача музлаб, улардаги ҳаёт тўхтаб қоларди. Демак, Аллоҳ сувга ҳаётни рағбатлантириши учун алоҳида хусусиятлар ато этган. Сувнинг яна бир антиқа хусусияти шундаки, у икки хил газ бирикмасидан – **кислород ва водороддан** ташкил топган. Бошқа ҳеч бир газлар ўзаро бирлашиб суюқлик ҳосил қила олмайди. Ҳатто хлор ёки фтор каби агрессив моддалар ҳам водород билан бирлашганда фақат сув эритмасидагина айрим кислоталарни ҳосил қилади. Яна бир ҳайратланарли томони шуки, сув бир вақтнинг ўзида учта – суюқ, қаттиқ ва газсимон ҳолатда бўла олади. Эрта баҳорда тонг чоғи ҳали музи эриб улгурмаган ҳовуз ёнига боринг-а, бунга ўзингиз амин бўласиз. Ҳаммасидан ҳайратланарлиси, сувнинг ҳар қандай



ҳажми битта молекуладир. Гап шундаки, сув – дипол, яъни манфий ва нисбий магнит қутбларига эга заррачадир. Ва ундаги барча молекулалар зудлик билан бирлашиб олади: манфий қутблилар нисбийси билан ва аксинча. Шундай экан, пиёладаги сув ҳам битта, Тинч океанидаги сув ҳам битта, ягона молекула!



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Музлаганда торайиш хусусиятига эга қандай суюқликларни мисол сифатида кўрсата оласиз?
2. Музлатгичда идишда турган сув музлаганидан сўнг қандай ҳодисага учрайди?
3. Қандай нарсалар сувда чўкмаслиги мумкин? Нега?
4. Кислород ва водород ҳақида тушунчангиз борми? Айтинг-чи?
5. Муҳокаманинг асосида ва танишиб чиққан маълумотларингиз асосида сув сўзини “Ассоциация” усулида таърифланг.



6. Қандай ўйлайсиз, ушбу маълумотларни сиз нима учун ўргандингиз? У маълумотлар сизнинг ҳаётингизда асқотадими?



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

152-машқ. Матни диққат билан ўрганинг.

Ўзи оқар сув

Хўжалик ва ичимлик мақсадларида фойдаланиладиган сув манбалари хилма-хилдир, буларга дарёлар, дарёлардаги ва сойлардаги сув омборлари, кўллар, ҳовузлар ва бошқалар киради. Ҳар бир манбадан сув олинганда сув олувчи иншоот қурилма ёки мослама билан жиҳозланади ва у сувни сув ўтказувчи иншоотга ёки бевосита истеъмолчига узатади. Сув олиш иншоотлари ўзи оқар турга ва сувни механик равишда (насослар орқали) тортиб берувчи турларга бўлинади. Шунингдек, бунда сув манбалари ёки ҳавзаларидан (сув омборлари) сувни каналлар,





айрим ҳолларда новлар ва туннелларга фақат ўзи оқар сув олишга мўлжалланган гидротехника иншоотлари кўриб чиқилади. Бундай сув олиш иншоотлари сувни ирригацияга, яйловларни сув билан таъминлашга, деривация ГЭС-ларига ҳамда ўзи оқар сув олишда ва бошқа истеъмолчиларга, масалан, иссиқлик ва атом гидроэлектростанцияларига ва баъзи бир ҳолларда хўжалик ва ичимлик сув таъминотига қўлланилади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матнда берилган сув иншоотлари ҳақида олган тушунчаларингизга таянган ҳолда саволларга ҳам жавоб беринг.
 - А. Сувни сиз қандай мақсадда фойдаланасиз?
 - Б. Сизнинг турар жойингизга яқин катта ариқ, канал, ҳовузлар, булоқ борми?
 - В. Сувнинг инсон ҳаётида яна қандай аҳамияти бор?
 - Г. Электр қувватини ишлаб чиқаришда сувдан фойдаланиш мумкинми? Яна қандай йўллари биласиз?
 - Д. Табиатни сақлаш ва зарар келтирмаслик учун қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
 - Е. Энергияни ишлаб чиқаришда “яшил экология” деганда нимани тушунаси?



Жуфтликда ишлаймиз

2. Қуйидаги расмларга изох беринг.






Ёзамиз

3. ГЭС, ТЭС (иссиқлик), АЭС тузилишига кўра қандай отлар, ёзилиши ҳақида ҳам айтинг.



Гуруҳда ишлаймиз

4. “Балиқ суяги” усулида “Энергия ишлаб чиқаришда ГЭС(АЭС, ТЭС)нинг хавфи, зарари ва фойдаси” масаласини кўриб чиқинг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Сўзлаймиз

153-машқ. Матнни ўзлаштиринг. Қуйидаги топшириқлар билан ишланг.

Илон изли Или

Или – узунлиги 1439 кмни ташкил қилувчи дарё. Унинг 815 км-и Қозоғистон ҳудудидан оқиб ўтади. Или аралаш сувлар билан тўйинадиган дарёдир. Тоғликлардаги қор ва музнинг эриши натижасида ундаги сув тошиш апрелдан июль ойларигача давом этади. Дарёга қуйилувчи ирмоқларида лойқали тошқин-





лар(сел) ҳам тез-тез бўлиб туради. Тоғли жойларда куз келиши билан ҳаво ҳарорати салқинлагач, тошқинлар сусаяди. Или дарёси Хитой чегарасигача чўзилиб, чуқурроқ жойларида кемалар қатнай олади. Дарёнинг ирмоқларидан деҳқончилик мақсадида фойдаланилади. Шунингдек, тўғон қурилиб сув омбори ҳам ишга туширилган. Қозоғистонда сунъий қўллар (сув омборлари) кўп. Республикамиздаги энг йирик сув омбори Иртишдаги Бухтирма сув омборидир. Сув омбори Бухтирма ГЭСини қуришга мўлжалланган. Бухтирма сувининг чуқурлиги 11 метр.

Электр қувватини ишлаб чиқариш мақсадида қурилган иккинчи йирик сув омбори бу Қапчиғай сув омборидир. Омбор ГЭС учун ҳам фойдаланилади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Аралаш сувлар билан тўйинадиган дарё тушунчасига изох беринг.
2. Сув тошқинининг фаслларга қандай боғлиқлиги бор?
3. Матн асосида “Хатони ушла” усулида гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.



Ёзамиз



Якка тартибда ишлаймиз

4. Матн асосида қуйидаги жадвал билан ишланг.
5. От сўз туркумлари кўрсатинг. Ўзаро фикр алмашинг.

Очиқ саволлар	Жавоб	Ёпиқ саволлар	Жавоб
Сув омборларидан қандай мақсадда фойдаланилади?	ГЭС, хўжалик, селларга қарши ва ҳк.	Сув омборлари керакми?	Йўқ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

154-машқ. Қуйидаги тасвирни шарҳланг ҳамда яхлит матнга айлантриб ёзинг.





Бу фойдали!

- Сувнинг табиатда айланиб туриши нафақат сув миқдорининг барқарорлигини таъминлайди, балки унинг сифатини ҳам тиклаб туради. Текширишлар кўрсатишича, табиатда айланиш жараёнида атмосфера намлиги 8-10 кун давомида тўлиқ янгиланади, яъни шу давр мобайнида у тўлиқ айланади. Бу жараён дарё сувларида 12-16 кунни, кўл сувларида 200-300 йилни, океан сувларида эса 3000 йилни ўз ичига олади.
- Оқар сув ўз ҳаракати давомида қуёш радиацияси ёрдамида сув ўтлари, бактериялар ва замбуруғлар иштирокида кечадиган гидробиокимёвий жараёнлар натижасида ўз-ўзини баъзи ифлосликлардан тозалайди. 1 суткада у ярим тозаланади, 4 сутка давомида эса тўлиқ тозаланади. Лекин унга ифлос сувларнинг кўп ташланиши, таркибига заҳарларнинг аралashiши тозаланиш жараёнини сусайтиради ва уни ҳатто тўхтатиб қўяди.





5-дарс: МУЗЛИКЛАР – ЕР ШАРИНИНГ “ХАВФСИЗЛИК ҚАЛПОҒИ”



Ўқиймиз




Муҳокама қиламиз

155-машқ. Матнга сарлавҳа қўйинг. Қуйидаги топшириқлар устида ишланг.



Бугунги кунда экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим исишининг олдини олиш, сайёра аҳлининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш инсоният олдидаги энг нозик, ҳаёт-мамонт масаласига айланмоқда. БМТ-нинг Озиқ-овқат ва деҳқончилик масалалари бўйича ташкилоти фойдаланилаётган сув миқдори мавжуд қайта тикланидиган сув манбалари заҳирасидан анча кўпайиб кетганини таъкидламоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, биргина Шимолий Африка мамлакатлари мавжуд чучук сув заҳираларининг тенг ярмини истеъмол қилаётган ҳудуд бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат ана шу ҳудуднинг катта қисми қуруқликдан иборат экани ёки ҳароратнинг ўта юқорилиги билан эмас, балки Ер шарининг айна шу қисмида дунё аҳолисининг катта қисми жойлашгани ва уларнинг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқдир. Айтиш керакки, Ер юзининг 70 фоизи сувликлардан иборат экан, шунинг атиги 2,5 фоизигина истеъмол қилишга яроқли сув бўлиб, унинг асосий қисми Арктика, Антарктида ва Гренландия музликларида тўпланган.





Бу ҳудудлардаги айсбергларнинг ўртача ҳажмдагиси 20 млн. тонна тоза сув захирасига эга. Лекин кейинги 25 йил мобайнида Арктикадаги музликлар қалинлиги 120 сантиметрга эриган.

Биосферадаги сув ресурсларининг захираси жуда катта бўлиб, у қарийб 1,5 млрд. км кубга тенг. Бу заҳиралар 2 турга бўлинади – асрий заҳиралар, яъни абадий музликлар ва қайта тикланадиган заҳиралар, яъни табиатда айланиб турадиган сувлар.



Бу фойдали маълумот!

Гидросферанинг қисмлари	Чучук сувнинг ҳажми (км.куб)
Музликлар	24 000 000
Ер ости сувлари	4 000 000
Кўллар ва сув омборлари	155 000
Тупроқдаги намлик	83 000
Атмосферадаги сув буғлари	14 000
Дарё сувлари	1200



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Сув, озиқ-овқат ва деҳқончилик тушунчаларини ўзаро нима боғлайди?
2. Сув захираси кўпайгани яхшими ёки камайганими?
3. "Бу фойдали" туркумида берилган чучук сувнинг жами миқдорини ҳисоблаб чиқинг.
4. Гуруҳлараро ушбу масалаларни муҳокама қилинг: Музликларда заҳиранинг энг кўп қисми мавжуд экан, бу музликларни сув тансиқ мамлакатларга ажратиб олиб етказиб бериш фикрига қандай муносабат билдирар эдингиз? Глобал исиш жараёни нима? Табиий ҳодисаами ёки инсон "ҳаёти" натижасими? Музликлар бу ер шарни учун "хавфсизлик қалпоғи" фикрига қўшилмасими? Нега?



Тақдимот

5. Глобал иқлим исиши мавзусида креатив постер тайёрланг.

Намуна.





Ёзамиз

6. Матндан номларни жадвалга жойланг.


От сўзлар	Тури	Сўроғи	Топоним	Ташкилот номи
-----------	------	--------	---------	---------------

7. Расмлар асосида глобал иқлим исишининг сабаби, уни бартараф этиш ва оқибати масаласини “Оқилнинг олти қалпоғи” ёки “Фикр ҳимояси” усулида ҳал қилинг.



Муносабат	“Менинг фикримча, бу (масала, шахс)...”
Оқлаш (қоралаш)	“Чунки, сабаби...”
Мисол	“Мен буни ... исботлар эдим. Исботи шуки,..”
Ҳукм	“Бундан келиб чиқиб, хулосам шуки, ..”

Гренландия музликлари.



Маккарти музлиги, Аляска. Июль 1909 й. – август 2004 й.






Аляска. Педерсон музлиги. Ёз 1917 й. – ёз 2005 й.



Муир музликлари, Аляска. Август 1941 й. – август 2004 й.




Мар-Чикита кўли, Аргентина. Июль 1998 й. – сентябрь 2011й.






Яқин Шарқдаги энг йирик денгиз кўли. Эроннинг Урмия кўли. Сентябрь 2000 й, август 2010 й, июль 2014 йиллар.



Тобогган музлиги. Июнь 1909 й. – сентябрь 2000 й.



Оқибати қандай бўлади?





Ўқиймиз



Мулоқот

156-машқ. Матн асосида диалог тузинг.

- Осиё қитъасида сайёрамизнинг 60 фоиз аҳолиси истиқомат қилса-да, минтақада мавжуд сув ресурсларининг атиги учдан бир қисми жойлашган.
- Жаҳоннинг 40 га яқин давлати қурғоқчил ҳудудларда жойлашгандир.
- БМТ маълумотларида қайд этилишича, дунёда сабаби сувга бориб тақаладиган 300 га яқин кичик келишмовчиликлар ва мунозарали вазиятлар мавжуд. Сўнгги ярим аср мобайнида жаҳонда сув ресурслари билан боғлиқ 500 дан ортиқ баҳсли ҳолат юзага келган бўлиб, уларнинг 20 таси ҳарбий ҳаракатлар билан яқун топган.
- Ҳозирда сув билан боғлиқ турли низоларнинг ўчоғи сифатида кўпроқ Яқин ва ўрта Шарқ давлатлари тилга олинаётир. Мисол учун, Туркиянинг Дажла ва Фрот дарёлари узра 22 та тўғон ва 19 та электростанциялар қурилгани натижасида сув оқими икки баробарга камайиб, Ироқнинг сувга бўлган эҳтиёжи тўлалигича қопланмай қолаётганини таъкидлаш мумкин.
- БМТ маълумотларига қараганда, бугун дунёда 260 дан ортиқ трансчегаравий дарёлар бўлиб, уларнинг 70 таси Европа, 53 таси Осиё, 39 таси Шимолий ва Марказий Америкада, 38 таси Жанубий Америкада ва 60 таси Африка ҳудудида жойлашган.
- Жаҳон табиатни асраш фонди маълумотларида сарфланаётган чучук сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги, 20 фоизи саноат ишлаб чиқариши, атиги 10 фоизигина маиший истеъмолга йўналтирилади қайд этиляпти. 2050 йилга бориб эса экинзорларга оби-ҳаёт заҳираларининг 90 фоизи йўналтирилиши мумкин. Шунингдек, бугунги кунда электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб бораётгани ҳам айнан сув билан боғлиқдир. 2030 йилга бориб бундай эҳтиёж 55 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Диалог асосида мулоқот қилиб бўлгач, очиқ сўроқлар асосида “Иссиқ ўриндиқ” усули ёрдамида савол-жавоб ўтказинг.



Ўқиймиз



Ёзамиз

157-машқ.



Матнолди топшириқлар.

1. Жадвалда отларни ташкилот, корхона, муассаса номлари, топонимлар каби гуруҳларга ажратиб ёзинг.
2. Тугалланмаган гаплар усулида берилган сўз бирикмаларини ва қисқартма отларни гап таркибида қўллаб ёзиб олинг.

I. Қозоғистон ерида минерал хом ашёларнинг кенг миқёсда ўрганилиш йўлга қўйилиб, **Олтой полиметалл**, **Отбосар полиметалл**, **Қозоқ геологик текшириш трестлари**, **Қозоқ геология, гидро-геодезиялик** бошқармалари қурилган. Шунингдек, **Қозоғистон Фанлар Академияси**, “Отбосар” рангли металлургия трести, **Қорсоқбой кон комбинати**, **Алмати Геология институти**, **Қозоғистон Республикаси Миллий Академиясининг География фанлари институти**, **Жезқазған кон металлургия комбинатлари фаолият юргизмоқда**.

II. **Халқаро Олимпия Қўмитаси...**, ... хайрия жамғармаси..., **Қизил ярим ой халқаро жамияти...**, **Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти...**, **Бирлашган миллатлар ташкилоти...**, **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти(ШОС)...**, **ЮНЕСКО ...**

Ёдда сақланг!
муассаса,
ташкилотлар
макон
маъносида
кела олади.
Нима? ва
қер?



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Хайрия жамғармасини тузинг. Президентини сайланг. Иш режасини унутманг. Келгуси машғулотга “**Эзгулик куни**”ни ўтказинг. Уйингизда фойдаланмаётган китоблар, ўйинчоқ, ўқиш учун зарур: қалам, ручка, рангли фломастерлар ва ҳк. (янгиси ҳам бўлади) зарур ўқувчиларга ёки Болалар уйига тақдим қилинг.



Билиб олинг!

Халқаро ташкилотлар – давлат ёки ҳукумат қарамоғида бўлмаган, давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг энг муҳим шаклларида бири. Халқаро ташкилотлар XIX асрларда вужудга келди. Ҳозирги кунда Халқаро ташкилотларнинг сони тўрт мингдан ортиқ бўлиб, уч юзтаси ҳукуматлараро ташкилотдир. Корхона, ташкилот, муассасалар маълум бир мажбуриятларни ўзига олиб – юридик шахс ҳисобланади.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

158-машқ. Расмлар асосида мулоҳаза билдилинг.



Қозоғистоннинг ҳудудидан фақат бошланиш қисмигина оқиб ўтувчи яна бир дарё бу – **Тоболь дарёси**. У Жанубий Уралнинг шарқий томонидан бошланади ва йўлида Тўрғойнинг Тўрткўл ўлкасидаги ирмоқларини ўзига қўшиб олади ва тўйинади. Тоболда ҳам тўғонлар қурилган: Қизилжар, Омонкелди.





Бухтарма дарёси – Иртишнинг серсувли ўнг irmoғи бўлиб, Олтойнинг музликларидан бошланади. Бухтарма соҳиллари жар тошли бўлиб баландлиги 100-200 метргача етади. Дарё ўзанлари тоғларнинг орасидан оқиб ўтишига қарамай жуда чуқур ва тез оқар ҳисобланади. Дарёдан ёғоч хом ашёсини оқизишга ҳамда электр қувватини ишлаб чиқаришда фойдаланилади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Дарёларнинг географик ва зоологик харитасини чизинг. Жониворларга изоҳ ёзинг.
2. Табиатнинг мафтункорлигидан илҳомланиб, “*Синквейн*” ёзинг.



6-дарс: СУВНИНГ ТОМЧИСИ ҲАМ СУВ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

159-машқ. Матн билан танишинг.

Сувнинг хотираси бор!

Агар сувнинг энг нодир хусусиятларини танлаб оладиган бўлсак, улар иккита: хотира ва ахборот узатиш. Сув нимаики бўлса, эслаб қолади. Биологларнинг аниқлашича, сув тирик организмларни нафақат суғоради, балки улар бўйлаб ахборот ташиydi. Айнан сув воситасида тирик жисм органлари бир-бирининг ҳолатидан бохабар бўлиб, қандай функциялар зарурлигини билиб туришади. Сув бу ахборотларни қаердан олиши тўғрисида эса фақат тахминлар қилиш мумкин, масалан, физикларнинг таъкидлашига кўра, Ерни ва ҳар бир одамни чулғаб, коинот билан боғлаб турувчи энергетик-ахборот майдонидан олиши эҳтимол. Нима бўлганида ҳам, сувнинг ахборотга эгаллиги факт.

Мана шу икки хусусият – хотираси ва ахборот узатишга қодирлиги тирик ва ўлик сув ҳақида сўз очишга замин бўлади. **Тирик ва ўлик сув фақат эртақдаги гап эмас**, бу асл ҳақиқат ва биз мунтазам равишда унга дуч келамиз...


Сув – ҳаётнинг ўзи! Бу таъкидни тўғри маънода қабул қилиш керак. Умуман олганда, бошқа ҳеч нарса истеъмом қилмасдан фақат сув ичиб, бемалол яшаш мумкин. Бугунги кунда иссиқ мамлакатларнинг фуқаролари ҳеч нарса емасдан, фақат сув ичиб юришлари ҳақида айтмоқдалар. Нега энди иссиқ мамлакатдагилар? Чунки шимолий кенгликларда танани иситиш ва ҳаводаги ҳароратни енгиш учун катта миқдордаги энергия талаб этилади. Аммо шундай вазиятлар ҳам бўладикки, егулик ва ичгуликлар тўлиб-тошган ерларда одамлар очлик ва ташналиқдан ҳалок бўлишади. Масалан, уммондаги кемалар ҳалокати қурбонларини олайлик. Денгиз сувининг истеъмомга яроқсизлиги аниқми? Бу саволни ўттиз йиллар муқаддам ўртага ташлаган шифокор Ален Бомбар кейинчалик жавобни ҳам ўзи топди. У мўъжазгина яхтада бир ўзи, ҳеч қандай озиқ-овқатсиз ва бир

томчи сувсиз йўлга чиқиб, Тинч океанини кесиб ўтди. Уч ой мобайнида уммонда сузиб 28 килога озиб кетди, аммо одам боласи денгиз суви ҳамда хом балиқ билан ҳам яшаши мумкинлигини исботлаб берди. Тиббиётчилар Ер юзидаги жуда кўп касаллик-





лар сувдаги минерал мод-даларнинг миқдори ёки уларнинг умуман йўқлиги билан боғлиқ эканлигини анча илгари аниқлашган. Гап шундаки, денгиз суви худди бизнинг қонимиздаги балансга эга, яъни минераллар миқдори бир хил. Бу – тирик сув!



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Сўзлаймиз

1. Сув тирик организмларни ва ўсимликларни бир ердан ўзга ерга ташувчиси бўла оладими? Мисол келтиринг-чи?
2. Сув қувуридан ичаётган сувингиз тирикми ё ўликми? Хомми ё пишганми?
3. Инсон денгиз сувини истеъмол қила оладими? Қайнатса-чи?
4. Идишдаги сувларни ўлик сув дея оламизми? Нега?
5. Табиат ва инсон ҳам ўзаро алоқа ўрнатганми? Бу алоқада ким кўпроқ фойда кўрди?
6. Келгуси машғулотга сув ҳақида “Сув – ҳаётнинг ўзи” мавзусида ҳикоя-эссе ёзиб келинг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

160-машқ. Кичик матнларни ўзлаштиринг.



I. Аякўз дарёси Сариарқадан бошланиб, Балхаш дарёсига етиб бориб қуйиладиган ёлғиз кичик дарё. Дарёнинг суви Торбағатой, Қалба ва Чингизтоғнинг



ён бағирларидаги булоқлардан тўпланади. У тоғнинг эриган қорли музларидан ва ер ости сувларидан тўйинади. Дарё баҳор ойларида лиммо-лим оқиб, фақат қиш ойларида ўртача миқдорда оқади. **Тентак дарёси** Жўнғор Олатоғларидан бошланиб, Сассиққўлга келиб қуйилади. Дарёнинг суви кўп бўлиб, Олакўл майдонидаги энг йириги ҳисобланади. Тентак эриган қор сувлари ва ер ости сувларидан тўйинади. Баҳор ойларида ҳаддан зиёд тўлиб оқади. Шунинг учун ундан экинларни суғоришда фойдаланилади. Бу мақсадда дарё бўйида сув иншоотлари қурилган.

II. Қоратол дарёси – Балхаш ҳавзасидаги йирик дарё. Жўнғор Олатоғларидан бошлангани учун тез оқар, ирмоқлари чуқур ва тор оқувчи тоғ дарёсидир. Дарё қирғоқлари кенгайиб, ювилиб илон изли бўлиб, қумли текисликлардан ҳам оқиб ўтади. Унинг сув аралаш сувлардан тўйиниб, баҳорда ёмғир сувлари ва музнинг эриганидан тошмайдиған хусусиятга эга. Сувнинг сатҳи июнь ойларида кўтарилади, қишда эса пасаяди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Дарёларнинг аралаш сувлардан тўйинишини қандай тушунтирасиз?
2. Харитадан матндаги дарёларни кўрсатинг.
3. Қўйидаги муаммоли жадвални “Кластер” ёки “Ассоциация” усулида давом эттиринг. Берилган сўзлар орасидаги боғлиқликни тушунтиринг.





Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

161-машқ. Фикр-мулоҳаза алмашинг.

Ер инсониятнинг, қолаверса, бутун мавжудотнинг ризқу насибасини берадиган бирдан бир манба. Ерни ҳимоялаш эса инсониятнинг келажагини белгилашга қаратилган тадбирлардан биридир. Негаки, бугун фаровон ҳаётни таъминлаётган она замин келажак авлодни ҳам боқиши керак. Шунинг учун БМТ резолюциясига кўра, 1971 йилдан буён ҳар йили **22 апрель – Халқаро ерни муҳофазалаш куни** сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Ушбу сана муносабати билан сайёрамизнинг турли минтақаларида тадбирлар ўтказилади, ободонлаштириш, кўчатлар ўтқазилуш каби хайрли ишлар амалга оширилади.



Ҳар йили 22 март куни жаҳон аҳли Халқаро сув ресурсларини муҳофаза қилиш кунини нишонлайди. Илк мартаба ушбу фикр 1992 йили Рио-де Жанейрода бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш конференциясида илгари сурилган эди. 22 март куни инсониятга яна бир мартаба сувнинг томчиси ҳам сувлиги, унинг қадрига етмоғимиз лозимлиги, ҳар томчи сувни тежаб ишлатишимиз кераклигини эслатиб турувчи кундир.



Бу фойдали!

Қозоғистоннинг тарихий саналари ва байрамлари

Мусулмонлар томонидан нишонланадиган дунёдаги энг катта диний байрамлардан бири Қурбон Ҳайитидир. Байрам уч кун давом этади ва мусулмонлар бу кунларни оила ва қариндошлар даврасида ўтказадилар. “Қурбон Ҳайити”нинг биринчи куни дам олиш куни ҳисобланади.

1 май – Қозоғистон халқининг бирдамлиги куни.

4 июнь – Қозоғистон Республикасининг Давлат рамзлари куни.

16 декабрь – Мустақиллик куни.

1986 йил 17-18 декабрь – Алматидаги ёшларнинг кўтарилиши

1991 йил 29 август – Семей ядровий полигони ёпилди.

1991 йил октябрь – Т. Аубакиров космосга учди

1992 йил 2 март – Қозоғистон БМТ-га аъзо бўлди



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Халқаро ерни муҳофазалаш кунида қандай эзгу ишлар амалга оширилади? Сиз ўзингиз нима ишларни амалга ошира оласиз? Дарахт экасизми?
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда сиз қандай ишларни бажара оласиз? Бажа-расизми?
3. Сиз тежамкормисиз? Оилангизда сувни тежашга муносабат қандай?



Ёзамиз

1. Тарихий саналардан фойдаланиб, гаплар тузинг. Ёзиб олинг. Отларнинг ёзили-шига эътибор беринг.
2. Ташкилотларнинг номлари ҳақида ўзаро фикр алмашинг. Байрамларни давлат, миллий, касбий турларга ажрата оласизми?



Ўқиймиз

162-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Кўнглимизни куйлатади,
 Ширин-ширин ўйлатади,
 Лолаларни ўйнатади
 Дарёларнинг шовуллаши.
 Янграб узоқ-узоқларга,
 Эшитилар қулоқларга,
 Куйлаб берар ўтлоқларга
 Дарёларнинг шовуллаши.
 Шўх дилларни титратади,
 Куйламоққа ўргатади,
 Бизларни ҳайрон этади,
 Дарёларнинг шовуллаши...



(Болалар учун шеърлар)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Сўзлаймиз

1. Шеърга чиройли сарлавҳа қўйинг, сўнгра шарҳини айтинг.
2. Дарёларнинг шовуллаши дилларингизни титратиши мумкинми?
3. Дарё инсонни нимаси билан ҳайратга солиши мумкин?



7-дарс: ҲАҚИҚИЙ ТИРИК СУВНИНГ ҚАДРИ.



Ўқиймиз

163-машқ. Матни диққат билан ўқиб, ўзлаштиринг.

Одам – бу сув!

Сувнинг хусусиятларини аниқлаш бўйича давримизнинг тенгсиз олими Масару Эмото: “... узоқ ва бахтли умр кўриш учун ўзимиз ташкил топганимиз – сувни тозалашни ўрганмоғимиз керак... Буни эса муз кристалларидан ўрганиш зарур», – дейди.

Олим микроскоп остида кристалларнинг кўриниши тасвирланган фоторасмларни ўрганади, моделлар тузади, яъни сувни сунъий равишда кристаллар ҳосил қилдиради. Нима учун? «Нега иккита мутлақо бир хил кристаллар мавжуд эмас? Нега айримлари ажойиб, бошқалари хунук?» деган саволларга жавоб бериш учун тажриба ўтказади. Бунинг жавоби асл кашфиёт бўлди: чиройли, мукамал кристалларни фақат тирик сув ҳосил қилар экан. Ўша организмга ижобий таъсир этувчи сув. Нотўғри, синиқ кристалларни эса танамизга зарар етказувчи ўлик сув ҳосил қилади. Бунга обиҳаёт таркибини буткул бузувчи модда – хлор қўшилган сув мисол бўла олади. Шундай экан, табиий сувни истеъмол қилинг. Масалан, эриган





қор суви ҳақиқий тирик сувдир! Текширишларда маълум бўлдики, бундай сув юқори биоактивликка эга ҳамда ўзининг физикавий-кимёвий хусусиятларига кўра бизнинг тўқималаримиздаги сувга жуда яқин. Тоғликларнинг узоқ умр кўриши сабаблари шудир, эҳтимол? Ахир улар ҳамisha музликлардан эриган сувни ичишади. Ҳа, биз тоғлик эмасмиз. Аммо тирик сув ичиш имконимиз бор: сувни қайнатиб, кейин 20 даражагача тез совутинг ва дарҳол ичинг. Бундай сув эриган сув билан деярли бир хил хусусиятлар касб этади. Терингиз юмшоқ ва эластик бўлади, яра ва куйган шикастлар тез битади. Нимагалиги номаълум, аммо бу факт: эндигина совиган қайнатилган сувда биоактивлик юқори бўлади, бир-икки соат ўтиб эса у ўзининг тириклик хусусиятларини йўқотади!



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Гуруҳлараро ушбу саволлар юзасидан муҳокама ўтказинг. Нега инсон танасидаги сувнинг миқдори камая боради? Уни кўпайтиришнинг иложи борми? Сув кристаллари тозалигини қачонгача сақлаши мумкин? Сувда инсонга зарарли микроорганизмлар пайдо бўлиши мумкинми? Ниманинг натижасида?



Жуфтликда ишлаймиз


2. Ушбу тушунчаларни расмга мослаштиринг: мия 90 % -и сув, сув тананинг ҳароратини назорат қилади, қон 83% -и сув, танадан токсинларни чиқаради, суякларда 22% -и сув, мушакларнинг (мускул) 75% -и сув, сув организмга керакли моддаларни ва кислородни еткази. Яна қандай тушунча қўшар эдингиз?





Ёзамиз

3. Матндан турдош отларни кўрсатинг, ўзаро фикр алмашинг.



Билиб олинг!



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

164-машқ. Матн билан танишинг ва қуйидаги топшириқларни бажаринг.

Сақлар Еттисув ва Сирдарё бўйларида ҳаёт кечирган. Юнон олимлари Геродот ва Птолемей ёзган асарларида Каспий денгизининг шарқидаги поёни йўқ текислик, у ерда яшайдиган халқлар, Ёйиқ, Жем ва Сирдарё ҳақида маълумотлар қолдирган. VI–VII асрларда Қозоғистон ҳудудида Буюк Ипак йўли пайдо бўлди. Буюк Ипак йўли Хитой ҳудудидан бошланиб, Жанубий Қозоғистон орқали Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср, Сурия, Византиягача чўзилиб кетди.

Қозоғистоннинг ғарбида жойлашган Каспий денгизи дунёдаги энг катта шўр кўл ҳисобланади. Оқувсизлигидан кўл деса ҳам бўлар, лекин жуда катта бўлганлигидан денгиз деб аталади. Каспий денгизи 13 минг йил илгари Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи орқали дунё океани билан туташган. Денгизнинг узоқ давр



тарихида ҳар хил миллат ва қабилаларнинг тилида 70га яқин ном билан аталган. Шулардан Хазар номи – араб тилида (Бахр-аль-хазар), форсийда (Дарья-е хезар), усмонли турк, озарбайжон тилида (Хазар денгизи), туркман тилида (Хазар дензи), Гиркон(қад.юнончада), Хвалис (қад. русчада) деб аталган.

Йирик бўғозларидан: Манғишлоқ, Қозоқча, Қора-Бўғоз-Кўлни атаб ўтсак бўлади. Денгизга 130та катта ва кичик дарёлар келиб қуйилади, булардан Ўрал ва Эмба Қозоғистонда, Кура (Озарбайжон), Атрек (Туркманистон), Сефидруд (Эрон)да жойлашган. Каспийнинг сувлари беш давлат ҳудудини:шимол ва шимол-ий-шарқда Қозоғистон, жанубда Эронни, жанубий-шарқда Туркман қирғоқларини, ғарбий ва шимолий-ғарбда Россияни, жанубий-ғарбда Озарбайжонни ювади. Шунингдек, дарё бўйида энг йирик шаҳар-портлар Боку, Туркманбоши, Энзели, Ақтов ва Атиров шаҳарлари жойлашган.

(Муаллифлар таржимаси)





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матн асосида очиқ саволлар тузинг. “Қор бўрон” усулида узатинг. Жавобларни диққат билан тингланг.
2. Харита чизинг. Унда Каспий дарёсининг бўйидаги давлатларни кўрсатинг. Иқлими, ҳаво ҳароратини эсланг.



Жуфтликда ишлаймиз

3. Остига чизилган сўзларнинг сўз туркуми бўйича таҳлил қилинг, мустақил чизиб олинг, қуйидаги гуруҳларга ажратинг.

Атоқли(қайси тури?)

Турдош(қайси тури?)

Аниқ. Мавҳум.



Мулоқот



Ёзамиз

165-машқ. Расмлардан фойдаланиб, Каспий денгизининг соҳилларида эко-саёҳат мавзусида диалог тузинг. Мулоқот мазмунли бўлсин, унутманг!

Намуна.



– Каспий шўр дарё экан, қизиқ унда флора ва фаунаси шу сувга мослашган экан-да, тўғрими?

–





- Килька (сельдлар оиласига мансуб майда балиқ), оқ балиқ, салмон (лосось), бақра балиқ (осётр),...
- Ўрдак, ғоз, оққуш...





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Саёҳатингиз нега эко-саёҳат деб номланган? Расмлар билан шу тушунча мос келдими?



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз

2. “Каспий дарёсини макон этган жониворлар” видеолавҳасини томоша қилинг, аудио эшиттиришдаги маълумотларни ёзиб олинг. “BBC, Миллий география”, “Хабар 24” каналларининг сайтларидан фойдаланишингиз мумкин.



Гуруҳда ишлаймиз

3. Инсоният учун нима зарурроқ: Каспий ёки нефть? “Сувни тозалаш усулларини таклиф қиламиз” мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг.



Ёзамиз

166-машқ. Берилган отларини қуйидаги жадвалга жойлаштиринг, қаторларни давом эттиринг.

Шодлик, бахтиёрлик, қувонч, парвоз, уйқу, момақалдироқ, инқилоб, тўполон, ғалаён, шовқин-сурон, ғалаба, камолот, ҳаёт, борлиқ, муҳаббат, дўстлик...

Жадвал

Ҳаракат-ҳолат отлари	Воқеа-ҳодиса отлари	Аниқ, мавҳум



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз Якка тартибда ишлаймиз



1. “Адашган мантиқий занжир” усулида берилган тушунча ва қўшимчаларни ўзаро мослаштиринг ва мисоллар келтиринг.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз

2. Интернет манбаларидан фойдаланиб, «Машҳур японча сув билан 1000та касалликни даволаш» видеолавҳасини кўринг. Лавҳа асосида фикр алмашинг.
3. Шерали Жўраевнинг “Дарёлар” қўшиғини тингланг, шарҳини айтинг.



Бу фойдали!

Ҳозирги кунда океан ва денгизлар сувининг ифлосланиши ҳам ошиб бормоқда. Океан ва денгиз сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш кўлами ҳам катта. Ҳисобларга кўра 1 л бензин 100 литр сувни, 2 литр нефть 200 минг литр сувни ифлослайди. Сувга тўкилган 1 тонна нефть 12 км/кв майдон сувининг устида плёнка ҳосил қилади. Ҳолбуки океанлар сувига ҳар йили ўртача 10 млн. тонна нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилади(қиёсланг: 119 минг тонна нефть 500 км/кв майдон сувининг устида 20 мм қалинликдаги плёнка қоплайди).

8-дарс: ШУНЧАКИ СУЗИБ ЮРГАН “КИТ”



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз


167-машқ. Спутникдан Оролнинг қуриши анимациясини Интернет манбаларидан фойдаланиб, томоша қилиб, шеърни овоз чиқариб ўқинг.

Орол

Бир қуруқлик пайдо бўлди,
Денгизда, не ҳол?
Меники деб эълон қилди
Кимлардир дарҳол.

Охир келиб қарашсалар,
Ҳеч вақо йўқдир,
Шунчаки у сузиб юрган
Кит экан, «Орол».

А. Орипов



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

168-машқ. Матни “Жигсо” усулида ўзлаштиринг, қайта ҳикоя қилинг.

Оролим – ҳасратим



Чўқон Валиханов Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиёни тадқиқ этган қозоғистонлик биринчи географ, саёҳатчи, мутафаккир олим, тарихчи этнографдир. Ҳарбий экспедицияга қатнашиб, Ўрта Осиёни, Иссиқкўлни, Қозоғистон



ерларини чуқур ўрганди. Чўқон “Венгрия очерклари”, “Кундалик дафтарлар” номли асарларини ёзди. Тянь-Шань Омби шахрида Чўқон Валиханов билан танишади. Омбидан чиқиб, Балхаш кўли орқали Верний шахрига боради. У Хон-Тангрини Тянь-Шань тоғидаги энг баланд чўққи эканлигини аниқлаган олим. Шунингдек, Сирдарёнинг бошланиш оқовасини аниқлаб, бошқа олимларнинг Чув ва Иссиқкўлга тегишли тахминини йўққа чиқариб, Чувнинг Иссиқкўлдан бошланмайдиганини исботлади.

Орол – Қозоғистоннинг жанубидаги катта кўл. Денгиз қадимдан кўпгина саёҳатчи-олимларни ўзига тортган. Ҳатто юнон олими Птоломей ҳам қизиқиб, кўлнинг жойлашишини тўғри кўрсатиб берган. Денгиз қишда тўлиқ музлайди, лекин сув сатҳининг 14,7 метргача камайиши туфайли шўрлиги ортяпти. Шунга қарамай, кўлда балиқнинг 30дан ортиқ турлари бақрабалиқ(осётр), сазан, леш, лаққа балиқ кабилар учрайди. Оролга қуйилувчи икки дарё Амударё ва Сирдарё сувларининг кўп қисмини қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши натижасида денгиз сатҳи тушиб, қуриб кетиши мумкин. Сўнгги 20-30 йилда денгизнинг майдони икки марта камайди.

Денгизнинг шимолида Борсакелмас оролида **Борсакелмас кўриқхонаси** очилиб, унда сайғоқ, жайрон, қулон, қирғовул ва қуш ҳамда бошқа жониворлар сақланиб келинмоқда. Бундан ярим аср муқаддам денгиз атрофларида 500 дан ортиқ оролчалар, кўллар, қўлтиқлар бўлиб, табиий жиҳатдан ажойиб кўринишга эга эди. Довудкўл, Ялтирбош, Судочье, Мошоикўл каби йирик сув ҳавзалари ва унинг атрофидаги ўрмонларда йўлбарс, ўрмон архари, ёввойи мушуклар, юзга яқин қуш турлари, ҳар хил ўсимликлар бор эди.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз


1. Матнни қайта ҳикоя қилинг.
2. Матнни “Инсерт” усулида белгиланг. Сўнг ҳар бир тушунчага изоҳ беринг.

“√” – биламан	Жавобингиз шарҳи, изоҳини <i>нега?</i> ва <i>нима сабабдан?</i> саволлари орқали ойдинлаштиринг.
“+” – билмайман	
“–” – янги ахборот	
“?” – тушунмадим	




Гуруҳда ишлаймиз

3. Матн асосида “Ўргимчак тўри” усулида савол-жавоб ўтказинг.



4. Матн асосида гуруҳингизда отларни маъновий гуруҳларга ажратиб, жадвал тузинг, топшириқ-жадвалларингизни гуруҳлараро алмашиб бажаринг. Шахс отларининг инсоннинг қандай хусусиятларига кўра ном бериш, ажрата олиш мумкинлиги ҳақида хулосангизни айтинг (қоида тузинг).

Намуна.





Ўқиймиз



Тақдимот

169-машқ.



Матнолди топшириқлар.

Ифодали ўқиш мусобақасини ўтказинг. Аввал гуруҳда, сўнг ҳар гуруҳдан бир ғолиб қатнашин.

Ёлғизлик (Орол монологи)

Жуда узоқ ўтмиш. Қорақум саҳроси орқали Каспий денгизига сув қуйиб турган Амударё нима бўлди-ю, ундан юз ўғириб, шимолга қараб оқа бошлади. У қум саҳролари текис тўқайларни босиб ўтди, қанчадан-қанча чуқурликларни сув билан тўлдириб, Хоразм ботиғига етиб борди. Бу ерни ҳам тезда «забт» этгач, яна шимолга йўл олди. Ниҳоят, у йўлда ўзига янги макон топди ва Мени – Орол денгизини ҳосил қилди. Худди шу вақтда Қизил Ўрда кўлини тўлдириб бўлиб, очиқ саҳрога жон киритиб келаётган Сирдарё ҳам Менинг қучоғимга кирди. Шу паллада Иртиш дарёси Тўрғай дарвозаси орқали ўз сувининг бир қисмини Менга «ҳадя» қилди. Лекин минг афсус Иртиш мени ташлади-кетди. Сувга чанқоқлигим ортганида эса Сирдарё ва Амударёлар бир умрга сув қуядиган йўлдошларим бўлдилар. Менинг ўзанларим тўлиб, сатҳим Ойбуғир ва Сарикамишгача кенгайди. “Йўлдошларим” бу жойларни тўлғазгач, Ўзбойга сув қуя бошладилар. Ўзбой эса Каспий билан тутшиб кетган эди. Ҳайҳот, энди Сарикамишимдан ҳам, Ойбуғиримдан ҳам айрилдим, видолашдим. Энди ёлғизман, чанқоқман..., чанқоқ...



Ёзамиз



Якка тартибда ишлаймиз

Жадвалга ёзиб олинг.

Матндаги ўхшатишлар (кўчма маъно)	Оролни тўйдирган сувлар



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

170-машқ. Матни ўзлаштиринг ва сарлавҳа қўйинг.



Оролбўйи ҳудуди ўзининг хилма-хил ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга бўлиб, ушбу ҳавзада 38 турдаги балиқ ва камёб ҳайвонлар мавжуд бўлган. Жайронлар 1 миллион бошгача, флора юзлаб камёб ўсимликларни ташкил этган. Орол денгизи 1960 йилгача энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган. Аввал ушбу денгиз балиқ етиштириш бўйича дунёдаги илғор масканларидан бири ҳисобланган бўлиб, Оролбўйи ҳавзасидаги йиллик балиқ овлаш ҳажми 30-35 минг тоннани ташкил қилган. Орол денгизи қирғоқларида яшовчи аҳолининг 80 фоизидан кўпроғи балиқ овлаш ва балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва етказиш билан банд бўлган.

Бугунги кунда Орол денгизининг катта қисми 5,5 миллион гектардан иборат қум-туз саҳросига айланган. Олимларнинг таъкидлашича, ҳар йили атмосферага қуриб бораётган денгиз тубидан 75 миллион тоннадан зиёд чанг ва захарли тузлар кўтарилиб, 400 километрлик майдон бўйлаб тарқалмоқда. Туз оқимлари аломатлари бутун Европа ва ҳатто Шимолий муз океанида ҳам кузатилмоқда.





Сувнинг ифлосланиши, денгизнинг қақраган тубидан катта миқдорда туз ва чанг кўтарилиши Оролбўйи минтақаси аҳолиси орасида турли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, бу ердаги хавфли экологик ҳолат болаларга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Орол денгизининг ҳалокатга учраши табиатга ҳам катта зарар етказаётир. Минтақада ҳайвонот ва наботот олами ярмидан кўпи, яъни балиқларнинг, сут эмизувчиларнинг, қушларнинг ва ўсимликнинг ўнлаб турлари йўқ бўлиб кетган.

Сув ресурсларининг танқислиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши, ернинг ифлосланиши ва яроқсиз ҳолга келиши, иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ равишда бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши – булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келаётган муаммоларнинг бир қисми, холос.



Сув ресурсларининг танқислиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши, ернинг ифлосланиши ва яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, аҳоли саломатлиги ва генофондининг ёмонлашуви, иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши – булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келаётган муаммоларнинг бир қисми, холос.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Мактабда экологик тарбия дарсини киритса қандай қарар эдингиз? Бу фан сизни нимага ўргатган бўларди?
2. Оролнинг экологик ва гуманитар оқибатларига қандай масалаларни киритар эдингиз?
3. Оролни нега ёпиқ сув ҳавзаси деймиз?
4. Оролбўйи қум-туз саҳросига айланди деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?
5. Ҳавога шамол билан кўтарилган қум-тузнинг зарари қанча майдонни қамраши мумкин? Нимага таъсири бор?



Ёзамиз



Якка тартибда ишлаймиз

7. “Орол – инсоният фожеаси...”, “Келажак авлодга мурожаат” мавзуларидан бирини танлаб, эссе ёзинг.

Р – роль(теле-радио муҳбир)
 А- аудитория (тингловчи-томошабинлар)
 Т- тузилиши—матн, очиқ хат, ҳикоя ва ҳк.
 М- “мавзу “.

*Аслида Орол сувга
 тўлганини кўриш
 фақат бир одамнинг
 эмас, бутун
 инсониятнинг
 орзуси.*



Видеолавҳа томоша қиламиз

8. Интернет манбаларидан фойдаланиб, мавзу бўйича видеолавҳада кўрган маълумотларингиз билан юқорида олган маълумотларни таққосланг.



Ўқиймиз

171-машқ. Матни қайта ҳикоя қилинг.



Инсониятнинг умумий муаммоси

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хулосаларига кўра, долзарблиги жиҳатидан, табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ядро уруши хавфини бартараф этиш билан бир тартибда турадиган энг муҳим вазифа, деб эътироф этилмоқда. Яъни, умуман, ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги кунда, кун сайин атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши сабаб табиатни муҳофаза қилиш муаммоси олдинги ўринга чиқмоқда.

Орол денгизи ҳудуди хорижий экологик хариталарда «ўлим учбурчаги» ёки «Тинч Чернобил» деб аталмоқда. Бу жуда ачинарли ҳолатдир.



Инсонни ўйлантирган яна бир масала эса Соғлиқни сақлаш тизими вакилларининг маълумотларига кўра, оғир экологик вазият ота-оналар организмга салбий таъсир кўрсатиши натижасида 89% болалар турли ирсий касалликлар билан туғилмоқда. Айниқса, ижтимоий ва экологик омиллар ўзаро боғланиб, болалар соғлигига, ҳаётига бевосита таъсир кўрсатмоқда. 14 ёшгача бўлган



болалар орасида юқумли касалликлар билан касал бўлиш анча юқори бўлиб, 30% ҳолатларда, уларнинг ўлимига олиб келмоқда. Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ва ядро уруши хавфи орасида ўхшашлик борми?
2. Экологик танглик хавфи ниманинг натижаси бўлиши мумкин?
3. “*Бермуд учбурчаги*” деган тушунчани эшитганмисиз? Нега Оролни ҳам шунга қиёслаганлар? АКТ-да қўшимча маълумотлардан фойдаланинг.
4. Экологик хавфсизлик муаммосини ким ҳал қилиши керак?



Ёзамиз

5. Қуйидаги масалани “*T - жадвал*”ида ёки “*Блум тугмагули*”да ҳал қилинг.

<p>✓ Ромашка Блума “Ромашка” состоит из шести лепестков, каждый из которых содержит определенный тип вопроса.</p>	
<h3>Цивилизация неъматлари</h3>	
Ижобий (нега?)	Салбий (сабаби?)
<h3>Хулоса</h3>	



9-дарс: ҚУЁШГА ҚАРАБ ОҚҚАН СУВ



Ўқиймиз



Тинглаймиз

172-машқ. Шеърни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

Шилдир-шилдир этади сув,
Куйлаб ерни ўпади сув.
Гўё олтин рубобини
Тиним билмай чертади сув.

Олисларга оқиб кетар,
Юзида барг қалқиб кетар.
Чанқаб ётган ғўзаларга
Оҳ-оҳ, қандай ёқиб кетар!

Сувдай яхши бўлсам қани,
Чаман бўлиб кулсам қани.
Сувдай ширин жон халқимга
Тинмай хизмат қилсам қани!

Шилдир-шилдир этади сув,
Боғ оралаб ўтади сув.
Куйлаб ерни ўпади сув!

О. Дамин



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Шеърга сарлавҳа қўйинг.
2. Шеър сизда қандай ҳис-туйғу уйғотди?
3. Шеърдаги ўхшатишларга изоҳ беринг.
4. Шеърини матнни насрий матнга айлантириб, тасвирий эссе ёзинг.



Ўқиймиз



Ёзамиз

173-машқ. Матни ўзлаштиринг. Матнинг биринчи хатбошиси трансформацияланган, мазмунини тикланг.

Қозоғистоннинг бой кўли



Балхаш жойлашган шарқда Қозоғистоннинг жанубий. Кўлнинг 18,2 минг майдони квадрат километр, узунлиги 605 км. Кўлни кўпгина саёҳатчилар ва олимлар ўрганишган. Шундай олими тадқиқотчилардан рус Гумбольд, олим-саёҳатчиси немис И.Мушкетовлардир. Балхаш ва Олакўл табиати кўлларининг, биринчилардан сойликларининг ўхшашликларини географ-олим, кўрсатган саёҳатчи, табиатшунос Ч.Валиханов. Табиатшунос олим Или ва Или табиатига, Балхашга қуйиладиган Жўнғор Олатовлари дарёсига ҳам илмий тушунчалар берди. жойлашган денгиз сатҳидан 342 м. баландликда Балхаш. Юқори оқимда Кўлнинг гранит, ғарбий ва шарқий порфир, туф, оқтош жинслари соҳилларида бор. Шунингдек, комбинати учун Балхаш суви тоғ-кон ҳам ишлатилади. Шулар натижасида Балхаш ҳозирги кунда кўлининг аҳволи ҳам ачинарли.



Балхаш кўлига қуйиладиган дарёлар Тянь-Шань тоғи билан Жўнғор Олатоғидан бошланади. Или Балхашга қуйиладиган дарёларнинг энг йириги. Унинг ирмоқлари қуйи оқимида Чорин, Челак, Қаскелен, Турген дарёлари ҳам қуйилади. Қаскелен ирмоқлари Катта Алмати ва Кичик Алмати дарёларининг



бўйида Алмати шаҳри жойлашган. Чорин дарёсининг водийси ёнбағирлари тик қияликлардан иборат бўлиб чуқурликга эга. Шунинг учун Чорин каньони деб номланади.



Балхашда Олакўл, Қорақамиш ва Бешорол, Тошорол каби йирик ороллар бор. Кўлнинг флора ва фаунаси жуда бой. Унда ҳар хил моллюскалар, қисқичбақасимонлар ва планктонлардан ташқари ондатра, қизғиш ва буйра пеликан, оққуйруқли орлон, чайкалар, ўрдаклар макон этадилар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матнни қайта ҳикоя қилинг.
2. Матн асосида саволлар тузинг, гуруҳлараро “Қор бўрон” усулида алмашинг. Жавобларингизни диққат билан эшитинг.



Ёзамиз

3. Отларни аниқлаб, жадвалда турини, гуруҳини кўрсатинг, ясалишини муҳокама қилинг.


Атоқли	Турдош	Шахс отлари	Топонимлар	Ясалиши



Гуруҳда ишлаймиз

Расмлар асосида биокаталог тузинг. Мустақил қўшимча маълумотлардан фойдаланиб, жониворлар тизимини кўпайтиринг.

Номи	Маълумот	«Қизил китоб»дан




4. Муаммо: Кўлдан овладиган кўксерка балиғининг заҳарланиши. Муаммонинг ечимини *“Билимни синаш майдони”* усулида айтинг.





Билиб олинг!



Ўқиймиз

174-машқ. Интернет манбаларидан фойдаланиб, қуйидаги қўшиқни тинглаб, шеърнинг давомини ёзинг ва ифодали ўқинг.

Қуёшга қараб оққан сув,
 Дардимни айтган эдим-ку,
 Додимга етмайсан нега,
 Қуёшга қараб оққан сув?

(М.Юсуф)

Qanday yuzsiz do`stimsan,
 Ohlar to`la ko`ksimdan
 Oh urib ketmaysan nega,
 Quyoshga qarab oqqan suv?



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Тинглаймиз

1. <http://uz.lyricsus.com/sevara-nazarkhan/quyoshga-qarab-oqqan-suv/>



Жуфтликда ишлаймиз

2. Латин алифбосидаги мисраларни тушуниб олинг. Шеър мазмунини ўз сўзингизда этюд ёки монолог шаклида эшиттиринг.
3. Шеър асосида “*Икки тарафли журнал*” ёзинг.

Матндан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла	Тушунтириш: Нега айнан шу фикрни танладингиз? Бу жумла сизда қандай сўроқларни, фикрни ёки муносабатни қўзғатди?



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

175-машқ. Маълумотни ўзлаштиринг. Матнга сарлавҳа қўйинг.



Инсоният учун чўл ва чала чўл ерларда бирдан-бир чучук сувнинг манбаи қудуқлар бўлганликдан, ер ости сувларидан қадим замонлардан буён фойдаланилиб келинади. Қозоғистондаги Қизилқум чўлларида, Бетпоқдала каби ҳудудларда юз йиллик қудуқларни учратиш мумкин. Чўлли жойларда қазилган қудуқларнинг юзи қумли шамоллардан тўлиб қолмаслиги учун саксовул шох-шаббалари билан бекитиларди.

Ер ости сувлари кўпинча Сариарқа, Ўрал, Муғалжор тоғларида унча чуқур бўлмаган ерлардан булоқ бўлиб оқиб чиқади. Бу сувлар ўз навбатида катта жилғалар ҳосил қилиб тоғ дарёларини ҳам тўйдиради.

Сув ўтказадиган қатламлардан чиқадиган оқова ер ости сувлар тоғли Манғишлоқ Сариарқанинг айрим жойларидан, Қозоғистоннинг жанубида бўшлиқларда, тоғликлардаги тектоник ёриқлардан чиқади. Бу турдаги сувлар чучук ва шўр бўлиб, булоқ шаклида 3-4 метрдан то 100-200 метрли чуқурликлардан чиқади. Қозоғистон ҳудудида чучук сувлар билан бирга, таркибида минерал тузлар, газларга бой сувлар ва иссиқ булоқлар ҳам мавжуд.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Сувлар чучук сув ва яна қандай турларга бўлинади?
2. Ер ости грунт сувлари дегани нима?
3. Қудуқ қандай мақсадда қовланади деб ўйлайсиз? Қандай қилиб ундан ўринли фойдаланиш лозим?
4. “Сув ичган қудуққа тупурма”.



Гуруҳда ишлаймиз

5. “**Чорраҳали баҳс-мунозара**” усулида фикр алмашинг.

Мавзу: Томорқалардаги ювинди ва чиқинди сувлар тўкиладиган чуқурча. “Зарурат”, “Зарарли”, “Бефойда”.

Кўриладиган саволлар: Уйингиздаги чуқурчадаги сувлар албатта, табиий филтрланади деб ўйлаш тўғрими? Чуқурчадаги сув ер ости сувларига қўшилиб кетиши мумкинми?



Ёзамиз



Жуфтликда ишлаймиз

6. Гуруҳингизда “**Венн диаграммаси**” асосида атоқли ва турдош отларни ёзиб чиқинг.





Бу фойдали!

- Ер ости сув захиралари ҳам талайгина – 23,4 млн км.куб. Лекин уларнинг фойдаланиш мумкин бўлган қисми бор-йўғи 4 млн. км. куб бўлиб, улардан ҳам амалда кам фойдаланилади.
- Тоза сувлар – тоғ жилғаларининг сувлари . Бу сувларда био моддалар миқдори кам, минераллашиш даражаси паст, оғир металллар белгиланган меъёрдан ошмайди.
- Бироз камроқ ифлосланган сувлар, асосан, дарёларнинг қуйи оқимларида учрайди.
- Ифлосланган сувлар – шўрланган тупроқнинг сизот сувлари тўпланадиган захкашлар ҳамда саноат ва турмушдан чиқадиган оқова сувлар кўшилиб ифлосланган сувлардир. Бу сувлар, асосан, Амударё ҳавзасида, Оролбуйи ҳудудларида учрайди.
- Ўта ифлосланган сувлар – аҳоли зич жойлашган ва саноати ривожланган шаҳарларда ва улар атрофида учрайди. Бу сувларда оғир металллар меъёрдан 40-50 баравар юқори бўлиб, турли хилдаги мураккаб бирикмалар ва заҳарли моддалар миқдори кўп.





1-дарс: ОЛИМПИА ҰЙИНЛАРИ –“ТЕЗРОҚ, БАЛАНДРОҚ, КУЧЛИРОҚ”...



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

176-машқ. Матни диққат билан ўқинг.Топшириқлар билан ишланг.

Соғ танда – соғлом ақл



Дунёдаги энг вақти тиғиз одамнинг ҳам маълум миқдорда бўш вақти бўлади. Бироқ ҳамма ҳам шу қимматли вақтидан унумли фойдалана оладими? Сўзимиз вақтни самарали ўтказишнинг йўлларида бири бўлган спорт ҳақида. Ҳамманинг кучли, бақувват, чапдаст, эпчил ва энг муҳими соғлом бўлгиси келади. Бунинг учун эса спорт билан шуғулланиш кераклиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Спорт инсон учун фойдали бўлибгина қолмай, унинг бўш вақти зое кетишининг олдини олади, зарарли одатлардан йироқ бўлишига хизмат қилади. Хўш, спорт сўзининг маъноси ва унинг инсон фаолиятидаги ўрни қандай?

Спорт – ингл.*sport*, қадимги француз *desport* сўзининг қисқартирилган нусхаси,– «ўйин», «кўнгил кўтариш» маъносини беради. Бундаги асосий мақсад инсоннинг маълум бир йўналишдаги **жисмоний, ақлий** ҳамда шахсий муноса-





батларнинг мусобақасига, куч синашига қаратилган фаолиятдир. Бунда албатта, жисмоний тайёргарликнинг талаб қилиниши ҳам катта аҳамият касб этади. Яна ҳордиқ тури, бадантарбия, ақлни чархлаш, руҳий дам олиш, шахсий кўрсаткичларини яхшилаш каби омиллар ҳам қаралади. Кейинчалик спорт аввалги «ўйин назариясидан» чиқиб, бадантарбия маданияти даражасига кўтарилди.

Спорт мусобақа эканлигига Франция, Африка, Австралиядаги қадимий ғорларнинг расмларида бундан 30000 йил аввал тасвирланган машғулотларнинг кўриниши яна бир далилдир. Бундай кўринишлар қадимги Шумерлар маданиятидан хабар берувчи, форсийлар ва мисрликларнинг битикларида, тош расмларида кўрамиз.

Ҳар замон, ҳар маконда соғлиқни сақлаш, хасталикка чалинмаслик учун бадантарбия қанчалик муҳим экани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ота-оналарга ўзлари ва болаларининг жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор бериш вазифаси юклатилган. Қадимдан аجدодларимиз ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши учун фарзандларини бадантарбия билан шуғуллантиришга тарғиб қилганлар: “Болаларга сувда сузишни, камонда ўқ отишни ва от минишни ўргатинглар”, - деганлар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Сиз спортнинг одоб - ахлоқ доирасида тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?
2. Спорт фақат жисмоний ривожланишми?
3. Инсон спортсиз яна қандай куч синаша олади?
4. Бадантарбия маданияти нима?
5. Сиз жисмоний тарбиянгизга қанчалик кўнгил бўласиз?
6. Спорт ақлни қандай чиниқтира олади?



Ёзамиз



Якка тартибда ишлаймиз

7. Қандай спорт турларини биласиз? Ёзиб олинг.



Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

177-машқ. Матни ўзлаштиринг. Ёпиқ саволлар асосида тадқиқот суҳбатини ўтказинг.

Олимпия машъаласи

Жисмоний тарбия ва спортнинг тарихий илдизлари қадимдан маълум. Археологик қазилмалар натижасида спорт билан шуғулланиш тош асрида ҳам бўлганлиги аниқланган. Қадимий замондан одамлар жисмоний тарбияни аҳамиятини яхши тушунишган.



Тарихдан маълумки, қадимий Юнонистонда спорт мусобақалари ўтказилган. Бу мусобақаларни ўтказиш учун ҳар бир шаҳарда спорт иншоотлари мавжуд бўлган. Археологик қазилмалар ҳам буни исботлаб берган. Масалан, Эгей денгизи соҳилларидаги Крит оролининг Мекен шаҳри қазилмаларида ҳар хил ўйинлар, машқлар ва тортишувлар тасвирлари ифода этилган.

Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» поэмаларида оммавий югуриш, кураш, муштлашиш, диск улоқтириш, камондан ўқ отиш, аравада пойгалашиш батафсил ёритиб берилган.

Олимпиядаги қадимий стадионда томошабинлар табиий Кронос тоғининг жанубий қиялигидан жой олиб, стадион аренаси эса тоғ ёнбағридаги кенгликда бўлган. Арена атрофларида тупроқдан тепаликлар барпо этилиб, уларда ҳам томошабинлар жойлашганлар. Бу трибуналар тахминан 40000 кишилик сифимга эга бўлган. Кейинчалик Дельф, Афина, Эпидавр ва бошқа шаҳарларда ҳам бундай стадионлар бунёд этилди. Ўйинлар ҳар 4 йилда мунтазам равишда **Олимпия** шаҳрида ўтказилган. Маълумотларга кўра, бу байрамнинг бошланиши *эр. аввалги* 776 йил бошларига тўғри келади. Эрамиздан аввалги VII асрда Олимпия шаҳрида жойлашган Гера обидасида Олимпия машғаласи ёқилган ва





бронзадан ясалган Ифит диски сақланган. Дискда олимпия ўйинларининг қонун ва қоидалари ёзилган эди.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Олимпия ўйинлари қачондан бошлаб ўтказилиб келади?
2. Қадимий Юнонистонда спорт мусобақалари аввалом бор, қандай мақсадда ўтказилган?



Гуруҳда ишлаймиз

3. Гомер қандай қадимий ўйин турларини айтиб ўтган?
4. Кронос тоғи нима билан боғлиқ?
5. Олимпия машғаласи нимани англатади?
6. Дискдаги олимпия ўйинларининг қонун ва қоидалари нима учун керак?
7. Матн асосида «*Мен сенга, сен менга*» усулида гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.



Ёзамиз

8. «*Ёш археолог*» усулида ишланг, жадвални тўлдиринг.

Археологик қазилма (жойнинг номи)	Топилган нарсалар	Қайси асрга тегишли?

9. От – сўз туркуми сўзларини икки гуруҳга ажратиб ёзинг. Гуруҳини мустақил танланг.



Бу фойдали маълумот!

- Қадимги Юнонистонда Олимпия ўйинларидан ташқари яна Истм, Пифия, Немея деб аталувчи спорт ўйинлари мусобақалари ҳам ўтказилиб турилган, лекин бу ўйинлар ичида, ўша замонда энг обрўлиси Олимпия ўйинлари ҳисобланган.
- Олимпия ўйинларининг аънавий атрибути Олимпиада машъаласидир.
- Олимпиада ўйинларининг шиори: “Тезроқ, баландроқ, кучлироқ!”
- Қадимий стадионлар уч даврга бўлинган: 1. Элленик. Бу даврдаги стадионлар ўриндиқсиз қурилган. 2. Элленистик. Элленистик даврдаги стадионлар шаҳар аҳолиси учун томоша кўрсатадиган иншоотга айланади. Масалан: 1000000 аҳоли яшайдиган Милет шаҳридаги стадион шу шаҳар ичига қурилган. 3. Қадимий Рим давридаги стадионлар



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

178-машқ. Матни диққат билан ўқинг.

Олимпия ўйинлари Рим даврида

Кўпгина стадионлар ва спорт иншоотлари Рим империясининг шаклланаётган вақтига тўғри келади.

Қадимги Рим давридаги стадионларнинг трибуналари кўришга қулай бўлишини таъминлаш учун ярим ой шаклида қурилган. Эрамиздан олдинги биринчи асрда Қадимги Рим иншооти бўлмиш **амфитеатр** шакллана бошлади. Амфитеатр ўз навбатида замонавий спорт ареналарининг қурилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бутун дунёга машҳур бўлган **Римдаги Колизей** милоддан олдинги 125 йилда қурилган бўлиб, 50000 томошабинларга мўлжалланган. Колизей аввал уч





қават (ярус)дан иборат бўлиб, тўртинчи яруси эрамизнинг иккинчи асрида тўла битказилган. Аввал Колизейда ҳайвонлар, кейинчалик эса гладиаторлар жанги бўлиб ўтган. Колизей устига брезент қоплама тортилган бўлиб, у ёпиқ стадионга айлантирилган деб тахмин қилинади. Колизейга ўхшаган стадионлар Римнинг ҳар бир йирик шаҳарларида бўлган.

Эрамиздан аввалги 394 йилда Рим императори Феодосий Олимпия ўйинларини тўхтатиб қўйди. 522-551 йилларда бўлган қаттиқ ер қимирлаши Олимпия стадионига қаттиқ шикаст етказиб, у ер остида қолиб кетди. XIX аср охирига келиб архелоглар уни қовлаб топдилар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Қадимги Юнонистонда Олимпия ўйинларидан ташқари яна қандай спорт ўйинлари мусобақалари ўтказилиб турилган?
2. Арена бу стадионми? Тушунтиринг. Қадимий стадионлар ҳақида айтинг.
3. Биринчи стадионлар томошабинларга қулай бўлганми?
4. Гладиаторлар жанги ҳақида айтинг? Мақсад?
5. Амфитеатр ва колизей иншоотлари спорт иншоотларими?



Ёзамиз

6. Олимпия сўзига «Ассоциация» усулида кластер бажаринг.
7. Матн асосида шахснинг касб-корига кўра отлардан ёзинг.

Стадионларни барпо қилади	?
Тарихни ва бойликларини ўрганади	?
Спорт ўйинларида қатнашади	?
Амфитеатрда ижрочи	?

8. Келгуси машғулотга ҳозирги кунда ўтказиладиган Умумжаҳон Дельфа ўйинлари ҳақида маълумот тўпланг.



Ўқиймиз



Мулоқот

179-машқ. Матнни диққат билан ўқинг. Матн асосида гуруҳлараро мулоқот ўтказинг.

Файласуф атлетлар

Юнонистондаги Олимпия ўйинларининг мақсади чаққонлик ва кучлилиқни кўрсатиш эди. Ўйинларда энг кучли, чаққон, тезкор кишиларни олқишлаганлар. Бу олимпия ўйинларида юнонлар қатнашганлар холос, арабларга рухсат этилмаган. Бу мусобақаларга системали равишда 10-11 ой тайёргарлик кўришган. Аёллар Олимпия ўйинларига қатнашмаганлар, қатнашганларга ўлим жазоси берилган. Биринчи марта атлетлар мусобақалашганлар, холос. Эрамиздан аввалги 724 йилдаги 14-Олимпия ўйинларидан бошлаб югуришдан, 15-Олимпия ўйинларидан бошлаб янги енги атлетика турлари бўйича, 18-Олимпия ўйинларидан бошлаб, бешкураш (пентатлан) бўйича мусобақалар ўтказила бошланди. Кўп йиллар мобайнида Олимпия ўйинлари бир кунда ўтказилар эди. 77-Олимпия ўйинларидан кейин (эрамиздан аввалги 472 йилда) 3 кунда ўтказиладиган бўлди. Эрамиздан аввалги 444 йили 84-Олимпия ўйинларида тарихчи Геродот, файласуф Сукрот, ёзувчи Лукмон ва математик Пифагорлар қатнашдилар. Улар зўр атлетлар эдилар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Гуруҳда ишлаймиз




Муҳокама қиламиз

1. Атлет сўзига қандай ассоциация айта оласиз?
2. Қадимда найза отиш каби ўйинларнинг аслий мақсади спорт мусобақаларими?
3. Матн асосида гуруҳингизда саволлар тузинг ва шу саволлар асосида ўзга гуруҳ билан мулоқот ўтказинг.
4. Расмларга ном беринг. Уларни изоҳланг. «Ассоциация» усулида ишланг.







Сократ



Гиппократ



Платон



Аристотель

Олимпионикларни тақдирлаш

- Зайтун барглари билан тақдирлаш
- Ўз шаҳрида ҳайкал ўрнатиш
- Бепул тушлик
- Театр томошасига фахрли ўрин



Ёзамиз

1. Қадимий спорт ўйинлари мавзусида постер ёки расми коллаж тайёрланг.
2. Атоқли отларнинг касби-корини ёзиб кўринг.
3. Келгуси машғулотга Ўрта Осиёдаги Чавгон ўйини ҳақида маълумот ёзиб келинг. Синфдошларингиз билан ўзаро маълумотлар билан алмашинг.



2-дарс: ҲАЛОЛ МУСОБАҚАЛАРНИНГ БАЙРОҚЛАРИ ОСТИДА





Ўқиймиз

180-машқ. Матни диққат билан ўқинг.

Пьер де Кубертен



Юнонистоннинг Олимпия ўйинларини эслатувчи жаҳон спорт мусобақалари 1896 йилдан бошлаб ўтказилади. Олимпия ўйинларини ўтказиш тартиби, қоидалари Олимпия ҳартиясида белгилаб берилган. Бу ҳартияни замонавий олимпия ҳаракати асосчиси, франциялик жамоат арбоби Пьер де Кубертен ишлаб чиққан. Ўйинлар Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) томонидан ташкил қилинади. Ўйинларда мусобақалар спортнинг фақат олимпия турлари бўйича ўтказилади. Олимпия спорт тури ҳартияга биноан аниқланиб, у энг кенг тарқалган (ёзги ўйинларнинг эркеклар учун спорт тури 4 қитъанинг камида 75 давлатида ва аёллар учун эса 3 қитъанинг камида 40 давлатида тарқалган) бўлиши керак. Дастурга энгил атлетика, гимнастика, сузиш, оғир атлетика, кураш, бокс, қиличбозлик, эшкак эшиш, велоспорт, футбол, баскетбол мусобақалари киритилган.



1968 йилдан Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси ХОҚ томонидан тасдиқланган маданий дастур тадбирларини ўтказиб келади. Бу тадбирлар санъат воситасида олимпиаданинг халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик идеалларини тарғиб қилишга қаратилгандир.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Олимпия ўйинлари неча йилда бир мартаба ўтказилади?
2. МОКнинг ўзбекча нусхасини айтинг.
3. Олимпия ўйинларининг неча тури бор?
4. Жисмоний тарбия ва спортнинг вазифалари нималардан иборат?
5. Спорт этикаси бу – ...?
6. Олимпиада ўйинлари қасами кимлар учун белгиланган?



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

7. Ўйла, изла, топ.

Олимпиада шиори “Тезроқ, баландроқ, ... ” (лот. “Ситиус, алтиус, сортиус”) 1920 йилдан олимпиада эмблемасига киради. Олимпия ўйинларининг рамзи – беш қитъани ифода этувчи бешта бириккан ҳалқадан иборат. 5 ҳалқа – олимпиада ҳаракатига бирлашган 5 та қитъа рамзи. Юқори қатордаги ранглар: ... – Европа, ... – Африка, ... – Америка, пастки қаторда: ... – Осиё, ... – Австралия.



8. Матндан нарса-буюм номларини ёзиб олинг.



Бу фойдали маълумот!

- МОК – Халқаро Олимпия Қўмитаси штаб квартираси Лозанна, Швецарияда жойлашган.
- Олимпиадага қатнашчилар рўйхати ўйинлар бошланишидан 10 кун олдин берилади.
- Спорт формаси бу – спортчининг жисмоний, техникавий-тактикавий ва психологик жиҳатдан юсак ютуқларга тайёр эканлигидир.
- ФИФА – Жаҳон футбол федерацияси –1904 йил ташкил қилинган.
- 1936 й. Баскетбол ўйини Олимпиада дастурига киритилган.
- Волейбол тўрининг баландлиги:эркакларга 243 см, аёлларга 224 см.
- Спорт турларидан шахмат, шашка Спортнинг абстракт-мантиқий гуруҳига киради.



- Спорт машқларининг вазифалари инсон саломатлигини сақлаш ва унинг жисмоний ривожланиши, ахлоқли-одобли қилиб тарбиялаш, гигиена ва ўз ўзини назорат қилиш



Ўқиймиз




Суҳбатлашамиз

181-машқ. Матни ўрганиб, тушунчангизни айтинг.



МОК-Халқаро Олимпия қўмитаси(ҲОҚ) спорт ўйинларига ҳомийлик қилади, лекин шарт шуки, бу ўйинлар МОК-нинг Олимпия ўйинларини тарғиб қилишда ва ҳаваскорлик спортини ривожлантиришда мададкор бўлувчи талабларига мос тушиши лозим.



Низомга кўра, Олимпия ўйинлари 4 йилда бир марта ўтказилади ва барча мамлакатларнинг ҳаваскор спортчиларини тенг ҳуқуқли, ҳалол мусобақага жамлайди. Олимпия ўйинларида, мамлакатлар ёки айрим шахсларнинг ирқий, диний ё сиёсий томондан камситилишларига асло йўл қўйилмайди. Ёзги Олимпия ўйинлари 15 кун, қишки Олимпия ўйинлари эса 1982 йилдан бошлаб 15 кун давомида ўтказилади. Олимпия ўйинларида МОК – Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан тан олинган мамлакатларнинггина фуқароси ўз мамлакатининг байроғи остида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.



Ўйин пайтида мусобақага қатнашувчи спортчиларнинг ва мамлакат вакиллари кийимларида, албатта, Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан тасдиқланган ўз мамлакатларининг фақатгина байроғи ёки нишони тасвири бўлиши керак. Олимпия ўйинларида қатнашишга ижозат олмоқчи бўлган спортчи анъанавий Олимпия руҳига ва Олимпия ахлоқига содиқ бўлмоғи керак: унинг учун спорт ҳеч қандай моддий даромад келтирмайдиган қўшимча машғулоти бўлиши керак. Спортчининг асосий машғулоти, яъни кундалик ҳаётини ва истиқболини таъминлай оладиган бирон касби, ҳунари бўлиши керак. **Ғолиб шарафига унинг мамлакати байроғи кўтарилади ва давлат мадҳияси ижро этилади.** Барча ғолибларнинг номлари ўйинлар ўтказилган ўйингоҳларнинг деворларига ўйиб ёзиб қўйилиши керак. Ўйингоҳларда Олимпия байроқлари ва Олимпия ўйинларида иштирок этаётган мамлакатларнинг байроқлари осилади.

Катта Олимпия байроғи асосий ўйингоҳда бутун ўйинлар давомида ҳилпираб туради ва Олимпия ўйинларининг ёпилиш маросимидан кейин туширилади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Халқаро спорт муносабатлари қандай ишларни амалга оширади?
2. Халқаро спорт алоқалари нимадан иборат?
3. Халқаро Олимпия қўмитасининг фаолияти нималардан иборат?
4. Олимпия ўйинлари очилиши ва ёпилишида қандай анъаналар давом этиб келмоқда?



Гуруҳда ишлаймиз

5. Қуйидаги саволларни гуруҳлараро муҳокама қилинг: **Спортчининг юқори натижа кўрсатиши нимага боғлиқ?** Олимпия ўйинларидаги барча мамлакатлардан келган ҳаваскор спортчиларнинг тенг ҳуқуқли, ҳалол мусобақага чорланишини қандай тушунтирасиз?



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

6. Қуйидаги масала бўйича А4 русумли қоғозда **“Кластер”** бажаринг. Энг яхши ишлар гуруҳлараро алмашсин.

Жисмоний тарбия ва спортнинг вазифалари нималардан иборат?



Якка тартибда ишлаймиз Ёзамиз



182-машқ. 1. Қуйидаги сўзларни жадвал асосида модда-маъдан, хом ашё, нарсабуюм отларига ажратинг ва ёзиб олинг. **2.** Ҳайвонот отларини ўз ва кўчма маънода қўллаб гаплар тузинг (*-дай,-дек қўшимчалари ёки каби, ўхшаб кўмакчилар ёрдамида.*)

Очқич, қисқич, болға, сандиқ, товоқ, элак, безак, челак, юлдуз, гилам, ликоп, курак, белкурак, олтин, тароқ, қайроқ, кўза, ғишт, пиёла, омбур, арра, темир, ёғоч, буғдой, курси, тош, тупроқ, кўприк, цемент, мих, этик, дераза, уй, кўйлак, мис, доска, чойнак, пахта, чинни, пўлат, қум, тахта, кумуш, алюминий.



Намуна.

Илондай тўлғаниб оқарди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз Ёзамиз



1. ... спортчига очиқ хат (откретка) орқали тилак ёзинг. Шарти: Модда-маъдан отларини кўчма маънода қўлланган гаплар ёзишга ҳаракат қилинг.

Намуна:

2. Мен Сизга бахт тилайман(олтиндан тахт...), чунки... . Соғлик тилайман(пўлатдай мустаҳкам ирода...), чунки у доимо инсонларга етишмайди! Омад тилайман (порлоқ юлдуздай...), чунки у ҳар қадамимизда керак! Оилангизга чин муҳаббат тилайман(денгиз қаридаги оқ инжудай...), чунки меҳр ва муҳаббат доимо ўзи билан хурсандчилик олиб келади!!!



Ўқиймиз




Сухбатлашамиз

183-машқ. Матнини ўрганиб, тушунчангизни айтинг.



Европанинг турли мамлакатларида оммавий спорт иншоотларини қурилиши XIX аср охирида бошланди. Бу даврда стадионлар, спорт залларигина эмас, балки велотреклар, трамплинлар, қишки ва сув спорт турлари учун ҳам иншоотлар қурилган. Спорт иншоотларининг ҳажмлиларига ҳамма ёпиқ спорт иншоотлари: спорт заллари, спорт саройлари, ёпиқ сув ҳавзалари ва манежлар киради. Текисликдагиларга спорт майдонлари ва майдончалар, енгил атлетика ва коньки тегиш йўлчалари, чанғи ва тоғ чанғиси трассалари, кросс узунлиги киради.

Шунингдек, спортнинг маълум бир тури учун мўлжалланган иншоотлар, ихтисослаштирилган заллар, битта ҳовузли сув ҳавзаси, майдон ва майдончалар, енгил атлетика ва конькида югуриш йўлчалари, велотреклар, мажмуий спорт иншоотлари – бир ҳудудда ёки бир бинода жойлашган бир неча алоҳида ва ҳар хил спорт турларига мўлжалланган спорт иншоотлари, стадионлар, бир неча ҳовузли сув ҳавзалари, кўп залли спорт корпуслари ва бошқалардан иборатдир.





Тоифаларга крмайдиган спорт иншоотлари ҳам бор. Булар қаторига Жанубий Америкадаги энг йирик футбол стадионлардан бири – Маракана стадиони киради. Москвадаги йирик спорт мажмуаси – Марказий стадион, Алматы яқинидаги юқори тоғ чўққисида жойлашган музлик – Медео стадиони, Ўзбекистонда Тошкентдаги Пахтакор стадиони шулар жумласидан.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Ёпиқ спорт иншоотларига қандай бинолар киради?
2. Текисликдаги спорт майдонлари ҳақида айтинг.
3. Мажмуий спорт иншоотлари шахримизда борми?
4. Мараканадан ташқари қандай очиқ спорт (футбол) майдонларини биласиз?



Гуруҳда ишлаймиз

5. Қуйидаги саволларни гуруҳлараро муҳокама қилинг: *Спорт майдонлари қандай талабларга риоя қилиниб солиниши керак? Спорт майдонларининг қурилишида томошабинларнинг хавфсизлигини қандай таъминлаш керак? Спортчининг мусобақага руҳий тайёрлаш нималардан иборат?*



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

6. Жадваллар топшириғини бажаринг.

Истаган спорт турини танланг ва унда фойдаланиладиган нарса-буюм отларини ёзинг.





3-дарс: ЖИСМОНИЙ ШАХМАТ



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

184-машқ. Матни ўрганинг.

Мамлакатимиз спортининг кўзгуси ҳисобланган Олимпия шон-шухрати музейи Алмати шахрининг энг қадимий – XIX асрнинг ўрталарида солинган биносида (Сейфуллин кўчаси 551-уй), 2000 йил очилган. Музей 1997 йилда Халқаро Олимпия қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч иштирокида очилган. Қозоғистон Олимпия шон-шухрати музейида 2000 дан ортиқ экспонат ўрин эгаллаган.

Энг қимматли экспонатлар Қозоғистоннинг буюк спортчиларига тегишли шахсий буюмлари: жаҳоннинг энг кучли боксчиларидан бири **Серик Қўнақбаев**нинг белбоғи ва бокс қўлқопи, XXII Олимпия ўйинларининг чемпиони **Жақсилиқ Ушкempiров**нинг борцовкаси, дунёга таниқли енгилатлет, Қозоғистоннинг, биринчи олимпиада кумуш совриндори **Гусман Қўсанов**нинг спорт майкаси, Олимпия ўйинлари, Осиё ва жаҳоннинг яна бир чемпиони – боксчи **В.Жиров**нинг олтин медаллари, Атлантада енгиб олган Баркер кубоги ҳам шу ерда, экспонатларнинг марказидадир.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Нега Олимпия шон-шухрати музейи деб номланган?



2. Халқаро Олимпия қўмитаси қандай ташкилот?
3. “Ҳалол ўйинлар” тамойиллари тушунчасини қандай тушундингиз?



Ёзсамиз

4. Ўрин-жой (макон) отларини аниқлаб, ёзиб олинг.



Билиб олинг!

Ифодаланаётган тушунчанинг хусусиятига кўра турдош отлар: аниқ ва мавҳум отларга бўлинади.

Бевосита предмет англатадиган отлар аниқ отлар дейилади. М. гул, китоб, мактаб, қалам.

Мавҳум тушунча (кўз билан кўриб бўлмайдиган), белги-хусусиятни билдирадиган отлар мавҳум отлар дейилади: **бахт, саодат, шодлик, севги, севинч, соғинч, буюклик.**

Мавҳум отлар туб ва ясама бўлади: **завқ, шавқ, ақл, онг, шовқин, тўфон, кулмфат, бахт, туйғу** каби отлар туб мавҳум отдир.

Ясама мавҳум отлар асосан **-ч (-инч); қувонч, севинч, соғинч; -ги (-ки, -қи): севги, туртки; -лик (-лиқ): шодлик, болалик, борлиқ; -гин (-қин): қирғин, тошқин** каби қўшимчалар билан ясалади.



Бу фойдали маълумот!

Galleria Ferrari – энг ёрқин ранглардаги дунёнинг спорт музейидир. Бу ерда сиз: технологик янгиликларни, амфитеатр, суратлар кўргазмасини, совринларни, автомобиль ҳайдаш имитаторларини кўришингиз мумкин бўлади. Музей дўкони-дан Формула-1 мусобақалари тарихидаги энг яхши спортчиларнинг дастхатлари қўйилган сувенирлар ва кепкалар ҳам харид қилиб олиш имконига эгасиз.

Уимблдон музейи ҳозирги кунда дунёнинг энг технологик ва инновацион спорт музейларидан ҳисобланади. Бу ерга ташриф буюрганларда афсонавий Уимблдон кортларида бўлиш, шунингдек, спортчилар кийим алмаштириш хонасига кириш имкони мавжуд.

Лозанна Олимпия ўйинлари музейи 1993 йилда очилган бўлиб, 2010 йилда 10 000 экспонатга эга эди. Бундай сонли коллекция рекордли бўлиб, Лозанна Музейи ҳақли равишда дунёдаги энг йирик олимпия музейи ҳисобланади.

Hockey Hall of Fame - энг яхши жаҳондаги хоккей музейи. Канадаликлар ўзларининг ҳаётларини хоккейсиз тасаввур қила олмайдилар, шу сабабли ҳам ушбу музейда хоккей спортига оид барча нарсалар катта эътибор ва меҳр билан йиғилган.



Ўқиймиз




Муҳокама қиламиз



Суҳбатлашамиз

185-машқ. Матнини тушуниб олинг. Газета мақоласини номланг.

Спорт гимнастикаси – аёллар ва эркекларнинг махсус гимнастика анжомлари (снарядлари) да ва эркин машқлар бўйича ўтказилувчи мусобақаларни ўз ичига олади. Катта жисмоний куч чақонлик қўрқмаслик, ҳаракатларни мувофиқлаштиришда аниқликни талаб этади. **Замонавий спорт гимнастикасига XIX аср бошида немис мутахассиси Ф.Л.Ян асос солган. 1973 йил Халқаро Олимпия қўмитаси тасдиқлаган замонавий спорт гимнастикаси дастурига эркеклар ўртасида (эркин машқлар отда ҳалқаларда бажариладиган машқлар, таяниб сакраш мувозий (паралел) қўшпояда ва яккачўпда бажарилувчи машқлар) ҳамда аёллар ўртасида (таяниб сакраш ходада ҳар ҳил баландликдаги қўшпояда бажариладиган ва эркин машқлар ўтказиладиган шахсий ва жамоа биринчиликлари киради.**



Халқаро Спорт гимнастикаси федерацияси ФИЖ 1881 йилда тузилган. 1896 йилдан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.



Бадий гимнастика – спорт тури, буюм (тасма, копток, ҳалқа, арғамчи) билан ва усиз турли нафис гимнастика ва рақс машқларини мусиқа остида бажариш бўйича аёллар мусобақалари. 50-йиллар охирида Халқаро гимнастика федерацияси (FIJ) Бадий гимнастикани спорт тури сифатида тан олди. 1984 йилдан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матнинг типи ва услубини аниқланг.
2. Биринчи абзацда йўл қўйилган имло ва тиниш белгилари хатоларини бартароф этинг.
3. Гимнастика сўзига таъриф бериб кўринг.
4. Эркин машқларни қандай тушунасиз?
5. Бадий гимнастика билан спорт гимнастикасининг ўхшашликлари борми? Аниқланг.



Жуфтликда ишлаймиз

Матн асосида оғзаки тест савол-жавоб ўтказинг.



Ёзамиз

Нарса-буюм отлари иштирок этган гаплардан ёзиб олинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

186-машқ. Матнни ўзлаштиринг. Ўзаро фикр алмашинг.

“Киминелли”

Нелли Ким – Қозоғистон гимнасти, беш карра Олимпия чемпиони, беш карра Жаҳон чемпиони, икки карра Европа чемпиони ва бир неча марта СССР чемпиони. Гимнастчининг ота-онаси у туғилганидан сўнг Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрига кўчиб келишган ва ханузгача шу ерда турадилар. Спортчи 10 ёшида шаҳардаги атоқли мураббий В.Байдин қўлида гимнастика билан шуғуллана бошлайди. Спорт лақаби “Киминелли”. Халқаро гимнастика Федерациясининг хотин-қизлар техник қўмитасининг президенти. Бир қатор



давлатларнинг миллий терма жамоларида мураббийлик қилди (Жанубий Корея, Италия). Нелли халқаро даражадаги ҳакам, Олимпия ўйинларида, Европа ва Жаҳон чемпионатларида ҳакамлик ҳам қилди. 1999 йилда Нелли Кимнинг исми Оклахома шаҳридаги Халқаро гимнастика шуҳрат залида олтин ҳарфлар билан ёзилди. Ҳозирги кунда спортчи АҚШнинг Миниаполис шаҳрида туради.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Шаҳрингиздаги Олимпия заҳирасининг гимнастика мактаби борми? Қаерда? Жойлашган ўрнини айтинг.



2. Гимнастикада жароқатланиш мумкинми? Сабаблари?
3. Сиз ватандош спортчилардан кимларни биласиз? 2016 йилда Рио Олимпия ўйинларига йўлланма ютиб олган шимкентлик гимнастчи қиз ҳақида-чи? Улар билан фахрланасизми?
4. Ёзги ва Қишки олимпия ўйинларининг спорт турлари мавзусини “Кластер” да кўрсатинг (расмли коллаж тайёрлашингиз мумкин).



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

5. Қўйидаги спорт анжомларининг номини кўрсатинг.
6. Отларнинг маъновий гуруҳлари бўйича ажратинг, ўзаро фикр алмашинг. Ўринжой номларини ёзиб олинг.



7. Мақолани бадий матнга айлантириб ёзишга ҳаракат қилинг (5-7 жумла).



Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

187-машқ. Спортчилар ҳақидаги мақолани ўзлаштиринг. Ўзаро фикр алмашинг.

Етти олимпиада

Спорт гимнастикаси бўйича етти карра Олимпия чемпиони чехословакиялик Вера Чаславска ўзининг еттита олтин медали билан Олимпиадада иштирок этиб, энг кўп ютуқларга эришган спортчи ҳисобланади.

Шу билан бирга, у тўрт карра жаҳон чемпиони ва кўп карра Европа чемпиони ҳамдир. Бутун умрини спорт гимнастикасига бағишлаган Чаславска спортдаги фаолиятини тамомлагандан сўнг 1990-1996 йиллар давомида Чехия Миллий Олимпия Қўмитаси (МОҚ) президенти лавозимини эгаллаган. 1995-2001 йилларда эса Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) аъзоси ҳисобланган.




Яна бир буюк гимнастчи Оксана Чусовитина 13 ёшида ўсмирлар ўртасидаги собиқ Иттифоқ чемпионатида ғолиб чиққан спортчи 1991 йили АҚШ-нинг Индианаполис шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида жамоавий баҳсларда ва эркин дастурда олтин, таянчга таяниб сакрашда эса кумуш медаль эгасига айланди. 1992 йили Барселонада бўлиб ўтган Оксананинг биринчи Олимпиадасидаги биринчи медали олтин бўлди. Хиросимада ўтган 1994 йилги Осиё ўйинларида иккита бронза медаль эгасига айланди. Чусовитина Ўзбекистон байроғи остида учта Олимпиада (Барселона, Атланта, Сидней) ва учта Осиё ўйинларида қатнашди.

Гимнастчи 27 ёшида, 2002 йили Венгриянинг Дебрецен шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида таянчга таяниб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритди. 2007 йили Амстердамда ўтган Европа чемпионатида бронза медални қўлга киритган асли ўзбекистонлик спортчи 2008 йилги Пекин Олимпиадасида таянчга таяниб сакраш баҳсларида кумуш медаль олди. 2011





ва 2012 йилги Европа биринчиликларида эса кумуш медаллар эгасига айланди. 2016 йил апрелида Оксана бутун дунё оммавий ахборот воситалари диққат марказига тушди. Fox Sports телеканали: «40 ёшли Оксана Чусовитина Олимпия ўйинларига йўлланма олди. Етти Олимпиадада иштирок этишнинг ўзи ҳар қандай спортчи учун ақлга сиғмайдиган ҳодиса» номли ҳайратомуз телекўрсатуви билан эфирга чиқди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Қандай ўйлайсиз, гимнастикага неча ёшдан қабул қилинади? Нега?
2. Неча ёшгача шуғулланилади?
3. Қиз болалар учун оғир спорт эмасми?
4. Жамоавий ва эркин баҳслар дегани нима?
5. Гимнастика инсонга қандай фойда келтира олади? Зарар-чи?
6. Гимнастикадаги хавфлар қандай?

Р – роль (теле-радио муҳбир)

А – аудитория (тингловчи-томошабинлар)

Т – тузилиши – матн, очиқ хат, хикоя ва ҳк.

М – мавзу “ ”



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

7. Бутун дунёни лол қолдирган гимнастчиларга РАТМ усулида ... ёзинг ёки радиомуҳбир сифатида спортчидан суҳбат олинг.
8. Қозоғистоннинг оғир атлетика, кураш, футбол, баскетбол, қиличбозлик, теннис, каратэ федерациялари ҳақида қуйидагича ёзинг. Номларга эътибор беринг.

Намуна

Қозоғистон Республикасининг биатлон федерацияси. Манзил: 010000, Астана шаҳри, Сиғанақ кўч.№ 25.

Қозоғистоннинг шайбали хоккей федерацияси. Манзил: 010000, Астана, Д.Қўнаев кўчаси, №12/1.



Ўқиймиз



Мулоқот

188-машқ. Матн асосида суҳбат ўтказинг, сўнг савол-жавоб усулида диалог тузинг.



Қозоғистоннинг фахри, Шимкент шаҳрида 1992 йилда дунёга келган **Азизбек Қудратиллаев** Спорт гимнастикаси бўйича Халқаро тоифадаги спорт устаси, бир неча бор Қозоғистон чемпиони. “Азизбекнинг биринчи мусобақаси, – деб таъкидлайди унинг биринчи мураббийи Спорт устаси Шавкат Содиқов, – Спорт гимнастикасидан Вилюят чемпионатида совринли ўринга эга бўлиб, спорт ҳаётини муваффақиятларга етаклади”. Ҳозирги кундаги мураббийи Тимур Абдуллин билан 25 ёшдаги спортчининг ютуқларини атаб кўрсатадиган бўлсак, Хиросимада Осиё чемпионатида бронза, Хорватия, Словения, Болгарияда, Жаҳон кубогида финал босқичлари иштирокчиси, Жаҳон чемпионати ва Кореянинг Кванжў шаҳрида бўлиб ўтган 28-Жаҳон Универсиадасида финал босқичлари иштирокчиси ва совриндоридир. 2014 йил Кореяда Осиё ўйинларида, 2015 йил Варнада бўлиб ўтган Жаҳон кубогида кумуш медаль ва Катарнинг пойтахти Дохада ўтказилган Осиё чемпионатида III ўринни эгаллаб, Қозоғистон шарафини ҳимоя қилиб келмоқда.

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз



Суҳбатлашамиз

Спорт муҳбири сифатида аввал диалогнинг саволларини тузиб олинг, сўнг шу саволлар асосида ён гуруҳлардан интервью олинг.



4-дарс: АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ



Тан саломати – жон роҳати.

Халқ мақоли



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

189-машқ. Матни қуйидаги топшириқлар орқали ўзлаштириб, ўзаро фикр алмашинг.

Кураш – спорт тури, белгиланган қоидага мувофиқ икки спортчининг яккама-якка олишуви. Курашиш санъати кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум. Кураш, айниқса, Юнонистонда кенг тарқалиб, қадимги олимпиада мусобақаларидан доимий ўрин олиб келган. Миллий Курашнинг хилма-хил кўринишлари ... (Эллин, Эллада деб ҳам номланади), ... (этик кўринишидаги мамлакат), ... (сакуралар макони), ... (Босфор қўлтиғи, Константинополь), ... (Бобур Ҳиндистондан аввал эгаллаган), ... (Пушкин, Л.Толстой), ... (Тош қалъа, А.Орипов, Э.Воҳидов), ... (лезгин ўйини), ... (маликаси Меҳинбону, Ширин), ... (Каспий-Ҳазар бўйида), ... (Улуғ дала, Мангу эл) ва бошқа мамлакатларда мавжуд.



Замонавий спорт Курашининг асосий қоидалари XVIII аср охири XIX аср бошларида Европанинг бир неча мамлакатларида ишлаб чиқилди. 1912 йил Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси (FILA) тузилди. Халқаро майдонда спорт Курашининг **юнон-рум кураши, эркин кураш, дзюдо, самбо** ва бошқа турлари кенг тарқалган. Кейинги йилларда **қозоқ ва ўзбек кураши** ҳам алоҳида Кураш тури сифатида дунё миқёсида тан олина бошланди. Кураш инсонни кучли, эпчил, чидамли ва иродали қилиб тарбиялаш воситаларидан бири ҳисобланади. Шифокорлар назорати остида 12 ёшдан Кураш билан шуғулланишга руҳсат этилади.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Нуқталар ўрнига ёрдамчи тушунчалардан фойдаланиб, мамлакатларнинг номини қўйинг. Отларни маъновий гуруҳларга ажратиб, СМАРТ жадвални ёзинг.

Касб-кори	Фаолият отлари	Ташкилот номи	Топонимлар



Гуруҳда ишлаймиз



Мулоқот

“Олақондаги копток” усулида гуруҳлараро ушбу саволларни муҳокама қилинг:

1. Кураш кўпроқ қайси минтақада ривожланган?
2. Кураш тушишнинг бир-икки қоидаларини эслатинг.
3. Кураш нега айнан 12 ёшда тавсия қилинади?
4. Курашда ақл чиниқадими?



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

190-машқ. Матни мулоқот асосида қайта ҳикоя қилинг.



Хожи Муқан Мунайтпас ўғли – жаҳон чемпиони, қозоқ халқи тарихидаги биринчи касбий полвон. Жаҳон чемпионатларида қатнашиб, 54 давлатда курашга тушиб, 48 медал олган, кураги ерга тегмаган полвондир. Дунё чемпионлари И.Поддубний, Алекс Аберг, Георг Лурих, Поль Понс каби алплар билан тенг курашган – шу замоннинг ботири. Тарихий маълумотларда айтилишича, полвон 1871

йил 7 апрелда Ақмўла уезди, Қораўткел овулида туғилган. Хожимуқон камбағал оиладан чиққанлиги сабабли, бойларнинг хизматини ҳам қилган. Шу вақтларда тўй-томошаларда курашга тушиб халққа кўриниб, бола полвон номга эга бўлган.

Атандим Муқон полвон бола ёшдан,
Орасида кўрдим кўп кучлиларин.
Талай-талай ерларни кўрдим бошдан,
Ўтди давр қизиқ-қизиқ бу бошдан...



Циркда полвончилик қилиб курашиб юрган Хожимуқонни цирк директори кўриб, Петербургдаги атоқли мураббийга ўрганиш учун юборади. Полвон уч йил дарс олади. У биринчи бор Олмонияда 1906 йил жаҳон чемпионлигини енгиб олади. Унда полвон “Ямагата Мухунури” деган лақабда курашади, шунингдек, Муқон “Иван Чёрный” лақаблари билан ҳам кураш тушган. 1909 йилги Халқаро полвонларнинг мусобақасида “Қора Мустафо” номи билан иштирок этади. 1910 йили у Жанубий Америкага, Аргентинанинг пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида эркин курашдан Америка чемпиони бўлади. 1911 йили Истамбулга, энг кучли саналган курашчилар юртига Туркияга боради. Полвон Фотима исмини олган поляк қизига уйланиб, оила қуради. 1937 йилларда полвон Туркистон ва Ўзбекистонга кетишга мажбур бўлади ва умрининг сўнгги кунларини Жанубий Қозоғистоннинг Ўрдабоши туманида ўтказади.

(Муаллифлар таржимаси)





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матн асосида очиқ саволлар тузинг. “Елпиғич” ёки “Ўргимчак тўри” усулларида савол-жавоб ўтказинг.



2. Хожимуқоннинг образини хаёлий оғзаки тасвирлаб кўринг. Қандай инсоний хусусиятларга эга бўлган деб биласиз? Ахир полвон урушга ўз ҳисобидан ...



Якка тартибда ишлаймиз

3. Келаси машғулотга ушбу расм асосида кичик маълумот тайёрланг (Гўзал Манюрова).



Видеолавҳа томоша қиламиз

4. Интернет манбаларидан фойдаланиб, Хожи Муқан Мунайтпас ўғли ҳақида видеолавҳа кўринг, олган маълумотларни “БББ” усулида таққосланг. Лавҳада тасвирланувчи ҳар бир кадрга изоҳ бериб боринг.





Ўқиймиз




191-машқ. Матнолди топшириқлар.

1. Кураш сўзи асосида тушунчаларни тўплаштириш усулида тақдимот бажаринг.
2. Гуруҳдан тақдимотни гуруҳларда ҳимоя қилувчи спикер тайёрланг.



Кураш азалдан ўзбек турмуш тарзининг узвий қисми бўлганлигини археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар тасдиқлайди. Қадимги Бақтрия ҳудудидан топилган жез даврига оид цилиндрсимон сопол идишда икки полвон ва улардан бири иккинчисини чалаётгани тасвирланган. Шу даврга мансуб бошқа археологик топилмада эса полвонларнинг Кураш усуллари намойиш қилаётгани акс эттирилган. Бу ноёб топилмалар милоддан 1,5 минг йил илгари ҳам Кураш аجدодларимиз турмуш тарзининг бир қисми бўлганидан далолат беради. Юнон ёзувчиси Клавдий Элиан (II-III аср) ва бошқа тарихий шахсларнинг ёзишича, шу ҳудудда умр кечирган сак қабиласи қизлари ўзларига куёвни йигитлар билан курашиб танлаганлар. Кейинчалик қизлар куёвни шарт қўйиш йўли билан аниқлашган ва бу шартда Кураш мусобақаси бўлган. Бунга ўзбек халқ қаҳрамонлик достони – “Алпомиш” даги Барчин шартларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», А.Навоийнинг «Хамса», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», Бобурнинг «Бобурнома» асарида Кураш ҳақида қимматли маълумотлар бор. IX-XVI асрларда Кураш халқ ўртасида кенг оммалашган. Шу даврда Паҳлавон Маҳмуд, Содиқ полвон кабилар Кураш довуғини оширишган. Ўзбек халқ яқка курашининг белбоғли кураш деб номланган тури ҳам бўлган.



Унга ҳам тааллуқли кўплаб археологик топилмалар ва тарихий қўлёзма-лар мавжуд. Бундан 5 минг йил илгари даврга мансуб қадимги Месопотамия худудидан топилган ҳайкалчада белбоғли кураш усулида мусобақалашаётган полвонлар тасвирланган. Хитойнинг қадимги «Тан-шу» қўлёзмасида Фарғона водийсида тўйлар, сайллар Кураш мусобақаларисиз ўтмаслиги ёзилган. Аҳмад Полвон, Хўжа полвонлар Курашнинг ана шу турида шуҳрат қозонишган (XIX аср охири-XX аср боши). 1991 йилда курашчилар сулоласи вакили, бир неча Кураш турлари бўйича халқаро миқёсда спорт устаси Комил Юсупов ўзбекча Курашнинг халқаро андозаларга мосланган қоидаларини ишлаб чиқди.

(“Зиё устаган қалблар”дан).



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

Матн асосида “Миллатимнинг тарихини биламан” номли кичик матн тузинг.



Якка тартибда ишлаймиз Ёзамиз



1. Мақолларни тўлдириш, давоми сиздан!
Тўғри ўзади, ... тўзади.
2. ... майдонда сина.
3. ... сўзи – қаймоқ, ёмоннинг сўзи – тўқмоқ.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Суҳбатлашамиз

192-машқ. Тарихий маълумотни ўзлаштириш. Қайта сўзланг.

Ҳиммати баланд паҳлавон!

Лутф Алибек Озарнинг «Оташкада» асарида ёзилишича, Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) олим, улуғ шоир, мутафаккир Хивада туғилган, кураги ерга тег-



маган паҳлавон, шу билан бирга, пўстиндўз ва телпакдўз уста бўлган. Тарихда Паҳлавон Абусаид Румий (XV аср), Паҳлавон Маҳмуд Ушшоқ (XV аср) каби алломалар номи ҳам маълумдир. Паҳлавон Маҳмуд Хоразмий эса рубойлари билан тарихда қолган. Ҳар уччалалари ҳам майдонларда кураш тушгани учун Паҳлавон деган ном олганлар.

Паҳлавон Маҳмуднинг жанговарлигини, жасурлигини билдирувчи Қитоли тахаллуси ҳам бўлган. Нақл қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд Эрон ва Ҳиндистонда анча йиллар яшаган. Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистон халқи томонида туриб, жангларда иштирок этибди. Жанг пайти ўз жонини хатарга қўйиб, Ҳинд шоҳи Рай Ропой Чўнани ўлимдан қутқаради. Шунда шоҳ Паҳлавон Маҳмуднинг мардлигини тақдирламоқчи бўлиб: «Тила тилагингни!», дебди. Паҳлавон Маҳмуд: «Эй буюк шоҳ! Бундан анча йиллар муқаддам менинг ватандошларим – хоразмийлар бу ерга асир қилиб олиб келинган. Ўшаларни озод этсангиз. Бирдан бир тилагим шу!», дебди. Шоҳ ҳайрон бўлиб: «Эй ҳиммати баланд паҳлавон! Агар ярим давлатимни тилаганингда эди, уни гап-сўзсиз сенга инъом қилган бўлурдим. Зеро, жасоратинг улкан мукофотга муносибдир. Майли, тилагингни бажо келтирдим. Ватандошларинг озод!», – дебди. Паҳлавон шоҳга қуйидаги рубойисини ўқибди:

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир – мард.
Ҳам ўзгага бўлмаса ҳақир, улдир – мард.
Ўтмак сира мағлубни тепиб мардлик эмас,
Тутса қўлидан забунни эр, улдур – мард.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матн сарлавҳасига изоҳ беринг.
2. Рубойни ифодали ўқинг ва ўз сўзингизда шарҳланг.



Гуруҳда ишлаймиз



Видеолавҳа томоша қиламиз

Интернет манбаларидан фойдаланиб, мавзуга мос видеолавҳаларни томоша қилинг. Ўрганган маълумот билан тасвири маълумот орасидаги ўхшашликларни таққосланг. Хулосаланг.



Якка тартибда ишлаймиз

“Икки тарафли кундалик” ёзинг.

Матндан сизга кўпроқ таъсир қилган жумла:
Паҳлавон Маҳмуд олийҳиммат, мард, сахий, ватанпарвар инсон бўлган.

Тушунтириш:

Нега айнан шу фикр?

Бу жумла сизда қандай саволлар, фикр ёки муносабатни қўзғатди?



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Мустақил хулосаланг.

Билак(-им), ўртоқ, копток, тўгарак, келажак, курак (ўзгаради-ўзгармайди) Халқ (-им), завқ, ахлоқ, шарқ, уфқ, ток, иштирок(ўзгар...)

Ўрин(-им), ўғил, бўйин, қизалоқ, бурун, бағир, сингил (ўзгар...)

2. Матнлар асосида. Ўйланг, изланг, ҳал қилинг, мустақил бажаринг.

Эгалик қўшимчалари предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканини билдиради.

Шахс	Бирлик		Кўплик	
	Унлидан сўнг	Ундошдан сўнг	?	?
I шахс (сўзловчи)	-м	?	?	?
II шахс (тингловчи)	нг	?	?	?
III шахс (ўзга)	-си	?	?	?



5-дарс: СПОРТ ҚИРОЛЛАРИ



Ўқиймиз



Мулоқот



193-машқ. Матнолди топшириқлар.

1. Матн мазмунини учинчи шахс номидан қайта ҳикоя қилинг. 2. Матн мазмуни бўйича очиқ саволлар асосида мулоқот ўтказинг.


Афсонавий полвон Эркин Холиқовни хотирлаб

1988 йилнинг баҳор ойларида Сеул Олимпиадасига тайёрланиш учун Беларусиянинг Гродно шаҳридаги спорт анжуманлари базасига собиқ Иттифоқнинг энг сара полвонлари келаётганлиги хусусида полкда миш-мишлар авж олиб кетди. Орадан бир ҳафта ҳам ўтмасдан, миш-мишлар тўғри бўлиб чиқди.

Келаётган полвонларнинг орасида Ер куррасининг энг зўр курашчисига бериладиган олтин белбоғнинг тўрт карра соҳиби, ўн икки карра Европа чемпиони, тўққиз карра жаҳон чемпиони, уч карра Олимпиада чемпиони, ўз даврида сайёрамизнинг энг кучли полвони, рус баҳодири Александр Карелин, собиқ Иттифоқнинг қаторасига саккиз карра чемпиони, Осиё, Европа ва жаҳон чемпиони, Олимпиаданинг кумуш ва бронза медали совриндори, қозоқ халқининг донгдор паҳлавони Давлат Турлихановнинг борлиги бизлар учун қўл етмас юлдузларнинг тақдир тақозоси билан қафтимизга қўниши билан тенг эди. Ўн беш кунлар ҳам ўтмади чоғи, полвонлардан бирининг туғилган куни муносабати билан Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган барча полвонлар бир дастурхон атрофида жамулжам бўлдилар.

Бундай маросимга менингдек оддий бир аскарнинг ҳам таклиф қилиниши ақл бовар қилмас ҳодиса эди, спорт қўшинлари ротасидаги йигитларнинг ҳайратдан юраклари ёрилаёзган эди.

Александр Баранов йиғилганларга мени Эркин Холиқовнинг укаси деб таништираркан, мен ўзимнинг даврага нима учун таклиф қилин-





ганлигимни англадим. Бу таништирувдан кейин ўтирганларнинг менга нисбатан муносабатлари ўзгариб қолганини сездим. Буюк юртдошимнинг ўзи тугул ҳатто номи мен каби кураш ишқибози бўлган ёш полвонга мадад беришини тушундим. Бундан кўксим фахр-ифтихорга тўлди. Айни чоғда, Эркин Холиқов туфайли мени салкам ўзларига тенг кўра бошлашди.

Уларнинг Эркин Холиқовнинг усулларига катта қизиқиш билан қарашлари етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган воқеа бўлди. Шу муносабат билан, Эркин Холиқов ва унинг устози Ражабали Бобоёров тўғрисида суҳбат қизиқ кетди. 1985 йилда Испаниянинг пойтахти Мадрид шаҳрида жаҳон кубоги учун бўлган қизгин баҳсларда Эркин Холиқовнинг бири биридан кучли рақибларини мағлубиятга учратиб, гилам устида кўрсатган тенгсиз олишувлари ҳақида дастурхон теварагида ўтирган энг сара паҳлавонлар қарийб бир соат қизгин гурунглашдилар.

Финалда Мўғулистоннинг тенгсиз курашчиси, бир неча карра жаҳон чемпиони Ганбольдни мағлуб этган Эркин Холиқовнинг усулларини таъриф-тавсиф этган паҳлавонларнинг ғайрати ичига сиғмай, ўринларидан туриб, у қўллаган усулларни бир чеккада бир-бирларига ёқа ушлашиб кўрсатиб берганларини кўрганимда, қалбимни фахр-ифтихор туйғулари эгаллади.

1986 йилда Ленинградда бўлиб ўтган Европа чемпионатида Эркин Холиқовнинг финалда болгариялик полвон, икки карра жаҳон чемпиони Стоян Нанчевга шоҳ усули – айрини сор-лочин каби шиддатли бир учқурлик билан қўллаб, ўттиз сония ичида рақибини маҳв этгани, тик ҳолатда қозонган соф ғалабаси хусусида Давлат Турлиханов ўзгача бир завқ билан ҳикоя қилди. Унинг ақл бовар қилмас усуллар қўллаганини айтиб: “Эркин оддий полвон эмас, унинг вужудига камида ўнтача полвоннинг қуввати ва яна ўнтача полвоннинг абжирлиги жойлаштирилган бўлса керак!” деган эди.

– Эркин бир килою икки юз грамм вазн билан етти ойлигида туғилган. Бир ойга қадар онаси Эркинни отасининг телпагига солиб боққан экан. Тўртта қиздан кейин туғилган чақалоқни опалари мактабга ҳам опичлаб олиб боришаркан. Қаттиққўл отаси хотини ва қизларининг ёлворишларига қарамай, Эркинни Ражабали Бобоёровга шогирдликка берган. Эркиннинг фавқулодда иқтидори юзага чиқишида биринчи навбатда отасининг қатъиятли инсон эканлиги, кейин устози Ражабали Бобоёровнинг таъсири катта бўлган. Ражабали Сайфиддин Ходиев ва Эркин Холиқовдек дунёни лол қолдирган курашчиларни тайёрлаган.

Ўшанда давра номдор полвонларнинг бу сўзларни киприк қоқмай тинглаганлари ҳозир ҳам кўз ўнгимда турибди.

Дунё матбуотини безаган ўзбек

Устозларим Александр Баранов ва Эркин Холиқовларнинг номдор полвонлиги шарофати туфайли мен ўшанда Александр Карелин ва Давлат Турлиханов билан дўстлашиб қолдим. Ўқув йиғинларида бирга бўлган пайтларимизда



машғулотлардан кейин тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Суҳбатимизнинг асосий мавзуси ҳар гал албатта Эркин Холиқовнинг кураш маҳоратига тақалар эди. Ўша пайтларда тинимсиз меҳнат билан истеъдодини юзага чиқара олган Эркин Холиқов уч юз миллионли аҳолиси бўлган собиқ Иттифоқдагина эмас, балки ер юзида ягона аълоларнинг аълоси эди. Унинг олишувлари видеотасвири ўқув машғулотларида сурункасига намойиш қилинар, унинг ўзбек курашидан ўзлаштирган шоҳ усуллари – айри, ўрама, қўшша, қоқма, қалқитиш, тегирмон, пистирма усуллари қўллаётгандаги суратлари хорижда курашга оид ўқув қўлланмаларида ва китобларда, спорт газета-журналларида узлуксиз реклама қилинар, нуфузли мусобақаларда такрорланмас усуллари қўллаётган лаҳзалари вимпелларга, спорт кийимларига, футболкаларига босилар, ўзбек кураши билан боғлиқ усуллар бутун дунёга намойиш қилинар эди.

Дунёда камдан-кам спортчиларга насиб этадиган бундай бахтга ўша йилларда ўзбек ўғлони Эркин Холиқов эришган эди. Халқимизнинг орзуларини рўёбга чиқара олган миллатнинг энг сара полвонларидан бири бўлган жаҳоннинг номдор полвонлари ва буюк устозлар таъбирича, Эркиннинг ҳар бир усули санъат асарига тенг эди.

Яшиндай қисқа умри мобайнида мисли арслондай наъра тортиб яшаган ўзбекнинг яна бир афсонавий паҳлавони бугун орамизда йўқ.

Энди ул паҳлавонимиз энг ширин, энг унутилмас бир ширин тушдай хотирамизда мангу яшаяжакдир.

*(Ҳусан Турдиев,
халқаро тоифадаги спорт устаси)*



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Видеолавҳа томоша қиламиз

Интернет манбаларидан фойдаланиб, Эркин Холиқов ҳақида видеолавҳа кўринг. Ўрганган маълумот билан тасвири маълумот орасидаги ўхшашликларни таққосланг. Хулосалаб, афсонавий ўзбек полвони ҳақида газетага кичик ахборот ёзинг.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Миллий халқ ўйинлари орасида курашнинг роли нега юқори бўлган деб ўйлайсиз? Кураш қандай хусусиятларни шакллантиради?
2. Дзюдо ва Самбо билан қизлар ҳам шуғулланиши мумкинми? “Фойдаси ва зарарлари?” мавзусида гуруҳлараро баҳс-мунозара ўтказинг ёки “Оқилнинг олти қалпоғи” усули асосида таҳлил қилинг.



Бу фойдали маълумот!

- Дзюдонинг айрим жиҳатлари ўзбек курашига ўхшаш . Ўзбек дзюдочилари нуфузли мусобақаларда 30 дан зиёд медаль билан тақдирланишди. Жумладан, Армен Багдасаров олимпиада (1996) ва Осиё ўйинларида (1998) – кумуш, Фарҳод Тўраев жаҳон чемпионатида (1999) – кумуш ва «А» тоифасидаги мусобақаларда (1998, 2001) – 2 та олтин, Эгамназар Акбаров жаҳон универсиадасида (2001) – олтин, «А» тоифасидаги мусобақаларда Камол Муродов (1998) ва Владимир Штурбабин (1999) – олтин, Сузанна Аҳмедова Осиё чемпионатида (1999) – бронза медаллари.
- Самбо (рус.– қуролсиз ўзини ҳимоя қилиш) – спорт кураши тури. Унга курашнинг миллий турларидаги энг самарали усуллар асос қилиб олинган. XX асрнинг 30 йилларида Совет Иттифоқида пайдо бўлган. 1980 йилдан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

194-машқ. Маълумотларни диққат билан ўрганинг.

13-15 май кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Полвон Шўлоқ спорт мажмуасида дзюдо кураши бўйича Гран-При туркумига кирувчи йирик халқаро турнир ўтказилди. Дунёнинг 83 давлатидан 396 нафар спортчи иштирокида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада Бразилияда ўтказиладиган “**Рио-2016**” ўйинларининг йўлланмаси учун рейтинг очколар ўйналди. Олтин медаль соҳиби 300 рейтинг очкога, кумуш медаль совриндори 180 рейтинг очкога, учинчи ўринни эгаллаган полвонлар 120 рейтинг очкосига эга бўлдилар. Ушбу нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини жами 17 нафар спортчимиз ҳимоя қилди. Натижаларга кўра, бир қатор спортчиларимиз иккинчи босқич баҳсларига қатнашишди.





Жумладан, ҳар хил вазн тоифасида татамига чиққан ҳамюртларимиз: Сметов Елдос (Рио Олимпиадасининг кумуш медал эгаси), А.Имашев, Р.Ибраев, И.Бозбаев, Максим Раков, Нишанбаева Севара, Урдаваева Мариан.

Севара Нишонбоева Қозоғистоннинг бир неча бор чемпиони, асли **Жанубий Қозоғистон дзюдо мактабининг** аъзоси. Ўзбекистон пойтахти Тошкентда дзюдо бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган Жаҳон кубогида йигирмага яқин мамлакатдан келган юз нафардан зиёд спортчилар қаторида 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун куч синади.



Тошкент мусобақасида, шунингдек, 2013 йилда Алматидаги Гран-прида бронза медалларини енгиб олган, жаҳон рейтингда 70-ўринни эгаллаб турувчи спорт устаси.

Айтиш керакки, Осиё олимпия кенгаши махсус соврин жорий қилиб, XXX Олимпия ўйинларида олтин медалларни қўлга киритган ҳамда Осиё ва жаҳон рекордларини ўрнатган

бир гуруҳ спортчиларни танлаб олди ва уларга ўз совринини топширди. Мазкур соврин 3 карра олимпиада чемпиони ўзбек фарзанди А.Таймазовга ҳам топширилди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Жуфтликда ишлаймиз

1. Кураш қандай ҳажмли гиламда (татамида) ўтказилади? АКТ-дан фойдаланинг.
2. Дзюдочилар кимоноси ҳақида нима биласиз?
3. Дзюдо қоидаларидан хабарингиз борми? Тахмин фикр усулида айтиб кўринг. Кураш тушиш вақти ва ҳк.
4. “Иппон”, “вазари”ларга изоҳ беринг.
5. Спортчи рейтинг очколарни нима мақсадда ва қаерлардан тўплайди?



Гуруҳда ишлаймиз

Кластер бажаринг. Фарқлари-ўхшашликлари.



7. Матндан отларни белгилаб олинг, шахс-сонини кўрсатинг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз



Суҳбатлашамиз

195-машқ. Матни ўқиб, маълумотни савол-жавоб усулида мустақамланг.

Ўрта Осиё минтақасида, хусусан, Қозоғистон ва Ўзбекистонда эътиборли спортнинг яна бири бу – бокс, албатта. Бокс тарихи милoddан аввалги даврда Миср ва Бобилда уюштирилган яккама-якка муштлашиш мусобақаларига бориб тақалади. Юнонистон қадимги Олимпия ўйинлари дастурида ҳам шундай мусобақалар бўлган. Замоनावий Бокс ватани Англиядир (XVI-XVII асрлар). Замоनावий Боксинг ватани Англия бўлгани билан бу спортни эшитган заҳоти дунёнинг қайси бурчагидан бўлишидан қатъий назар, инсон кўз ўнгида Муҳаммад Али сиймоси гавдаланади. Ва бу қонунийдир...

Муҳаммад Али (Кассиус Клей) – америкалик боксчи. Касбий боксчилар ўртасида оғир вазнда бир неча бор жаҳон чемпиони. Унинг номи профессионал боксинг рамзига айланган, у ўйлаб топган “қўллар ишлайди, кўзлар кўради:





капалак каби қанот қоқиб, ари каби чақ” тактикаси ҳозир ҳам қўлланилади. У ҳамон дунёдаги энг таниқли инсонлардандир. 1960 йили ярим оғир вазнда Рим Олимпиадасида олтин медални қўлга киритиб, чемпион бўлиб спорт саҳнасига кириб келган боксчи Муҳаммад Али, бутун дунё таниган ва ёқтирган шахс бўлиб қолмоқда. 39 ёшида касбий рингни тарк этган боксчи оғир вазн тоифасида уч карра жаҳон чемпиони бўлган дунёдаги ягона боксчи саналади. 1999 йилда эса “аср спортчиси” деб тан олинганди. Касбий боксинг WBA таснифида энг оғир вазн тоифасида амалдаги жаҳон чемпиони Руслан Чагаев: “Мен учун Муҳаммад Али бокс қироли эди. Жаҳон бокс оламида ҳали Муҳаммад Алига ўхшаш боксчи бўлмаган. Унинг рингдаги хатти-ҳаракатини кўрган одам, “ҳа, бокс осон, шунчалар енгил экан-ку”, деган хаёлга борарди. Муҳаммад Алининг “қирол”лиги ҳам ана шунда эди”, – дейди номдор боксчи.

(Муалличлар таржимами)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Нима сабабдан Касиус Клей исмини ўзгартирган?
2. Ўқитувчингиз ёрдамида боксчининг: “Мен худодан давлат сўрадим, у менга дин берди” сўзларига фикр билдириб кўринг? АКТ-дан фойдаланишингиз мумкин.
3. Боксчи Вьетнам урушига қатнашишдан бош тортганлиги унинг қандай дунёқарашидан далолат беради?



Ёзамиз Жуфтликда ишлаймиз

4. Касбий бокс тушунчасига изоҳ беринг.
5. Касбий ва ҳаваскор боксинг ўхшашликларини “*Венн диаграммаси*”да ёзинг.
6. Шахс-сон отларини олмош сўз туркумига алмаштириб ёзинг. Хулосаланг. Мустақил топшириқлар тузинг.



Ўқиймиз

196-машқ. Матнларни диққат билан ўзлаштиринг.

Ватандошимиз Қозоғистон боксининг афсонаси Серик Қўнақбаев – боксчи ва сиёсатчи. 1980 йил Москвада бўлган ёзги Олимпия ўйинларининг кумуш медал совриндори. Жаҳон кубогини икки маротаба, Европа чемпионлигини ҳам икки маротаба ютиб олган машҳур спортчи. 1981 йили Серик Қўнақбаев дунёнинг энг кучли ҳаваскор-боксчиси сифатида расман эълон қилинган.



Олимпия медали: Москва 1980 йил – кумуш.
Жаҳон чемпионати: Кёльн 1982 йил – кумуш.
Жаҳон кубоги: Нью-Йорк 1979 й. – олтин, Монреал 1981 – олтин.
Европа чемпионати: Кёльн 1979 йил, Тампере 1981 – олтин.



Нокаутлари сони бўйича Гиннесс рекордлар китобига кирган қозоғистонлик касбий боксчиси **Геннадий Головкин**.

Геннадий Головкин – 2003 йилда ҳаваскорлар боксида жаҳон чемпиони бўлган, 2004 йилги Олимпиада ўйинларида кумуш медаль олган. У ҳозирги кунда WBA (Супер), IBF, IBO ва WBC версияларининг ўрта вазн тоифасидаги жаҳон чемпиони ҳисобланади. Геннадий Головкиннинг британиялик Келли Брукка қарши жанги Бутунжаҳон боксчилар кенгаши (WBC) томонидан “Йил воқеаси” деб топилган. Қолаверса, Головкин 17-март WBA, 15 март IBO, учинчи марта IBF, иккинчи марта WBC титулини ҳимоя қилган. 34 ёшли Головкин учун бу 37 жангдан 37 ғалабага айланди (шундан 33 мартаси нокаут орқали).





Бизнинг боксчиларимиз Олимпия ўйинларида энг кўп медаль олувчи мамлакатлар қаторидан олдинги ўринлардан жой олиб, албатта, фаворитлардан ҳисобланади. Жаҳон ареналарида боксчиларимиз **Бегзад Саттарханов, Серик Сапиев, Бахтияр Артаев** Қозоғистон шухратини бутун жаҳонга намойиш этдилар.

2014 йил 24 ноябрда яна бир тарихий спорт воқеаси бўлди. Биласизми, қозоғистонлик боксчи қиз, ҳа-ҳа тўғри ўқияпсиз, боксчи қизимиз **Нозим Қизайбай** Жанубий Кореяда ўтган боксдан аёллар орасидаги Жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль соҳибаси бўлди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матнлар асосида “Блиц савол-жавоб” усулида билимингизни синанг.
2. Қозоғистоннинг таниқли боксчилари Бегзад Саттарханов, Серик Сапиев, Бахтияр Артаевлар ҳақида маълумотларни Интернет тармоқларидан топиб, фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
3. Матн таркибида дуч келган қисқартма сўзларнинг изоҳини (ўқитувчингиз ёрдамида) беринг.



Ёзамиз

4. Расмларга ном беринг. Жадвалда спортчиларнинг ички(маънавий) ва ташқи қиёфасини тасвирлаб беринг.

Ташқи қиёфа	Ички қиёфа	Нега шундай хулосага келдингиз?
Нозим Қизайбай муомалага очик инсон.	С.Қўнақбаев жиддий инсон.	Табассуми самимий...
С.Қўнақбаев жиддий инсон.		Нигоҳи бир нуқтага тикилиб турибди...



Бу фойдали маълумот!

- Бокс (инглизча box – муштлаш, зарб) – спорт тури, икки рақибнинг сирти чарм, ичи юмшоқ қопламали қўлқопларда қоида асосида якка-ма-якка муштлашиш мусобақаси.
- Бокс 1904 йилдан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган, 1974 йилдан жаҳон чемпионати, 1979 йилдан жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилиб келинади. Бокс мусобақаси арқонлар билан ўралган 6х6 м ўлчамли ринг (супа)да ўтказилади. Боксчилар оғирлиги 270 г (10 унция) қўлқоплардан фойдаланишади. Мусобақа 2 минут (дақиқа)дан 4 раунд (бўлим) давом этади. Раундлар орасида 1 дақиқадан танаффус берилади.
- Жаҳонда тўртта йўналиш бўйича мусобақалар ўтказилади. Уларни жаҳон Бокс кенгаши (WBC), жаҳон Бокс ассоциацияси (WBA), халқаро Бокс федерацияси (IBF) ва жаҳон Бокс ташкилоти (WBO) уюштиради.
- Муҳаммад Али, Лейла Али, М. Тайсон, Э. Холифилд (АҚШ), Л. Льюис (Буюк Британия), Геннадий Головкин, Василий Жиров, Қанат Ислом (Қозоғистон) Руслан Чагаев (Ўзбекистон) каби профессионал боксчиларнинг номлари машҳур.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

197-машқ. Матни ўқинг ва қайта ҳикояланг.

Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ичида биринчи бўлиб олтин медални қўлга киритган Ҳасанбой Дўсматов Рио Олимпиадасининг энг яхши боксчиси деб топилган. Унга





Вэл Баркер Кубоги топширилди. Ушбу мукофот олимпия ўйинларининг энг техникаси юқори боксчисига тақдим этилади. Мазкур нуфузли мукофот 1936 йилдан эътиборан Олимпиаданинг энг яхши боксчисига топшириб келинади. Асли Осиёнинг чемпиони Ҳасанбой Дўсматов Рио Олимпиадасининг бокс баҳслари 49 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини катта устунлик билан мағлуб этиб, ўз фаолиятида илк бор олимпия ўйинлари чемпионига айланганди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матн асосида “Хатони топ” усулида савол-жавоб ўтказинг.
2. Расмларга ном беринг.
3. Вэл Баркер Кубогини олган Қозоғистоннинг таниқли боксчиси ким?



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

Қозоғистонлик ўзбек қизи – бокс бўйича жаҳон чемпиони!

Бокс бўйича мамлакатимизнинг бир неча маротаба чемпионлигини қўлга киритган, Осиё чемпионатининг ғолиби, машҳур спорт устаси – Феруза Шариповани нафақат ватандошларимиз, балки бутун дунё биледи.

Астана шаҳрида “ЭКСПО-2017” умумжаҳон кўргазмаси муносабати билан ўтказилган бокс мусобақасида Феруза Шарипова рақиб – Болгария спортчиси Милена Колева устидан ғалаба қозониб, жаҳон чемпионлиги титулини қўлга киритиб, олтин камарни белига боғлади. Бундай мислсиз муваффақияти натижасида у Қозоғистоннинг бокс кураши бўйича биринчи



спортчи аёли атоғи билан Қозоғистоннинг рекордлар китобидан жой эгаллади.

Болалигидан спортга астойдил меҳр қўйган Феруза олтинчи синфдан бошлаб спортнинг бокс тури билан шуғуллана бошлайди. Жуда тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги уни катта муваффақиятлар сари етаклади. Мағлуб бўлиш деган фикр табиатига мос бўлмаган, ҳеч нарсадан қўрқмас ва қайтмас қиз бўлган Шарипова ғолибликни қўлга киритишида меҳнати сингган Қозоғистоннинг таниқли тренерларидан миннатдорлиги чексиз.



И. Муҳаммаджонова

6-дарс: ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҚОЗОҒИСТОНДА



Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

198-машқ. Ўқинг. Матни муаммоли савол-жавоб усулида ўзлаштириб олинг.

Қозоғистон тарихида биринчи мартаба, МДХ Осиё давлатлари орасида, мустақиллик олгандан сўнг, энг йирик спорт воқеаси – Қишки Осиё Ўйинларини ўтказди. 2006 йил 5 январда Алматы шаҳри Осиё ўйинларининг мезбони сифатида Қувайт шаҳрида танлаб олинди. 2011 йил VII Осиё Қишки Ўйинлари январь-февраль ойларида Астана ва Алматы шаҳарларида бўлиб ўтди. Шу вақт давомида 25дан ортиқ Осиё давлатларидан келган мингдан ортиқ спортчилар 10дан зиёд қишки спорт турларидан голиблик учун курашишди. Айтиш керакки, Осиёнинг йирик спорт давлатлари деб тан олинган Япония, Хитой, Малайзия, Эрон, Жанубий Кореялар Осиё Ўйинларини Олимпия Ўйинлари даражасида билиб, жиддий тайёргарлик кўришади. Шунинг учун бу мамлакатлар дунёвий мусобақаларга ўзларининг энг кучли спортчиларини юбордилар.

Медаллар учун асосий кураш ҳам Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Япония, Хитой, Жанубий Корея давлатлари орасида бўлди. 2007 йилги Қишки Осиё Ўйинларининг мезбони Хитой 19та медал билан биринчи ўринни эгаллаган эди (Япония II ва Жанубий Корея III). Уйдаги Ўйинларда қозоғистонлик спортчилар ҳам терма жамоалар орасида олтин медаллар эгаллаш кўрсаткичи бўйича Осиёнинг рекордини янгилади: 32 олтин, 21 кумуш ва 17 мис. Бундай оламшумул кўрсаткичларимиз натижасида Президент Нурсултан Назарбаев Халқаро Олимпия Қўмитаси раиси Жак Рогге билан 2022 йилги Қишки Олимпиада Ўйинларини Қозоғистонда ўтказиш масаласини муҳокама қилди. Осиё Ўйинлари ўз навбатида давлатимиз учун яхши тажриба мактаби бўлгани сўзсиз.



Атоқли чанғичи Владимир Смирнов мустақил Қозоғистон учун Олимпия ўйинларида биринчи мартаба олтин медални қўлга киритган ва байроғимизни Лиллихаммерда ҳилпиратган спортчи сифатида Ватанимиз тарихида қолади. Бу буюк воқеа Норвегия элида 1994 йилнинг 27 февраль куни бўлган эди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матн асосида очиқ саволлар тузинг ва “Биздан-сизга” усулида гуруҳлараро ал-машинг, ўзаро “Блиц савол-жавоб” усулида мулоқот ўтказинг.











Жуфтликда ишлаймиз

2. Расмлар сўзлайди... Таъриф-тавсиф ёзинг. Шарти: от сўз туркумига тегишли сўзлар, жумлалар иштирок этсин.



3. Қўйидаги спорт турлари ва расмларни мослаштиринг.

-  Чанғида сирғаниш
  Фристайл
  Шайбали хоккей
 Биатлон
 Шорт-трек
 Чанғи эстафетаси
 Чанғили эстафета
 Трамплиндан сакраш



Жуфтликда ишлаймиз

199-машқ. А 4 русумли варақага мос тушунчаларни ўзаро туташтиринг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Атоқли (турларини унутманг), турдош, аниқ ва мавҳум отларга мисоллар топинг ва гуруҳингизда СМАРТ жадвал тузинг.Шу жадвал асосида ён гуруҳ билан ишланг. “Сиздан-бизга, биздан-сизга” (Ротация) усулида.
2. Гуруҳингизда “Кластер”да (ёки постер) дарахт ва ўсимликларни гуруҳларга ажратиб ёзинг: мева номлари, дарахт номлари, гул номлари, ўт-ўлан(кўкат) номлари, полиз экинлари номлари ва ҳк.



Якка тартибда ишлаймиз

Иш дафтارينгизга ёзиб олинг.



Жуфтликда ишлаймиз



Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

Тўплаштириш усулида СМАРТ жадвал бажаринг. Такдимот қилинг.



Ўқиймиз

200-машқ. Адашган шеърий мисраларни жойланг, мантиқий фикрланг.

Спорт

Спорт билан бирга ташлаймиз одим, Бўламиз ғолиб ҳаммадан олдин.

Олтин-у кумуш оламиз нишон, Азиз юртимиз бизларга ишон.

Бизнинг дўстимиз – спорт, спорт, спорт, Ютуқларимиз – рекорд, рекорд.

Бир, икки, уч – бизларда бор куч, Тўрт, беш, олти – зўр бўлди.

Бизни ҳам дейдилар алпомиш зоти, Курашда тенги йўқ, мардлар авлоди.

Ортда қолмоқ йўқ қизлар нияти, Қалбларда Тўмарис момо қудрати.

К. Турдиева



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Шеърни ифодали ўқинг.

2. Қўйидаги жадвал билан ишланг. А4 русумли варақага бажаринг.

Такрорий отлар (мисоллар)

Атоқли отлар (оила аъзоларингиз)

Ўрин-жой номлари (туғилган жойингиз ҳақида тўлиқ)

Сув ҳавзалари ва иншоотлар номлари (кўча, маҳаллангизга яқин)

Ташкилот, корхона, муассаса номлари (турар жойингизда)



Тарихий саналар ва байрам номлари (оилангизда кутадиған бўлсин ва айтиладиган тилак ё ўз қўлингиз билан ясаган совға “хенд мей” тасвири) Шахс отлари (севимли асарларингиздан, мультфильмдан, кинофильмлар асосида)

Қавм-қариндошлиқ шахс отлари (оилангизнинг бир аъзоси ҳақида ёзинг, таъриф-тавсиф) Касб-корига кўра шахс отлари (ўқитувчингиз ҳақида ҳам бўлади ёки буюк шахслардан)

Отларда сон шакли (севимли спортчи, актёр, артист, шоира, бизнесмен, врач билан суҳбат)



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

201-машқ. 1. Берилган уч гуруҳ сўз ва сўз бирикмаларида ўсимлик отларининг маъно ва вазифаларини тушунтиринг, ёзилишига эътибор беринг. 2. Гуруҳларни давом эттириб, улар иштирокида гаплар тузинг. 3. Тўртинчи топшириқни бажаришингизда намунадан фойдаланинг.

1. Анор хола, Райҳон опа... 2. “Анор” ҳикояси, “Чинор” романи... 3. Теракли кўчаси, “Чинор” чойхонаси, “Акация” бекати... 4. “Ўсимлик + тана аъзолари отлари” кўринишида сўз бирикмалари ва гаплар тузинг.

Намуна:




Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

Мослаштиринг. Муаммони ҳал қилинг.





7-дарс: ОФИР АТЛЕТИКА ЮЛДУЗЛАРИ



Ёдда сақланг!


Шахс ва нарсa-буюмларнинг белги-хусусияти (ранг-тус, маза-таъм, хусусият, ҳажм-шакл, ҳолат)ни билдирувчи сўзлар сифат сўзлардир. Сифатлар отларни ҳам, феълларни ҳам аниқлаб кела олади. Баъзи сифатлар отлашади ва ким? нима? сўроғига жавоб бера олади. От каби бош ва иккинчи даражали бўлак бўлиб келади. Эга, тўлдирувчи, аниқловчи.



Ўқиймиз  Муҳокама қиламиз

202-машқ. Сифатларни гапдаги вазифасига кўра белгиланг.

Оғир атлетика тарихи минглаб йилларга бориб тақалади. Бу спорт турининг қадимий эканлигини Хитой солномалари, юнон ҳайкалтарошлари яратган юксак санъат намуналаридан ҳам билиб олиш мумкин. Мисол учун, Хитойда қадимда қўшин ичидан энг кучлиларни саралаб олишда оғир тошларни кўтариш мусобақалари ўтказилган. Қадимги Мисрда эса қум тўлдирилган қоп асосий машғулот қуроли ҳисобланган.



Оғир атлетика – спорт тури бўлиб, ҳар хил вазн тоифаларида оғир нарсалар (штанга, тош) кўтаришда мусобақалашиб. Расмий мусобақалар 1860 йиллардан (биринчи марта АҚШда) ўтказиб келинади. Ҳозирги вақтда штангани икки қўллаб даст ва силтаб кўтариш Оғир атлетиканинг асосий машқлари ҳисобланади. Даст кўтаришда спортчи штангани тўхтатмай бир ҳаракат билан, силтаб кўтаришда – кетма-кет иккита ҳаракатда – аввал кўкракка олиш, кейин эса юқорига чўзилган қўлларга кўтаришни амалга оширади. Оғир атлетика спорт тури сифатида 1896 йилдан олимпиада ўйинларига киритилди ва шу йили 1-Европа чемпионати Роттердамда, 1898 йил эса 1-жаҳон чемпионати Венада бўлиб ўтади. Аёллар ўртасидаги биринчи мусобақа илк мартаба Англияда 1930 йилда ташкил этилади. 1987 йилда эса аёллар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтган. 2000 йилда ўтказилган ёзги олимпиада ўйинларидан бошлаб аёл оғир атлетикачиларнинг ушбу нуфузли мусобақада иштирок этишларига расман руҳсат берилади. АҚШлик Тара





Нот олимпиада ўйинларида биринчи олтин медалга эришган аёл “штангачи” ҳисобланади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз Мулоқот

1. Матнни оғзаки қайта ҳикоя қилинг.



Гуруҳда ишлаймиз

2. Матн асосида саволлар тузинг ва у саволларни “Қор бўрон” усулида ёки “Биздан-сизга” усулида узатинг. Ҳавобини тингланг.



Ёзамиз

3. Тушунчаларни ўзаро мослаштиринг. Хулосангизни айтинг.

<i>Хусусият сифатлари</i>	<i>кекса, тинч</i>
<i>Шакл билдирувчи</i>	<i>қизил, сариқ</i>
<i>Ҳолат сифатлари</i>	<i>камтар, қувноқ</i>
<i>Ранг-тус сифатлари</i>	<i>новча, узунчоқ</i>
<i>Маза-таъм билдирувчи</i>	<i>хушбўй, қўланса</i>
<i>Ҳид билдирувчи</i>	<i>аччиқ, нордон</i>
<i>Нарса-буюмнинг вақтга кўра белгисини билдирувчи сифати</i>	<i>кузги, кечки</i>





Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

203-машқ. Тушунча ва мисолларни ўзаро туташтиринг. Сўз бирикмаларининг бирикиши ҳақида айтинг.

-ли, -дор, -манд ўзақдан англашилган тушунчага эгаликни билдирувчи сифатлар; -сизқўшимчаси бу қўшимчаларга зид маъноли сифатлар; -ги (-ки), (-қи) пайт, замон маъноли сифатлар;

-даги қўшимчаси эса ўрин-жой белгиси маъноли сифатлар; -вий, -ий қўшимчаси воқеа-ҳодиса, нарса-буюм отларидан белги-хусусият маъноли сифатлар.

от=сифатми?

қизиқарли спорт, кучли курашчи, кучсиз жамоа, қаровсиз татами, Ёзги ва Қишки олимпия, биринчи рейтингдаги хоккейчи, одатдагидай биринчи, мажбурий доппинг, оммавий спорт...



Ўқиймиз



Жуфтликда ишлаймиз



Мулоқот

204-машқ. Интервью бўйича муаммони ўзингиз ҳал қилинг.

Оғир атлетикадан Қозоғистон дунёнинг кўпгина давлатлари, жумладан, Эрон, Хитой, Туркия, Корея, Россия ва Болгария жамоалари орасида Олимпия ўйинларида, жаҳон чемпионатларида кучли учликдан жой олиб келмоқда.

Жамоамиз фахрлари: И.Ильин, М.Манеза ва қозоқнинг кумуш қизи номи билан Рио олимпия ўйинларининг чинакам қаҳрамони Жазира Жаппаркул. Штангачи қиз Жанубий Қозоғистоннинг Арис шаҳридан. Ильин эса Қизил Ўрда шаҳридан.

2016 йилги Рио де Жанейро олимпия ўйинларининг “кумуш қизи” Жазира Жаппаркулнинг интервьюси:

Оғирликларни кўтариш машқлари ҳамма соғлом ўсмирларга рухсат этилади.

– Ҳар бир инсон ўйлайманки, жисмоний кучга ва гўзал қадди-қоматга эришишни истайди.

– Аслида оғир атлетика машқлари инсоннинг нафақат мушаклар кучи ва мушак массасини ривожлантиради, асаб тизимини ҳам мустаҳкамлайди.

Интервью учун асосли сўроқлар?



– Шунингдек, юрак ва ўпка фаолиятининг яхшиланишига ёрдам беради, организмдаги модда алмашинув жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади.

– Сиз оғир атлетика билан шуғуллансангиз, нафақат мушакларингизни, балки ўзингиз учун зарур бўлган жисмоний сифатлар – куч, тезкорлик, чаққонлик ва чидамликни, шунингдек, ахлоқий-иродавий сифатлар – мардлик ҳамда жасурликни ривожлантирасиз.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз




Ёзамиз

1. Матнда спортчининг интервью жавобларига мос саволлар ишлаб чиқинг. Ижодий ёндошинг.
2. Мулоқот бўйича фикр-мулоҳаза айтинг.



Гуруҳда ишлаймиз

3. Худди ана шундай услубда И.Ильин билан суҳбат матнини ёзинг.
4. Расмларга ном беринг ва ютуқлари туркумида берилган маълумотлар билан ишланг, АКТ ёрдамида тўлдириг.



Ильиннинг кўрсаткичлари: ЖЧ Доха 2005 й., Санто-Доминго 2006 й., Париж 2011 й., Алмати 2014 й. – олтин.



Жазира Жаппаркул энг йирик ютуқлари: Рио олимпия ўйинлари 2016 йил – кумуш.
Жаҳон чемпионати Алмати, 2014 йил – кумуш, Хьюстон, 2015 йил – кумуш.





Ёзамиз  Жуфтликда ишлаймиз

5. Юқоридаги матнлар асосида жадвални тўлдилинг.

Хусусият сифатлари	
Шакл билдирувчи	
Ҳолат сифатлари	
Ранг-тус сифатлари	
Маза-таъм билдирувчи	
Ҳид билдирувчи	
Нарса-буюмнинг вақтга кўра белгисини билдирувчи сифати	



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

205-машқ. Матнни ўзлаштилинг.

Оғир атлетикачи Руслан Нуриддинов Олимпиада рекордини янгилади



Руслан Нуриддинов – 105 кг вазн тоифасида даст кўтаришда 194 кг, силтаб кўтаришда 237 кг тошни кўтаришга муваффақ бўлди ва Рио Олимпиадаси чемпиониغا айланди.

Айнан тошни силтаб кўтаришда қайд этган натижаси Руслан Нуриддиновнинг Олимпиада рекордини янгилаши учун кифоя қилди.

Бу – ўзбекистонлик оғир атлетикачилар Ёзги Олимпиада Ўйинларида қўлга киритган биринчи олтин медали бўлди.

Жаҳон чемпиони, Бутунжаҳон Универсиадаси ғолиби Руслан Нуриддинов спорт оламида энг номдор оғир атлетикачилардан бири саналади.

Руслан Нуриддинов ўз вазн тоифасида жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори ва икки карра Осиё чемпионлигини ҳам қўлга киритган спортчи бўлади.

Худди шу боис ҳам, ўзбекистонлик бу спортчи Рио Олимпиадаси ғолиблигига асосий даъвогарлардан бири сифатида ҳам кўрилганди.

Руслан Нуриддиновнинг олтин медали жамоага 35-ўрндан 12 поғона юқорилашга имкон берди.

Руслан Нуриддинов, оғир атлетика бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари ғолиби:



– Мен... 1991 йили туғилганман. Мана шу ўтган йигирма беш йилда мен ва мен каби барча тенгдошларим халқимизнинг улкан меҳри ва ғамхўрлиги оғушида вояга етдик. Яқинда Бразилияда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиб, Олимпиада рекордини янгиладим. Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилар эканман, халқим ишончини оқладим, юзим ёруғ бўлди, мусобақада дунёнинг манаман деган давлат вакиллари билан беллашдим.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матн асосида “Блиц савол-жавоб” усулида муҳокама ўтказинг.
2. Ёзги ва қишки олимпия ўйинлари мавзусида кластер бажаринг.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз

3. Интервью манбалари асосида Жаҳон чемпионатидан сўнг Р.Нуриддиновнинг радио муҳбирига берган интервьюсини томоша қилинг. Лавҳалар асосида ўзаро фикр-мулоҳаза алмашинг.



Ўқиймиз

Мустақил ўқиш учун.

Ёш спортчи

Орзуларим осмонча,
Осмон йигит бўламан.
Келажакда шу юртга
Посбон йигит бўламан.

Спорт билан дўстлашиб,
Билакда кучим тошиб,
Зўрлар билан беллашиб
Полвон йигит бўламан.

Улуғлаб юрт номини,
Оқлаб тузу нонини,
Кўтаргувчи шонини
Даврон йигит бўламан.

Айб саналмас ҳеч орзу,
Ҳавас қилганларим шу,
Бир кун келиб мен марди
Майдон йигит бўламан.

Кураш, бокс ё футбол,
Теннисга ҳам чопар қўл,
Ҳаммасига очиқ йўл –
Имкон йигит бўламан.

Орзуларим осмонча,
Осмон йигит бўламан.
Келажакда албатта
Посбон йигит бўламан.

О. Тўхташ



8-дарс. СУВ ВА СУВ МАШҚЛАРИ СИРЛАРИ



Ўқиймиз



Мулоқот

206-машқ. Матни диққат билан ўрганинг.

Сувда сузиш, спортча сузиш – спорт тури, расмий белгиланган масофага муайян усулда спортча сузиш (эркин тарзда, брасс, баттерфляй усулида, орқа билан), шунингдек, сув остида, амалий, синхрон (бадий) сузишни ўз ичига олади. Халқаро олимпиада қўмитаси таснифига кўра, Сувда сузишга сувга сакраш ва сув полоси ҳам киради. Сувда сузиш замонавий 5 курашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Сузувчиларнинг дастлабки спорт мусобақалари 1515 йил Венецияда ўтказилган. Илк сузиш мактаблари XVIII асрнинг охирида Германия, Австрия, Францияда

очилган. 1890 йил Сувда сузиш бўйича Европа чемпионати ўтказилди. Сувда сузиш 1896 йилдан Олимпия ўйинлари дастурига киритилди (аёллар 1912 йилдан қатнашади). Халқаро ҳаваскорлар сузиш федерацияси (FINA, 1908 йил асос солинган)га 130 дан ортиқ мамлакат миллий федерациялари аъзо.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Сузишнинг эркин тарзда, брасс, баттерфляй усулида, орқа билан сузиш ҳақида АКТ-дан фойдаланиб маълумот келтиринг.
2. Сувга сакраш, сув полоси ва яна қандай тури ҳақида маълумотлар айта оласиз?
3. Биринчи мусобақалар нега айнан Венеция шаҳрида ўтказилган?



Ёзамиз

4. Матнлар таркибидан кўра содда сифатларни белгиланг.
5. Сифатларни гапдаги вазифасига кўра белгиланг.
6. Сифатни гуруҳларига ажратиб СМАРТ жадвал тузинг.



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

207-машқ. Матнларни ўзаро савол-жавоб орқали ўзлаштиринг.

I. Сувга сакраш – спорт тури; трамплиндан ва минора-вишқадан Сувга сакраш усуллари бор. Сувга сакраш турли хил айланишларни ўз ичига олади ва сувга калла ёки оёқ ташлаб кам сув сачратиб тик тушиш билан тугайди. Сувга сакрашнинг дастлабки ҳолатда олд томон билан туриб ва тесқари туриб, қўлларга таяниб туриб, айланишлар йўналишлари бўйича – олдинга, орқага ва буралиб-буралиб сакраш кўринишлари бор. Спорт тури сифатида Сувга сакраш XIX аср ўрталарида Германияда пайдо бўлган. 1890 йил дастлабки халқаро мусобақалар



ўтказилган.



II. Сув полоси, ватерполо – сувда, яъни тўғри бурчакли ҳовузда тўп билан жамоа бўлиб ўйналадиган спорт ўйини. Ҳар жамоада 7 тадан ўйинчи қатнашади. Ҳовузга 2 та дарвоза ўрнатилади. Ўйиннинг мақсади – рақиб дарвозасига иложи борича кўп тўп тушириш. 1967 йилдан бошлаб пластмасса тўп билан ўйналади. Қоидага кўра, мусобақа соф ўйин вақти 5 минут бўлган 4 босқичда 2 минутлик



танаффус билан ўтказилади. Ҳар қандай усулда сузиш, тўпни бир қўлда олиб юриш ва отиш мумкин, қўлида тўп бўлмаган рақибга ҳужум қилиш ман этилади.

(*Муаллифлар таржимаси*)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Минора-вишкадан сувга сакрашнинг қандай турлари бор экан?
2. Ватерполо сув ўйини қайси ўйинларга ўхшайди? “Ассоциация” усулида ишланг.



Ёзамиз



Жуфтликда ишлаймиз

-*симон* қўшимчали сўзлар рўйхатини ёзинг. Уларнинг ўзакка киритадиган маъноларини тушунтиринг.



Ўқиймиз



Ёзамиз

208-машқ. Интервью олиш қоидалари асосида бажаринг.



Қозоғистон тарихидаги сузиш бўйича биринчи олимпия чемпиони – Дмитрий Баландин 2016 йил, Рио де Жанейро Ёзги олимпия ўйинларининг, брасс усулида 200 м. масофага сузиш мусобақаларининг “сенсацияси”.

2011 й. Жакарта, VII Осиё чемпионатида 2014 йил, кумуш. Инчхондаги Ёзги Осиё ўйинларининг уч карра чемпиони (50, 100, 200 м. брасс, олтин) 2015йил Кванжў, Универсиада ўйинларида 100 м. брасс, олтин, 50 м. бронза. 2 даражали Барс ордени совриндори, Давлат премияси “Дарин” лауреати.

Рио 2016 Олимпия ўйинларининг чемпиони Дмитрий Баландин маслаҳатлари: Сув ва сув машқлари организмни чиниқтиради ва соғломлаштиради. Сузиш юрак қон-томир тизимида мушакларни ривожлантиради ва моддалар алмашину-



вини жадаллаштиради. Агар сузаётган киши ҳавони ўпкага тез олиб, узоқ-узоқ чиқарса, ўпканинг ҳаётий сиғими ошади. Бу эса ҳар хил ўпка касалликлари келиб чиқишининг олдини олади. Сувдаги машқлар қоматнинг расо ва адл бўлиб ривожланишида, айниқса умуртқа поғонаси қийшайиб қолишининг (сколиоз) олдини олишда катта аҳамиятга эга. Сузиш билан мунтазам шуғулланган кишиларда бўй ўсиши, сузиш билан шуғулланмаган кишиларга нисбатан жуда тез.

Болаларга сузишни ўргатиш 5-6 ёшдан бошлаб тавсия этилади.

Кунлар исиши билан очиқ ҳавзаларда сувнинг ҳарорати 17-18 даража бўлганда чўмилиш мумкин. Сузиш учун энг яхши вақт кундузи соат 11-13 ва кечки соат 16-17. Сув машғулоти бўлажак оналар, таянч-ҳаракат аппарати касалликлари (сколиоз, остеохондроз, артрит)га чалинганлар, ортиқча вазнлилар шуғулланишлари мумкин.

(Муаллифлар таржимаси)




Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Очиқ мазмундаги саволлар асосида интервью матнини тузинг.
2. “Очиқ микрофон” усулида ишланг ва интервью матни бўйича гуруҳлараро “Энг яхши мухбир” танловини ўтказинг.



Гуруҳда ишлаймиз

3. Расмларга ном беринг. Қувончли дақиқаларда инсон қандай ҳис-туйғуда бўлади?





Жуфтликда ишлаймиз

4. Расм қахрамони ҳақида маълумот топинг. Таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.



5. Келаси машғулотга “Паралимпия ўйинларининг қахрамонлари” номли расмли коллаж тайёрлаб келинг.

6. “Матонатли инсонлар – ким улар?” мавзусида эссе ёзиб келинг.

7. Юқоридаги матнлар асосида жадвални тўлдириг.

Хусусият сифатлари	
Шакл билдирувчи	
Ҳолат сифатлари	
Ранг-тус сифатлари	
Маза-таъм билдирувчи	
Ҳид билдирувчи	
Нарса-буюмнинг вақтга кўра белгисини билдирувчи сифати	

8. Юқоридаги матнлардан ясама сифатларни аниқлаб, сифат ясовчи қўшимчаларни ажратинг. Сифат ясовчи қўшимчанинг ўзакдан олдин келиш сабабини тушунтиришга ҳаракат қилинг.



Бу фойдали!

Амир ўз ўғлини ўқитиш, ҳунар ўргатиш учун устозлар ёллади. Бир оз вақтдан кейин ўғлининг устозларига шундай дейди: “Бу ўргатган ҳунарларингизни зарур вақтда ўғлимнинг ўзи қилишга мажбур бўлади, унинг учун бошқалар қила олмайдиган ҳунарни ўргатмабсизлар”. “У қандай ҳунар, ҳурматли Амир?”– деб сўрашади устозлар. Ота: “Сувда сузмоқликдирки, буни бошқа одам ўғлим учун қила олмайди”, – дейди. Шундан сўнг мураббийлар шаҳзодани сузишга ўргатадилар.

(“Қобуснома”дан)



9-дарс: ШАХМАТ – ХАЛҚНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚУДРАТИ



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

209-машқ. Матрни қунт билан ўзлаштиринг.

Ақллар жанги, туйғулар ва истаклар маҳорабаси бўлган шахмат барча илм аҳли ва тафаккурга ошно кишиларни ўзига ошуфта этмай қолмаган. Шахмат хотирани заифлашишдан сақлайди, ишчанлик қобилиятини кучайтиради, бир сўз билан айтганда, ёшларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишида унинг ўрни бениҳоя юқори.

Одатда, шахмат ҳақида гап кетганда, унга спортдан кўра санъатга – шеъриятга яқинроқ деб баҳо беришади. Муқояса этадиган бўлсак, шахматни 64 та катак ичига жо бўлган ҳаётга, тафаккур ўйинига, гўзаллик ва нафосат курашига қиёс этиш мумкин. Не ажабки, бу дунёнинг ҳам ўзига хос синоатлари, қонун-қоидалари мавжуд. Инчунун, бу оламда қизиқарли воқеалар, турли ажойиботлар рўй бериб туради. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган кечмишлар ҳам шахматга ташна кўнглингизга равшанлик улашади, деган ниятдамиз. Севимли шоиримиз лутф этганидек, «Ўйин эрмак эмас, шеър ҳам шахмат ҳам – Ақллар кураши, туйғулар жанги. Бу жангда қўйилган ҳар битта қадам, Фақат тўғри бўлсин, гўзал ва янги».



Шахмат, шоҳмот (форс. шоҳмот – шоҳ ўлди) – спорт тури. Ўйиндан мақсад рақиб шоҳини мот қилиш. Шахмат икки хил (оқ ва қора) рангдаги 64 та тенг катакли тахта (сатҳ)да икки хил рангдаги 16 тадан дона (биттадан шоҳ ва фарзин, 2 тадан рух, фил ва от, 8 тадан пиёда)да ўйналади. Келиб чиқиши чатуранга ўйинига бориб тақалади. Арабларнинг даврида “шатранж” номи билан кенг ёйилди. Араблар шахмат ёзувини жорий этганлар. (819 йил Хуросонда биринчи мусобақа ўтган).



Шахмат XI асрда Европада ривожлана бошлаган. XV асрларда қоидаларига ўзгартиришлар киритилди. 1575 йилда биринчи учрашув (Испания ва Италия) ўтди. 1851 йилда Лондонда биринчи халқаро мусобақа ўтказилди. 1924 йилда Халқаро шах-



мат федерацияси (ФИДЕ) тузилди. 1987 йилда тузилган Жаҳон шахмат кенгаши мустақил равишда шахмат бўйича бир қанча мусобақа, жаҳон кубоги ва чемпионати ташкил этди. 2000 йилда Владимир Крамник ва Гарри Каспаров ўртасида ўтказилган мусобақада Крамник ғалаба қозонди ва жаҳон чемпиони, деб эълон қилинди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матни номланг. Қайта ҳикояланг.
2. Шахмат хотирани заифлашишдан сақлайди, ишчанлик қобилиятини кучайтиради, деган фикрни изоҳланг.
3. Оқ ва қора катакларга жойлайдиган доналарнинг номини айтинг.
4. *Ақллар кураши, туйғулар жанги* деган тушунчаларни қандай шарҳлай оласиз?



Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

210-машқ. Матни диққат билан ўрнанинг.

Қозоғистонлик 12 ёшли Жансая Абдумалик шу кунлардаги дунёнинг энг ёш **гроссмейстерига** айланган. 6 ёшдан шахмат ўйнашни бошлаган қизалоқ мактаб ўқувчилари орасида жаҳон чемпиони ҳам бўлганди. Шахмат тарихи давомида дунёнинг энг ёш гроссмейстери бўлиши учун Жансая 2 ой кечиккан. Ушбу номни хитойлик Хоу Ифан сақлаб турибди. У бу мақомни 2006 йили 12 ёшу 3 ойлигида қўлга киритган эди.

Алмати шахрининг чеккароғидаги массивдаги хонадонда дунёнинг айни дамдаги энг ёш гроссмейстери Жансая акаси, укаси ва ота-онаси билан яшайди. Уй тўрига президент Назарбаевнинг сурати осилган. “Бу шунчаки эмас, квартирани президент совға қилган”, дейди кулиб Жансаянинг дадаси Дониёр Аширов. Жансаянинг хонасидаги каравотга 12 ёшли





қизнинг 6 йил давомида тўплаган медаллари териб қўйилган. Китоб жавонлари шахматга доир китоблар билан тўлган. Бир четда шахмат тахтаси ўйинга шай ҳолатда турибди. Фурсатдан фойдаланиб, айти вақтдаги дунёнинг энг ёш гроссмейстери билан шахмат ўйнашга қарор қилдим. Ўйин орасида Жансаяни саволга ҳам тутдик. Аввалига шахмат бўйича дадаси мураббий бўлган. Кейинчалик шахмат секцияларига қатнай бошлаган. Айти ўйин ёшида бўлган 6 ёшли қизалоққа доналар устида бош қо-тириш зерикарли бўлмаганми дея сўраймиз.



“Менга ютиш ёққан. Ютганимдан кейинги бахтли бўлиш, ўзидан кўнгли тўлиш каби ҳиссиётлар ёққан. Бундан ташқари менга ўйлаш ёқади, турли ғояларни кўраман. Ҳаммаси қизиқ”, – дейди шахмат доналарини тез-тез олдинга суриб Жансая. Жансая гроссмейстерлар учун талаб қилинадиган очколарни турли мусобақаларда ғолиб чиқиб тўплади ва ушбу унвонни қўлга киритди. Жансая барча талабларни бажарган вақти 12 ёшу 5 ойлик эди.

– Энди турнирларда ўйнасам, ўзим кичкина бўлсам ҳам гроссмейстер деб ёзишади. Бу мени қувонтиради,– дейди шахмат устаси.

Жансая шахматни ташлаб қўймоқчи эмас, шу билан бирга сиёсатчи бўлишни ҳам мақсад қилган.

– Мен шахматни ташламоқчи эмасман. Шахмат мен учун қизиқ. Аёллар ўртасида мутлақ чемпион бўлишни истайман. Шундан кейин, депутат бўлсам дейман,– дейди Жансая Абдумалик. Жансая билан ўйинимиз 25 дақиқа давом



этди ва гроссмейстернинг ғалабаси билан тугади. Жансаянинг дадаси ўйин узокроқ давом этгани билан мени “анча чидаганликда” мақтади. Қозоғистон Таълим вазири билан Астанада бўлиб ўтган ўйин 33 сонияда тугаган экан. Дунёнинг энг ёш гроссмейстерини оилавий шахматчилар деса ҳам бўлаверади. Жансаяни ҳозир Каспаровнинг мураббийи шуғуллантормоқда. Эндиги мақсади аёллар ўртасида чемпион бўлиш.

Ш. Сайф



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матн мазмуни билан ишлашдан аввал “Ғоялар қутичаси” (ни доска ёнига ўрналаштиринг) усулида шахмат сўзига оид таниш сўзларни (стикерга) ёзиб ёпиштиринг. Матн билан танишгандан сўнг “БББ” жадвалини ёзинг.
2. Шахмат тарихига оид маълумотлардан “Тўғри-нотўғри” усулида тушунчалар туркумини тузинг ва “Биздан сизга” (Ротаця) усулида гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.



Жуфтликда ишлаймиз

3. Расмларни номланг. Интервьюдан, умуман, шахматчидан таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.
4. Гроссмейстер сўзининг маъносини луғатдан изланг. (АКТ-дан ўқитувчи ёрдамида)



Ёзамиз

211-машқ. СМАРТ жадвал. Мослаштиринг, муаммони ҳал қилинг. Мисол ёзинг.



Ўқиймиз



Суҳбатлашамиз

212-машқ. Матндаги гапларни (қавс ичида берилган кўпнуқталар ўрнига қўшма ёки такрорий сифатлардан мосини қўйиб) кўчиринг ва қуйидаги топшириқларни бажаринг.

Аслида шахмат ўйинининг тараққий этишида Марказий Осиё халқлари ҳам муҳим ўрин тутган. Берунийнинг “Ҳиндистон”, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, З.М. Бобурнинг “Бобурнома”си ва бошқа тарихий асарларда шахматга доир қимматли (-ю ...) маълумотлар келтирилган. Амир Темур даврида эса кучли (...)



шатранжчилар Самарқандда жамланган, бир-бирлари билан дона сурган. Темур ташкил этган мусобақаларда кўп бор ғолибликни қўлга киритган табризлик аш-Шатранжий шатранж ҳақида китоб ёзиб, унда ўзи ҳамда XIV асргача Марказий Осиёда яшаган кўплаб олия(гроссмейстер)лар ҳақида маълумот берган. Қушон даври (I-II асрлар)га оид шахмат доналари топилган (Далварзинтепа). VII-VIII асрларга тегишли 7та шахмат донаси топилган (Афросиёб).

Бир куни Амир Темур ўзи яратган (“Шатранжи комил”) 112 катакли шахмат тахтасида мулозимлари билан дона суриб ўтирганида, чопарлар унга иккита қувончли (...) хабар келтиришади. Биринчи хабар, у ўғил фарзанд кўргани, иккинчиси эса унинг амри билан Сайхун бўйида барпо қилдирилаётган шаҳар битгани ҳақида эди. Саркарда бу икки хушxabарни шахматда рақибига эндигина рух билан шоҳ берган пайти эшитгани учун ўғлига Шоҳрух, шаҳарга эса Шоҳрухия деб ном беради. Бу ҳақда шахмат тарихига оид ёзилган “Кўпқиррали Каисса” тўпламида ҳам айтиб ўтилган. Европада эса Темур яратган мураккаб шахмат тури ҳақида биринчи марта 1860 йили англиялик тилшунос олим Дункан Форбс “Шахмат тарихи” китобида маълум қилади (А.Наров).



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Маттни қайта ҳикоя қилинг.
2. Матн асосида кичик матн ёзинг, “Мен давом эттираман” усулида ишланг.



Ёзамиз

3. Сифатларни аниқлаб жуфт сифат тарзида ифодалаб, ёзиб олинг.



Ўқиймиз



Мулоқот

213-машқ. Ўзлаштиринг ва мулоҳаза билдириг.

Эркин Воҳидов: “Шахмат абадийдир, шеър ҳам абадий...”

– Шахмат Шарқда дунёга келган. Унинг ватани Ҳиндистон эканлиги тўғрисида Фирдавсий ҳам, бошқа тарихчилар ҳам ёзган. Лекин япон археологлари 1972 йили Сурхондарёдаги Далварзинтепадан топилган буюмларга асосланиб, шахматнинг асл ватани шу жойлар экан, деган хулосага келишди... Албатта, бу билан биз «шахмат ватани» деган номни Ҳиндистондан тортиб олиш ниятимиз йўғ-у, лекин шу фактнинг ўзи ҳам шахматнинг юртимизда қадим-қадимдан севиб ўйнаб келинганини англатади.

Тарихга боқасизми, бугунги кунни олиб кўрасизми, истеъдодли одамларнинг кўпчилиги шахматни севишига иқрор бўласиз. Масалан, ўзингиз тилга олган Амир Темур шахматга фақатгина вақтини хуш ўтказиш воситаси эмас, бугунги тилимиз билан айтганда, тактик назарий билим олиш воситаси сифатида ҳам қараган. Ўзи ҳам ўйнаган, атрофидагиларни ҳам бунга рағбатлантирган.



Темурийлар саройидаги бу анъана йиллар ўтиб Алишер Навоий ҳазратлари даврида ҳам давом этган. Бу ҳақда Мирзо Бобур ҳам ёзганлар. Унинг гувоҳлик беришича, Навоийнинг уйида ўз даврининг машҳур шоирлари, санъаткорлари тез-тез йиғилиб турган. Унда табиийки, мушоиралар бўлган, хонандаю созандалар ўз санъатларини кўрсатган. Шу билан бирга, шахмат мусобақалари ҳам ўтказилган. Бу ажойиб

муҳитнинг раҳнамоси, шубҳасиз, Навоий бобомиз бўлган. У зот шахматни яхши кўрганига, нозик тушунганига ишонаман. Масалан, мана бу байтни шахматга муҳаббати бўлмаган, уни ҳаётнинг ўзидек тасаввур этмаган шахс айтиши мумкин эмас, деб ўйлайман. Мана, қаранг:

*Шаҳ ёнин фарзин киби кажравлар этмишлар мақом,
Ростравлар арсадин рухдек тутар ҳар дам қироқ.*

Яқин тарихимизда ҳам яхши шахматчилар ўтган. Бизнинг биринчи гросмейстеримиз Георгий Аъзамов эди. Унинг оиласи, отасини яхши танирдим. У кишининг уч фарзанди бўлиб, учаласи ҳам кучли шахматчилар эди. Яна бири шахмат бўйича устозимиз Мамажон ака Муҳиддинов нафақат кучли шахматчи, балки шахматнинг ҳақиқий фидойиси, жонкуяр инсон ҳам эди. Улар хотирасига бағишланган турнирлар ҳали-ҳамон давом этмоқда. Айтмоқчиманки, аслида, юртимиз жуда қадимдан шахмат ватани. – Мамажон ака бизга ҳам шахмат устаси сифатида, ҳам ёзувчи сифатида яқин эди. У шахмат ҳақида қўлланмалар ёзган, шахмат билан боғлиқ бир қанча ҳикоя, қиссаларни ва А. Котовнинг Алёхин ҳақидаги «Оқлар ва қоралар» романини таржима қилган. Шахматнинг жуда катта фидойиси ва жуда катта тарғиботчиси бўлиши билан бирга бу киши Ўзбекистоннинг биринчи шахмат устаси ҳамдир.

(“Зиё устаган қалблар”дан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Илм аҳлининг шахмат ўйинига қизиқиши сабабини тушунтиринг.
2. Шахмат тарихини қисқача эсланг ва Э.Воҳидов суҳбати билан қиёслаб фикрингизни айтинг.



Гуруҳда ишлаймиз

3. Навоийнинг ёзган мисраларини изоҳлаб беринг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

4. Интернет манбаларидан фойдаланиб, шахматнинг яратилиш тарихи ҳақида аудио ёки видеолавҳа томоша қилинг. Лавҳани “Инсерт” усулида белгиланг.

VIII бўлим ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ АНЪАНАЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ. НАВРЎЗ



Дилларга омонлик олиб кел, Наврўз,
Кўнгилга мурувват солиб кел, Наврўз.
Ям-яшил чаманга айлансин дунё,
Тўкинлик куйини чалиб кел, Наврўз.



“Наврўз” байрами ЮНЕСКО-нинг номоддий
маданий мерос рўйхатига киритилди.



1-дарс: ХУШ КЕЛИБСАН ЎЛЖАМИЗГА, НАВРЎЗИ ОЛАМ!



Ўқиймиз



Тинглаймиз

214-машқ. Шеърни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

Ассалом, янги кун. Наврўз хуш келдинг,
Туркий диёримга сабодек елдинг.
Сен билан кўркамдир ҳар бир онимиз,
Тўқиндир ёзилган дастурхонимиз.

Учиб турналарнинг арғимчоғида,
Кўрингач Наврўзим юртим боғида,
Диллар севинчлардан ажиб қуёшлик,
Бошланди гул сайли, барқ урар ёшлик.



Қалбларда ҳислардан очилди чечак,
Уялиб, табассум айлар бойчечак.
Наврўз, сен халқимнинг кутган армони,
Янгиликка ташна диллар армони.

Қозонда қайнайди ҳалим, сумалак,
Лолалар атридан мастдир капалак.
Гўзаллик тимсоли, улуғ байрамсан,
Ҳа! Сен-ла ободдир бу чарх, бу фалак!

Баҳодир Собит



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Шеър сизда қандай ҳис-туйғу уйғотди? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.
2. Шеър мазмунини ёритиб берувчи 5та калит сўз топиб ёзинг.
3. Шеърга сарлавҳа қўйиб, калит сўзлар ёрдамида шеъринг матннинг насрий баёнини ёзинг.
4. Нарса-буюмнинг белгисини билдирувчи сўзларни топиб, шарҳланг. Уларнинг шеърнинг таъсирчанлигини оширишда қандай роли бор деб ўйлайсиз?



Ўқиймиз



Жуфтликда ишлаймиз



Сўзлаймиз

215-машқ. Матни хатбошиларга бўлиб ўқинг. Матн мазмуни бўйича ўз мулоҳазаларингизни жуфтликда муҳокама қилинг.

Ободлик кўнгилдан бошланади

Озод-обод юртга Наврўзи олам кириб келди. Қалбларни қувончга тўлдириб, юраклардан эзгулик тошиб, меҳр-оқибат туйғулари гул очиб, Қозоғистонимизга Наврўз келди.

Ҳақиқатан ҳам, биз ҳаётимизни баҳорсиз, Наврўзсиз тасаввур қилолмаймиз. Халқимиз ҳар йили Наврўз мўъжизаси билан юзма-юз келиб, ундан руҳий қувват олади. Наврўз янги-янги интилишлар, изланишлар, ижодий парвозларга қанот бўлади. Нафақат табиат, балки ўзимиз ҳам янгиланамиз бу фаслда.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз – янгилиниш, яшариш, қуриш ва яратиш каби буюк мақсадларнинг, халқимизга хос бўлган қадриятларнинг бошланиши ҳисобланади.

Наврўз кириб келди. Бошқа байрамлар, фаслларга ўхшамасдан, қалбларни сурурга тўлдириб, бутун оламга Наврўз ташриф буюрди. Дастлаб она табиатни, дов-дарахтларни эмас, инсон қалбини, ундаги ҳис-туйғуларнинг нозик торини назокат билан чертиб, янги кун, янги бахт, янги имкониятлар, янги режалар кириб келди.

Инсонлар кўзидаги қувонч, мамнунликни кўриб, қилаётган ишингдан завқ оласан. Келгуси ишларинг учун туганмас рағбат, куч оласан...

Наврўз куни билдирилган тилаклар ижобат бўлади. Ҳа, бу мўъжизалар байрами, қадим-қадим байрам. Баъзан яширинча, баъзан ошкор эшигимиздан кириб келган Наврўз бу! Ҳеч қайси байрамга ўхшамайдиган ҳақиқий халқ байрами, халқ айёми, халқ сайли бу!

Т. Аззам





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матн мазмунини ёритиб берувчи 5та гап кўчириб ёзинг.
2. Матн таркибидан жуфт ва такрорий сўзларни топиб, сўроқ беринг ва ўзи билан боғланган сўзлар билан бирга кўчинг.

Жуфт сўз	Сўроғи	Ўзи билан боғланган сўз
Такрорий сўз		



Гуруҳда ишлаймиз

3. Матн ёнида келтирилган расмлар матн мазмунига мосми? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.
4. Наврўз қандай байрам? Ушбу байрамни нима учун нишонлайдилар? Сизнинг шаҳрингиз (қишлоғингиз)да Наврўз байрами қандай нишонланади? Таассуротларингиз билан ўртоқлашинг. “Оқилнинг олти қалпоғи” усули асосида тасвирлаб кўринг-чи.



Ўқиймиз

216-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг ва унга сарлавҳа қўйинг.

Тонг билан уйғонган ота ўғлини етаклаб **қир-адирларга** ўрлайди. Бойчечак излайди. Уни топиб олган болакай кулгуси, дараларга урилиб акс-садо беради. Улар биргалашиб уйга қайтади. Юз билан юзлашган **бобо-момолар** ҳузурига шошадилар. **Бойчечак** – баҳор элчиси, тириклик байрами, замин туққан бахт. Уни титроқ қўлларига олганларнинг кўзларида севинч ёшлари қалқийди. Бойчечакни юзларига суртиб, Яратганга шукрона айтади улар. Бисотидаги энг





яхши, энг қадрли, энг қиммат нарсасини бойчечак келтирган болага беришади. Баҳорга чиқиб олганлар, Наврўзга эсон-омон етган катта-кичик одамлар қалбида муҳаббат намоён бўлади.

Бободехқон ўз қадрдон даласига отланади. Ҳаёт, яшаш ҳаракатлари бошла-нади. Ўзбек қадим-қадимдан буён, пешона тери эвазига ундирган ҳалол ризқ билан болаларини улғайтиради.

Кўчат ўтқазади. Ота-ўғил-набира. Бири ер қазиса, бири ниҳолни тутади қўлларида, бошқаси сув қуяди. Авлодлар ҳамжиҳатлиги – **Наврўз**. Эртанги кун учун бирга ташланган баравар қадам – Наврўз. Эртасини ўйлаган, эртасидан умиди бор одам ерга уруғ қадайдди. Ниҳол экади. Боламнинг боласини оғзи шу меваларга тегсин, деган инсон яхши ният билан боғ яратади.

Кексаларимиз дуога қўл очади: Илоҳим, шодликларимиз бардавом, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, Ватанимиз обод бўлсин. Фарзандларимиз ёвқур, мард, жасур бўлиб улғайишсин. Юрт бошида турганлар соғ-саломат, ўғил-қизларимиз-нинг бахти, иқболи кулсин.

Наврўз – меҳр-мурувват, инсонпарварлик, одамларни руҳан бирлаштирувчи байрамдир. Барча замонларда ҳам **байрамлар** орқали халқнинг маънавий-руҳий дунёси намоёиш этилган, турмуш тарзи, орзу-ўйлари, гўзалликка, нафосатга бўлган муносабатлари ифодаланган.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз бирдамлик, аҳиллик байрами бўлиш билан бирга, барчага хайрли ишларни янада кўпроқ амалга ошириш учун янгидан-янги куч-ғайрат бағишлайди.

С. Усмонова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Суҳбатлашамиз

1. Матн мазмунини қисқача оғзаки баён этинг.
2. «Елпиғич» усули асосида матн юзасидан очиқ сўроқлар тузинг.



3. Яшаш жойингизда сайлгоҳлар борми? Сиз ҳам гул сайлига чиққанмисиз? Жуфт-ликда муҳокама қилинг.



Ёзамиз

4. **Қандай?** сўроғига жавоб берувчи сўзларни топиб кўчиринг.



Уларнинг аҳамияти нимада? Нутқимизда нимага хизмат этади? Уларнинг тузилишига диққат қилинг.

5. Ажратилган сўзларнинг белгисини билдирувчи жуфт ва такрорий сифатлар топиб, бирга ёзинг.
6. Юқоридаги матн асосида ўзингиз шеър ёзишга уриниб кўринг. Қуйидаги қофиядош сўзлардан фойдаланишингиз мумкин: *Наврўз, самимий сўз, бахт, тахт, байрам, олам, фаровон, замон, бардавом, бойчечак, хуш тилак, бободехқон, қадрдон, болажон, севинч, тинч, гўзаллик, аҳиллик.*



Ёзамиз

217-машқ. Қуйида берилган жумлани давом эттириб, матн тузинг.

Халқимизда «Яхши одам кўзидан, яхши йил Наврўзидан» деган гап бор...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Матн мазмунини далиллар билан исботланг.
2. Тузган матн мазмунини гуруҳда муҳокама қилинг.
3. Матн таркибида предметнинг белги-хусусиятини, шакл-ҳажмини, ранг-тусини билдирувчи сўзлар иштирок этдими? Нима учун уларни қўлладингиз?



Ёдда сақланг!

Жуфт сифатлар қуйидагича ясалади ва ёзилади:

1. Сифат антонимлардан: *катта-кичик, яхши-ёмон.*
2. Бир-бирига яқин маъноли сифатлардан: *қинғир-қийшиқ, эгри-бугри.*

Жуфт сифатлар -у (-ю) билан боғланса, чизиқча қўйилмайди:

каттаю кичик, ёшу қари.



2-дарс: ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...



Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

218-машқ. Қуйида берилган расмни кузатинг. Расмнинг бош қаҳрамони ким, у ҳақида қандай маълумотлар биласиз? Ижодий ёндашган ҳолда фикрларингизни далиллаб, ижодий иш ёзинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Суҳбатлашамиз

1. Ҳизр ота қандай тимсол? Ҳизр ота тимсолини «Ассоциация» усули ёрдамида тасвирланг.
2. Ҳизр ота ҳақида қандай ривоятлар эшитгансиз?
3. Ижодий иш юзасидан тадқиқот иши юргизинг ва жадвални тўлдириг.




Фойдаланган такрорий сўзлар	Улар қандай сўроқларга жавоб бўлади?	Нима учун айнан шу сўзларни қўлладингиз?

4. Ижодий ишингизни синфдошларингизга ўқиб эшиттириг.



Кузатамиз ва ёзамиз

219-машқ. Қуйидаги расмларни диққат билан кузатинг. Улардан бирини танлаб, матн ҳосил қилинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матнни нимани тасвирлашдан бошладингиз?
2. “*Ақлий ҳужум*”. Матн таркибида предметнинг белгисини билдирувчи сўзлардан фойдаланмаслик мумкинми? Нима учун?



Ўқиймиз



Тинглаймиз

3. Тузган ҳикоянгизни синфдошларингизга ўқиб беринг.
4. Тузган ҳикоянгиз матннинг қайси турига мансуб?



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

220-машқ. Матнни хатбошиларга ажратиб ўқинг ва ҳар бир хатбошига сарлавҳа қўйинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

Манбаларда қайд этилишича, аجدодларимиз қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини жуда яхши билганлар. Энг қадимги даврларда йил даставвал икки қисмга – ёз ва қиш фассларига бўлиниб, ушбу фаслларнинг ўрин алмашиш муддати муҳим аҳамият касб этган. Боболаримиз кўкламнинг ҳар бир аломатида эзгулик тимсолини кўрган. Дарҳақиқат, табиатда рўй берган янгилиниш ва тозариш жараёни



инсоннинг рухий дунёсига ҳам покиза эпкин олиб киради. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, боболаримиз Наврўздан кейинги ойни «улуғ ой» ёки «улуғ ўқлоқ ой» деб атаганлар. Бу эса йилбоши байрами **қадим** замонлардан бери кенг тантана қилиб келингани, Наврўздан кейин бошланадиган янги меҳнат мавсуми кишиларга катта маънавий қувват бахш этганини кўрсатади.

Аждодларимиз қуёш, ризқ-рўз манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва боқий ҳаёт тимсоли ҳисобланган сув ҳамда оловни мўътабар санаганлар. Шунинг учун уйлари эшигини қуёшга қаратиб очганлар, **эрта** тонгда чиқаётган қуёшга, тунда эса тўлин ойга уч марта эгилиб, ўз эҳтиромларини ифода этишган. Шуниси қизиқки, Ўрта Осиёнинг **айрим** жойларида Наврўз куни уй деворига **доирасимон** шаклларни чизиб қўйиш одати ХХ асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолган экан. Шубҳасиз, бу доиралар қуёш тимсоли ҳисобланган ва Наврўз байрамида кун билан тун тенглашишини билдирган.

К. Усмонов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матн мазмуни бўйича саволлар тузинг. “**Очиқ саволлар**” бекатига тўхталинг.
2. Матн таркибида сизга нотаниш бўлган сўзлар борми? Бўлса, маъносини изоҳли луғатдан топиб, дафтарингизга ёзиб олинг.
3. Матн мазмунини 2-3 жумла орқали ёритиб ёзинг.
4. Ажратилган сўзлардан такрорий сўзлар ҳосил қилинг. Улар қандай сўроққа жавоб бўлади?



Ўқиймиз



Жуфтликда ишлаймиз

221-машқ. Матнни ўқинг. Матнга ўзингиз бошқа сарлавҳа ўйлаб топинг. Нима учун сиз тузган сарлавҳа муаллифникидан афзал деб ўйлайсиз?

Байрамнинг вужудга келиши



Наврўз байрамининг қачон вужудга келгани ҳақида бизгача етиб келган қадимий манбалардан шу нарса кўринадики, у Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда Аҳамонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрларда) кенг тарқалган. Шу маънода Наврўзнинг тарихини XXV-XXX асрга эга деб тахмин қилиш мумкин.

Наврўз қачон, қандай вужудга келганидан қатъий назар, у ҳар томонлама илмий асосла-



ниб, коинот ва табиат қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда жорий этилган. Чунончи, қуёшнинг ҳамал буржигга кириши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғликнинг кучайиши, табиатнинг жонланиши – Наврўз деб қабул қилинган (Наврўз – «янги кун» деган маънони билдиради). Наврўз эски қуёш календари ҳисобида фарвордин ойининг бошланишига (ҳозирги 22 мартга) тўғри келган. Бу кун «кичик Наврўз» деб аталган ва бу кундан бошлаб табиатдаги ҳамма нарса амалга киради, деб ҳисобланган.



К. Усмонов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матн атрофида берилган расмлар унинг мазмунига мос деб ўйлайсизми? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.
2. Расмлар асосида қисқача ҳикоя тузинг. Берилган матн билан солиштиринг.
3. Матн асосида бошқа гуруҳлар учун саволлар тайёрланг.
4. Наврўз сўзини “*Ассоциация*” усули асосида таърифланг.

3-дарс: ҚОЗОҒИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ



Ўқиймиз



Тинглаймиз

222-машқ. Матни овоз чиқариб ўқинг.

Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатувчи анъана ва маросимлари, урф-одатлари, байрамлари бор. Ҳар бир миллат аجدодлар тафаккури сарчашмасидан баҳра олган ана шу миллий анъаналар тизимининг беқиёс руҳий-маънавий қувватидан куч олиб тараққий этади, ривожланади. Қозоғистон дея аталмиш муборак заминда ўзига хос қадимий маданиятни бунёд этган халқимизнинг эзгу ва ҳаётбахш анъаналарини акс эттирган Наврўз байрами ҳам ана шундай бетакрор қадриятдир.

Асрлар давомида халқимиз дилига бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, мўл ҳосил ва қут-барақа ғоясини сингдириб келган бу шодиёна яшариш ва янгиланиш, руҳий покланиш ва ҳаётнинг боқийлигига имон келтириш тантанаси ҳисобланади. Наврўз йил янгиланадиган, табиат уйғонадиган, деҳқонлар ва



чорвадорлар учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган, эзгу орзулар боғидаги ниҳоллар чинордек бўй чўзадиган ажиб бир даврда нишонланади.

Бу байрам она заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, уйғонаётган оламнинг бетакрор гўзаллигидан баҳра олишга ундайди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Маттни хатбошиларга бўлиб ўқинг.
2. Ҳар бир хатбоши мазмуни бўйича Эта калит сўзларни белгиланг.



Ёзамиз Гурӯҳда ишлаймиз



3. Калит сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Бирикмаларни қандай сўзлар ёрдамида ҳосил қилдингиз? Сўз ва бирикмалар ёрдамида гаплар ҳосил қилинг.

Калит сўз	
Сўз бирикмаси	
Гап	
<i>Изоҳ</i>	

4. Матн таркибидан белгини билдирувчи сўзларни топинг. Уларга сўроқ қўйинг. Тузилишига эътибор беринг. Гурӯҳда муҳокама қилинг



Билиб олинг!

Сифатлар маъносига кўра иккига бўлинади: **аслий сифатлар**, **нисбий сифатлар**.

Бевосита белги билдирадиган сифатлар аслий сифат дейилади: **катта**, **ёруғ**, **кенг**, **узун**, **ширин**.



Аслий сифатлар:

- а) белгини даражалаб кўрсатади: **яхши, яшироқ, жуда яхши, қизил, қизилроқ.**
- б) белгини кучайтириб ёки камайтириб ифодалайди: **қизғин-қизил-қип-қизил;**
- в) модал маъно ифодалайди: **яхшигина, каттагина** каби.

223-машқ. Расмларни кузатинг. Улардан қайси бирида сўзлаш, қайси бирида тинглаш ҳаракати тасвирланган? Танлаб кўрсатинг.



Ўқиймиз



Тинглаймиз



Сўзлаймиз

224-машқ. Матни овоз чиқариб, ифодали ўқинг.

Шундай юрда яшаш – буюк бахт

Миллий қадриятларини қадрлаган авлоднинг қадди ҳам, қалби ҳам ҳаминша юксак, руҳи уйғоқ, фикри теран бўлади. Ота-боболаримиз танлаган йўлдан ҳикмат топсак, миллий маънавиятимизни англаймиз. Аждодларимизнинг ҳаёт тарзи ва удумларини ривожлантирсак, миллат руҳи бардавомлигига ҳисса қўшган бўламиз. Бу эзгу йўлнинг азалий ва абадий мезонлари халқимизнинг энг азиз байрамларидан бири – Наврўз фалсафасида ҳам ўз ифодасини топган. Ўлкамиз бўйлаб ўтадиган сайилларда қозоқ-ўзбек халқининг миллий қадриятлари билан бир қаторда, турли миллатларнинг урф-одатлари, анъаналари миллий маданият марказлари чиқишларида ўз аксини топади.

Дошқозонларда сумалак қайнайди шу кун, ошлар тортилади дастурхонларга. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари кечга қадар садо бериб туради. Шу куни бай-



рамга келганлар ташкил этилган турли томошабоп тадбирлардан баҳра олишади. Бир томонда дилтортар манзаралар, бир ёнда миллий спорт ўйинлари, бир ёнда ош базмию кўрғазмалар... Турли миллат вакилларининг қўшиқ ва рақсларига беихтиёр маҳлиё бўлиб қоласиз.

Қараб, ақлингиз шошади. Ҳайратингиз ошади. Бунчалар серфайз бу байрам! Бунчалар удумларга бой бу эл! Бунчалар самимий ва дилкаш бу чеҳралар!

Бу файзу тароват, бу шодиёналар замирида нима бор? Энг аввало, садағанг кетай Тинчлик! Сўнг Саломатлик! Ундан кейин Эзгулик, Ҳамжиҳатлик, Тотувлик, Меҳр-оқибат, Тўкинлик, Фаровонлик, Бунёдкорлик, Ободлик!.. Минг шукур, буларнинг барчаси барқарор бу юрда.

У. Алимов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Суҳбатлашамиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матн мазмунини 2-3 жумла орқали ифодалаб ёзинг.
2. Матн сизда қандай таассурот уйғотди?

“Ўйла, изла, топ“

Матн нима учун қизиқарли бўлди?	Матндан сизга ёққан жумлаларни ёзинг

3. Матннинг таъсирчанлигини оширувчи сўзларни териб ёзинг. Уларга сўроқ қўйинг.
4. Матн таркибидан **-ий**, **-вий** қўшимчаларини олган сўзларни аниқланг. Уларга сўроқ беринг. Уларнинг нутқимиздаги аҳамияти ҳақида гуруҳларда муҳокама қилинг.



Билиб олинг!

Предмет белгисини бошқа предмет белгисига ўхшатиш, ўрин ёки пайтга нисбатлаш асосида ифодалайдиган сифатлар нисбий сифатлар дейилади. Нисбий сифатлар махсус сифат ясовчи қўшимчалар орқали ҳосил бўлади: **-ли, -ий (-вий), -симон, -лик, -ги (-ки, қи).** **-даги** қўшимчалари билан ясалган сифатлар нисбий сифатлардир. Нисбий сифатлар белгини даражалаб кўрсатмайди: **оилавий, куз-ги, -ли** қўшимчали нисбий сифат маъно жиҳатдан аслий сифатга яқин бўлганлиги учун белгини даражалаб кўрсата олади, модал маъно ифодалайди: **чиройлироқ, жуда чиройли, чиройлигина.**



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

225-машқ. Матн мазмуни нима ҳақда деб ўйлайсиз? Сиз қандай сарлавҳа қўйган бўлардингиз? Матнни синчиклаб ўқинг. Гуруҳларда муҳокама қилинг.

“...Иш эмас душманлиғ”

Қозоғистондаги турли миллат вакиллари ўз қадриятларини кўз қорачиғидек асраш имконига эга. Бутун мамлакат Наврўзни қанчалик кўтаринкилик билан байрам қилса, славянлар Масленицасини, татарлар Сабантўйини эмин-эркин нишонламоқда. Мусулмонлар Ҳайитни қанчалик уюшқоқлик билан байрам қилса, насронийлар Пасха ва Рождествони, яҳудийлар Пейсах ва Пуримни эмин-эркин нишонламоқда.

Дарҳақиқат, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, Қозоғистондаги бир-бирига дўсту қардош миллатларни ҳам парчалаб бўлмайди!

Қозоғистонда турли миллат ва элат вакиллари аҳил яшамоқда. Кўзга тўтиё қилса арзийдиган бундай дўстона муҳитни асраб-авайлашга ҳар биримиз масъулмиз.

XXI аср – соғлом фикрлар, илғор ғоялар ва эзгу амаллар асри! Бир пайтлар улуғ ёзувчи Фёдор Достоевский “Дунёни гўзаллик қутқаради”, деган эди. Бугун забардаст романнависнинг фикрини андак ривожлантириб, “Дунёни соғлом фикр ва бағрикенглик қутқаради” дейиш мумкин.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўлмас шоҳбайтларидан бирида шундай деганди:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

У. Алимов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матн таркибидан аслий ва нисбий сифатларни танлаб ёзинг.
2. Матн таркибида берилган сўзлардан фойдаланиб, қуйидаги жадвални намунадагидек тўлдилинг.

Нима? Ким?	Қандай?	Нима қилди?
Муҳит	дўстона муҳит	Дўстона муҳитни ўзимиз яратамиз.



Ёдда сақланг!

Нисбий сифатлар қуйидаги маъноларни билдиради:

а) предметга нисбат бериш: **мевали дарахт, бахтли болалар, илмий иш, тарбиявий соат;**

б) вақтга нисбат бериш: **кузги буғдой, ёзги таътил, тунги ёғду;**

в) ўринга нисбат бериш: **жанубий кенглик, кўчадаги гап, туркистонлик қиз;**

г) бирор предмет ёки нарсага мўлжалланганлик: **кўрпалик (пахта), ёзлик (кийим), кузги (экин);**

д) предметга ўхшашлик: **бутасимон, одамсимон.**



Ўқиймиз



Тинглаймиз

226-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Наврўз ташрифи

Юрак қатларидан жой олиб бу кун,
Саховат зиёсин сочди дилларга.
Таъриф тавсифи беқиёс бир шан,
Гўзаллик улашди зумрад қирларга.

Ариқ бўйларида ялпиз хандаси,
Қишнинг тазйиқидан омон беланчак.
Наврўзни қаршилар жонзот барчаси,
Мисоли саломга турган келинчак.





Туғёнга тушмоқда дилдаги сирлар,
 Майса тебраниши минг ҳамду сано.
 Заминни уйғотар “сирли шивирлар”,
 Наврўзим! Хуш келдинг, сенга тасанно!



Турналар қўшиғи дилрабо олқиш,
 Муаттар гул иси булбулга нола.
 Наврўзим, қалбларга бергил осойиш,
 Тинчлик, қут-барака айлаб ҳавола.

Элларга омонлик олиб кел, Наврўз,
 Кўнгилга мурувват солиб кел, Наврўз.
 Ям-яшил чаманга айлансин дунё,
 Тўкинлик куйини чалиб кел, Наврўз.

Б. Собит



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз Ёзамиз



1. Шеърий матннинг қисқача мазмунини насрий матнга айлантириб ёзинг.
2. Матн таркибидан аслий сифатнинг кучайтirma шаклларини топинг.
3. Матн таркибидан нисбий сифатларни топинг.
 Қуйидаги жадвални тўлдилинг.

Аслий сифат	Нима учун?	Нисбий сифат	Нима учун?

4,5-дарслар: НАВРЎЗ ДУНЁ КЕЗМОҚДА



Ўқиймиз

227-машқ. Матн билан танишинг. Топшириқларни бажаринг.

Наврўз байрамининг тарихига яна бир бор назар ташласак, у қадимий ва ўзига хос босқичларни босиб ўтган навқирон ва кўҳна байрам ҳисобланади. Бу байрам қадимдан Эрон, Покистон, Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан ўзгача тайёргарлик билан қарши олинган. Абу Бакр Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида таъкидланишича, Наврўз тўрт минг йилдан бери ота-боболаримиз томонидан байрам сифатида нишонланиб келинар экан.



Абу Райҳон Беруний Наврўз қачон бошланишини табиат ҳодисаларига қараб аниқлаш мумкинлигини қуйидагича баён қилади: “...Баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунича, ўсимлик униб чиқиб, такомиллашгунигача бўлган вақтда келади”.

Яна Наврўз 40 кун шодиёна ва меҳнат байрами сифатида ҳам нишонланиши айтилади. Апрель, ҳатто май ойларида ҳам тантаналар давом этиб туради.

Шуни таъкидлаш керакки, наврўз деганда фақат 21 мартда нишонланадиган байрамни тушунмаслик лозим. Аслида наврўз форсча “янги кун” дегани бўлиб, совуқ қишдан кўклам баҳорга, мисоли янги ва умидбахш кунларга етилгани учун янги кунга қиёсланган ва шундай ном берилган.

Наврўз байрамини қарши олишга ҳам ўзбек халқи ўзгача тайёргарликлар кўради. Аввало, совуқ қишдан соғ-саломат баҳор фаслига етказганига Аллоҳ таолога шукроналар айтадилар. Қишда қор остида қолган ишларини тафти баданларга хуш ёқувчи қуёшли кунларда бошлаб, меҳнатга янгича шижоат билан бел боғлайдилар. Ҳовли жойлар тозаланади, кераксиз чиқиндилар чиқарилади, маҳалла, кўча, хиёбон ва атроф-муҳит ҳашар йўли билан ободонлаштирилади. Янги кўчатлар ўтқазилади, аввалгиларига қайтадан ишлов берилади. Далаларда иш қизигандан қизиби, деҳқонбоболар азамат йигитлардан ҳам ўзиб кетадилар. Супурги тегмаган, сув сепилмаган гўша қолмайди гўё!

К. Салимов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матннинг ҳар бир абзацига саволлар тузинг. Гуруҳлар ўртасида саволлар билан алмашиб, ўзаро муҳокама қилинг.



Ёзамиз

2. Матн таркибидан аслий ва нисбий сифатларни топиб, ўзи боғланган сўзлар билан кўчиринг.
3. Энг сўнги гапни кўчиринг. Маъносини шарҳланг.

228-машқ. Расми кузатинг ва уни сўзлатинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Мулоқот

1. Расм асосида гуруҳларда саволлар тузиб, ўзаро фикр алмашинг. “Ис-сиқ ўриндиқ” усулини қўлланг.





Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

2. Қайси гуруҳ аъзолари расм асосида кўпроқ саволлар тузиб, ахборот бера олади? Гуруҳлараро беллашинг.
3. Тузган саволлар асосида матн яратинг. Матн таркибида нарса-буюмнинг хусусияти, ҳажм-ўлчовини билдирувчи сўзлардан фойдаланинг.



Ўқиймиз

229-машқ. Матнни диққат билан ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

Наврўз тарихига яна бир назар

Абу Райхон Беруний бу кунни айнан нима учун Наврўз деб аташларининг сабабини аниқлаган ҳолда, қуйидагича келтиради: “Жамшид подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгилади ва шу кунни “Наврўз” – янги кун деб атадилар. Аммо кейинги подшолар бу ой, яъни Фарвардин моҳнинг барчаси (кунлари)ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсимлаб: биринчи беш кун – подшоҳлар учун, иккинчиси – улуғ кишилар, учинчиси – подшоҳларнинг ғуломлари учун, тўртинчиси – хизматкорлар учун, бешинчиси – халқ оммаси учун, олтинчиси – чўпонлар учун деб белгилайди”.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий эса “Жамшид одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилолмайдиган “Чихил минор” номли баланд бино қуриб... бу иморат туганди, олам солотин ва ашрав ва ахборни йиғиб, анда базм жошн қилди. Ул вақтким, қўли нуқта эътиқодли рабийға тақвил қилиб эрди, ул бинога тахт устига ўлтириб адолат сайд садосини оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди”, дея таъриф келтирган. Умар Ҳайём ҳам Наврўз ҳақида ўз фикрларини билдирган: “Жамшид шу кунни Наврўз аталсин, деб фармон берди ва одамларга ҳар йили Фарвардин келганда байрам қилишни ва ўша кунни янги деб ҳисоблашни, Қуйи Тургунга Наврўз ҳам барқарор бўлсин деб буюрди”. Зардуштийлик тақвимиға кўра февраль ойининг биринчи куни “Кичик наврўз”, олтинчи куни “Катта наврўз” тарзида нишонланган бўлса, Сосонийлар ҳукмронлиги йилларида катта ва кичик Наврўз орасидаги кунлар ҳам байрам қилинган. Наврўзнинг Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида алоҳида аҳамият касб этган умумхалқ байрами бўлганлигини эътироф этиш мумкин.

К. Салимов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матн таркибидан ўзингизга нотаниш бўлган сўзларни аниқланг. Интернет манбаларидан уларнинг изоҳини топиб ёзинг.
2. Матн мазмунини ёритувчи 5та калит сўз топиб ёзинг.
3. Наврўз ҳақида яна қандай маълумотлар биласиз? **“Инсерт”** усули орқали Наврўз ҳақида олган билимларингизни мустаҳкамланг.

“V” – биламан	
“+” – билмайман	
“ –“ – янги ахборот	
“?” – тушунмадим	

4. Матн таркибидан ясама сифатларни кўчириб ёзинг, ясалиш усулини кўрсатинг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

230-машқ. Қуйидаги матн билан танишинг. Фикр-мулоҳаза билдиринг.

ЮНЕСКО эътирофи

Бугунги кунда Наврўз 21 март куни расмий равишда йилнинг бошланиши сифатида Эрон ва Афғонистонда, миллий байрам сифатида Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, Албания, Қирғизистон, Туркия, Доғистон, Татаристон, Бошқирдистон, Хитойнинг Синьцзян-Уйғур автоном республикасида, Ироқнинг Курдистони ва Ҳиндистоннинг баъзи бир ҳудудларида нишонланади.

2009 йил 30 сентябрда у 76 та инсониятнинг номоддий мероси сифатида ЮНЕСКО-нинг репрезентатив рўйхатига киритилган. 2010 йил 19 февраль куни БМТ-нинг Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида “Наврўз – Халқаро кун” резолюцияси қабул қилинган эди. Унга кўра 21 март Наврўз – Халқаро кун деб эълон қилиниб, аъзо давлатлар Наврўз билан боғлиқ анъана ва урфларни сақлаш, уларнинг тарғиботини кучайтириш, байрам билан боғлиқ тадбирларни мунтазам равишда ҳар йили ташкил этиш ва ўтказиш белгилаб қўйилди.

(Интернет манбаларидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Тақдимот

1. Матн таркибидан ўзингиз учун нотаниш бўлган сўзларни аниқланг, Интернет манбалари, изоҳли луғатлардан фойдаланиб, маъносини изоҳланг. Синфга тақдим этинг.



Ёзамиз

2. **Қандай?** сўроқларига жавоб берадиган сўзларни ўзи боғланган сўзлар билан кўчириб ёзинг. Уларнинг тузилишини, маъносини изоҳланг.



Ёзамиз



Тинглаймиз

231-машқ. Матни овоз чиқариб ўқинг. Диққат билан тингланг.

Наврўз одатлари ва таомлари

Қадимги урфларга кўра Наврўздан олдин тозаликка риоя этилиши, уй ва унинг атрофлари тозаланиши, экин экиш олдидан далаларда мувофиқ ишларнинг амалга оширилиши лозим бўлган.

Наврўз учун анъанавий бўлган одатлардан бири хафт сина(форс. انىس تىفە) ва хафт шин-ани тайёрлашдир. Хафт син “с” ҳарфидан бошланувчи еттита егуликдан иборат патнис тайёрланган. Булар номи форс тилида “с” ҳарфи билан бошланувчи себ (олма), сир (саримсоқ) сирка (уксус), самоғ, санжид(жийда), сипанд (испанд) ва саману(сумалак) ҳам фойдали егуликлар ва ҳам саломатлик рамзи ҳисобланади.

Халқимиз сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара, кўк ош кабиларни тансиқ таом сифатида қадрлайди. Ҳақиқатдан ҳам, тансиқ бу таомларда юртимиз табиатининг минг хил қуввати мужассам. Узоқ давом этган қишдан сўнг организмимиз витаминлар, минерал моддалар, оқсил ва углеводларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезади. Бу танқисликни кўклам кўкатлари ва гиёҳлари билан тўлдириш айни муддаодир. Жағ-жағ, исмалоқ, шовул, ялпиз, матор, семизўт қўшилган кўк сомса, чучвара, бичак ва бошқа Наврўз таомлари қувватни тиклайди. Ушбу табиий гиёҳларнинг ҳар бири дорихоналардаги сунъий-кимёвий воситалардан бир неча бор таъсирли ва фойдалироқ экани, шубҳасиз. Қозоғистонда Наврўз таомномасидан еттита ингредиентдан тайёрланадиган «наурыз коже», яъни “Наврўз гўжа” асосий ўринни эгаллайди. Озарбайжонда байрам



дастурхонида албатта ёнғоқ ва майиз билан бирга пиширилган балиқ, пахлава, шакарбура бўлиши лозим.

(Интернет манбаларидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матннинг асосий мазмунини ёритиб берувчи 3та жумла кўчириб ёзинг.
2. Матн таркибидан хусусият, макон-замонни билдирувчи сифатларни топиб кўчиринг.
3. Сизнинг хонадонингизда Наврўз таомларидан қайсилари тайёрланади? Синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

232-машқ. Матнни диққат билан ўқинг. Мазмунини қайта сўзланг.

Наврўзга тайёргарлик

Наврўзга хос анъаналардан бири байрамга тайёргарлик 10-15 кун олдин бошланади. Ҳамма ўзига янги либос тиктиради. Уйлар, ҳовлилар, кўча ва ариқ бўйлари тозаланади. Сумалак учун буғдой ундирилади. Наврўз байрами бошланган кундан эътиборан одамлар барча хафагарчиликларни унутиш, гинахонликларга барҳам беришга интиладилар. Ҳеч кимнинг оғзидан ёмон гап, ҳақоратли сўз чиқмаслиги керак. Уруш-жанжал қилиб юрганлар ярашишади. Барча бир-бирига сихат-саломатлик тилайди. Қариндош-уруғлар, дўсту ёронлар бир-бирлариникига меҳмонга боришади. Ёшлар қарияларни зиёрат қилади. Бемор кишиларни бориб кўриш, бева-бечораларни йўқлаш фарз ҳисобланади. Наврўз кунлари ота-она фарзанд кўришса, унга Наврўзбек, Наврўза, Навбаҳор каби байрам билан боғлиқ гўзал исмлар қўйилади. Бундан ташқари байрам кунлари ҳайвонларни ўлдириш, сўйиш мумкин эмас. Қадимда Наврўз гулханини кичик ёшдаги ўғил бола ёққан ва бу олов тоза ҳисобланган. Байрам кунлари албатта ниҳол экиш лозим бўлган. Юртда фаровонлик ва тинчлик бўлиши учун тут, анжир, каштан, чинор дарахтлари экилган. Бирор бир дарахт кесилмаган. Бу ёмонликка ишора сифатида қабул қилинган.

Бугун Наврўз юрт кезмоқда. Яшариш, ярашиш, гўзаллик тимсоли юртдошларимиз хонадонига фаровонлик, саломатлик, тинчлик олиб келсин. Байрамингиз муборак бўлсин!

Н. Қосимова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Наврўзга хос қандай анъаналар билан танишдингиз? Сизнинг шаҳрингиз (қишлоғингиз)да ушбу байрамга боғлиқ қандай анъаналар бор? Синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.



Ёзамиз

2. Энг яқин инсонингизни Наврўз айёми билан муборакбод этиб, очиқ хат ёзинг.



Видеолавҳа томоша қиламиз

233-машқ. Интернет манбаларидан фойдаланиб, Ўзбекистон ва Қозоғистонда Наврўз айёмининг нишонланиши ҳақида видеолавҳалар томоша қилинг. Ҳар икки лавҳаларни солиштиринг. Фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Муҳокама қиламиз

1. Биринчи видеолавҳада қандай халқона урф-одат, анъаналарни кузатдингиз?
2. Иккинчи видеолавҳада-чи?



Тақдимот

3. Ҳар икки видеолавҳага хос бўлган ўхшаш ва фарқли жиҳатларни топиб, Венн диаграммаси асосида топшириқни ёзма бажаринг. Синфга тақдим этинг.





Гуруҳда ишлаймиз



Ёзамиз



Тақдимот

234-машқ. Ўзга мамлакатлардаги байрамлар ҳақида қандай маълумотлар биласиз? Маълумотларни излаб топинг ҳамда “Ассоциация” усули асосида тўплаб, синфга тақдим этинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Гуруҳларнинг тақдимотлари бўйича ўзаро савол-жавоб ўтказинг.
2. Маълумотларни қайси манбалардан олдингиз? Синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.

6,7-дарс. НАВРЎЗ ТАОМЛАРИ



235-машқ. **Матнолди топшириқлар.** Қуйида баҳор кириб келиши билан тайёрлаш урф-одатга айланган таом турлари билан танишасиз. Расмда берилган таом қандай аталади? Уни қандай тайёрлашни биласизми?

... Марказий Осиё ҳамда бошқа туркий ва форсий халқлар томонидан Наврўз байрами кунлари пишириладиган ширин таом тури. Асосан, буғдойнинг ёш новдалари, ун, ёғлардан тайёрланади. Шунингдек, баъзи миллий анъаналарга кўра, тош ёки ёнғоқ ҳам солиб ... сутка мобайнида пиширилади.

Сумалак қадимдан, айрим маълумотларга кўра, 3 минг йилдан бери, баҳорни кутиб олиш, деҳқончилик ишларининг бошланиши арафасида, ... да тайёрлаб





келинади. ... атрофида ёш қиз-жувонлар ... ни қовлаш жараёнида суҳбат қуриб, чилдирма чалиб, ... авжига чиқади ва лапарлар айтишади. Даврадаги ёшларнинг турли чистонлар айтиши, шеърхонлик ва ҳазил-мутойибалар ... пишгунича давом этди.

Муаллифлар



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ўқиймиз

1. Маттни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Сарлавҳа қўйинг.
2. Нуқталар ўрнига зарур сўзларни қўйиб, маттни кўчиринг.
3. Матн таркибидаги отлашган сифатларни белгиланг.



Ёзамиз



Тақдимот

4. Сумалак ҳақида қандай ривоятлар биласиз? Синфга тақдим этинг.



Тинглаймиз

5. Интернет манбаларидан фойдаланиб, сумалак ҳақида қўшиқ тингланг. Бирга жўр бўлинг. Нима ҳис қилдингиз? Қўшиқ матни сизда қандай таассурот қолдирди?



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз

236-машқ. Интернет манбаларидан фойдаланиб, “Сумалак” мультфильмини томоша қилинг ва топшириқларни бажаринг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Мультфильм нима ҳақда? Нимадан бошланди? Қаҳрамонлари ким?
2. Нима учун сумалакка тошчалар солинади?



Тақдимот

3. Мультфильмнинг бош қаҳрамонларига тавсиф беринг. Уларни тавсифлашда қандай сўзлардан фойдаланасиз? Ўйланиб олинг. Ёзиб синфга тақдим этинг.



Сўзлаймиз

4. Мультфильм нима билан тугади?
5. Нима учун сумалак мазали чиқди?
6. Сумалак таомини пишириш жараёнида қандай удумларни кузатдингиз? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.



Ўқиймиз

237-машқ. Матн билан танишинг. Топшириқларни бажаринг.

Ҳалим

Ҳалим буғдой ва мол гўштидан тайёрланиб, узоқ қайнатиб пишириладиган (8-9 соат) қадимий баҳорий тансиқ таомларимиздан. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида уни «ҳалиса», деб ҳам аташар экан. Баъзан пазандалар мол гўшти ўрнига қўй ёки эчки гўштини ҳам ишлатади. Мазкур тансиқ таомни йил бўйи пишириш мумкин. Аммо баҳор ойларида кўпроқ истеъмол қилинса, кишининг илиги тўлади. Шу боис бу таом кўпинча Наврўз байрамада, ҳайит ва бошқа тадбирларда пиширилади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Суҳбатлашамиз

1. Ушбу таом сизга танишми? Сизнинг хонадонингизда ҳам тайёрланадими? Интернет манбаларидан ҳалимни тайёрлаш усуллари ҳақида маълумот олинг.



Ёзамиз

2. Ҳалим сўзига маза-таъм билдирувчи сўзларни матн таркибидан ва ўзингиз мустақил сўзлар билан боғлаб, бир неча сўз бирикмалари ҳосил қилинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

238-машқ. Матни ўқинг. Мазмунини ўзингиз билган маълумотлар билан тўлдириб, қайта сўзланг.



Наврўз байрамида халқ сайилларининг тўйимли ва тўқ тутувчи таомларидан бири гўжа ҳисобланади. Марказий Осиё халқлари таомномасида етакчи ўрин тутган. Бу таом асосан, оқ ва сариқ жўхори, махсус буғдойни узок қайнатиб тайёрланган. Бунинг учун масаллиқ илиқроқ сувда 7-8 соат ивителиб, илик билан биргаликда 5-6 соат қайнатилган. Жўхори, буғдой юмшаб пишганидан сўнг у совутилган ва қатиқ аралаштириб ичиш урф бўлган. Баъзи жойларда гўжа оши таркибига қўй ва мол гўштига қўшилиб нўхат, ловия, буғдой, арпа, мош каби дуккакли маҳсулотлар солинган. Гўжа ошини тўйиб ичган киши кун бўйи тўқ ва тетик юради.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Сўхбатлашамиз

1. Ушбу таомнинг яна қандай масаллиқлар билан тайёрланишини биласизми? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.



Ёзамиз

2. Матн таркибидан ранг-тус, маза-таъми билдирувчи сўзларни аниқлаб, кўчиринг.
3. Ушбу таомнинг қандай хосияти бор?



Ўқиймиз

239-машқ. Матн билан танишинг ҳамда кўчиринг.

Кўк сомса

Бундай сомса йилда бир-икки марта, баҳор ойларига тайёрланиши мумкин бўлганлиги учун ҳам тансиқдир. Бунда одатий сомса хаамири қорилади ва ёйилади. Қиймасига навбаҳорда илк кўкариб чиққан ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, жағ-жағ, мачин, шўра, чумчуққўз, беда каби доривор ўсимликлар солинади. Сомсани тандирда ёки газ печида пишириш мумкин.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матн таркибида ажратиб кўрсатилган сўзларга ҳидни билдирувчи сўзларни қўшиб, сўз бирикмаси ҳосил қилинг. Уларга сўроқ қўйинг.



Суҳбатлашамиз

2. Сиз қандай сомса турини хуш кўрасиз? Ушбу таом турини ойингиз тайёрлайдими? Сиз-чи, ёрдамлашасизми? Қандай қилиб? Синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.
3. Кўк сомсанинг қандай фойдаси бор?



Ёзамиз

240-машқ. Матни кўчириб ёзинг.

Кўк чучвара

Кўк чучварани тайёрлашда турли кўкатлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун одатдагидек чучвара хаамири қорилади, қиймасига майдаланган кўкатлар солиб тугилади. Чучвараларни махсус шўрвага солиб пишириш ҳамда ёғда қовуриш мумкин.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Гапларни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.
2. Сифатларнинг гаптаги вазифасини аниқланг.



Ёзамиз

241-машқ. Ушбу расмда кўрсатилган таом ҳақида маълумотлар топиб, матн тузинг.

Коватак ош



Топшириқлар

1. Таянч сўзлардан фойдаланинг: *эрта баҳор, барра барглар, мазали таом, яшил япроқ, зирвак.*
2. Сифатларни турли гап бўлаклари вазифасида қўллаб гаплар тузинг.



Тақдимот

242-машқ. Азиз ўқувчилар! Яна қандай баҳор таомларини биласиз? Тақдимот ўтказинг.



Ёдда сақланг!

Сифатлар отлашганда кўплик, эгалик, келишик қўшимчаларини қабул қилиб, гапта аниқловчи, ҳол, кесим, тўлдирувчи ва эга бўлиб кела олади. Яхшидан от қолади, ёмондан дод.



8-9-дарс: НАВРЎЗ УДУМЛАРИ



Бу муҳим!

Халқимиз ўзлигини танибдики, янги йилни баҳорий тенгкунликдан бошлашга, қуёш ҳамал буржига кирадиган кунни байрам қилишга одатланган. Бу шодиёна халқимиз ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, вақтлар ўтиши билан унга боғлиқ дилрабо куй-қўшиқлар, афсона-ривоятлар, удум ва одатлар пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам Наврўз фақатгина йилбоши байрами эмас, балки зукко аждодларимизнинг беқиёс тафаккур дурдоналарини қамраб олган маънавий қадрият ҳамдир. Қадим аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан боғлиқ амаллари, самовий ёритқичлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг сарзамини вазифасини ўтаган эътиқодий қарашлар Наврўз байрамининг юзага келишига асос бўлган.



Ўқиймиз



Тинглаймиз

243-машқ. Матни овоз чиқариб ўқинг.

Бойчечагим бойланди

Илк кўклам кунлари қорлар эриб кетган қир-адирларда, тоғларнинг этагида ажиб бир манзарага кўзингиз тушади: узоқ вақт қиш уйқусида мудраб ётган она табиатнинг ғаройиб мўъжизаси – бойчечаклар чиқиб, чор-атрофга бамисоли садафдек сочилади. Ана шу пайтда қадим-қадим замонлардан буён мамлакатимиз ҳудудида «Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросими ўтказилган.

XX асрнинг 20-йилларида этнографик экспедиция аъзоси О.Сухарева Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида бойчечак билан боғлиқ маросимни кузатишга муваффақ бўлган. Унинг ёзишича, "...бойчечак чиққанлигининг илк даракчилари болалар ҳисобланган. Одатда, ўғил болалар тўп-тўп бўлишиб,





далага чиқишган ва қор кетган унгурларда очилиб ётган бойчечакларни теришган. Улар баҳор нафаси уфуриб турган бойчечаклардан жажжигина гулдаста ясаб, бойчечак қўшиғини қуйлаганча уйма-уй кириб чиқишган. Кексалар, касалманд кишилар бойчечакни кўзларига суртиб, болаларга нон, қанд, ширинлик ҳадея этишган”.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Сўхбатлашамиз

1. Интернет манбаларидан фойдаланиб, бойчечак ҳақида қўшиқ тингланг.
2. Ушбу маълумотлар ҳамда ашула сизга танишми? Сизнинг ўлкангизда ҳам бойчечак ўсадими? Бойчечак сайлига чиққанмисиз?
3. Она табиатнинг бундай мўъжизаларидан ҳайратланганмисиз? Бойчечак ҳақида яна қандай маълумотлар биласиз? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.



Ёзамиз

Қуйидаги жадвал асосида матн таркибидаги отлашган сифатларни топиб кўчиринг. Сўроқ қўйинг. Гапдаги вазифасини аниқланг.

Матн таркибидаги отлашган сифатлар	Сўроқ қўйинг	Гапдаги вазифасини аниқланг



Ўқиймиз

244-машқ. Матнни ўқинг. Сарлавҳа танланг. Матн мазмунини қайта сўзланг.



«Бойчечак» атамаси қадимги туркий тилдаги «бой» (муқаддас, давлат, бойлик, тақиқланган, яъни руҳлар учун қурбонликка аталган нарса) ҳамда чечак (гул) сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган. Худди «Бойбўри» – муқаддас бўри, «Бойкўл» (Байкал) – муқаддас кўл маъносини билдиргани каби, «бойчечак» сўзининг этимологик маъноси ҳам «муқаддас гул»дир. Шу боис, бойчечак билан боғлиқ барча маросим, урф-одат, ирим-сиримлар ҳосилдорлик ғоялари билан боғланади.

Юртимизнинг баъзи ҳудудларида эрта кўклам кунлари болалар бир даста бойчечакни узун ходанинг учига боғлаб олганлар ва уни кўтариб қишлоқ айлан-



ганлар. Бойчечак чиққанлиги – қиш-қировли кунлар ортда қолиб, кўклам яқинлашганлигини аңлатган. Шунинг учун кекса ва касал одамлар болалар олиб келган бойчечакни юз-кўзларига суртиб, ундан яқинлашаётган баҳор ҳидини туйганлар. Соғ-омон наврўзга етиб келганликларига шукрона қилиб: “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга”, – деганлар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Остига чизилган сўзларнинг изоҳини топинг.
2. Матн мазмунини ёритувчи бта калит сўз топиб ёзинг.



Гуруҳда ишлаймиз

3. Калит сўзлар ёрдамида **очиқ** ва **ёпиқ** саволлар тузинг, ўзаро гуруҳларда муҳокама қилинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

245-машқ. Матнни диққат билан ўқинг.

Қозон тўлди



Халқимизнинг қадимий анъанасига кўра, Наврўз байрами ҳут ойининг охиригича, яъни 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси оила даврасида ўтказиладиган қозон тўлди удуми билан бошланган. 1897 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган



Наврўз байрамини кузатган шарқшунос олим В.Вяткин ўз мақоласида «қозон тўлди» удуми тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди: «Бу маросим «оби раҳмат» кечаси ёки янги йил арафасидаги оқшомда ўтказилади. Бунда ҳар бир оилада бирорта тансиқ таом пиширилади ва овқат тайёрланаётган қозоннинг тўла бўлишига алоҳида эътибор берилади».



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Ушбу матн мазмунини бир жумла орқали ёритиб ёзинг.
2. Сизнинг яшаш жойингизда ҳам шундай удумлар борми? Нима учун халқимизда шундай удумлар пайдо бўлган деб ўйлайсиз?
3. Матндан **Нечанчи?** сўроғига жавоб берадиган сўзларни топинг.



Ёдга туширамиз!

Предметнинг сон-саногии ва тартибини билдирадиган сўзлар сон дейилади. Сонлар **неча?, қанча?, нечанчи?** каби сўроқларга жавоб бўлади. Сонлар, асосан, отга боғланиб, унинг саногини (уч дугона, ўн киши), тартибини (бешинчи уй) билдиради.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

246-машқ. Матн билан танишинг. Ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.



Қашқадарё вилоятида наврўз куни маҳалла кишилари томонидан турли хил овқатлар тайёрлаб, катта қозонларни тўлдириш ва жамоа бўлиб овқатланиш удуми “қозон тўлди” дейилади.

“Қозон тўлди” соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир хонадон аҳли ўз имкониятига яраша тансиқ таомлар (кўпинча, палов), кўк сомса, бўғирсоқ тайёрлаганлар. Шунингдек, ўтган аждодлар ҳақида “ис” чиқарганлар. Ана шу “ис” ёғи билан қўшга қўшиладиган ҳўкиз-

ларнинг шохлари мойланган. “Қозон тўлди” оқшомида тайёрланган таомлар ва пишириқлар қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга ҳам улашилган. Келаётган йил баракали келсин, рўзгоримиздан қут аримасин деган эзгу ниятда ҳамма



идишлар сувга тўлдириб қўйилган. Шу оқшомда кечаси билан кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим пиширилган. Бу таомларнинг қозони эртасига очилган.

(Интернет манбаларидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матндаги сўнгги уч гапни кўчириб ёзинг. Ҳар бир гапга нарса-буюмнинг сонини, саноғини, тартибини билдирувчи сўзларни қўшиб, қайта тузинг. Янги қўшилган сўзларга сўроқлар қўйинг.
2. Сонларнинг гапдаги вазифасига эътибор беринг.



Билиб олинг!

Сонлар ҳарф билан (беш, ўн), араб рақами билан (5, 10), рим рақами билан (V, X) ифодаланади. Сонлар бирлик, ўнлик, юзлик минглик тизимига эга.

Бирлик: I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX

Ўнлик: X, XX, XXX, XL, L, LX, LXX, LXXX, XC

Юзлик: C, CC, CCC, CD, D, DC, DCC, DCCC, CM

Минглик: M, MM, MMM

Ўндан юзгача бўлган сонларни ишлатишда катта сонлар олдин, кичик сонлар кейин қўлланилади: *ўн беш, эллик олти* каби.

Юздан юқори сонларда аввал кичик сон, кейин катта сон қўлланилади: *бир юз эллик* каби.



Ўқиймиз



Ёзамиз

247-машқ. Маттни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

“Қозон тўлди” деҳқонлар учун масъулиятли давр – экиш мавсуми бошланганидан дарак берувчи удумдир. Йилбоши арафасида миришкор деҳқонлар қўшга қўшиладиган ҳўкизларини тайёрлаб, омучу бўйинтуруқларини созлаганлар. Уруғликка олиб қўйилган дон-дунлар сараланган. Экиш мавсумининг бошланиш муддати ва халқ тақвими сирларини яхши биладиган тажрибали ҳисобдонлар кузда майин шудгор қилиб, экишга шайлаб қўйилган далаларни айланиб, кўпчиб турган тупроқдан бир сиқим олиб, уқалаб кўришган. Бу билан ернинг етилганини аниқлаганлар.





“Қозон тўлди” куни бекаларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Улар оилага қут-барака ёғиладиган мунаввар байрамга тайёргарлик кўрадилар, наврўз арафасида ҳар йилги одатларига кўра, “уй кўтардилар”, яъни уйдаги гилам-палосларни, кўрпа-тўшакларни ташқарига чиқариб, ёядилар. Ҳамма ёқни супуриб-сидирадилар, эски-туски, кераксиз рўзғор анжомлари чиқариб ташланади.

Наврўз арафасида “қозон тўлди” қилиш анъанаси аجدодларимизнинг ҳосилдорлик ва қут-барака билан алоқадор қадимий эътиқодини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Тарихнависларнинг маълумот беришларича, қадимги аجدодларимиз томонидан мўътабарлаштирилган катта қозонлар муқаддас ҳисобланган. Чунки оммавий маросимлар чоғида таом тайёрланган бундай қозонлар эл-юртни бирлаштиришга, ўзаро ҳамжиҳатликка, бирдамлик ва фаровонликка хизмат қилади деб билганлар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Ҳар бир хатбошининг асосий фикрини (тезис) ёритиб берувчи гапни топиб кўчиринг.



Муҳокама қиламиз

2. “Қозон тўлди” удуми ҳақида ўз фикрингизни билдиринг. Сизнинг ўлкангизда ҳам шундай удум мавжудми?
3. “Уй кўтардилар” деган жумлани қандай тушунасиз? Сизнинг хонадонингизда ҳам «уй кўтардиларми?»
4. Матн юзасидан ўзаро савол-жавоб ўтказинг. Тузган саволларингизда сонлар иштирок этсин. Савол-жавобларни дафтарингизга ёзиб олинг.



Гуруҳда ишлаймиз



Ўқиймиз

248-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Матн нима ҳақда? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.

Турна тилла тарози

Ўзбек фольклорида қушларнинг баҳорда учиб келиши билан боғлиқ қўшиқ ва айтимлар ғоят кўп. Маълумотларга кўра, баҳорнинг бошланишида тонг саҳарлаб бир қуш “қу-қу” деб сайрар экан. Шундан сўнг деҳқонлар кетмон, белларини олиб далага чиққанлар. Бу қушни “деҳқон қуш” дер эканлар. Лайлакнинг кетиши – қовун пўчоғининг ерга тушиши, яъни кузнинг бошланишига белги деб қаралган. Қишлоқларда ҳам қалдирғоч, кўкқарға каби қушлар учиб келганда одамлар “деҳқон қушлар учиб келди” деб севинадилар.



Халқимиз орасида деҳқончилик билан боғлиқ юмушларни бажариш муддатлари кузда иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетган мавсумий қушларнинг эрта баҳордан юртимизга қайтиб келиши вақтига қараб ҳам белгиланган. Тажрибали деҳқонлар ҳар йил баҳорда қушлар учиб келадиган вақтда об-ҳавода муайян ўзгаришлар содир бўлади деб ҳисоблайдилар. Ҳатто халқимиз орасида **мавсумий қушларнинг кўкламда қайтиб келиши муддатларига асосланган ўзига хос фенологик тақвим** ҳам юзага келган бўлиб, бу халқ ҳисоби “қуш қайи” ёки “долға ҳисоби” деб аталади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз



Тақдимот

1. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини турли манбалардан излаб топинг.
2. Сизнинг ўлкангизда қандай қушлар бор?
3. Гуруҳларда қушларнинг фойдаси ҳақида тақдимот тайёрланг.
4. Нима учун қушлар бизнинг дўстимиздир?



Ўқиймиз



Мулоқот

249-машқ. Қуйидаги нутқий вазиятли диалог-матн билан танишинг.

- Хуш келибсиз, бизга хизмат борми?
- Ассалому алейкум, хушвақт бўлинг. Ҳа, ёрдамингиз керак эди.
- Ваалайкум ассалом! Эшитаман.
- Менга бир ўринли хона берсангиз. Тинч ва салқин бўлса. Мен ишлашим керак.
- Марҳамат, 8-қават, 811-хона сизга! Телефакс, телефон ишлаб турибди. Дунёнинг хоҳлаган нуқтаси билан, истаган пайтингизда гаплашишингиз мумкин.





- Раҳмат! Меҳмонхонада кутубхона борми?
- Кутубхона 4-қават, 420-хонада жойлашган...



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Диалог-матнни аввал кенгайтиринг, сўнгра ихчамлаб, матнни давом эттиринг.
2. Берилган расмнинг матнга қандай алоқаси бор, деб ўйлайсиз? Матн мазмунига боғлаб диалогни бойитинг.
3. Матнда иштирок этадиган сонларнинг маъноси, тузилишига эътибор беринг, изоҳланг.



Ўқиймиз

250-машқ.

“Қуш қайи” ҳисоби ҳар йили тахминан 10 февралдан кейин “сарисаманак” ёки “чой” номли қушларнинг учиб келиши билан бошланган. Маълум бўлишича, “чой” – одатда, февраль ойининг охирида, қор аралаш ёмғир ёғиб турадиган кунлари келадиган “қалхат” деган қушдир. Бу қушнинг овозини эшитган деҳқон яқин кунлар ичида ҳаво жўнашиб кетажаклигига амин бўлиб, экиш олди юмушларини бажаришга киришиб кетади. Баъзан баҳор эрта келган йиллари айрим эртапишар экинларни экиш ҳам шу “қуш қайи”дан бошланган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Ўзингиз билган мақоллар, ҳикматли сўз, маълумотлардан фойдаланиб, муқобил (альтернатив) матн яратинг.
3. Қандай ўйлайсиз, қушлар одамлардан ҳам зийрак бўлганими?



251-машқ. Расмни кузатинг. Матн билан танишиб, мазмунини расмга солиштиринг.

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади, дейди деҳқонларимиз. Бу қушлар тўп-тўп бўлиб ўйин-рақсга тушса, кун исийди, улар қичқирса, ёмғир ёғади, деб таъбир қилинади. Тажрибали деҳқонлар турналарнинг кўкламги учиб келишигагина эмас, балки кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетишига ҳам эътибор берадилар. Уларнинг кўп йиллик кузатувларига қараганда, кузда турналар баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Улар барвақт ва пастлаб учиб кетишса, қиш қаттиқ келармиш.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Расм нима ҳақда?
2. Нечта қуш тасвирланган?
3. Қайси қуш нима билан машғул? Қушларнинг миқдорини, тартибини билдирувчи сўзлардан фойдаланинг.
4. Сизнинг ўлкангизга ҳам турналар учиб келадими? Турналар ниманинг рамзи?
5. Юқоридаги матн ва расмдан фойдаланиб, ўзингиз матн тузинг.



Ўқиймиз



Тинглаймиз

252-машқ. Матнни овоз чиқариб ифодали ўқинг. Мазмунини шарҳланг.

Етти кўкат

Оппоқ гуллаган ўрик шохларида, қоқигулларнинг гунчаларида кўклам нафаси кезиб юрибди. Майин эпкин қирма-қир чопиб навжувон майсаларни эркалайди. Жанубдан баҳорини соғинган қушлар учиб келяпти. Арқон эшиб учаётган турналар карвонининг кети узилмайди. Ариқлар бўйида ялпиз





тераётган қизчалар толбаргаklarини силкитиб, мусаффо кўклам осмонида чарх уриб учаётган илк баҳор элчиларига атаб қўшиқлар айтишади.

Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, Аму соҳилларида яшаган қадимги хоразмликлар илк баҳор шабадаси сабзаларни уйғотган дилрабо даврда янги йил байрами – Наврўзни нишонлашар экан. Яна улар байрам дастурхонини етти хил кўкатдан тай-

ёрланган неъмат билан безатишга ҳаракат қилишган. Наврўз кунлари сумалак, етти хил кўкатдан махсус сомса пишириш удумлари мавжуд. Аслида масаллиғи таркибидаги кўкатлар сони айнан еттита эмас, кўпроқ ёки камроқ бўлишига қарамай, бу таом “етти кўкатдан пиширилган” дейилаверади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матндаги ҳар бир хатбоши мазмунини очиб берувчи учта калит сўз топинг. Калит сўзлар ёрдамида бир-иккита жумла тузинг. Матн нима ҳақда?



Муҳокама қиламиз



Тақдимот

2. Нима учун матн “Етти кўкат” деб номланган? Етти сонининг сири нимада эканлигини изланишлар олиб бориб, турли манбалардан маълумотлар тўпланг, синфга тақдим этинг.
3. “*Ақлий ҳужум*” усули ёрдамида “Сонларсиз ҳаёт кечириш мумкинми?” мавзусида гуруҳда тадқиқот юритинг.



Билиб олинг!

Юздан юқори сонларда аввал кичик сон, кейин катта сон қўлланилади: **бир юз эллик** каби.

Нутқимизда фаол ишлатиладиган 23 та туб (0 сони билан биргалиқда) сон бор. Сонлар бутун (ўн, юз) ва каср (бешдан бир, ярим чорак) сонларга бўлинади.

Бутун сон билан каср сон бирга келса касрли (аралаш) сон дейилади: **бир ярим, уч бутун икки** каби.

Сон бошқа сўз туркумларидан ясалмайди. Соннинг ўзига хос асосий морфологик хусусияти соннинг маъно турларини ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг мавжудлигидир.



Бундан ташқари сон билан от ўртасида ҳисоб сўз (нумеративлар) ишлатилиши соннинг асосий хусусиятларидан биридир: **бир тонна пахта, уч гектар ер** каби.

253-машқ. Расмларни диққат билан кузатинг. Топшириқларни бажаринг.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Жуфтликда ишлаймиз

1. Расмларда Наврўз айёмига хос бўлган қандай халқона урф-одатлар, ўйинларни кузатдингиз?



Ёзамиз

2. “Расмлар тилга кирганда” мавзусида юқоридаги расмлар асосида ҳикоя тузинг.
3. Ҳикоя тузиш давомида айнан расмда тасвирланган қаҳрамонлар миқдорига, ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати, кайфиятига ҳам аҳамият беринг.

Таянч сўзлар: баҳор, либос, бахмал, нафислик, сув, қум, тоғ ва қирлар, ёшлик, мингларча, қиз, йигит, ўнлаб давлатлар, “Оқ теракми, кўк терак...”, халқона ўйинлар, Наврўз таомлари, миллий, дўстлик, икковлон, бештаси.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

254-машқ. Расмларни кузатинг. Қозоқ халқига хос бўлган қандай урф-одатлар, анъаналар, халқ ўйинлари тасвирланган? Улар ҳақида қандай маълумотлар биласиз?






Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

Қуйидаги таянч сўзлар ёрдамида матн тузинг. Тузган матнга мос сарлавҳа қўйинг.

Таянч сўзлар: *қиз қувиш, наврўз гўжа, кураш, тушов кесди, биринчи қадам, ўтов, голиб, спорт ўйинлари, миллий кийимлар.*


Тузган гапларингизда сонлар иштирок этсин.

“Венн диаграммаси” усули асосида ўзбек ва қозоқ халқи миллий ўйинларини таққосланг.





IX бўлим ОЛАМДАГИ ЙИРИК КУТУБХОНАЛАР



Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг, у китоб!
Сирни яширмайди ўқувчисидан,
Хабар берар сенга ёзувчисидан.
Хилватда сен билан бўлиб у улфат,
Жимгина қуради ёқимли суҳбат.
Ҳеч кимдан қолишмас билимли аҳбоб,
Ундан сўрамасанг, бермайди жавоб.

Муҳаммад Жабалрудий



Кутубхона – бу ғоялар маскани, унга ҳаммани таклиф қилиш мумкин.

А. Герцен



1-дарс. КИТОБ – МУҚАДДАС



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз

255-машқ. Шеърни видеолавҳа орқали тингланг.

I.

Суврат асли буни сийратдан олур,
Сийрат эса илму ҳикматдан олур,
Одамдан эзгулик муҳаббат қолур.
Саодат сайлига савоб керакдур,
Кўнгилнинг майлига китоб керакдур.

Китоб дилбонида гулнинг рангидур,
Китоб оташ ичра дилнинг рангидур.
Бу қалбнинг камоли ақл жангидур,
Кўкни кўзлаганга хитоб керакдур,
Ўзни излаганга китоб керакдур.



Ўқиган уққанга эли эргашгай,
Оқил йўлга чиқса, йўли эргашгай.
Жаннатдай жилмайиб, чўли эргашгай,
Савол юз очганда жавоб керакдур,
Жавоб жарангига китоб керакдур.

Китоб – бу осмоннинг ўзига нарвон,
Китоб – бу жаҳоннинг кўзига нарвон.
Тирик тарихларнинг сўзига нарвон,
Тунга талпинганга моҳтоб керакдур,
Кундай кулай десанг, китоб керакдур.

Олам оламлигин билмоқ учун ҳам,
Одам одамлигин билмоқ учун ҳам,
Қилни қирқ тилимга тилмоқ учун ҳам,
Тилни тутгувчига шитоб керакдур,
Нурни тутгувчига китоб керакдур.

М. Тоир



II. Ҳақиқатдан ҳам, китоб барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Шунинг учун ҳам юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, қорачиғидек асраганларни зиёли деб атаганлар. Зиёли – Нур тарқатувчи, у ўзининг хатти-ҳаракатлари, фаолияти билан жамиятни нурлантирувчи, маънавий-ижтимоий барқарорликни таъминловчилар ҳисобланган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Шеърни ҳаволага кўра тингланг. Шеърнинг асосий мазмуни нима ҳақда? Гуруҳларда муҳокама қилинг.
2. “Нима учун китоб – муқаддас?” мавзусида гуруҳларда тақиқот иши ташкил қилинг.
3. Ҳар иккала матнни таққосланг. Сизнингча, кимларни зиёлилар деб атайдилар? Нима учун?



Ёзамиз

4. Шеърга сарлавҳа қўйинг. Шеърнинг насрий мазмунини баён этинг. Асосий ғоясини ифодаловчи 3та гапни ажратиб ёзинг.



Ўқиймиз

256-машқ. Матн билан танишинг. Сарлавҳа қўйинг.



Кутубхона – бу ғоялар маскани, унга ҳаммани таклиф қилиш мумкин.

А. Герцен.

Маълумки, кутубхоналар қадим-қадимдан инсонлар учун маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб, инсон зоти доим китобларга интилиб яшаб келган. Ҳар доим кутубхоналар жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган. Фақат кутубхоналар туфайлигина қадимги қўлёзмалар, босма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги манбалар бизгача етиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва ҳужжатли манбалар, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши кутубхоналарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Кутубхоналар милоддан аввалги 2 минг йилликда вужудга келиб, ёзувлар сопол битикларда ёзилган эди. Милоддан аввалги VII аср ўрталарида Шарқдаги кўп саройларда қадимги Миср ва Рим ибодатхоналари қошида кутубхоналар бўлган. Қадимги даврдаги кутубхоналардан энг машҳури Александрия кутубхонасидир.



Ғарбий Европада илк ўрта асрларда монастир ва ибодатхоналар қошида кутубхоналар ташкил этилган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Жуфтликда ишлаймиз

1. Сонлар иштирок этган гапларни кўчириб ёзинг.
2. Нима учун кутубхоналар ташкил этилган?



Муҳокама қиламиз

3. Китобларнинг инсон ҳаётида қандай аҳамияти бор деб ўйлайсиз?
4. Матн эпиграфининг мазмунини ёритиб беринг.
5. Нима учун одамларда ёзиш, ўқишга бўлган эҳтиёж пайдо бўлган деб ўйлайсиз?



Билиб олинг!

Ҳисоб сўзлар, асосан, от туркумига оид сўзлардан бўлиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Предметнинг миқдорини билдиради: **дона, нафар, бош, нусха, туп, боғ.** Узунликни, масофани билидиради: **қадам, қарич, метр, километр, газ, қулоч.**
2. Оғирликнинг ўлчовини билдиради: **грамм, килограмм, тонна, пуд, центнер: бир тонна пахта.**
3. Суюқликнинг ўлчовини билдиради: **литр, сатил, қозон, коса, қошиқ, флаг, пиёла, чойнак: бир чойнак чой.**
4. Предметнинг ҳажмини билдиради: **бир қоп** (ун), **бир лаган** (ош).
5. Пул қийматини билдиради: **тийин, сўм.**



6. Вақтни билдиради: *минут, соат, кун, ой, йил.*

7. Предметнинг майдонини билдиради: *сотих, гектар, таноб.*

257-машқ. Матнни бир неча қисмга бўлиб ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

Қадимги дунё кутубхоналари




Қадимги дунёда ҳам ахборот қиймати-ни яхши тушунишар ва уни олиш учун барча имкониятлардан фойдаланишар, китоблар дунёнинг барча давлатларидан олиб келинар эди. Агар асл нусхаси топилмаса, кўчирма нусхалари ишланар эди. Ҳаммага тушунарли бўлиши учун китоблар чет тиллардан таржима қилинар эди.

Энг қадимий кутубхоналардан бири бўлиб, фиръавн Рамсес 2 кутубхонаси ҳисобланади. Бу жуда ҳам йирик кутубхона, тахминан, милоддан аввалги 1300 йил қадимги Миср пойтахти – Фивада асосланган.


Кутубхонанинг залига кираверишда тилла суви юритилган “Қалб учун до-рихона” деган ёзув ўйиб ёзилган эди. Қадимги мисрликларнинг айтишларича, китобларни дорилар билан тенглаштириш мумкин бўлиб, улар тумов ва шамол-лашдан даволаш эмас, балки ақлини ўткир, қалбини бой қилиш учун ёрдам беради. Кутубхоналарда диний матнлар, сеҳрли сўзлар, тиббиётга ва фалакиёт илмига оид китоблар ёзилган.

Папирус китоблар қутиларда, сопол кўзаларда, махсус қутиларда сақланар эди. Улардан фиръавнлар, буюк арбоблар, хаттотлар фойдаланар эдилар.

Буюк салтанатлар барбод бўлди, Ер юзидан улуғвор шаҳарлар йўқлик сари кетди, тош ҳайкаллар парчаланиб кетди, ҳеч қандай хотира қолдирмай ортда бу оламни тарк этдилар маҳобатли фиръавнлар... Аммо папирус, кучсиз, мўрт




папирус йиллар суронини енгиб ўтди. Ўтди-ю, тилга кирди... Бизга тарихдан сўзлади. У пирамида давлатидаги одамларнинг қандай турмуш кечирганлари, нима билан шуғулланганликлари, қандай худоларга топинганликлари ва уларни қуршаган атроф-муҳит ҳақида ҳикоя қилди.



Қадимги даврнинг чинакам дурдонаси бўлиб Ассирия подшоҳи – Ашшурбанипал кутубхонаси саналади. Ушбу подшоҳ эрамиздан аввалги 7 асрда ўзининг Ниневия давлатида катта кутубхона – “Панд-насиҳат ва маслаҳат уйи” ни барпо этди. Кутубхонанинг ўзи муҳташам саройнинг Шердор залида жойлашган эди. Унинг деворлари шоҳона шер овининг ҳайкалтарошлик саҳналари билан безатилган. Ниневия кутубхонаси намунавий тарзда асралган бўлиб, китобларни сақлаш тизими ҳам парчаланган китобларнинг қисмларини қайта тиклаш ва ўқишга ёрдам берган.



Ҳар бир китоб “кутубхона тамға”сига эга эди: “Ашшурбанипал саройи, шоҳлар шоҳи, ўз подшогимдаги ёзувчиларнинг асарларини топиш мақсадида Набу ва Гаслиста худолари зийрак қулоқ ва ўткир нигоҳ берган – Ашшур мамлакати подшоҳи”. Кутубхона каталогига асар номлари кўрсатилган плиткалар ҳам бўлган.





Ассирия пойтахти – Ниневия тақдири ҳаммага маълум. Вавилон ва Мидиянинг бирлашган лашкарларининг шиддатли ҳужумидан кейин шаҳар таслим бўлган. Шаҳар буткул вайрон қилинган. Ёнғин китоблар коллекциясига қисман зиён етказган – тахтачалар (плиткалар) ертўлага тушиб кетиб, у ерда 25 аср қолиб кетган. Ҳозирги вақтда асраб қолинган матнлар Британия музейида сақланмоқда.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Гуруҳда ишлаймиз

1. Матн мазмуни бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан аввал жуфтликда, сўнгра гуруҳларда ўртоқлашинг. Сўнгра очиқ саволлар тузинг ва **“Иссиқ ўриндик”** усули ёрдамида жавобини топинг



Муҳокама қиламиз

2. Матн таркибида иштирок этган сонларни аниқланг. Улар нима мақсадда қўлланилган?
3. Инсонларга ахборот нима учун керак?
4. “Қалб учун дорихона” жумласининг маъноси нимада, деб ўйлайсиз?
5. Қадимги давр китоблари қандай қилиб бизнинг давримизгача етиб келган?
6. Ашшурбанипал кутубхонаси ҳақида қандай маълумотлар олдингиз?




Ёзамиз

7. Сонлар иштирок этган гапларни кўчиринг, маъносини аниқланг.



**Китоблар инсон тафаккури жа-
вохирларини йиғиб, авлодларга мерос
қолдиради.**

Ойбек





Ўқиймиз



Ёзамиз

258-машқ. Матн билан танишинг. Ушбу маълумот сизга танишми? Матн мазмунига ўз муносабатингизни билдиринг. Матнни кўчиринг.

А.С.Пушкин бутун ижоди давомида жами 21197 та сўз қўллаган бўлса, Шекспир асарлари тилида жами 20 мингдан ортиқ сўз қўлланилган. Испан олимлари Сервантеснинг ижо-дида 18 минг сўз қўлланилгани ҳақида маълумот берганлар.

Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўз-лар сони эса 26000 дан ортиқ экан.

Ана шунча миллий бойлигимизни авайлаб-асраш учун ҳам китоб ўқиш лозим. Дарҳақиқат, китобхонлик маданиятини ошириш – давр талаби.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. **Тадқиқот иши.** Ушбу маълумотлар нима учун диққатингизга ҳавола этилди, деб ўйлайсиз? Муҳокама қилинг.
2. Хулоса чиқаринг.



Тақдимот

3. Шу ёшингизда сиз нечта китоб ўқидингиз? У қандай китоб? Кимнинг асари? Жўфтликда муҳокама қилиб, синфга тақдим этинг.
4. Матнда қандай сонлар иштирок этди?



Билиб олинг!

Миқдор сонлар предметнинг миқдорини, саногини билдиради: беш, ўн, юз.



Ўқиймиз

259-машқ. Матнни ўқинг. Мулоҳаза юритинг.

Китоб – инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Китоб – фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас деб ҳисоблаган. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг китобхон халқлардан биридир. Китобга муҳаббат,



уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Чунки халқимиз қадимдан китобни ҳаёт дарслиги, мўъжиза деб эъзозлаган, маънавий тафаккур, хазиналар маскани – кутубхонага ҳурмат ва эътибор билан қаралган ва ҳозир ҳам шу эъзоз сақла-ниб қолган. Кутубхоналарнинг вазифаси ушбу дурдона фикрлар акс этган, маънавий озуқа берадиган, билимга бой бўлган матбуот асарла-рини тўплаш, сақлаш ва ундаги ахборотларни китобхонга етказиб беришдан иборат.



Китоблар замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир.

Фрэнсис Бэкон



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Тақдимот

1. Матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда **“Кластер”** усулидан фойдаланиб, китоб сўзининг маъносини ёритиб, синфга тақдим этинг.
2. Сиз китобсевармисиз?





2-дарс. КИТОБ – БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ



Ўқиймиз

260-машқ. Матни ўқинг. Сарлавҳа қўйиб кўчиринг.

Инсон ақлий салоҳиятининг юксалишида китобнинг ўрни беқиёс. Зеро, китоб туфайли дунёқарашимиз бойиб, тафаккуримиз янада ўсиб бораверади.

Не-не улуғ зотлар китобга ошно бўлиб, етукликка эришган, комил инсон даражасига етишганлар. Дарҳақиқат, донишмандлардан бири: “Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан бир умр миннатдорман”, деган эди. Ушбу фикр нечоғли тўғри эканлигини маънавиятли ҳар бир инсон чин қалбдан ҳис этади.

Китоб – инсон маънавияти ва дунёқарашини юксалтирувчи муҳим манба ҳисобланади. Китоб ўқиган инсон мулоҳазали, билимли бўлиб, юксак тафаккури ила бошқалардан ўзининг дунёқарашини ва фикрлашини билан ажралиб туради.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. “Синквейн” усулидан фойдаланиб, **китоб** сўзига изоҳ беринг.
2. «Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан бир умр миннатдорман», деган сўзлар кимга тегишли эканини ўқитувчингиз ёрдамида ёки қўшимча манбалардан аниқлаб топинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

261-машқ. Матнни қисмларга бўлиб ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Ўзингиз бошқа сарлавҳа қўйинг.

Биринчи юнон кутубхонаси

Эрамиздан аввалги VI асрда Афинада биринчи юнон кутубхонасига асос солинган.



“Библиотека” (кутубхона) сўзининг ўзи юнончадан – “библио” – китоб, “тека” – сақланидиган жой деган маънони англатади. Китоб тўплаш айниқса, Перикл даврида (эрамиздан аввалги V аср) авж олган.


Китобнинг ашаддий мухлиси китобсевар Эфидем кутубхонасида Гомер ва бошқа шоирларнинг асарлари, тиббиёт, меъморчилик, фалакиёт бўйича илмий ишлар мавжуд эди. Эврипид ҳам ундан оз китоб тўпламаган эди.

Энг бой ажойиб кутубхона соҳиби, албатта, замонасининг олими Арасту (Аристотель) эди. Унинг коллекциясида 40 мингдан ортиқ ўроғлиқ ёзувлар бўлган.

Антик (ўтмиш) даврининг энг йирик ва энг машҳур кутубхонаси – *Александрия* – кутубхонаси эрамиздан аввалги III асрда асосланган.

Подшоҳ **Птолемей I Александр Македонский** (Искандар Зулқарнайн) вафотидан кейин Александрияни пойтахт этгач, кутубхона ташкил этишни режалаштирди. Ўз ҳажмига кўра ушбу кутубхона дунёда мавжуд бўлган барча кутубхоналардан устунроқ бўлиши керак эди. Птолемей адабиёт дурдоналарини тўплаш учун мисли кўрилмаган маблағ сарф этди. Искандария бандаргоҳига қўйилган кема борки, барчаси ўзлари билан албатта қўлғамалар келтиришлари керак эди.

Птолемей I жуда катта маблағ эвазига Арасту кутубхонасини сотиб олади.



Эврипид



Кутубхона ўзининг 6 асрлик энг гуллаб-яшнаган даври давомида 700 мингга яқин китобларга бой бўлган.

Кутубхонада юнон тараққиёти яратган ҳамма нарса муҳайё эди: шоир, тарихчи, нотик, шифокор, математикларнинг асарлари мавжуд бўлган. Китобларнинг муаллифлари ҳам турфа хил эди. Китобларнинг турлари ҳам хилма-хил эди: ўроғлик қоғозлар, папирус ёзувлари, пальма япроқлари ва бшқ.

Қўлёзмалар ҳам қадимийлик ва ноёблик даражасига кўра турли эди.

Кутубхона шунчаки ёзилган папирус қоғозларидан иборат омбор эмас, балки бу даргоҳга бутун дунёнинг олиму уламолари илмий ва адабий фаолият билан шуғулланишга келишар эди.

Минг таассуфки, кутубхоналар тақдири фожеали якун топди.

Александрия кутубхонаси эрамиздан аввалги 391 йилда христиан-мутаассиблар томонидан, унинг қолдиқлари VII – VIII асрларда араблар томонидан барбод этилди.



Арасту



Мутолаанинг уч хили мавжуд: биринчиси, ўқиб тушунмаслик, иккинчиси, ўқиб тушуниш, учинчиси, ўқиш ва ҳатто ёзилмаган нарсани ҳам англаб етиш.

Я. Б. Княжнин



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Нима учун сиз танлаган сарлавҳа муаллифниқидан афзалроқ деб ўйлайсиз?
2. Қадимги Юнон мамлақати ҳақида қандай таассуротларга эгасиз?
3. Китобнинг инсонга қандай фойдаси бор? Нима учун Арасту ўз кутубхонасида шунча китоб сақлаган?
4. Матн таркибида қандай сонлар иштирок этган? Улар нима мақсадда ишлатилган?



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

262-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Матн нима ҳақда? Ўзингиз сарлавҳа қўйинг.

Китоб ҳақида афсона

Нақл қилишларича, ўтган замонда бир ҳукмдор вазиру уламоларини чақириб: “Дунёда энг зўр, керакли, ҳамма нарсадан хабардор қилувчи нарса нима?” – деб савол берибди. Биров “Дунёда энг зўр нарса – қилич” деса, иккинчиси, “Энг кераклиси – нон”, дебди. Ҳамма нарсадан хабар берувчи нарса – “Ойнаи жаҳон”, дегувчилар ҳам топилибди.

– Уч кун муҳлат бераман, – дебди подшо ҳеч кимнинг жавоби ёқмаганлигидан дарғазаб бўлиб.

Қўшни подшоликда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшаётганидан вазирнинг хабари бор экан. Вазир: “Подшоҳнинг саволларига шу донишманддан бошқа ҳеч бир киши жавоб топа олмайди”, – деб ўйлабди-да, уни излаб топиб, подшоҳнинг олдига олиб келибди.

– Дунёда энг керакли нарса нима? – деб сўрабди донишманддан подшо.

– Китоб! – дебди донишманд ҳеч иккиланмай. – Китоб?! – ажабланибди ҳукмдор.

– Ҳа, дунёда энг керакли нарса – китоб, – такрорлабди сўзини донишманд. – Инсон учун ҳаётда икки нарса энг мўътабар ва азиз. Бу – нон билан китоб. Шу боисдан ҳам нон қанчалик мўътабар саналса, китоб ҳам шунчалик азиз. Нон – ризқ-рўз, дастурхон кўрки, ҳаёт баракаси. Ўтмишдан ҳикоя қилувчи тарих, бугунни акс эттирувчи кўзгу, эртанги кунни айтиб берувчи мўъжиза эса китобдир. Покланиш, иймон бутунлиги, руҳий бойлик ҳам китобдандир. Китоб инсоннинг маслаҳатгўйи, доимий ҳамроҳидир. “Китоб кўрмаган одам нодондир, китоб кирмаган уй қоронғу зимистондир”, – дейди донишмандлар.

– Шаҳаншоҳ, донишманд бу саволингизга ҳам тўғри жавоб қилди, – дейишибди сарой аҳли.

– Суву қуруқликдаги ҳамма жойлар, дунёдаги эзгу элатлар ҳақида хабар берувчи ҳам, сенингча, китобми? – аччиқланибди ҳукмдор.

– Ҳа, китоб, – дадил жавоб берибди донишманд. – Дунёни шундоққина кўз олдингизга келтириб қўядиган ҳам, ҳеч кўрмаган ва бир умр кўролмайдиган кишилар ҳамда жойлар билан таништирадиган ҳам шу китобдир. Мана мени олиб кўринг. Мен туғилиб ўсган қишлоғимдан бошқа ҳеч бир жойда бўлмаганман. Аммо Марвдан Машриққача, Ямандан Ясаргача яхши биламан, десам мақтанмаган бўламан. Ер юзида жамики одамзод бор – уларнинг ҳаёти, одатлари, расм-русмларидан озми-кўпми хабардорман. Бунга ана шу китоб орқали эришганман. Қуръони Карим, Ҳадиси шарифнинг мўъжизасини айтмай қўя қолайлик.

Донишманднинг берган жавобидан қониққан подшо:

– “Саройимда қолиб, бош маслаҳатгўйим бўл”, – деб қанчалик ялинмасин, донишманд кўнмабди, ундан олган олтинларга эса бозордан китоб харид қилиб, қишлоғига қайтибди...

(“Машриқзамин-ҳикмат бўстони”дан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Жуфтликда ишлаймиз



Тақдимот

1. Матндаги асосий фикрни аниқланг. Қандай ғояни кўзлайди?
2. Матн мазмунини ноияхлит турда синфга тақдим этинг.
3. Нима учун “Китоб кўрмаган одам нодондир, китоб кирмаган уй қоронғу зимистондир”, деб жавоб берди донишманд? Изоҳланг.



Ёзамиз

“Дунёдаги энг керакли нарса” мавзусида ихчам эссе ёзинг.



Бу фойдали!

Китоб ҳар бир қалб эгасининг йўлини ёритувчи маёқ, маслакдош дўст, маънавий камолотга етакловчи ҳамроҳдир.

Кутубхоналар бир неча асрлик тарихни ўз ичига олган ноёб китоблар, қўлёзмалар, шунингдек, инсон маънавий тамаддунининг бой хазинасини жамлаган даргоҳдир. Китоб билан дўст тутинган фарзанд эса юксак маънавиятли, кенг дунёқарашли бўлиб камол топиши муқаррар.



Ўқиймиз



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



Муҳокама қиламиз

263-машқ. Матни синчиклаб ўқиб чиқинг. Мулоҳазаларингиз билан аввал жуфтликда, сўнгра гуруҳда ўртоқлашинг.

Қадимда буюк шоир ва ёзувчиларимиз, олимларимиз китобга шу қадар меҳр қўйган эдиларки, ҳатто тунлари шам ёруғида китоб мутолаа қилганлар. Сўз мулкининг султони Навоий ҳазратлари 7 ёшида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарини ёд олган, буюк муҳаддисимиз Бухорий ҳазратлари эса олти мингдан зиёд ҳадисни ёд билган. Аммо у даврларда бизга яратиб берилаётган имкониятларнинг бир қисми ҳам бўлмаган. Лекин улар ўз мақсадлари сари интилиб, юксак маънавият соҳибига айланишган.

Демак, биз учун берилаётган имкониятдан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ. Тўқликка шўхлик эса ўзбек миллатининг ёшларига хос фазилат эмас. Аслини олганда, айрим ёшларимиз бундай лоқайдликдан йироқ. Улар ўзларининг ҳур фикрлиги ва юксак маънавияти билан ажралиб туради. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмагани каби инсонлар орасида ҳам маънавий қашшоқ кишилар йўқ эмас. Бундайларнинг лоқайдликлари натижасида «енгил ҳаёт» ихлосмандлари сафи ортиб бормоқда. Оқибатда китоб, китоб ўқиш унутилмоқда. Маънавияти саёз, китоб ўқимайдиган инсонлар оиласида тарбия топаётган фарзандлар келажакда баркамол шахс бўлиб улғаймайди.



Шу боис, ҳар бир инсон билимлар калити бўлмиш – китоб билан дўст бўлмоғи лозим. Ахир дунёда китобдан кўра яхшироқ дўст ва маслақдош йўқ.

Атоқли адибимиз Ойбек таърифича, китоб – тафаккурнинг толмас қанотларидир. Шу маънода айтиш мумкинки, китоб – инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир.

З. Акбарова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Тақдимот

1. Матнда берилган иккинчи гапни кўчириб ёзинг. Ушбу гапни келтиришдан қандай мақсад кўзланган? Фикр-мулоҳаза юритинг. Гуруҳларда муҳокама қилинг. Синфга тақдим этинг.
2. «...енгил ҳаёт» *ихлосмандлари сафи ортиб бормоқда*» жумласини изоҳланг.



Ёзамиз

3. Сонлар қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.
4. Китоб ҳақида яна қандай машҳур инсонларнинг ҳикматли сўзларини биласиз? Дафтарингизга ёзиб олинг.

3-дарс. КИТОБ ЎҚИШ МАДАНИЯТИ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз



Муҳокама қиламиз



264-машқ. **Матнолди топшириқлар.** Китоб ўқиш маданияти деганда нимани тушунасиз? Сизда шундай маданият шаклланганми? Сизнингча, маданиятли китобхон қандай хислатларга эга бўлиши керак? Фикрингизни қуйидаги матн билан солиштиринг.



Хўш, китобхонлик маданияти деганда нимани тушунамиз? Булар, фикримизча қуйидагилардан иборат: ўзининг касбий-мутахассислик ҳамда бадиий-маънавий баркамоллигини ошириш учун китобни танлай олиш ва ўзи учун зарурини ўқиш; китоб устида ишлаш малакасини обдон ўрганиб олиш ва унга чуқур амал қила билиш; китобни мустақил ўқий билиш; ўқиган китобнинг асосий мазмунини талқин қила билиш, унинг фусункор оламига кира билиш; ўқиганларидан ҳаётий хулосалар чиқариш; китобнинг керакли, зарур жойларини ён



дафтарчага кўчириб олиш, нотаниш бўлган сўзларни эса сақлаб қолишга интилиш; мунтазам равишда ўқиш кўникмасига эга бўлиш; китоб билан муомалада энг қадрдон дўстингга муносабатда бўлгандай эътибор билан қараш; китобни яроқсиз ҳолга келтирмаслик учун ундан тўғри фойдалана билиш; китобни шошилмасдан, ўйлаб, диққат-эътибор билан ўқиш малакасига эга бўлиш, кутубхона картотекалари билан ишлай билишни ўрганиш; ўқиган китобни дўстлар билан ўртоқлашиш, яхши китобни уларга тавсия қилиб, уни бошқалар ҳам ўқиб чиқишига эришиш; ҳар бир яхши китобни илм қалъасининг калити деб билиб, унинг боқий умрини таъминлаш.

З. Акбарова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матн таркибидан ўзингиз учун муҳим бўлган бешта жумлани кўчириб ёзинг. Нима учун айнан, шу жумлаларни танладингиз? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.
2. Маданиятли китобхонга тегишли хислатларни “*Кластер*” усули орқали ёритинг.



Тақдимот

3. Ўзингиз ёқтирган китоб (асар, ҳикоя, шеър) ҳақида тақдимот тайёрланг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

265-машқ. Матн билан танишинг. Мулоҳаза юритинг.

Ҳа, кўп китоб ўқиган кишининг билим савияси юқори, муомала маданияти юксак, етук инсон сифатида ҳаётда ўз ўрнини топа олади. Бироқ, бугунги кунда китобга, китоб ўқишга бўлган эҳтиёж ва интилиш, айниқса, ёшлар орасида тобора камайиб бормоқда. Бу эса жуда ачинарлидир. **Қанчадан-қанча** китоблар, китоб жавонлари ва дўконларида шунчаки кўрғазма сифатида турибди. Табиий савол туғилади. Нега шундай? Нима учун китоб ўқимай қўйяпмиз?





Минг афсуски, китоб ўқиш ўрнига **қимматли** вақтини қандайдир бекорчи ҳолатларга, турли кўнгилочар ўйинларга сарфлаётган инсонлар ҳам орамизда оз эмас. Ундайлар фикрлашда, ўзини тутишда ҳам маънавияти юксак эмасликларини намоён этиб қўйишади.

Техника асри даврида яшайпмиз, кундан-кунга техник воситалар тараққийлашиб, уларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Хусусан, қўл телефонлари, турли Интернет тизимини бунга мисол қилишимиз мумкин. Тўғри, юртимизда ёшларга **кенг** имкониятлар яратиб берилмоқда. Чунки миллатимиз шаънини, миллий ғуруримизни юксалтирувчи бу – ёшлар. Шу боис, турли миллат ва элатларнинг ёшлари каби ўзбек ёшлари ҳам дунё билан мулоқотда бўлиши керак. Бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Лекин **айрим** ёшлар берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига, Интернетдаги кўнгилочар ўйинлар, танишувлар, ёшлар онгини заҳарловчи сайтларга кириб, у ердаги маълумотлар билан танишмоқдалар. Бунинг оқибатида уларнинг дунёқараши бир томонлама бўлиб қолмоқда.

З. Акбарова




Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз Сўзлаймиз

1. “Нега шундай? Нима учун китоб ўқимай қўйяпмиз?” деган саволларга қандай жавоб бера оласиз?
2. “Қарорлар шажараси” усули ёрдамида топинг.



Гуруҳда ишлаймиз Тақдимот

3. “Лекин айрим ёшлар берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига, Интернетдаги кўнгилочар ўйинлар, танишувлар, ёшлар онгини заҳарловчи сайтларга кириб, у ердаги маълумотлар билан танишмоқдалар. Бунинг оқибатида уларнинг дунёқараши бир томонлама бўлиб қолмоқда”, деган фикрга ўз муносабатингизни билдириңг. Фикрингиз билан гуруҳларда ўртоқлашинг. Тақдимот қилиңг.



Ёзамиз

4. Матнда ажратиб кўрсатилган сўзлар ўрнига мос сонларни алмаштириб, гапларни кўчиринг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

266-машқ. Матни диққат билан ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

Ўрта осиенинг қадимги кутубхоналари

Ўрта Осиё ҳудудида милоддан аввалги 1-мингйилликнинг сўнгги асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Булар илк кутубхоналар бўлиб, кутуб – арабча «китоблар», хона – форсча «уй», яъни китоб ва ҳужжатлар сақланадиган жой демакдир.

Кутубхона – босма ва айрим қўлёзма асарлардан оммавий фойдаланишни таъминловчи маданий-маърифий ва илмий муассаса ҳисобланиб, унда мунтазам равишда босма асарларни тўплаш, сақлаш, тарғиб қилиш ва китобхонларга етказиш, шунингдек, ахборот-библиографик ишлари олиб борилади.

Китобхонларга хизмат кўрсатиш кутубхонанинг асосий фаолияти бўлиб, қолган барча фаолиятлар (китоб фондини бутлаш, уни ташкил этиш, тўлдириш ва ҳқ.) асосий фаолият учун хизмат қилади. Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади уларни ахборот ва адабиётга бўлган талабларини имкони борича тўлиқ қондиришдан иборат.

Марказий Осиё ҳудудида йирик сулолавий кутубхоналар, масжид-мадрасалар қошида кутубхоналар бўлганлиги ҳақида аниқ тарихий манбалар мавжуд.

IX–X асрларда араб халифалиги тарқоқлашиб, XI асрнинг охирига келиб Ўрта Осиё ҳудудида Сомонийлар давлати юзага келган. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр, Самарқанд, Бухорода фан ва маданият ривожлана борган. Бу даврда ушбу давлатда жуда кўп машҳур қомусий олимлар яшаб ижод этган.

Бухоронинг маҳобатли маркази, кенг майдоннинг кунчиқар тарафида муҳташам арк туради. Арк дарвозасидан кирганда тўғридаги йўл бир кўҳна бинога элтади. Унинг қалин деворлари бой хазинани қўриқлайди. Бу бебаҳо бойликлар жам бўлган хазина Бухоро кутубхонаси, бу кутубхона X асрдаги машҳур кутубхоналардан биридир.





Ўша даврда Бухоро кутубхонаси жуда бой фондга эга бўлиб, у Ўрта Осиёнинг сиёсий ва маданият маркази ҳисобланарди. Бухородаги ушбу кутубхона амир саройида жойлашган бўлиб, китоблар фан соҳалари бўйича сандиқларда сақланган. Унга китобхон фақат амир Нуҳ ибн Мансурнинг рухсати билангина кирарди. Кутубхона ичида қатор терилган сандиқларда китоблар тахлаб қўйилган, ҳар бир сандиқда бор китобларнинг рўйхати мавжуд бўлиб, у сандиқ ичида турарди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Кутубхона қандай вазифаларни бажаради?
2. Машҳур қомусий олимлар қачон ва қаерда яшаб ижод этган?



Жуфтликда ишлаймиз

3. Китобларни сақлаш осонми? Уларни қандай сақлаш мумкин?
4. Инсонни олимлик даражасига олиб борувчи йўл – қандай йўл?



Ёзамиз

5. Сонлар иштирок этган гапларни кўчиринг ва турини аниқланг. Ушбу сонларни чама сонга айлантириб, гаплар ҳосил қилинг. Фарқини тушунтиринг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

267-машқ. Матни диққат билан ўқинг.

Йирик сулолавий кутубхоналар Хоразмда ҳам мавжуд бўлган. Урганчда хоразмшоҳлар, маъмунийлар ва ануштагенийлар замонида кутубхоналар барпо этилган. Хоразм шоҳи Маъмун ибн Маъмун кутубхонасида китоб йиғиш араблар

келишидан анча олдин бошланган. Бу кутубхонани бошқаришни шоҳ Маъмун машҳур адабиётшунос ва тарихчи ас – Солибийга топширади.

Хоразм шоҳи Маъмун II саройда жуда кўп олимларни бирлаштирган «Маъмун академия»сини ташкил қилади. 1010 йилларда барча хоразмлик олимлар қатори бу ерда Беруний ҳам ишлай бошлайди ва шу ерда Абу Али ибн Сино билан учрашади. Улар шундан сўнг анча-





гача биргаликда ижод қиладилар. Хоразмда жуда кўп илмли кишилар яшаган, XI–XII асрларда бу юртда олимлар ишлаши учун шароит яхши эди. Фахриддин ар Риёзий ўзининг энциклопедик мазмундаги «Илмлар тўплами» асарини ёзган.

Мўғуллар истилоси арафасида Марвда ўнта йирик кутубхона бўлган, биргина Азия мадрасаси кутубхонасида 12 минг жилдга яқин китоблар сақланган. XI аср бошларида Маҳмуд Ғазнавий Ғазнада мадраса қурдиради, мадрасанинг барча хоналарида китоб сақлаш учун махсус жойлар мавжуд бўлиб, уларда қўлёзма асарлар чиройли қилиб териб қўйилган.

(“Зиё устаган қалблар”дан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Икки буюк олимларни нима учраштирди?
2. Матн қахрамонларини аниқланг. Уларнинг ҳаётида китобнинг аҳамияти ҳақида сўзланг.



Ёзамиз

3. Матн таркибидан сонларни топиб, ўзи билан боғланган сўз билан бирга кўчиринг. Уларнинг турларини аниқланг. Сонларнинг бир-биридан фарқини далилланг.



Тақдимот

4. «Маъмун академия»си ҳақида Интернет манбаларидан қўшимча маълумот топинг ва синфга тақдим этинг.



Билиб олинг!

Миқдор сонлар қуйидаги турларга бўлинади: *саноқ сон, дона сон, чама сон, жамловчи сон, тақсим сон.*

Саноқ сон. Саноқ сонлар предметнинг сон-саноғини билдиради. Шакл жиҳатидан миқдор сонлар билан бир хил бўлади: *беш киши, уч дугона.*

Дона сон предметнинг доналаб саналадиган миқдорини билдиради. Саноқ сонларга *-та* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади: *учта, бешта, ўнта.*

Дона сонлар ҳисоб сўзлар: *нафар, дона, бет, бош, нусха* сўзлари орқали ҳам ҳосил бўлади: *беш нафар киши, юз бет китоб каби.*



Ўқиймиз

268-машқ. Матн билан танишинг.

Китоб – билим, маънавият ва маърифат манбаи

Китоб – инсонни улуғлайдиган, унда маънавият ва маърифат асосларини шакллантирадиган, уни комил инсон қилиб тарбиялайдиган куч, у дунё ва бу дунёни танитиш манбаи. Биз ўзлигимизни, дунёни, олам ва одам муносабатини китоб орқали билиб оламиз. Босмаҳоналар вужудга келгунга қадар қадимий Турон заминидан китоблар котиблар томонидан кўчирилган. Юксак маҳоратли халқ мусаввирлари уларни мўъжаз рангтасвир асарлари миниатюралар билан безатишган. Уларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган санъати беқиёс эди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матн мазмунидан фойдаланиб, “Китоб менга керакми?” мавзусида ўзингиз мустақил эссе ёзинг.
2. Эссени синфга тақдим этишингиз мумкин.

4-дарс. ДИЛЛАРГА ЗИЁДИР КИТОБ



Китоб бўлмаса, китобдан ёғилиб турган зиё бўлмаса, инсон тараққиётининг ҳозирги ёруғ чўққисига етмас эди.

Ғафур Ғулом



Ўқиймиз



Тинглаймиз



Сўзлаймиз

269-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Китоб

Китоб бу – инсоннинг кўнгил ойнаси,
Бир дунё хазина ҳар бир донаси,
Саралаб терилган сўз дурдонаси,
Билиб ол, дилларга зиёдир китоб!

Яхшию ёмонни китоб англатар,
Хатосиз яшашни китоб ўргатар,
Олам сирин аниқ китоб кўрсатар,
Билиб ол, дилларга зиёдир китоб!





Ақлингга уланар билим толаси,
Акс этар ўртанган юрак ноласи,
Кўзлардан тўкилган нурлар жоласи,
Билиб ол, дилларга зиёдир китоб!

М. Ниёзбекова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Шеърий матннинг насрий баёини мустақил фикрларингизни қўшган ҳолда ёзинг.
2. “Кўзлардан тўкилган нурлар жоласи,
Билиб ол, дилларга зиёдир китоб!” мисраларига алоҳида эътибор беринг. Шарҳланг.



Ўқиймиз

270-машқ. Матн билан танишинг.

Тўнғич Президент кутубхонаси

Буюк меъмор Норман Фостернинг Астана шаҳрида бунёд этган бинолари қаторида Тўнғич Президент кутубхонаси жойлашган “Назарбаев маркази” ҳам бор. 9 қаватли бинода миллионлаб китоблар сақланиши мумкин. Майдони қарийб 30 000 квадрат метрга яқин бино ичида китобсеварлар учун барча имкониятлар яратилган.

Мазкур кутубхонанинг яна бир ўзига хослиги – тегишли рўйхатдан ўтгач, ундаги асарлардан Интернет тизими орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун кутубхонадаги асарларнинг рақамли нусхалари тайёрланган.

Кутубхонада Элбоши асарларининг барча нусхалари ҳам эҳтиёт қилиниб сақланмоқда. Шунингдек, юртбоши ўз шахсий коллекциясидан ҳадя этган 500дан ортиқ китоблар, турли давлат раҳбарларининг совғалари, Тўнғич Президент шахсий маблағига сотиб олинган тасвирий санъат намуналари, қадимий буюмлар ҳам мазкур кутубхонада муносиб





ўрин эгаллаган. Келажак авлод бир неча асрлардан сўнг ҳам ушбу даргоҳдаги осори атиқалар билан танишар экан, мустақилликнинг илк йиллари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

А. Сарманов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Видеолавҳа томоша қиламиз

1. Сиз ушбу кутубхонада бўлганмисиз? Йўқ? У ҳолда Интернет манбалари орқали видеосаёҳат уюштиринг. Таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.
2. Матн таркибидан миқдор ва чама сонларни топинг. Ўзи билан боғланган сўзлар билан бирга кўчиринг.



Ўқиймиз

271-машқ. Матни ўқинг.



Ҳаётни севган киши китобни севади, зеро, китоб – ҳаёт қомуси, китоб – дардкаш, ҳамсуҳбат, китоб – муаллим, китоб – илҳомчи.

Ғафур Ғулом



Бой кутубхоналарга эга бўлган давлатларда қадимдан фан ва маданият яхши ривожланган, буюк аллома ва машҳур кишилар етишиб чиққан. Искандар Зулқарнайннинг жаҳонгир бўлиши учун устози Арастунинг хизмати қанча бўлса, Румда туриб бутун дунё сирларини билган Арастунинг донишмандлик даражасига етишишида унга ишғол қилинган юртлардан китобларни юбориб турган шогирди Искандарнинг хизмати ҳам каттадир. Бухорода Ибн Сино давригача ҳам дунёга



донғи кетган машхур кутубхона бўлган, кейинчалик бу кутубхона ёнғинга учраганини тарихдан яхши биламиз. Буюк соҳибқироннинг ҳар икки хазинасидан бири – кутубхона ҳисобланган.

Ҳазрат Алишер Навоий китоб санъати тарихида ўзига хос даврни бошлаб берди. Унинг бевосита кўмаги билан Беҳзод, Султон Али Машҳадий, шоҳ Музаффар каби ўнлаб китоб санъатида моҳир хаттотлар етишиб чиқди. Буюк бобокалонларимиз китоб яратиш билан бирга, уларни авайлаб-асраш борасида ҳам ўрнатганлар.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз Жуфтликда ишлаймиз

1. Кутубхоналар мамлакат ҳаётида қандай роль ўйнаган?
2. Кимларни хаттотлар деб атайдилар?
3. Алишер Навоий ва шундай буюк инсонлар ҳаётида китобнинг ўрни ҳақида мулоҳаза юритинг.



Ёзамиз

4. Матн таркибидан чама сонларни топинг, ўзи билан боғланган сўзлар билан бирга кўчиринг. Уларнинг ясалишини изоҳланг.



Билиб олинг!

Предметнинг тахминий миқдорини билдирадиган сонлар *чама сон* дейилади. Чама сон санок сонга *-лаб, -ларча, -тача* қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: *юзлаб, ойларча, бештача*.

-лаб, -ларча қўшимчалари *ўн, юз, минг* сонларига, *-тача* қўшимчаси барча сонларга қўшилади.

Икки сонни жуфтлаш орқали ҳам чама сон ҳосил бўлади: *беш-ўнта, юз-юз элликта* каби.



Ўқиймиз



Якка тартибда ишлаймиз

272-машқ. Матнни ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

Ўрта Осиё халқининг фан ва маданияти бир ярим аср давомида мўғул истилочилари томонидан вайрон қилинган. Кейинчалик тикланиш даврида маҳал-



лий ҳукмдорлар орасида сулолавий кутубхоналар ташкил топган, китоб хазинасини тўплаш анъанага айланган. Айниқса, кутубхоначилик иши ривожланишига Амир Темури ва темурийлар ҳокимияти йилларида катта эътибор берилган.

Буюк соҳибқирон даврида Самарқанд шаҳридан китоб олиб чиқиш ман этилган, китоблар тенгсиз бойлик сифатида қўриқланган.

Амир Темури (1336–1405) аввал ватани Шаҳрисабзда, сўнг мамлакат пойтахти Самарқандда сарой кутубхонасини ташкил қилди. Темурнинг

сарой кутубхонаси учун бутун Мовароуннаҳр бўйлаб китобфурушлардан ва шахсий кутубхона эгаларидан машҳур муаллифларнинг бежирим безатилган китоб нусхалари сотиб олинди. Кутубхонада қўлёзма кўчириш, китобларни безатиш ишларини миллий китоб санъатининг моҳир усталари олиб борганлар. Самарқандда араб, форс, турк, санскрит, юнон, лотин, арман тилидаги кўплаб бебаҳо қўлёзмалар Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Арманистон каби давлатлардан, Стамбул, Брусс, Исфажон, Ҳамадон, Шероз, Бағдод, Басра, Дамашқ каби қадимий маданият ўчоғи бўлган шаҳарлардан олиб келинган эди. Олимларнинг тахминича, Темур Самарқандга VIII асрнинг биринчи чорагида айнан Басрадан Қуфий хати билан кўчирилган Қуръони Қаримнинг нусхасини олиб келган.

Амир Темури кутубхонасидан фақат сарой вакилларигина эмас, балки маълум бир гуруҳдаги китобхонлар ҳам фойдаланганлар. Кутубхонадаги китоблар фан соҳалари бўйича рўйхатга олиниб, сандиқларда сақланган. Бу тартиб китобларни ҳисобга олиш учун эмас, балки фойдаланиш осон бўлиши учун ҳам ўрнатилган. Темурдан сўнг унинг ноёб кутубхонаси набираси Улуғбекка (1394–1449) мерос бўлиб қолган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Сўзлаймиз

1. Матнга таяниб, “Ўрта Осиё ва Амир Темури” мавзусида тақдимот тайёрланг.
2. Амир Темури ва набираси Улуғбек замондошлари ва келажак авлод учун қандай муқаддас вазифани бажарди?



Ёзамиз

3. Матн таркибидаги сонларни кўчириб ёзинг. Сонларнинг маъноси, тузилишини изоҳланг. Қандай ўйлайсиз, сонларсиз ушбу матннинг мазмунига путур етармиди? Ҳавобингизни далилланг.



Билиб олинг!

Предметнинг жамлигини билдирадиган сонлар *жамловчи сон* дейлади. Жамловчи сонлар санок сонга *-ов, -овлон, -ала* қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: *бешов, олтовлон, иккаласи каби.*

-ов, -овлон иккидан еттигача ва ўн сонига; *-ала* қўшимчаси иккидан бешгача бўлган сонларга қўшилади. *Икки, олти, етти* сонларига *-ов* қўшимчаси қўшилганда и товуши тушади: *икков, олтов, еттов, икковлон.* *-ала* қўшимчаси икки сонига қўшилганда и тушади: *иккала.*

5-дарс. КИТОБАТ ИШИ



Ўқиймиз

273-машқ.

Ўрта асрларда китоб босиш техникаси ҳали ихтиро этилмаган вақтда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китоб қилинган. Бу ҳунар эгалари тарихда хаттот ёки китобатчи номи билан машҳур бўлган. Бу касб энг шарафли ва муқаддас ҳисобланган.

Котибнинг саводли экани унинг кадрини юқори даражага кўтарган. Хаттот китобни кўчириш жараёнида унинг мазмунини ўзлаштира борган. Натижада котиб ўз замонасининг ўқимишли, илм-маърифат эгалари қаторидан жой олган. Араб ёзувида китобат қилинган қўлёзмалар туфайли биз ота-боболаримиз яратиб қолдирган маданий меросдан баҳраманд бўлмоқдамиз. Шу бебаҳо манбалар туфайли Марказий Осиё халқлари жаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Маълумки, Бухоро, Хива, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент хаттотлик мактаблари қадимда машҳур бўлган. Фақат XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухорода 75, Самарқандда 22, Хивада 47, Тошкентда 25, Фарғонада 38 машҳур ва таниқли хаттот бўлиб, улар халқимиз яратган асл илмий ва маърифий дурдоналарни бизга китоб ҳолида қолдиришган.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Китобат иши ҳақида қандай маълумот олдингиз? Хаттотлар нима иш машғул бўлишган?
2. Хаттотларни зиёли инсонлар деб аташ мумкинми?



Ёзамиз

3. Матн таркибидан сонларни топиб, турларини изоҳланг. Сонларни ўзи боғланган сўзлар билан бирга кўчиринг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

274-машқ. Матн билан танишинг.


XVIII асрга келиб Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида маданий ҳаётда деярли ўзгариш бўлмади, лекин шу даврга келиб қўлёзма китоблар анча кўпайди. Бу даврда ушбу давлатларда сарой кутубхоналари ва бошқа кутубхоналарнинг қўлёзма фондлари сақланиб қолган эди. Аммо баъзи сарой кутубхоналарида қўлёзма китоблар яхши сақланмаган, баъзилари эскириб қолган, баъзи китоблар китоб бозорларида арзон нархда сотиб юборилган.

Бухорода амир кутубхонаси жуда машҳур кутубхона бўлиб, Жўрабек ва Остонқул Қушбегининг ёзишича, у ерда қўлёзма асарлар жуда кўп бўлиб, улар хитой, уйғур, араб ва бошқа тилларда ёзилган. Кутубхона алоҳида хазина сифатида қўриқланган, лекин китобларни сақлаш жойи зах бўлганлиги учун китобларнинг кўп қисми захдан ёмон ҳолга тушиб қолган.

Амир кутубхонаси XX асрнинг бошларида Маҳмуд Камол Музаффарий томонидан қайта тикланди. У барча тарқалиб кетган китобларни йиғишни ва катта кутубхона яратишни буюради.

Бухоро амирлигининг охириги йилларида кутубхона Аркда жойлашган бўлиб, у ерда машҳур асарлар, қўлёзма китоблар ва амир Музаффарнинг қўлёзма асарлари ҳам сақланган. Бухоро аҳолисининг айтишича, ўша даврда амир кутубхонасида 47500 нусхада қўлёзма ва босма китоблар сақланган.

А.А. Семёнов кутубхонани диққат билан ўрганиб, қўлёзма асарлар фондиди тартибга солади ва амир кутубхонасига юқори баҳо беради.



(Интернет манбаларидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Ўрта асрдаги қўлёзма китоблар ва қўлёзма фондлари ҳақида қандай маълумотга эга бўлдингиз? “*Инсерт*” усули орқали китоб ҳақида олган билимларингизни мустаҳкамланг.

“V” - биламан	
“+” – билмайман	
“ –“ – янги ахборот	
“?” – тушунмадим	

2. Матнга таяниб, XVIII асрдаги маданий ҳаёт ҳақидаги маълумотларни далиллар билан шарҳланг.



Ёзамиз

3. Сонларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида кичик матн тузинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

275-машқ. Матнни ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўзбек тилида ҳам китоблар чоп қилина бошлайди. 1880 йили Янги Марғилон, 1905 йили Андижон шаҳарларида босмахоналар иш бошлайди. Асосан, ўзбек ва тожик тилларида чиқарилган китоблар тошбосма усулида чоп этилади. Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи – Феруз (1844-1910) хонлик қилган даврда Хива давлатининг бир оз марказлашуви натижасида бу ерда илм-фан, маданият ва адабиёт ривожланади. Феруз ташаббуси билан Алишер Навоийнинг «Чор девон», «Хамса» сингари асарлари илк бор чоп этилади. Бундан ташқари, Мунис, Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо, Аваз Ўтар, Девоний, Ниёзий, Чокар сингари шоирларнинг асарлари кўплаб нусхада босилиб чиқди. Сарой кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзма асарларини китоб шаклида нашр қилиш мақсадида Эрондан тошбосма анжомлари Хивага келтирилиши катта аҳамиятга эга. 1880 йили Хоразмда Алишер Навоийнинг «Хамса», Муниснинг «Девони





Мунис», «Девони рожа» асарлари чоп қилинади. 1904-1905 йиллари О.Портсев томонидан Алишер Навоийнинг «Хамса» асари нашр этилади. Табиийки, ўзбек халқининг она тилида дастлабки китоблар чиқарилиши миллий зиёлиларининг қизиқишини уйғотади.

XX аср бошларида улардан кўпчилиги китоб чиқаришда иштирок этибгина қолмай, ўз тошбосмаларини ҳам очишади. 1908-1913 йиллари Алишер Навоийнинг китоблари 10 мартадан ортиқ чоп қилинди. Миллий китобларнинг Марказий Осиёда кенг тарқалишида тошбосманинг ўрни беқиёс бўлди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Суҳбатлашамиз

1. XIX ва XX асрларда маданий ҳаётда қандай ўзгаришлар, янгиликлар содир бўлди?
2. Асар мазмунини ёритишда “Синквейн” усулидан фойдаланинг.
3. Матн таркибидан тақсим сонларни топинг. Уларнинг ясалишини изоҳланг. Матнда берилган бошқа турдаги сонлардан тақсим сонлар ҳосил қилинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

276-машқ. Матн билан танишинг.



Яхши кутубхона коинотнинг китобдаги инъикосидир.

Н.А.Рубакин

Одамзод яратган мўъжизаларнинг энг буюги китобдир. Китоб – инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ белгисидир. Китобда ўтган замонларнинг ақл идроки яшайди. Инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифаларида сақланиб қолган. Шунинг учун биздан олдин яшаб ўтган аجدодларимиз фаолиятида китоб тўплаш ва кутубхоналар ташкил этиш вазифаси муҳим ўрин

эгаллаган. Турон заминиде яшаб ҳукмронлик қилган қайси ҳукмдорни эсламайлик, улар маънавият, маърифатнинг маскани – кутубхоналарга алоҳида эътибор беришганига гувоҳ бўламиз.

Китоб бу қалб учун малҳам, билимлар ғазнаси, донишмандлик чашмасидир. Китоб бу ахборотларни, ғоя, образ ва билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш, ижтимоий, сиёсий, илмий, эстетик қарашларни шакллантириш воситаси;





билимлар тарғиботи ва тарбия қуроли; бадиий, илмий асар, ижтимоий адабиёт-дир. Халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган, табоқлаб тикилган нодаврий нашрни, шартли равишда китоб дейиш қабул қилинган. Китоб иши китобни яратиш, тайёрлаш, уни тарқатиш, сақлаш, тавсифлаш ва ўрганиш билан боғлиқ катта жараёни ўз ичига олади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матн нима ҳақда? Матн мазмунини ёритиб берувчи 3 жумлани кўчириб ёзинг.



Муҳокама қиламиз

2. Ҳақиқатан, китоб – саккизинчи мўъжизами?
3. Китоб иши қандай вазифаларни бажаради?



Билиб олинг!

Тақсим сонлар предметнинг миқдор жиҳатидан бўлинганлигини билдиради. Санок сонга -тадан қўшимчасини қўшиш билан ҳамда дона соннинг такрорланишидан ҳосил бўлади: бештадан, ўнтадан: бешта-бешта.

6-дарс. КИТОБ – БИЛИМ МАНБАИ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

277-машқ. Матнни ўқинг. Ўз муносабатингизни билдириг.

Китоб, унинг аҳамияти бугунги кунда ҳам асло пасайгани йўқ. Интернет, уяли алоқа, мобил техника каби алоқа воситаси кўпайганига қарамасдан китоб ўзига хос жозибаси, кучини сақлаб қолмоқда. Миллий ўзликни англаш, ўзимизда юксак маънавиятни шакллантириш, эзгу фазилатлар соҳиби сифатида камол топишимизда китобнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Якка тартибда ишлаймиз

1. Матн мазмунида келтирилган фикрларга қўшилмасизми?
2. Шу пайтга қадар сиз нечта китоб ўқидингиз?



Жуфтликда ишлаймиз

3. “Венн диаграммаси” усули асосида китоб ва Интернет тармоқлари хусусиятини таққосланг.



Ёзамиз

4. Юқоридаги матндан фойдаланиб, “Китоб – билим манбаи” мавзусида газетага мақола ёзинг..



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

278-машқ. Матнни ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

Машҳур замонавий кутубхоналар

Жаҳоннинг энг йирик кутубхоналаридан бири 1800 йилда барпо этилган ва Конгресс қаршисидаги Капитолия адирида Томас Жеферсоннинг муҳташам биносида жойлашган **АҚШ Конгресси кутубхонаси** ҳисобланади.



Кутубхона қўрида 144 миллиондан ортиқ дурдоналар: папируслардан тортиб то микрофильмларгача сақланади. Бу ерда 60 тилда 30 миллион китоб ва рисола, 58 миллион қўлёзмалар мавжуд. Бундан ташқари ноёб ҳужжатлар: 4млн. атрофида карта ва атласлардан иборат картографик материаллар; 7 млн. мусиқали коллекция, уларнинг ичида 5та Страдивари скрипки; 10 млн.



халқ ижоди намуналари: гравюра, фотосуратлар; 500 минг овозли ёзувлар, 400 минг ўрам киноплёнка, миллионлаб микрофильмлар бор.

Улар 860 километр узунликдаги жавонларда жойлашган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матн таркибидаги сонларни қуйидаги жадвалга ўзи боғланган сўзлар билан кўчириб ёзинг.

Миқдор сон	Дона сон	Чама сон	Тартиб сон



Жуфтликда ишлаймиз

2. Ушбу кутубхона ҳақида олган маълумотларингиз таассуротида кичик матн яратинг. Сарлавҳа қўйинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

279-машқ. Матнни ўқинг. Сиз бунга нима дейсиз?

Китоб бизнинг нафақат онгимизга, балки қонимизга, жонимизга сингиб кетгандир. Инсондаги китобга бўлган меҳр у ҳарфни таниб, мутолаа қилишни ўрганганидан кейин бошланмайди. Балки гўдаклик давридан улғайгунига қадар онаси айтган аллалар, бувисидан эшитган эртаклари орқали ёшлигидан китоб ўқишга нисбатан меҳр ва иштиёқ шакллана боради.

Китоб шундай катта куч-қудратга эгаки, у инсонни ва ҳатто унинг тақдирини ҳам ўзгартириб юбора олади. Кези келганда ҳеч ким унга гап уқтира олмаган, одамлар билан мурасага келиб яшай олмайдиган кимса китобда ёзилган биргина гапни ўқиганида, ундан таъсирланган ҳолда атрофдагиларга нисбатан хушмуо-

малали бўлиб қолиши мумкин. Баъзилар инсондаги билимларни ошириб, маънавий дунёсини бойитишда унга ёрдам берадиган асосий восита китоб эканлигини таъкидласа, бошқа бировлар эса замон билан бирга олға қадам ташлашда ҳамда янгиликлардан тезкор равишда хабардор бўлиб туришда китоб ўқиб ўтиришдан кўра Интернет, замонавий алоқа воситалари қулайроқ эканлигини айтади.

Тарбияда бола камолотга етгунга қадар ота-она фарзандларига уларнинг ёшига мос





китоблар танлаб, ўқиб беришлари, эртақлар айтиб, дунёқарашини бойишида туртки бўлишлари лозим. Кейин эса болалари мустақил ўқий бошлаганларида қизиқарли китоблар харид қилиб бериб, бўш вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Билим олишга бўлган иштиёқ, китобга бўлган меҳр қанчалар кўп бўлса, инсоннинг маданияти тобора юксалиб, уни эзгу амаллар қилишга чорлайверади. Зотан, маънавиятни бойитишда хоҳ китоб бўлсин, хоҳ Интернет, ундан мақсадли фойдаланилсагина ижобий натижага эришиш мумкин.

А. Тўрабеков



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Сўхбатлашамиз

1. Болалигингизда онажонингиз, бувижонларингиздан қандай эртақлар эшитгансиз? Синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.



Муҳокама қиламиз

2. Сиз ўзингиз ўқиган маълум бир китоб (асар) таъсирида ўзингизда ўзгаришлар сездингизми? Китоб инсонни ўзгартирадими? Гуруҳларда баҳс-мунозара ўтказинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

280-машқ. Ҳикоятни ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Сарлавҳа қўйинг.

Бир жоҳил одамнинг қўлига қимматбаҳо китоб тушиб қолибди. Аммо у отасидан мерос бўлган бу илм хазинасининг қадрини билмас эди. Китобфурушга олиб бориб, ундан сўраб-нетиб ҳам ўтирмай минг тангалик китобни битта ноннинг пулига – бир тангага пуллабди. Китобфуруш бу ҳолдан кулиб:

– Нега нархини билмаган нарсангни бунча арзонга беряпсан? – дебди.

Жоҳил:

– Мен учун пул қимматлироқ. Китобнинг мен учун бир чақалик қиммати йўқ, – дебди.

Бир хўроз ахлат титиб юрар экан, ичидан марварид тош топиб олибди. Дарров тумшуғида кўтариб бориб, уни тўрт-бешта буғдой донасига сотибди. У ҳам худди жоҳил одамга ўхшаб: “Қошқийди бу менинг бирор кунимга яраса? Мен учун буғдойнинг қадри қийматлироқдир”, деган экан.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Гуруҳда ишлаймиз

1. “Жоҳил” сўзининг маъносини изоҳли луғат ёрдамида шарҳланг.
2. Жоҳилнинг дарди нимада эди? Хўрознинг-чи?
3. Нима учун ҳикоятда одам ва ҳайвон тимсоли ёнма-ён берилган? Хулоса чиқаринг.



Бу фойдали!

Жоҳил пул дардида, хўроз дон дардида яшайди. Бири китобнинг қадрини, бошқаси инжунинг қадрини билмайди.

Сиз ўқиётган ҳикоятларнинг кўпида жоҳил одамлар ҳайвонлар билан бир қўрилган. Бу тоифа кимсалар китоб ва жавҳарнинг фарқига бормай, қоринларини тўйдириш ғамида ҳаёт кечирадилар.

7-дарс. КИТОБ – ОФТОБ



**Оддий қоғоз эмас, асли, китоблар –
Тафаккурдан туғилган ҳур офтоблар!**

О. Ҳожиева



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

281-машқ. Мазмунини ўзлаштиринг. Қайта ҳикоя қилинг. Шеърни ифодали ўқинг.

Китоб – офтоб. Заминни, она табиатни офтоб иситса, одам қалбини китоб или-тади, нафақат илитади, балки ёритади, нурлантиради. Китобга энг қисқа таъриф бериш жоиз бўлса, уни маънавият қуёши деб таърифлаш ўринлидир. Яъни, қуёш бўлмаса, оламнинг, табиатнинг, ҳаттоки ҳаётнинг бўлиши шубҳа остида қолади, китоб бўлмаса, маънавиятнинг ривожланиши ҳам мавҳум бир фикр бўлиб қолаверади.

Кенгроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, миллат баркамоллиги, Ватан тараққиёти элнинг китобхонлик даражасига, яъни ўқи-мишлилигига боғлиқ. Авлод баркамоллиги унинг маънавий камолотига кўп жиҳатдан боғлиқ.





Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур оби ҳаёт,
Қадрини билган кишига шубҳасиз жондир китоб.
Кўзнинг нури, дил сурури дилларнинг дармонидир,
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳитобондир китоб.

Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим қиммат яроғ,
Тийри ваҳшат ханжари зиллатга қалқондир китоб.
Ҳар киши ёшлиқда қилса вақтида ғайрат агар,
Тез замонда ошно бўлмоғи осондир китоб.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Жуфтликда ишлаймиз

1. Нима учун китобни офтобга ўшатишади?
2. Сиз-чи, китобга ошномисиз?



Ёзамиз

3. Маънавий камолот деганда нимани тушунаси? Ўқитувчингиз ёрдамида маъносини шарҳлаб ёзинг.
4. Шеърий матннинг қисқача насрий баёнини ёзинг.



Ўқиймиз

282-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқинг. Матн нима ҳақда? Сарлавҳа қўйинг.

Катталиги бўйича иккинчи ўринда **Россия давлат кутубхонаси** (собик Ленин номли) Европада энг йирик кутубхоналардан бири ҳисобланади. Унинг қўри 43 миллион атрофидадир. Европанинг бошқа кутубхоналари билан таққослаганда



у жуда ёш кўринади. Фақат 1862 йилда Москва шаҳрида илк бор Румянцев музейи кутубхонаси ташриф буюрувчилар учун очилди. Тўпламга граф Николай Петрович Румянцев коллекцияси асос бўлди. 1925 йилда В.И.Ленин номи берилган эди.

Кутубхонада XI асрга тегишли қўлёзмалар, XV аср ўртасидан ҳамда бизнинг давримизгача 89 тилда жаҳоннинг барча мамлакатларининг босма нашрлари сақланади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Сонлар иштирок этган гапларни кўчириб ёзинг. Турларини аниқланг.
2. Қўлёзма ва босма нашр деганда нимани тушунасиз? Фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

Сонларнинг сўз билан ёзилиши	Араб рақамлари билан ёзилиши	Рим рақамлари билан ёзилиши
Йигирма биринчи бўлим	21-бўлим	XXI бўлим
Еттинчи синф	7-синф	VII синф
Ўн олтинчи аср	16 аср	XVI аср
Ўн биринчи боб	11-боб	XI боб
Ўттиз биринчи декабрь	31 декабрь	XXXI декабрь
Минг тўққиз юз етмиш саккизинчи йил	1978 йил	



Ўқиймиз

283-машқ. Мазмунини ўзлаштиринг.

Ўқувчилар қалбида юксак маънавиятни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти беқиёсдир. Китоб асрларни-асрларга, замонларни-замонларга, ришталарни-ришталарга уловчи восита. “Китобсиз хонадон жаҳолатга ўхшайди”, деган экан бир донишманд. Лекин тўғри келган китобни ўқиш ҳам ярамайди. Чунки бунинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, инсоннинг умри барча китобларни ўқишга етмайди. Бундан ташқари, дуч келган асарни ўқиб кетавериш кишининг савиясига, унинг дунёқарашининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Илм калити – китоб,
 Гар ўқисанг бобма-боб,
 Ўрганиб бор билимни,
 Очар баҳри дилингни.

Сафарга чиққан чоғинг,
 У энг яқин ўртоғинг.
 Ошно бўлсанг китобга,
 Юксаласан офтобга.





Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. “Китобсиз хонадон жаҳолатга ўхшайди”, деган фикрни изоҳланг. Жаҳолат сўзининг маъносини изоҳли луғатдан топинг.



Сўзлаймиз

2. Шеърнинг мазмунини қайта сўзланг. Хулоса чиқаринг.



Билиб олинг!

Бутун сон: 1, 5, 22, 36

Каср сон: $\frac{1}{2}$, учдан бир, ярим, чорак

Аралаш сон: $2\frac{5}{10}$, бир ярим...

Соат бир яримда мажлис бошланади. Вазифанинг иккидан бир қисмигина бажарилди. Ўқув йилининг 1-чорак натижалари яхши бўлди.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

284-машқ. Матн билан танишинг.

Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонаси



Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонаси – замонавий беш қаватли бино бўлиб, умумий майдони 15 минг квадрат метрни ташкил этади. Ушбу бино Астана марказидаги “Байтерек” монументи қошида жойлашган. Кутубхона 2,5 миллиондан иборат китоблар, шунингдек, электрон ахборотни терабайт ҳажмида сақлаш имкониятини берувчи замонавий сервер ускуналаридан ташкил топган.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матнни кўчириб ёзинг.
2. Сонларни топиб, тагига чизинг. Гапдаги вазифасини аниқланг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

285-машқ. Матнни ўқинг.

Қозоғистон Миллий кутубхонаси

Инсониятнинг маданий тарихи китобларда акс этган. Кутубхоналарда жамланган китобларда буюк сиймоларнинг кўп йиллик тарих қатларидаги меҳнати, машаққатлари бор. Шунинг учун ҳам барча мамлакатларда бундай муассасаларга эътибор катта.

Лев Толстой номли Верний шаҳар кутубхонаси 1910 йилда ташкил топган. Тез орада ҳудуддаги энг йирик кутубхоналардан бирига айланиб, миллий китоб сақлайдиган маскан,

кутубхонашунослик ва қозоқ китоби тарихи соҳасини ўрганувчи илмий-методик ҳамда тадқиқот ишлари учун координацион марказга айланди. 1931 йилдан А. С. Пушкин номли Қозоғистон Кенгаш Социалистик Республикаси Давлат кутубхонасига айланди. 1991 йилдан Қозоғистон Миллий кутубхонаси номини олди.

Бугунги кунда мазкур муассасада 7 миллиондан ортиқ китоблар, даврий нашрлар жамланган. Ҳар йили кутубхонага 1 миллионга яқин мурожаат қайд этилади. Унинг электрон каталоги мавжуд. Шу билан бирга, кутубхонада деярли ҳар ҳафта турли маданий тадбирлар ўтказилади.



Ҳ. Арзиқулова



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз  **Сўзлаймиз**

1. Матн мазмунини қайта ҳикояланг.



Тақдимот

2. Интернет манбаларидан фойдаланиб, ушбу кутубхона ҳақида тақдимот тайёрланг.
3. Матнда иштирок этган сонларни топиб, турини аниқланг.

8-дарс. КУТУБХОНА – НУРХОНА



Ўқиймиз  **Сўзлаймиз**

286-машқ. Матн билан танишинг.

Кўлами бўйича навбатдаги кутубхона – **Франция Миллий кутубхонаси** ҳисобланади. Бу қадимий кутубхона бўлиб, 1377 йилдаёқ унинг каталогига 910 қўлёзма тиркалган.



Йиллар ўтиши билан кутубхона хазинаси кенгайиб борди, лекин у ҳамон француз қиролларигагина мансуб бўлиб қолаверди. Фақат 1975 йилда Буюк француз инқилобидан кейин миллий кутубхона деб эълон қилинди. Конвент фармонида биноан кутубхона учун махсус бино қуришга қарор қилинди.

Ҳозирги кунда Франциянинг Миллий кутубхонасида 30 миллиондан ортиқ дурдоналар сақланмоқда.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. Матн мазмунини ёритиб берувчи 5та калит сўз ёзинг. Шу калит сўзлар ёрдамида гаплар ҳосил қилинг.



2. Матнга сарлавҳа қўйинг.
3. Расм асосида кичик матн ҳосил қилинг.



Ўқиймиз



Тинглаймиз



Сўзлаймиз

287-машқ. Ўқинг. Мазунини қайта ҳикоя қилинг.

Олим билан бой

Ривоят

Бир шаҳарда иккита одам яшар, бири олим, бириси бой экан. Олим камбағал, бой жоҳил экан, ҳамма вақт бойлиги билан кибрланганидан ўзини олимдан устун деб биларкан. Ҳар доим шундай деб писанда қилар экан:

– Пулинг, мол-мулкинг йўқ, сенинг нима қимматинг бор ўзи? Фақат китоб ўқийсан, бўлгани шу, ахир бундан фойда чиқмайди-ку!.. Еб-ичишинг ҳам жойида эмас, дурустроқ кийиминг ҳам йўқ, қишда кийганингни ёзда, ёзда кийганингни қишда кийиб юраверасан, бунақа ҳаётдан қандай маъни бор? Менга қара, дунёда ўзи бойликдан аълороқ нарса борми?..

Олим сукут сақлар эди. Кунларнинг бирида шаҳарда катта уруш бўлиб, ҳамма тараф алғов-далғов, остин-устун бўлиб кетибди. Одамлар ватан ҳимояси учун кўчаларда дарёдай оқиб, сафга тизилишиб жангга отланибди, уруш эса тугайвермабди. Ҳалиги мағрур бойнинг пули тамом бўлгач, заррача қадри ҳам, ҳурмати ҳам қолмабди, биров ундан ҳол сўрамабди ҳам. Қаерга бормасин, хор-ҳақир бўлибди. Олим эса қаерга борса, ҳурмат-иззатда, қаерга кирса, энг суюкли меҳмонлар қаторидан жой беришар экан. Илми уни эъзозлаганди. Жоҳилни эса бойлиги хор қилди.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Матн мазмуни нима ҳақда?
2. “Пулинг, мол-мулкинг йўқ, сенинг нима қимматинг бор ўзи? Фақат китоб ўқийсан, бўлгани шу, ахир бундан фойда чиқмайди-ку!.. бунақа ҳаётдан қандай маъни бор?” деган саволга сиз қандай жавоб берган бўлар эдингиз?



Ёзамиз

3. Нима учун бой охирида хор-зор бўлиб қолди? Фикрингизни ёзма равишда баён қилинг.
4. Матн таркибида отлашган сонларни аниқланг.



Бу фойдали!

Олимнинг ҳар жойда ҳурмати баланд бўлади, бойлигининг қадри эса бойлигига боғланади.

Илм одамийлик гултожидир. Инсонлар фақат шу билан шарафга лойиқдирлар. Мол-мулк эса жоҳилнинг кибрланадиган матоҳидир, у қўлдан келса, жоҳил одамни ҳалок қилади. Илм инсонни юксалтиради, бир кун ўлса ҳам, асарларида яшаб қолади.

Байт:

*Кўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.*



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

288-машқ. Матни ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.



Темур ўз ҳаётининг кўп қисмини ҳарбий юришларда ўтказди, бундай юришларнинг баъзиларида Улуғбек ҳам қатнашади. Сафар вақтида ҳар нарсани билиб олишга қизиқувчи ёш Улуғбек ўзига хос кўчма «кутубхона»дан фойдаланган. Бу жонли кутубхона бўлиб, унда тарихчилар, шоирлар, олимлар йиғилишиб, суҳбат қилишар эди.

Улуғбекнинг отаси Шохрух Ҳирот ҳукмдори эди. Улуғбек отаси ҳузурига келиб, бу ерда ҳақиқий кутубхона билан танишади ва китобга бўлган қизиқиши янада ошади. Улуғбек ўн етти ёшида (1411 йил) бобосининг дабдабали пойтахтига ворис ҳоким бўлди.

Улуғбек даврида Ўрта Осиё кутубхоначилиқ иши янада ривожланди. Айниқса, Улуғбек топшириғи билан 1428-1429 йилларда Самарқанддаги обсерватория қошида ташкил этилган кутубхона энг бой китоб фондига эга бўлган.

Тахмин қилишларича, Улуғбек йиққан китоблар хазинаси Пергам қўлёзмаларидан бошланган, Темур Пергам шаҳрини босиб олганда қўлёзмаларни ҳам карвон билан Самарқандга олиб келган. Кутубхона Улуғбек даврида бетиним бойиб борган. У жуда билимли бўлиб, ўз кутубхонасида соатлаб ўтириб мутолаа қилар эди.





Кутубхонада Платон, Гиппократ, Птолемей, Аристотель асарлари тўпланган ва яхши сақланган эди. Булардан ташқари, бу ерда ватандошларимиз буюк олим Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг алгебрага доир машҳур рисоласи, Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Астрономия калити» номли асарлари, Ал-Баттонийнинг астрономик жадваллари; Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» рисоласи бўлган. Улуғбек юлдузлар тўғрисидаги фан тарихини шу қадар ўрганиб чиқдики, натижада ўзи ҳам шу соҳада илмий ишлар қилиб, китоблар ёза бошлади. Кўп йиллик самарали меҳнати натижасида «Зижи жадиди Кўрагоний», «Улуғбек зижи» дунёга келди. 1018 та юлдузнинг ҳолатини кўрсатиб берувчи мазкур асар узоқ йиллар давомида энг аниқ ва мукаммал асар бўлиб қолди. Китобда жадваллардан ташқари, катта муқаддима ҳам бўлиб, унда астрономик кузатишлар методикаси берилган. Шунинг учун Улуғбек фан тарихига буюк астроном сифатида кирган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матнда номлари зикр этилган машҳур инсонлар ҳақида илгари эшитганмисиз? Рўйхатини тузинг.



Якка тартибда ишлаймиз

2. Сонлар иштирок этган гапларни кўчириб ёзинг, турини аниқланг, гапдаги вазифасини белгиланг.



Видеолавҳа томоша қиламиз



Тинглаймиз

3. Интернет манбалари орқали Мирзо Улуғбек ҳақида видеолавҳа томоша қилинг. Таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.



Ёзамиз

289-машқ. Қуйида берилган расм асосида ҳикоя тузинг.



Якка тартибда ишлаймиз Жуптлиқда ишлаймиз

1. Ҳикоянгизни ниманинг тасвири баён этишдан бошлайсиз? Яхшилаб ўйланиб олинг.
2. Таянч сўзлар ёрдамида ҳикоянгизни баён қилинг: *болалар хонаси, шарт-шароит, гамхўрлик, китоб, тартиб, фарзандлар, қизиқарли ҳикоя, зийрак бола, ихлос, қизиқиш, оқил, 5тача китоб, уч қаҳрамон, тўртта ўйинчоқ, учаласи.*



Билиб олинг!

Тартиб сонлар предметнинг жойлашиш тартибини билдиради. Санок сонларга *-нчи, -инчи* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади: *бешинчи уй, тўққизинчи синф.*



9-дарс. КИТОБ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВР



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

290-машқ. Матрни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Бир неча хатбошиларга бўлиб, синчиклаб ўқиб чиқинг.

Қоғознинг кашф қилиниши китоб тарихида янги давр очди. Айрим маълумотларга қараганда, 650 йиллардаёқ Самарқандда қоғозли китоблар бўлган. Қоғоз китобнинг кўпайишига ва тарқалишига янги имкониятлар яратди. Китоб безашга алоҳида аҳамият берилди. Аста-секин хаттотлик, муқовасозлик каби касблар ажралиб чиқди. Айниқса, Ўрта Осиёда ўрта асрларда хаттотлик санъати кенг ривожланди. Машҳур хаттотларнинг кўп авлодлари китоб тайёрлаш усулини, материаллар, сиёҳ, хат кўчириш техникасини такомиллаштириб борди.



X–XII асрларда Мовароуннаҳрда муайян соҳа сифатида шаклланган китоб санъати XIV–XV асрларда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ҳар бир китоб қоғоздан тортиб муқовасигача, сиёҳидан то бўёқлари-ю зарҳалигача маълум меъёрдаги модда, режа ва қоида асосида тайёрланар, ҳатто китобдан хушбўй ҳид анқиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар қўшиларди. XV–XVI асрларда бир қанча истеъдодли хаттот, мусаввир, лаввоҳ ва саҳхофлар (Абдурахмон Хоразмий, Султонали Машҳадий, Султонали Хандон, Мирали қил қалам ва бошқалар) етишди. Ҳирот хаттотларига устозлик қилган Султонали Машҳадий Низомий, Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларнинг асарларини кўчириб шуҳрат қозонди. Султонали томонидан кўчирилган 50 дан зиёд китоблар бизнинг давримизгача етиб келган. Темурий ҳукмдорлар девонхоналари қошида, хусусан, Самарқанд, Ҳиротда махсус сарой кутубхоналари ташкил этилган. Бундай кутубхоналар ўрта асрнинг ўзига хос ҳунармандчилик корхонаси бўлиб, уларда қўлёзма китобларни тўплаш ва сақлаш билан бирга китобсозлик билан боғлиқ бўлган бир қанча амалий ишлар бажарилди. Масалан, XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда Улуғбекнинг укаси Бойсунқур кутубхонасида 40 хаттот ва бир қанча наққош қўлёзма асарлардан нусхалар кўчириш ва уларни безаш билан банд бўлган. Ҳар бир қўлёзма китоб бир неча мутахассис қўлидан ўтар эди. 1425–1429 йилларда Жаъфар Бойсунғурий томонидан Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асари кўчирилиб, 20 та турли мазмундаги рангдор миниатюралар билан безатилган. Туркистонда хаттотлик йўли билан китоб тайёрлаш узоқ давом



этди. XV асрнинг 40 йилларида Германияда Иоганн Гутенберг томонидан китоб босишнинг ихтиро қилиниши китоб тараққиётида янги давр очди.

(“Зиё устаган қалблар”дан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Ҳар бир хатбошининг мазмунини ёритиб берувчи битта жумла кўчириб ёзинг.
2. Матн таркибидаги сонларни ўзи боғланган сўзлар билан бирга кўчириб ёзинг, маъносини изоҳланг, гапдаги вазифасини аниқланг.



Билиб олинг!

Ҳисоб сўзлар нарса-буюмни ўлчаш бирлигидир. У орқали нарса-буюмнинг миқдори белгиланади. Ҳисоб сўзларга қуйидагилар киради:

Дона, бош, нусха, туп, тилим, қоп, жуфт, метр, қадам, қарич, грамм, центнер, тонна, боғ, литр, ҳўплам, ҳовуч, тийин, танга, сўм ва ҳк.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

291-машқ. Матни билан танишинг.



Яна бир оламнинг йирик кутубхонаси бу – **Британия кутубхонаси**. Ушбу кутубхона 1972 йилда Британия музейи ва Англиянинг бир қатор йирик кутубхоналари асосида яратилган. У Миллий кутубхона бўлиб ҳисобланади.

Кутубхонанинг машҳур давра залида кўпгина таниқли олимлар ишлаган. Бу ерда қадимий қўлёзмалар, миср ва антик(кўҳна) папируслар – барчаси бўлиб 21 млн. бой китоб тўпламлари сақланди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матни кўчириб ёзинг. Сонлар иштирок этган гапларни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.



2. Британия кутубхонаси ҳақида турли манбалардан фойдаланиб, маълумотлар тўпланг. Синфга тақдим этинг.

292-машқ. Қуйидаги ҳавола бўйича видеолавҳани томоша қилинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Видеолавҳа томоша қиламиз

«Дунёдаги энг чиройли кутубхоналар»



Якка тартибда ишлаймиз

1. Видеолавҳа асосида кичик матн яратинг.
2. Тузган матн таркибида сонлар иштирок этсин.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

293-машқ. Матнни бир неча қисмларга бўлиб ўрганинг.

Инсон табиати, феъл-атвори, руҳиятига мос нарсаларга қизиқади. Кимдир тарихий китобларга қизиқса, кимдир фалсафий романларни ўқийди, кимдир саргузашт асарларни ёқтирса, яна кимдир ҳажвий асарлар ихлосманди. Яна бир бошқа одам эса шеърят шайдоси бўлади. Шунингдек, китобларнинг даврийлиги улар учун муҳимдир. Масалан, мумтоз-анъанавий, замонавий адабиёт намуналарининг ихлосмандлари ҳам ўзига яраша топилади. Одамнинг ўқиётган китобига қараб ҳам унинг мақсад ва интилишлари, феъл-атвори, кайфиятини аниқлаш мумкин. Шу маънода унга ана шу қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда китоб ўқишни тавсия қилиш мумкин.



Кишилар савдоси бошимдан йироқ,
Эрта-кеч бўлмишам китобга ўртоқ.



Биласизларми, машхур киноактёр кунг-фу устаси Брюс Ли китоб мутолаа қилишни жудаям яхши кўрар, уларга ғояларнинг сарчашмаси деб қараган экан. Брюс Лининг кутубхонасида фалсафий китоблар ҳар қандай америкалик файласуфнинг китобларидан-да кўп бўлган. Уни кўпинча Хитой дао-монахларининг кураш жараёни акс эттирилган суратлар дунёсига ғарқ бўлиб ўтириши, оғир ўйларга чўмиб шеър ёзаётган ёки таржима қилаётганини кўриш мумкин эди.



Ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган ҳаваслари оиладан бошланади. Ота-боболаримиз хонадонларида Машраб, Навоий, Бедил ва бошқа шоирларимизнинг асарларини мароқ билан ўқишган. Фарзандлари китобхонлик давраларида

иштирок этишган. Натижада уларда китоб ўқишга ҳавас уйғонган.



XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасалари фаолияти билан танишган Н.Ханиковнинг гувоҳлик беришича, мадрасанинг тўлиқ курсини ўқиб тугатиш учун толиб тахминан 137 та китоб ўқиши талаб этилган экан. Билим манбаи бўлган китобни севиш ва ўқиш учун уни танлай олиш ва ўқиш маданиятини билиш керак. Китоб ўқиш маданиятига китоб

харид этиш ва кутубхонани мунтазам бойитиб боришга алоҳида эътибор билан қараш, китоб сақлаш одоби, ўқиш жараёни, ўқиганни ўзига ва ҳаётга татбиқ этиш, билиш каби яна ўнлаб масалалар киреди.

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Ҳар бир қисмга алоҳида сарлавҳа қўйинг. Асосий ғоясини аниқланг.
2. Машхур инсонлар қандай қилиб муваффақиятли инсон бўлишган? Муваффақиятнинг калити нимада деб ўйлайсиз?
3. Китоб, кутубхона ҳақида ўзингиз кичик бир шеър ёки ҳикоя ёзишга уриниб кўринг.



Билиб олинг!

Сонлар, асосан, сифатлар каби отга боғланиб, гапда аниқловчи вазифасида келади.

Мен олтинчи синфда ўқийман. Аммо у отлашганда, у от бажарган вазифада ҳам келиши мумкин.

Бири олим, бири донгдор фермер.

Иккини иккига қўшсак, тўрт бўлади.

Мен сизни биринчи кўрдим.

Икки ўн беш – бир ўттиз.



Видеолавҳа томоша қиламиз

294-машқ. Интернет манбалари орқали “Китоб ўрнидаги инсон” мавзусида видеолавҳа томоша қилинг ва шу асосида матн яратинг.



Ўқинг, бу – қизиқ!

Дунёдаги энг катта луғат 1854 йилда Якоб ва Вильгельм Гриммлар томонидан ёзила бошлаган “Немис тили луғати” саналади. Луғат тузиш ишларини бошқа муаллифлар давом эттиришган ва бу жараён 1971 йилга келиб ўз поёнига етган. Луғат 34 519 саҳифани ўз ичига олган бўлиб, у 33 том тарзида нашрдан чиқарилган.

* * *

Курраи заминдаги энг улкан китоб 1832 йил Лондонда 100 нусхада чоп этилган “Инглиз қаҳрамонлари пантеони”дир. Унинг узунлиги – 8 ярд, эни – 4 ярд (1 ярд 0,91 метрга тенг). Ҳарфлар катталиги – 0,5 фут (15 см дан каттароқ)ни ташкил этган.

* * *

Дунёдаги энг оғир китоб 50 кг вазнга эга. Веллингтонда атиги бир неча нусхада чоп этилган бу китобда Янги Зелландиядаги регби (спорт турларидан бири)нинг ривожланиш тарихи акс этган.

* * *

Жаҳондаги энг кичик китоб “Қари қирол Коул” эртак китоби ҳисобланади. Китоб ўлчами 1 квадрат миллиметрdir. У 1985 йилда 85 нусхада чоп этилган.



Х бўлим ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ ЮТУҚЛАРИ



Илм, Навоий,
сенга мақсуд бил,
Эмдики, илм ўлди,
амал айлагил.

Алишер Навоий





1-дарс. ГҶЗАЛЛИК ИЛМУ МАЪРИФАТДА



Ўқиймиз



Сухбатлашамиз

295-машқ. Матн билан танишинг. Фикрингиз билан ўртоқлашинг.

*Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, **зулмат** ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва **маърифат** билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри илм билан ҳосил бўлади. Илмдан ҳали ҳеч ким зарар кўрган эмас. Илмни эгаллаб олиш эса бир санъатдир.*

Ер юзи бир дашту саҳро бўлса, гулзори илм,
Саҳнаи оламни бўлмоқда **намудори** илм.
Илму фан бирла қуролланмоқда сардори илм,
Илм ўқи, ҳеч бир жонга еткурмайди озор илм.

Оразий



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матнни кўчириб ёзинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини изоҳли луғатдан топинг.
2. Сизнинг ҳаётингизда илмнинг ўрни қандай?
3. Илм ҳақиқатан ҳам инсон йўлини ёритадими? Қандай қилиб?

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАРИ



Видеолавҳа томоша қиламиз

296-машқ. Интернет манбалари орқали Ал-Хоразмий ҳақида видеолавҳа томоша қилинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Видеолавҳа нима ҳақда? Нима учун ушбу лавҳа сизга тақдим этилди? Ундан қандай ахборот олиш мумкин? Сарлавҳа қўйинг.



2. Видеолавҳа асосида матн тузинг. Матн тузишда



каби сўроқларга жавоб берадиган сўзлардан фойдаланинг. Ушбу сўзлар қандай вазифани бажаришига эътибор қаратинг.



Билиб олинг!

Ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, баъзан белгининг белгисини билдирадиган сўзлар равиш дейилади. Равишлар ифода хусусиятига кўра сифатга яқин, бироқ сифат предметнинг белгисини, равиш эса ҳаракатнинг, белгининг белгисини ифодалаш жиҳатидан фарқланади. Равиш асосан феълга айрим ҳолларда сифатга, равишга, баъзан отга боғланиб келади. Масалан, *тез юрмоқ* (ҳаракатнинг белгиси), *жим ўтирмоқ* (ҳолатнинг белгиси), *болаларча содда* (белгининг белгиси), *дўстона суҳбат* (предметнинг белгиси).



Ўқиймиз



Тинглаймиз

297-машқ. Матнни овоз чиқариб ўқинг. Юқорида кўрган видеолавҳа билан солиштиринг.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий

Милоднинг IX-XI асрлари Марказий Осиёда илм-фан юксак тараққий этган ва буюк алломалар даври эди. Ўша даврнинг кенг билимли, пешқадам олимларидан бири Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бўлган.

Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Дунё фанига ғоят катта ҳисса қўшди. Алгебра фанининг асосчиси бўлди.

Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Хоразмийдир. Унинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтган. Бу шаҳарларда у туғилган, вояга етган, яшаган, таълим олган. Олим Хуросонда ҳам яшаган. Унинг машҳурлиги вазир Абул Ҳасан ал-Хутбий ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилган даврида чўққисига чиққан. Шу вазифаси туфайли у «ал-китоб ал-Хоразмий» номи билан ҳам танилган.

Қадимги Хоразмда астрономия жуда ривожланган, хоразмликлар осмон “сирлари”ни арабларга қараганда анча яхши билганлар.



Хоразмийнинг бизгача етиб келган асарларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, у юнон, ҳинд ва эрон астрономияси ва математикасини яхши билган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Якка тартибда ишлаймиз



Ёзамиз

1. Матн мазмунини ёритувчи 5та калит сўз топиб ёзинг.
2. Калит сўзлар ёрдамида мустақил гаплар тузинг. Тузган гапларингиз ёрдамида матн ҳосил қилинг.



3. Тузган гаплар таркибида ҳолат равишлари иштирок этдими? Нима учун уларни қўлладингиз?



Ўқиймиз

298-машқ. Ўқинг. Ўз муносабатингизни билдириг.

Саъй-ғайрат ва матонат илм хазинасининг калитларидир.

Ҳақиқатга, меҳнатга, яхшилик ва гўзалликка муҳаббат ижтимоий вазифамиздир.

Ялқовлик – энг зарарли одатлардан бири. Бу ярамас одатга мубтало бўлган одам турли кулфат ва машаққатларга дучор бўлиб, умрини хор-зорлик билан ўтказади. Шунга кўра ялқовликдан сақланайлик, меҳнатсевар бўлайлик.

Ҳар ким ақл ва идрок этагини ушласа, буюк мартаба ва даражага эришади, халқнинг муҳаббатини ўзига жалб этади. Агар нафс буйруғига бўйсунса, ниҳоят фалокат тузоғига илинади. Шунинг учун нафсимизнинг ҳар бир истагини бажаравермайлик.

Адолат ва ҳақиқатгўйликни асло қўлдан бой бермайлик. Тилимиз ва дилимизни бир хилда тутайлик. Адолат ва ҳаққоният дил шиоримиз бўлсин, буни унутмайлик.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг. Матн нима ҳақда?



Ёзамиз

2. Матн мазмунини белгиловчи бир жумла кўчириб ёзинг.
3. Матн мазмунига мос диалог тузинг.



Ёдда сақланг!

Равиш морфологик жиҳатдан ўзгармайди. Улар таркибида учрайдиган кўплик, эгалик ва келишик кўшимчалари равиш таркибига сингиб кетган ва ўз маъносини йўқотган бўлади. Масалан, *яқинда, шу ерда, илгаридан* каби равишлар шу кўшимчалар билан биргаликда равишдир. Улар маъноли қисмларга ажратилмайди. Равишлар гапда асосан ҳол вазифасида, сифат ва отга боғланганда эса сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади: Унинг сўзлари *болаларча* содда, самимий, лекин аниқ ва равшан эди.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

299-машқ.



Матнолди топшириқлар. Матнни кўз югуртириб ўқинг. Нима

ҳақда эканлигини аниқланг.

Чақмоқтош фалсафаси

Бир куни чақмоқтош дўстига дебди:

– Намунча мени ураверасан, сенинг калтакларингдан биқинларим безиллаб кетди-ку?!

– Унинг дўсти бўлган иккинчи чақмоқтош эса унга жавобан:

– Сабр қил, дўстим. Агар яна биров чидасанг, ажойиб нарсаларни кўрасан, - дебди. Тез орада икки чақмоқтошдан учқун чиқиб алангага айланибди. Моҳир усталар олов ёрдамида темир ва шишаларга турли шакллар бериб, ажойиб нарсалар ясашибди. Буни кўрган биринчи чақмоқтош дўстига:

– Раҳмат сенга, агар тинчгина ётаверганимизда бундай гўзалликларни кўрмаган ва уларни одамларга туҳфа қилмаган бўлар эдик, – дебди.



Эй фарзанд, илм олиш жараёнида сен ҳам мана шу чақмоқтош каби азият чекасан, лекин кейин бу қийинчиликларнинг мевасидан ҳам баҳраманд бўласан.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз



Сўзлаймиз

1. Матн мазмуни сизнинг биринчи фикрингизга мос эканми? Хўш, нима ҳақда экан? Ўз сўзингиз билан баён этинг. Хулоса чиқаринг.



Ёзамиз

2. Матнни кўчириб ёзинг.
3. Матн таркибида иштирок этган равишларни аниқлаб, тагига чизинг.

2-дарс. ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН, ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАРИ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

300-машқ. Матнни хатбошиларга бўлиб ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 таси бизгача етиб келган. Булар “Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” – алгебраик асар, “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” ёки “Қўшиш ва айириш ҳақида китоб” – арифметик асар, “Китоб суратул-арз”– географияга оид асар, “Зиж”, “Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”, “Астурлоб яшаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида”, “Китоб ар-руҳома”, “Китоб ат-тарих”, “Яҳудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”.

Хоразмийнинг арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг Европада, қолаверса, бутун дунёда тарқалишида буюк аҳамият касб этди. Европага ҳинд рақамлари араблар орқали ўтганлиги учун улар “араб рақамлари” деб аталади ва ҳозир ҳам шундай деб аталиб келинмоқда. Европаликлар узоқ вақтгача ҳинд рақамларига асосланган ҳисоб тизимини “алгоризм” деб атаб келдилар. Фақат XVI аср ўрталаридагина бу ном “арифметика” ибораси билан алмаштирилади. Шундан кейин то ҳозирги кунгача “алгоризм” ёки “алгоритм” деганда ҳар қандай мунтазам ҳисоблаш жараёни тушуниладиган бўлди. Бу ибора билан Хоразмийнинг номи фанга абадий кириб қолди. Хоразмийнинг алгебраик рисоласининг тўлиқ номи – “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала”. Рисоланинг номидаги “ал-жабр” ва “ал-муқобала” сўзлари “тўлдириш” ва “рўпара қўйиш” – ўрта аср алгебрасининг иккита асосий амалини англатади. “Алжабр” сўзи лотинча **транскрипсия**да “алгебра” бўлиб, Хоразмий асос солган янги фаннинг номи бўлиб қолди.



Хоразмийнинг юқорида келтирилган асарлариёқ у фаннинг қатор тармоқларининг асосчиси бўлганлигини кўрсатади. Унинг ғоялари математика ва астрономиянинг оёққа туриши ва ривожланишига сабаб бўлди. Ҳозирги даврда унинг хизматлари жаҳон **афкор** оммаси томонидан эътироф этилган.

(“Зиё устаган қалблар”дан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Ҳар бир хатбошининг мазмунини ёритувчи бир жумла топиб кўчиринг.
2. Ал-Хоразмийнинг илмий кашфиёти нимада эди? Алгоритм сўзининг маъноси нима экан?
3. **Қачон?** сўроғига жавоб берувчи сўзларни топиб кўчиринг.



Ёдда сақланг!

Равишлар маъно жиҳатидан қуйидагича: **ҳолат (тарз) равишлари, миқдор-даража равишлари, ўрин равишлари, пайт равишлари, сабаб равишлари, мақсад равишлари.**



Видеолавҳа томоша қиламиз

301-машқ. Интернет манбаларидан фойдаланиб, мавзуга мос видеолавҳа томоша қилинг.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. Лавҳадан қандай маълумотлар олдингиз?
2. Лавҳага асосланиб, равишлар иштирокида матн тузинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

302-машқ.

Пичан ғарамидаги игна

Бир куни Эйнштейндан:

- Сизнинг ва бошқа одамларнинг заковати орасидаги фарқни қандай изоҳлайсиз? – деб сўраганларида, у биров ўйлаб туриб шундай дебди:
- Агар одамлар пичан ғарами ичидан игна қидирсалар, кўпчилиги уни топишлари билан тўхтайдилар, мен эса қидиришда давом этиб, иккинчи, учинчи ва тўртинчи игналарни ҳам топаман!



Ўз устида тинимсиз изланиш катта кашфиётлар қилишга йўл очади.

(Тарбия китобидан)




Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



3. “**Венн диаграммаси**” усули ёрдамида Эйнштейн ва бошқа одамларнинг хусусиятларини таққосланг.

4. **Тинимсиз изланиш, катта кашфиёт** сўзларига изоҳ беринг.

5. Матнни кўчиринг ва равишларнинг тагига чизинг.



Ўқиймиз



Муҳокама қиламиз

303-машқ. Ўқинг. Мазмунини ўзлаштиринг.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАРИ

Абу Али ибн Сино

(980-1037)

Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутаффакирлардан бири Абу Али ибн Сино бўлиб, у Овруппада Авиценна номи билан машҳурдир. Ибн Сино (асл исми Ҳусайн, отасининг исми Абдуллоҳ) Бухоронинг Афшона кишлоғида 980 йилда амалдор оиласида туғилди. 986 йилда ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келди ва шу вақтдан бошлаб ёш Ҳусайн бошланғич маълумот олишга, илм-фанни ўрганишга киришди. Ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зеҳни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тезда эгаллай бошлади. 10 ёшидаёқ Қуръони Каримни бошдан оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошланғич математика, мантиқ, фикҳ, фалсафа илмлари билан шуғуллана бошлайди. У ўзидан аввал ўтган Шарқ мутафаккирларининг асарларини чуқур ўрганиш билан бирга, қадимги юнон табиий-илмий, фалсафий меросини, асарларини ҳам қунт билан ўрганди.





16-17 ёшидаёқ ибн Сино машхур табиб – ҳаким бўлиб танилди. 1000 йилда ибн Сино Бухородан чиқиб кетди ва маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди, у ерда Хоразм ҳокими Али ибн Маъмун саройидаги олимларни бирлаштирган ўз замонасининг академиясига қабул қилинди. Ибн Сино Беруний, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ каби етук олимлар билан яқиндан танишди. Лекин бу даврда кучайиб бораётган Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишга ва Хуросон, Эроннинг турли шаҳарларида сарсон-саргардонликда юришга мажбур бўлди. Журжон шаҳрига келган ибн Сино ҳоким қобус ибн Вашмгир саройида машхур табиб сифатида яшади, бўлажак шогирди Жузжоний билан танишди. 1019-21 йилларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қиларкан, ҳоким билан келиша олмай, 4 ой қамоқда ётиб чиқди. 1023 йилда Исфаҳонга қочди ва бутун умрини илмий асарлар ёзишга бағишлади. Ибн Синонинг «Китоб ал-қонун фит-тибб», «Китоб ун-нажот», «Китоб ул-инсоф» каби машхур асарлари, геометрия, астрономия, ўсимлик, ҳайвонот олами, мантиққа оид рисоалари, «Ҳайй ибн Яқзон» фалсафий қиссаси сўнгги йилларда ёзилган. У 1037 йил 18 июнда Исфаҳон шаҳрида 57 ёшида қулунж касаллигидан вафот этди. Ибн Синонинг ҳаёт йўли ўзи ёзган таржимаи ҳоли ва шогирди Жузжоний томонидан қолдирилган манбалардан маълум.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган, холос. Кўп рисоалари шаҳарма-шаҳар кўчиб юриш, феодал урушлари, сарой тўполонлари, турли фалокатлар туфайли йўқолиб кетган. Кўп манбаларда ибн Сино, аввало, табиб сифатида талқин этилади, ҳолбуки табобат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан биридир. Ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўша давр илмий тили ҳисобланган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган. Унинг бизга маълум бўлган катта асари «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») 22 жилддан иборатдир.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Суҳбатлашамиз

1. Буюк мутафаккирнинг ҳаёт йўли сизда қандай таассурот қолдирди?



Ёзамиз

2. Олим ёзган китобларининг рўйхатини тузинг.
3. Инсон ўз ортидан ўчмас из қолдириш учун нима қилмоғи даркор деб ўйлайсиз?
4. Қўйдаги жадвални матн асосида тўлдириш ва танловингизни исботланг.

Ҳолат (тарз) равишлари	Миқдор-даража равишлари	Ўрин равишлари	Пайт равишлари	Сабаб равишлари	Мақсад равишлари
Тезда					
Боғланган сўз					
Тезда эгаллай бошлади					



Билиб олинг!

Ҳолат (тарз) равишлари. Ҳаракатнинг қай ҳолатда, қай тарзда бажарилишини билдиради. **Қандай?, қай тарзда?, қай ҳолатда?** сўроқларга жавоб бўлади: **тез, секин, аста, пиёда, яёв, бирдан, тўсатдан, дўстона, янгича, ёнма-ён, юзма-юз, мардона, муздай, аста-секин.**

Ҳолат равишлари равиш ҳоли, шунингдек, сифатловчи-аниқловчи, баъзан кесим вазибаларида келади.



Ўқиймиз



Тинглаймиз

304-машқ. Матнни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

Ҳаёт сўқмоғи

Бир бадавлат одам уйининг деворига Ҳимолай тоғларининг суратини чиздирмоқчи бўлибди. Бунинг учун машҳур бир рассомни чақариб, таклифини айтибди ва:

- Тоғлар ҳаққоний бўлиши керак, бунга қанча вақт кетади? - деб сўрабди.
- Расм сиз айтгандек бўлиши учун мен камида уч йил Ҳимолай тоғларида яшашим керак, – деб жавоб берибди рассом.
- Уч йил жуда кўп-ку! Тезроқ мумкин эмасми? - сўрабди одам.
- Йўқ, камида уч йил бўлмаса, мен ишни бошламайман ҳам деб жавоб берибди.

Ҳалиги одам ноилож рози бўлибди. Орадан уч йил ўтибди. Рассом қайтиб келибди ва уч кун ичида деворга тоғларнинг расмини чизиб бўлибди. Расм шундай ажойиб эканки, унинг олдида ҳақиқий тоғ ҳам нурсиздай кўринар экан. Расмни томоша қилаётган одам:



- Манави ерда сўқмоқни кўряпман, у қаерга олиб боради?- деб сўрабди.
- Бу сўқмоқ йўл мени у ерга чақириб туради,– деб жавоб берибди рассом.



Муаммонинг ҳал этилиши унинг қай даражада ўрганилганлигига боғлиқ.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Суҳбатлашамиз

1. Матн мазмунига мос қандай халқ мақолларини биласиз?
2. Рассомнинг берган жавобига изоҳ бера оласизми?



Ёзамиз

3. Матн сўнгидаги бешта гапни кўчиринг ва равишларни белгилаб турини аниқланг.



Ўқиймиз

305-машқ.

Донишманднинг жавоби

Бир қишлоқда олим ва донишманд яшар эдилар. Бири илм ўрганиб, олим бўлибди, иккинчиси ҳаёт тажрибаларидан хулоса чиқариб, уларни сўзлар экан. Олим эртаю кеч кутубхонада ёки уйида китоб мутолаа қилар ва атрофидагиларга қўшилмас экан. Бошқаси эса халқ ичида юриб тирикчилик қилар экан. Қишлоқ одамларига бирор масала юзасидан маслаҳат керак бўлса, кўпроқ донишманднинг олдига келишар экан. Буни сезиб юрадиган олим бир куни донишманддан сўрабди:

– Мен уйимга келганларга ёмон муомала қилмайман ёки менинг айтадиган маслаҳатларим сеникидан кам эмас. Нима учун одамлар кўпроқ сенга мурожаат қилишади?

Донишманд унга шундай жавоб берибди:

– Эй дўстим, сенинг илминг дуру жавоҳирларга ўхшайди. Уларни ўрганиш учун сен кутубхоналарда ва уй ичида мутолаа қиласан. Сенга нисбатан мен бир илмсиз, оми одамман. Менинг арзимаган билимим эса оёқларимиз остидаги тошларга ўхшайди. Одамларнинг ҳурмати қуёш нурлари кабидир. Айт-чи, қуёш чиққан пайтда унинг нурлари дастлаб қаерга тушади: уй ичигами ёки ердаги тошларгами?



Эй фарзанд, билгинки, илмидан халққа фойдаси тегмаган олимдан не наф? Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, чунки одам одамлар орасида бўлиб, улардан етадиган азиятларга сабр ҳам қилади, марҳаматларини ҳам кўради.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.

1. “*Ақлий ҳужум*”. Қандай ўйлайсиз, олим бўлиш осонми ёки одам бўлиш? Гуруҳда муҳокама қилинг.
2. «*T-жадвал*» усули асосида жадвални тўлдилинг.

Олимнинг тутган йўли	
Афзаллиги	Камчилиги

3. Матннинг дастлабки уч гапини кўчириб ёзинг ва синтактик таҳлил қилинг.

3-дарс. ИЛМ – ЭНГ БУЮК ШАРАФ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАРИ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

306-машқ.

Жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусий олим Форобийнинг тўлиқ исми Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари унинг номи билан боғлиқ. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини чуқур билган ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшган, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитгани туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастузи” деб юритилган. Форобий 873 йилда туркий





қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фароб – Ўтрор деган жойда туғилган. У туғилган ҳудуд Сомонийлар томонидан бошқарилиб, араб халифалигининг шимолий чегараси ҳисобланган.

Форобий бошланғич маълумотни она юртида олди. Сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. Бағдодда бу даврда мусулмон дунёсининг турли ўлкаларидан келган кўп илм аҳллари тўпланишган эди. У ерга бора туриб Форобий Эрон шаҳарлари Исфаҳон, Ҳамадон, Рай ва бошқа жойларда бўлди. Айрим маълумотларга қараганда, у 70 дан ортиқ тилни билган.

Тахминан 941 йилдан бошлаб Форобий Дамашқда яшаган. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб, камтарона кун кечириб, илм билан шуғулланган. Тадқиқотчилар унинг Ҳалабдаги ҳаётини энг самарали давр ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳоким ҳурфикрлилиги, илм-фанга эътибор берганлиги билан ажралиб турган. У Форобийни саройга таклиф этади, лекин Форобий бунга кўнмайди, оддий ҳаёт кечиришни афзал кўради.

Форобий 949–950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқда яшаб, шу ерда вафот этган. Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган.

(Интернет манбаларидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Ёзамиз

1. “Кластер” усули асосида қомусий олим Форобийнинг ютуқларини тўплаштиринг.





Муҳокама қиламиз

2. Саройга таклиф қилинган Форобий нега оддий ҳаёт кечиршни афзал кўрди, деб ўйлайсиз? Унинг ўрнида сиз нимани танлаган бўлардингиз?

3. Матнда равишнинг нечта тури борлигини аниқланг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

307-машқ.

Нимага муҳтожмиз?

Асалари билан инсон боласи ўртасидаги фарқ ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Йигирма кунлик асаларини гулдан гулга қўниб, асал йиғаетганини кўп кўрган-дирсиз. Инсон фарзанди эса фақатгина икки ёшдан оёққа туради, гапиришни ўргана бошлайди. 6-7 ёшида мактабга боради. Ўқишни, ёзишни ўрганади. Мактаб, университетни тугатгунига қадар кўп ўқийди, ўрганади, интилади, изланади. Чунки яшаш учун ҳаётни, инсонларни ўрганишга муҳтождир. Фойда, зарарни билишга мажбурдир. Бироқ асалари боласи-чи? У асал йиғишни ўрганиши учун на ўқишга, на олий ўқув юртини битиришга эҳтиёжи бор. У дунё ҳаётига мукамал ҳолда юборилган. Индан чиқар чиқмас ишини бошлайди. Биз эса йигирма кун ёки йигирма йил, умр бўйи ўрганишга муҳтожмиз. Шунинг учун бешиқдан қабргача илм олишга, ўрганишга буюрилганмиз. Инсон қобилиятини билим ва тажриба билангина оширади.

Билим озуқадир. Ақл ва қалб у билан озиқланади.

Билим – муваффақият. Билимсизлик эса мағлубиятдир.

Билим жасоратдир. Билимли киши муаммоларни жасорат билан енгади.

Билим дурбинга ўхшайди. Чигал масалаларни у ҳал этади. Тўсиқ ғовлар устидан унинг ёрдамида ошиб ўтади.

Билим нурдир. Йўлимизни у билан ёритамиз.

Билимсизлик эса барча ёмонликларнинг манбаидир. Билимсиз инсон ўзига энг катта ёмонликни қилган бўлади. Жоҳил кишининг тик тура олмайдиган қопдан фарқи йўқ. Саъдий билимсизликни уруш довулига ўхшатади. Овози баланд ичи эса бўш. Гўзал тушунчалар, билим жавҳарлари билан тўлдирилмаган зеҳн сандиғи фойдасиз ва зарарли нарсалар билан тўлади.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз



Тақдимот

1. “Ассоциация” усули асосида **билим** сўзига гуруҳ билан биргаликда намунадагидек таъриф беринг ва тақдимот ясанг.

жасорат



сахийлик

озуқа

бойлик

2. Инсон билимни қай пайт эгаллагани маъқул деб ўйлайсиз?
3. Қуйидаги сўзлар иштирокида равиш қатнашган учта гап тузинг.
(асалари, инсон, меҳнат, гул, фарқ, кўп, жуда)



Билиб олинг!

Миқдор-даража равишлари. Ҳаракат ва ҳолатнинг миқдорини билдириб **қанча?** сўроғига жавоб бўлади: **кўп, оз, анча, пича, сал, мўл, хийла, талай, роса, жиндай.**

Даража равишлари: **жуда, энг, ғоят, ғоятда, бениҳоят, ниҳоятда** каби. Бу равишлар ҳаракат ва белгининг ортиқлигини билдиради.

Миқдор-даража равишлари гапда асосан равиш ҳоли, кесим, отларга боғланиб аниқловчи бўлиб келади: **оз сўз – соз сўз.**



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

308-машқ.



Кўз пардаси – кўриқчи

Жанубий Кореянинг йирик банклари кўз тўрпардаси орқали мижозларининг шахсини аниқлаш тизимини жорий этмоқчи. Мутахассислар фикрига кўра, кўз тўрпардаси ёрдамида аниқлаш технологияси илғор ва мураккаб бўлиб, бу уни бузишга бўлган уринишларни деярли чиппакка чиқаради. Янги тизимнинг ишга туширилиши фойдаланувчилар хавфсизлигини сезиларли даражада ошириб, фирибгарлардан ҳимоя қилади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Сухбатлашамиз

1. Банкларга кўз пардасининг нима алоқаси бор деб ўйлайсиз?
2. Фирибгар – қандай инсон? Ҳаётда фирибгарларни учратганмисиз?
3. Матнни ўз сўзингиз билан давом эттириб кўринг-чи.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

309-машқ.

УХЛАШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ

Лондонлик муҳандис Колин Фруз эрта тонгда уйқудан туришга қийналади-ганлар учун махсус каравот яратди. Юқори босимли “каравот-катапульта” эринчоқ кишиларнинг “яна беш дақиқа” мизғиб олишига йўл қўймайди ва уларни тўшакдан бир зумда автомобиль гудоклари товуши остида улоқтириб юборади. Фақат унга керакли вақтни созлаб қўйсангиз, кифоя.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Эрталабки уйқу нима учун жуда ширин бўлади?
2. Лондонлик муҳандиснинг кашфиёти сизга ҳам зарурми?



Ёзамиз

3. Матнни кўчиринг ва равишларни топиб , турларига ажратинг.
4. “Эрталабки вақт – нақдгина бахт” мақолининг мазмунига тўхталинг.



Ўқиймиз

310-машқ. Ўқинг.

ЁШЛИК – БЕБОШЛИК

Бадавлат кишининг якка-ю ягона ўғли бўлган экан. Бола отасининг бойлигига ишонгани учун илм олишга, санъатни ўрганишга қунт қилмабди. Қалла-



сидаги ҳар хил ўй-хаёлларидан ўзича хулосалар ясаб, шуларни фароғат, саодат деб ўйлар экан. Ҳикматли сўзларга асло қулоқ осмас, ёлғондан отасига ўзини сабоқ олаётгандай кўрсатаркан. Бир куни отаси унга дунёнинг саодати яхши дўст топмоқликда эканини айтибди. У эса яхши дўст деганда, нафсининг амрига бўйсунган одамни тушунармиш.

Бироқ бу фикри билан ўзига бир фалокат ҳозирлаганини билмас эди.

Кунларнинг бирида отаси оламдан ўтибди. Шунча мол-давлатнинг ворисига айланган, илму ирфондан беҳабар бу йигит кайф-сафога берилгани учун ўша “яхши дўстлари” билан отасидан қолган бойликни еб битирибди. Мол-мулк тугагач, дўстлари ҳам гумдон бўлибди. Ўлмасидан аввал ширин жонини минг азоблар исканжасида қолдирибди, ўзини фақирликнинг ўлимдай оғир изтиробларига мубтало қилибди.

Қадрли ёшлар, асло унутманг! Дангасалик сизнинг энг ёмон дўстингиздир, у сизни ўлимга маҳкум этади. Отанинг сўзи саодатга, ёмон дўстнинг сўзи сизни фалокатга етаклайди. Бу ҳикоятдан ибрат олинг, дунёнинг аччиқ ҳақиқатлари бебош ёшлиқдан сўнг бўй кўрсатади, буни яхши билинг.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Матндан тезис гапни топинг.
2. “**Кластер**” усули асосида “бебошлик” сўзига таъриф беринг.



3. Матндан охирги хатбошини кўчиринг ва равишларга тавсиф беринг.

Хулоса

Бирор илмга, ҳунарга қизиқмаган одам ёшлик даврида ўзини-ўзи турли ба-
лаларга гирифтор қилади.

Ёшлар ёши улуғларнинг сўзларига қулоқ солишлари, айтганларини бажа-
ришлари, яхши дўст танлай олишлари керак. Буларга амал қилмаган умрини,



молини ҳавога совурадилар. Фалокатни ўз қўллари билан сотиб оладилар. Буни англаганлар чечакдан бол олган арилар сингари ўз умрларига ҳақиқий шифо – ҳикмат бахш этадилар.



Ёшлар ҳар қанча илмли, оқил бўлмасин, кексалар билан суҳбатлашиб туришлари лозим.

(Тарбия китобидан)

4-дарс. ИЛМ ОДОБИ



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

311-машқ.

Илм одоби

Олимлардан Ризоуддин ибн Фахриддин айтади:

– Ҳар бир одам ва ҳар бир элнинг саодатли бўлишига бош сабаб илмдир. Экинлар учун ёмғир, суғориш қандай керак бўлса, одам боласи учун ҳам илм шу даражада кераклидир...

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Суҳбатлашамиз



Суҳбатлашамиз

1. Илм ҳақида қандай халқ мақолларини биласиз? “**Елпигич**” усули ёрдамида мақолларга шарҳ беринг.



2. Элнинг саодатли бўлишини қандай тушунасиш?



Ёзамиз

3. Матнни синтактик таҳлил қилинг.

4. Матннинг давомига яна қандай фикрлар қўшса бўлади?



Билиб олинг!

Ўрин равишлари. Ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **қаерда?, қаердан?** сўроқларига жавоб бўлади: **у ерда, шу ерда, ўнгда, чапда, тўғрида, олдинда, юқорида, орқада** каби. Ўрин равишлари гапда ўрин ҳоли, баъзан кесим бўлиб келади.




Ўқиймиз



Сўзлаймиз

312-машқ.

Қозоғистонлик олимларнинг ихтиролари



Ватандош олимларимиз энергияни тежовчи чироқларни ихтиро қилишди. Ушбу чироқлар сезиларли даражада электр қувватларини тежаш имконини беради.

Ал-Форобий номли Қозоқ Миллий университети олимлари мазкур инновацион лойиҳа учун 5 йил меҳнат сарф этишди. Плазманинг квант хоссасини тадқиқ қилиш давомида улар нанозаррачаларни газлар туркумига синтезлаш орқали чироқларни 2 маротаба кўпроқ ёритишга муваффақ бўлиш мумкинлигини аниқлашди.

Немис олимлари катта қизиқиш билан қараган ушбу кашфиёт учун лойиҳа муаллифлари Давлат мукофотига сазовор бўлишди. Жамоавий ихтиро патентланган ва қўлланишга тайёрдир.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Якка тартибда ишлаймиз

1. Сиз ҳам шу олимлар сингари халққа фойда келтирадиган ихтиролар қилишни орзу қиласизми? Агар бўлса, у қандай янгилик?



Суҳбатлашамиз



Ёзамиз

2. **Патент** сўзини қандай изоҳлайсиз?

3. Ўрин равишларини матндан топиб, иш дафтарингизга ёзиб олинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

313-машқ.

Подшоҳ ва вазирлар

Бир мамлакатнинг подшоҳи халқига оғир солиқлар солибди. Подшоҳ ўзини жуда ақлли деб билар, ҳамма нарсани тўғри қиляпман, деб ҳисоблар экан. Лекин бир куни доно вазирлари унга огоҳлантириш тариқасида:

– Подшоҳи олам, халқни эсангиз, бир куни Худонинг ғазабига дучор бўлишингиз мумкин, – дейишибди. Золим подшоҳ уларнинг бу гаплари учун ўша заҳотиёқ саройдан ҳайдабди, мамлакат ташқарисига сургун қилибди.

Вазирлар оч-наҳор сарсон-саргардон кетиб боришар эди. Йўлда сал илгарироқ ўтган туянинг изига кўзлари тушибди. Тўрт вазир ҳам шунга қараб, туя ҳақида тахминий фаразлар қилиб, мулоҳазалар юритишибди. Биринчи вазир: “Бу ердан ўтган туянинг ўнг кўзи кўр”, дебди. Иккинчи вазир: “Бу туянинг бир оёғи майиб”, дебди. Учинчи вазир: “Бу туянинг думи жуда калта экан”, дебди. Тўртинчи вазир: “Бу туянинг қорнида санчиқ бор”, дебди. Вазирлар шулар ҳақида ўзаро гаплашиб бораверишса, қаршиларидан бир йўловчи чиқиб қолибди. Ва улардан йўқолган туясини кўрган-кўрмаганликларини сўрабди. Вазирлардан бири: Йўқолган туянинг ўнг кўзи кўрмиди? – дебди. Туянинг эгаси:

– Ҳа, – дебди. Иккинчи вазир:

– Туянгнинг бир оёғи чўлоқмиди? – дебди. У:

– Ҳа, – дебди. Учинчи вазир:

– Туянгнинг думи калтамиди? – дебди. У:

– Ҳа, – дебди. Тўртинчи вазир:

– Туянгнинг қорни оғрив эдими? – дебди. Туянинг эгаси яна:

– Ҳа, – деб жавоб берибди. Сўнг уларга қараб:

– Сизлар олгансиз, қайтариб беринг туямни, – деб туриб олибди. Вазирлар:

– Биз сенинг туянгни кўрмадик, буларни унинг оёқ изига қараб билдик, холос, – дейишса ҳам, туянинг эгаси гапларига ҳеч ишонмабди. “Агарда ҳозироқ туямни қайтариб бермасангиз, сизларни подшоҳнинг ҳузурига олиб бораман”, деб бақир-чақир қила бошлабди. Охири туянинг эгаси уларни подшоҳ саройига бошлаб борибди.

Подшоҳ вазирларини таниб:



– Энди ўғирлик қиладиган одат ҳам чиқардингизми? Тўғриси айтинг, бўлмаса, аяб ўтирмайман, сизларни оғир жазога ҳукм қиламан, – дебди. Улар:

– Эй, олампаноҳ, рости биз туяни кўрмадик. Унинг юришидан, ташлаган қадамларидан, изларидан билдик, – дейишибди. Подшоҳ уларнинг бу сўзларидан ҳайратга тушибди.

Қандай қилиб билдингиз? – деб қизиқиб сўрабди. Шунда вазирлардан бири:

– Мен туянинг ўнг кўзи кўрлигини шундай билдимки, туя йўлнинг ўнг тарафидаги ўтларни емай, фақат чап тарафдаги ўтларни еб кетаверган, – дебди. Бошқа вазир:

– Подшоҳим, мен туянинг чўлоқлигини унинг ердаги изларидан билдим. Ерда туянинг учта оёқ изи бор эди, тўртинчиси эса нисбатан енгилроқ босилган, шунинг учун уни оқсоқ деб айтдим, – дея фикрини исботлабди. Бошқа бир вазир:

– Туянинг думи калталигини, ерга тўкилган қонлардан билдим. Бу қонлар чивинлар чаққанидан ҳосил бўлган. Агар туянинг думи калта бўлмаганда эди, чивинларни думи билан ҳайдар олар эди. Шундан келиб чиқиб, унинг думи калта бўлса керак, деган фарзимни айтган эдим, – дебди. Тўртинчи вазир:

– Мен туянинг қорни оғришини унинг изларига қараб билдим. Чунки туя олдинги икки оёғини ерга енгилроқ босган, у оғриқдан қийналгани учун оёқларини йиғиброқ, тўғрига ташлаган, – дебди.

Подшоҳ туяни кўрмай туриб, фақат оёқ изларидан шунча нарсани англай олган вазирларининг ақлу заковатидан ҳайратда қолибди. Вазирларига юзланиб:

– Ана энди тушуниб турибманки, халққа оғир солиқлар солганимда қилган эътирозларингиз шунчаки қуруқ гап эмас экан. Бундан сўнг сизнинг маслаҳатингизга амал қиламан. Ҳақиқатга, адолатга сизларнинг сўзларингиз билан эриша олишимга ишонч ҳосил қилдим, – дебди.

Хулоса

Илм ҳақиқатни юзага чиқаради, жаҳолат инсонларни ҳақиқатдан йироқлаштиради.

Ақлни тўғри ишлата олганлар учун бу ҳикоят ибрат булоғидир. Ажабо, мартабасига учиб, ҳар нарсани қарор қилавериш ҳақиқатга тўғри келадими? Тўрт доно вазирга ўхшаган, “из”нинг ўзидан моҳиятни, ҳақиқатни кўра оладиган моҳир, илми тўкис одамларга ҳамма вақт ҳам эҳтиёж сезилади. Улар теран ақллари, билимлари туфайли бирор нарса хусусида тахминан мулоҳаза билдирсалар ҳам, ўйлаганлари ҳақиқат бўлиб чиқади.

(Тарбия китобидан)




Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Жуфтликда ишлаймиз

1. “*Венн диаграммаси*” ёрдамида *маърифат* ва *жаҳолат* сўзларига матн мазмуни асосида таъриф беринг.



Гуруҳда ишлаймиз

2. Ривоят сюжетини “*Фишбоун*” усули асосида гуруҳда ёритинг.



Якка тартибда ишлаймиз

3. Хулосани иш дафтарингизга чиройли ёзувингиз билан кўчириб ёзинг ва равишлар тагига чизишни унутманг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз


314-машқ.

Марсга кўчиб бориш мумкинми?

Марс сайёрасини илк бор қадимги Миср ва Вавилон мунажжимлари кузатишиб, унинг қайси кунлари осмоннинг қайси қисмида бўлишини аниқ ҳисоблай олишган. Мусулмон олимлар эса мазкур сайёранинг ўлчамларини ва ундан Ергача бўлган масофани аниқлашган.

Илк бор сайёрани телескоп орқали кузатган Галилео Галилей унинг сатҳи ҳамма ерида ҳам бир хил эмаслигини ёзган. XIX асрда Марсда каналлар мавжудлиги ҳақида маълумот тарқалди. Бу эса мазкур сайёрада ҳаёт борлиги ҳақидаги афсоналарга сабаб бўлди.

Бугунги кунда Марс юзасида ҳарорат +5 даражадан ошмаслиги аниқланган. Сайёра атмосферасида карбонат ангидрид миқдори ҳаддан ташқари юқори. Атмосфера босими эса ҳаддан зиёд паст.





Марсга юборилган “Одиссей” сунъий йўлдоши мазкур сайёрада сув захиралари борлигини аниқлади. 2008 йилда унга қўндирилган “Феникс” аппарати эса заминни бурғулаш натижасида муз қатламига кира олди.

Олимларнинг фикрича, келажақда Марсда яшаш мумкин. Американинг Space X компанияси эса 2016 йилда ушбу сайёрага кўчиб боришни истовчилар учун мунтазам қатновчи космик кемалар қуриш режасини эълон қилди.

(Муаллифлар таржимасидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Нега олимларимиз бошқа сайёрадан яшашга шароит тайёрлаяпти деб ўйлайсиз?



Ёзамиз

2. Америкалик компания таклифига фикрингизни айта оласизми?
3. **Қаерда?** сўроғига жавоб бўлган сўзларни топинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

315-машқ.

Оқил ва донолардан Ҳожимурод Одилий ўз ўғилларига насиҳат қилиб айтади:
– Азиз фарзандларим, илмли, ҳунарли одам бўлиш учун ғайрат қилинг, илм ва ҳунар ҳар нарсадан қимматлидир. Бир одамнинг молу дунёси кўп бўлса-ю, ҳунари бўлмаса, у одам ҳосилсиз, қуруқ дарахтга ўхшайди. Илмли, ҳунарли бўлсангиз, турмушингизда ҳеч нарсага муҳтож бўлмайсиз, халқнинг иззат-ҳурматиغا сазовор бўласиз.

Байт:

Ўрганинг, фарзандларим, илму ҳунар,
Бир мақол бордир: “Ҳунардан – кўп унар”.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Илмсиз одамни яна нимага ўхшатиш мумкин?
2. Сизга ҳам отангиз шунга ўхшаш насиҳатлар берадими? Синфдошларингизга бу ҳақда айтиб беринг-чи.



Ёзамиз

3. Илм ҳақида ўзбек халқ мақолларидан мисол келтиринг.



Бу фойдали!

Бузуржмеҳр ҳаким айтади:

– Устодимдан: “Йигитликда нима қилиш яхшироқ бўлади, қариликда-чи?” – деб сўрадим.

Устодим айтди:

– Йигитликда илм-хунар ўрганиш, қариликда эса амалга келтиришдир.



Ўқиймиз

316-машқ.

Балиқ етиштиришнинг инновацион технологияси





“Қозоғистонда илмий-техник асослар ва бақрабалиқ (осетра) инфратузилмасини яратиш” мавзусидаги ишлар мажмуи Ал-Фаробий номидаги илм ва техника соҳасидаги ҚР Давлат мукофотиға сазовор бўлди.

Қозоғистонлик олимлар ихтиролари асосида Қарағанда вилоятининг Топар қишлоғи ва Уралда тажрибаға асосланган ишлаб чиқариш майдонлари яратилди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Инновацион технология сўзини қандай тушунасиш? (Ўқитувчингиз кўмагида шарҳланг.)
2. Бақрабалиқ хосиятини биласизми?



Ёзамиз

3. Матндан учта калит сўз топинг ва ўзи билан боғланган сўзни кўчириб олинг.

5-7-дарс. ХХІ АСР ҚАШФИЁТЛАРИ

Янги мингйилликнинг (ХХІ аср) 15 йили давомида инсонлар ўзга бир олам, ўзга бир дунёға тушиб қолганимизни сезмай ҳам қолишди: биз ирсиятни тузата оламиз ва тафаккурни ясама аъзолар орқали назорат қила оламиз. Буларнинг ҳеч бири ХХ асрда бўлган эмас. Қуйидаги машғулотлар давомида уларнинг баъзилари билан танишамиз.



Ўқиймиз

Қуёш тизимида тўққизинчи сайёра аниқланди

317-машқ.

ХХ асрда Плутон топилмасдан аввал ҳам, Нептун ортидаги тўққизинчи Икс (Х) сайёраси ҳақида назариялар мавжуд бўлган. Унинг борлигини тахмин қилишга, жуда улкан жисмнинг таъсири туфайли тортиш тўлқинларида вужудға келадиган айрим жиҳатлар асос бўлар эди. Кейинчалик, аниқланган Плутон сайёраси айни жисм сифатида қабул қилинди. Бироқ, тортишиш кучидаги бузилишларнинг ўзига хосликлари охиригача изоҳланмаётган эди. Бу ҳол, Калифорния технология институти, тўққизинчи сайёра мавжудлиги ва унинг орбитал даври бизнинг 15 минг йилға тенглигини исботловчи далилларни тақдим этгунча давом



этди. Ўз кашфиётлари хусусида ёзган фазошуносларнинг таъкидича, астероидлар ёки метеоритларнинг ўта зич бириккан жисми сайёра сифатида қабул қилингани борасидаги эҳтимол атиги 0,0007 фоизни ташкил этади.

Шундай бўлса-да, ҳозирча 9-сайёра назарий жиҳатдан мавжуд бўлиб қолмоқда. Чунки уни ҳеч ким кўрмаган. Бироқ астрономларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бунга сайёра орбитасининг йириклиги сабабдир. Агар бу сайёра ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлса, у Ердан 2-15 марта улканроқ бўлиши керак. Унинг орбитаси эса, Қуёшдан 200 ва 1600 астрономик бирлиги оралиғида жойлашган. Бир астрономик бирлик 150 000 000 кмга тенглигини ҳисобга олсак, тўққизинчи сайёра Қуёшдан 240 000 000 000 (млрд) км узоқда бўлади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Қуёш тизимидаги саккиз сайёрани биласизми?
2. Ўйлан, излан, топ.

Матн нима учун қизиқарли бўлди?

Матндан сизга ёққан жумлаларни айтинг



Ўқиймиз

318-машқ.





Ўтлоқдаги барг устида ўтирган қуртча атрофидаги учиб юрган капалакларга, сакраётган чигирткаларга ва югуриб юрган чумолиларга ҳавас билан қарар эди. У ўзининг секин ҳаракат қиладиган қурт эканидан хижолат чекар, лекин ҳеч кимга ҳасад қилмай, ўз ишини бажарар эди. Унинг иши ипак тўқиб, ўзига пилла ясаш эди. Қуртча вазифасини ҳафсала билан бажарар, чунки у ҳар кимнинг ўз бурчи бор, шу ишини мукамал қилиш лозим деб тушунар эди. Мана

у пилласини тўқиб бўлди. Пилласининг ичига кириб кетди. Охирги тешикни ҳам ёпди. Энди нима қилар эканман? – деб ўйлай бошлаганида уни уйқу элтиб, қаттиқ ухлаб қолди. Бир қанча вақтдан сўнг у уйғонди. Энди у ўзини аввалгидай эмас, бошқача ҳис қилар эди. Бир амаллаб пиллани ёриб, ташқарига чиқди. Ёруғ жойда ўзига қараб ҳайрон қолди. Чунки у энди қуртча эмас, гўзал капалак эди. Қуёш нурларида товланаётган ранг-баранг қанотларига атрофдаги ҳамманинг ҳаваси келаётгандек эди. Капалакка айланган қуртча бунинг ўзининг меҳнати ва сабри учун берилган мукофот деб тушунди ва гулзор бўйлаб учиб кетди.



Эй фарзанд, машаққатли меҳнат ва сабрнинг албатта мукофоти бўлади. Бошқаларга ҳасад қилиб, ўз ишида сусткашлик қилиш эса ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди.

(Тарбия китобидан)



Билиб олинг!

Пайт равишлари. Ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачон?** сўроғига жавоб бўлади: **ҳозир, эрта-индин, тушда, кечқурун, бугун, олдин, яқинда, кейин, кеча, ўтган йили** каби.

Пайт равишлари гапда пайт ҳоли ва кесим вазифасида келади.




Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. “Сабр таги – сариқ олтин” мақолини матн мазмунидан келиб чиқиб тушунтириб кўринг.
2. “**Венн диаграммаси**” усули ёрдамида инсон ва капалакка хос хусусиятларининг ўхшаш томонларини аниқланг.
3. Матндан **қачон?** сўроғига жавоб бўлган сўзларни топинг.






Ўқиймиз

319-машқ.

Ирсият (генетика)

Ирсият таркиби тадрижийлиги (кетма-кетлиги) тўлиқ аниқланди. “Инсон геном”и лойиҳаси (*The Human Genome Project*) 1990 йилда бошланиб, 2000 йилда геном тузилишининг қоралама нусхаси чиқарилди, тўлиқ нусхаси 2003 йилда тугатилди. Бироқ бугун ҳам баъзи бир қисмлар яна бир бор текширишни талаб этади. Ушбу тадқиқот, асосан, АҚШ, Канада ва Буюк Британия университетлари ва тадқиқот марказларида бажарилди. Геном таркиби тадрижийлиги (кетма-кетлиги)ни аниқлаш дори ишлаб чиқариш ва инсон танасининг қандай тузилганлиги тушунишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.



Лойиҳанинг мақсади аниқ эди: аввал бошдан уч миллиарддан ортиқ нуклеотидларнинг тадрижийлигини аниқлаш белгиланган (нуклеотидлар ДНК-ни ташкил этади). Шунингдек, 20 мингдан ортиқ геномдаги генларни аниқлаш зарур эди. Қолаверса, кейинроқ бир неча тадқиқот гуруҳлари масалани кенгайтиришди. Шу билан бирга, 2006 йилда ниҳоясига етган тадқиқотга 3 млрд. АҚШ доллари сарфланганлигини таъкидлаш мумкин.

(Муаллифлар таржимасидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Матндан нотаниш сўзлар тизимини тузинг ва луғатдан маъносини топиб, тушуниб олинг.
2. Инсон танасининг қандай тузилганлигини билиш кимларга жуда зарур деб ўйлайсиз?
3. Пайт равиши қатнашган гапларни иш дафтарингизга кўчириб олинг.



320-машқ.

Глобал исиш туфайли ўтган асрда дунё сувининг сатҳи кескин кўтарилди



Халқаро олимлар гуруҳи охириги уч минг йиллик денгиз сатҳидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб чиқдилар. 1880 йиллар ва саноатлашиш даврига қадар сув сатҳининг кўтарилиши 3-4 сантиметрни ташкил этган. Ўтган асрда эса бу кўрсаткич 14 сантиметрга етган. Олимларнинг фикрича, келажакда иқлим ўзгариши шу зайлда давом этса, ердаги сув сатҳи 57-131 сантиметргача кўтарилиши ва бироз яхшироқ ҳолатда эса, 28-57 сантиметрга

етиши мумкин.

“Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра дунё океани сатҳининг муттасил ошиб бориши натижасида Американинг айрим округларининг 80 фоизгача ҳудуди сув остида қолиши мумкин. Бу юз йилдан кейин Майами ё Янгиорлеан каби йирик шаҳарлар аҳолисини кўчиришга тўғри келади деганидир. Бугунги кунда ҳамма музликлар эриётгани бизга маълум – бу ҳаво ҳароратининг тўхтовсиз ошиб боришига табиатнинг жавобидир, – дейди Кентербери университети тадқиқотчиси Хизер Парди хоним.

– Ҳозирги ҳолатга таъсир қилаётган энг асосий нарса ҳаво ҳароратининг доимий равишда кўтарилиб бораётганидир, бу жараён XIX асрдан бошланган”.



Яқинда ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳароратнинг муттасил ошиши тенденциясига барҳам берилмаса, дунё океанининг сатҳи кўтарилишда давом этиб, Калифорниянинг қирғоқбўйи ҳудудларида яшовчи одамларни кўчиришга тўғри келади. Бу ерда гап 13 млн. киши ҳақида кетаётир. Олимларнинг таъкидлашича, сув сатҳи салкам икки метр кўтарилиши мумкин экан.

19 март куни жаҳоннинг йирик шаҳарларида “Ер соати” акцияси бўлиб ўтди. Уларда-



ги энг машхур диққатга сазовор жойлар беш дақиқалик зулматга чўмди. Ушбу тадбир сайёрамиздаги экологик мувозанатни сақлаш ва глобал исишни секинлатиш учун одамларга энергияни тежаш зарурлигини эслатишга қаратилгандир.

Бу йилги “Ер соати” ўзига хос маъно касб этди. Чунки ўтган йилнинг декабрь ойида Парижда ўтказилган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси аъзоларининг 21-конференциясида давлатлар саноат эраси бошланган даврдагига нисбатан ҳаво ҳарорати 2 даражадан кўп ошишига йўл қўймаслик ва асримиз охиригача уни иложи борича 1,5 даража атрофида ушлаб туришга келишиб олишган эди.

Р. Сулаймонов



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Олимларимизнинг кашфиётлари нимаси билан сизни қойил қолдирди?
2. Жадвални тўлдилинг.

	Калит сўз	Калит сўзлар ёрдамида гаплар тузинг.
1		

3. *Нима сабабдан?* сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топинг.



Билиб олинг!

Сабаб равишлари. Ҳаракатнинг бажарилиши сабабини билдириб, *нима учун, нима сабабдан?* сўроқларига жавоб бўлади: **ноилж, иложсиз, чорасиз, чорасизликдан.**

Сабаб равишлари гапда сабаб ҳоли вазифасида келади.

Бу жуда қизиқ!

“Бу жуда қизиқ!” рукни остида “Келажакдан келган 10та машина” видеолавҳасини томоша қилинг.

321-машқ.

Ҳақиқий зиёли ўрганишни мақсад эмас, инсонларга хизмат қилиш воситаси эканини билади. Илмини инсоният фойдасига ишлатади. Ўқишдан мурод атрофдагиларга фойда келтиришдир. Илм инсониятга хизмат қилсагина қадрли, фойдалидир. Амалга татбиқ этилмаган билим қанчалик фойдали бўлишидан қатъий назар бирор ишга ярамайди.



Илм инсонни такомиллаштиради, севимли ва суюкли кишига айлантиради. Илмдан мақсад ўзликни танишдир. Ўзимизни танишимизга хизмат қилганчалик фойдалидир. Юнус Эмро қандай ажойиб айтган:

Илм илм билмоқдир,
Илм ўзни билмоқдир,
Сен ўзингни билмасанг,
Яна қанча ўқимоқдир?



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз

1. Илмни нима сабабдан ўрганиш керак экан?
2. Илм инсонни қай даражада ўзгартиради деб ўйлайсиз?
3. Илм хосияти мавзусида кичик эссе ёзиб, газетага беринг.



Ўқиймиз

322-машқ.


Бионика

Мия орқали назорат қилинадиган биомеханик мосламалар ва сунъий аъзолар (протез) яратилди.

Америкалик Зак Вотер Чикагода жойлашган Уиллис-тауэр осмонўпар биносининг зинапояларидан 103-қаватга сунъий оёғи билан кўтарилиб, бионик оёқ протезини синаб кўрди.

2001 йилда италиялик Пьерпаоло Петрузиелло илк бор мия импульслари кучи орқали протезни

бошқаришга уриниб кўрди. Бунга қадар ушбу соҳада тўққиз йил давомида қимирламайдиган *сунъий аъзоларни* ҳаракатлантирувчи импульслар юбориш орқали соғлом қўл ёки оёққа ўхшатиб ҳаракатга келтириш бўйича омадли ва омадсиз уринишларга қўлурилган. Пьерпаоло протезни бошқара олган ва жуда кўп вазифаларни бажара олган.





2013 йилда сунъий аъзо “ҳис қилган”ини инсонга ҳам ҳис қилиш имконини берувчи биринчи тажрибадаги “ақлли” протез намуналари пайдо бўлди.

(Муаллифлар таржимаси)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Протезлар инсонга нима учун керак экан?
2. Учта калит сўзни аниқланг ва шу сўз орқали тузилган гап ёрдамида матн мазмунини очиб беринг.
3. “Ҳаётда яшашдан мақсадимиз нима?” мавзусида кичик матн яратинг.



Билиб олинг!

Мақсад равишлари. Ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдириб, **қандай?, қай мақсадда?** сўроқларига жавоб бўлади: **атай, атайин, атайлаб, қасдан, жўрттага.** Мақсад равишлари гапда мақсад ҳоли вазифасида келади.



Ўқиймиз

323-машқ.

Савол сўраш

Савол илмнинг калитидир. Айтадиларки: «Савол сўраш илми ҳаётимизда учрайдиган бир йўлдир. Савол китобни, мавзунини ёки дарсни яхши англаб етишни таъминлайди. Савол илмимизни оширади. Чунки сўраб жавобини излаймиз. Савол сўраш ўзимиз сезмаган ҳолда бизни билим эгасига айлантиради».

Абу Юсуфдан: «Бу билимни қаердан қўлга киритдинг?», - деб сўрашганида, «Кичик-катта, деб ажратмасдан, билмаганимни сўраш билан», -деб жавоб берган эдилар.

Савол бераман, деб ақлга келган бўлар-бўлмас нарсалар сўралмаслигини унутмаслик лозим. Савол инсоннинг савиясини ҳам кўрсатади. Мантиқли ва қизиқарли саволлар бериш керак.

(Тарбия китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. **Сўрамаган, сўраб, олим, орланиб, ўзига, билмагани, золим, ўрганган.** Ушбу сўзлардан қандай мақол тузиш мумкин?



2. Тузилган мақолнинг мазмунини матнга асосланиб тушунтиринг.
3. Матндан равиш қатнашган гапларни кўчиринг ва уларни белгиланг.




Ўқиймиз

324-машқ.

Математика

Пуанкаре теоремаси исботланди



2002 йилда россиялик математик **Григорий Перельман** *Пуанкаре теоремасини* исботлади. Мазкур теорема бир неча ўн йилликлар давомида ечими топилмай келаётган мингйилликнинг энг муҳим етти математик муаммоларидан бири эди.

Бу иши учун у Нобель мукофоти нуфузи билан баробар бўлган математика соҳаси бўйича “Фильдс медали”га сазовор бўлди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз




Муҳокама қиламиз

1. Григорий Перельманга ўхшагингиз келадими? Нима учун?
2. Нобель мукофоти нима учун математикларга берилмаслик сабабини биласизми? (Интернет тармоқларидан излаб топинг.)
3. Матнни кўчириб, синтактик таҳлил қиламиз.

Равишлар сифатлардек даража ҳосил қилувчи -роқ қўшимчасини олади: **кўпроқ, секинроқ** каби.

Равишлар **-гина (-кина, -қина)** қўшимчалари билан қўлланилганда белгининг кучсизлиги, камлиги ифодаланади: **камгина, секингина**.

325-машқ.



Медицина

Ўпка саратонининг эрта босқичи нафас бўйича аниқланди.

Исроиллик, америкалик ва британиялик олимлар гуруҳи ўпка саратони ва унинг қандай босқичда эканини аниқ белгилайдиган мослама ихтиро қилишди. Мосламанинг асоси саратон бўғини ҳатто пайқалмайдиган шароитда ҳам 90 фоиз аниқлик



билан “ҳидини оладиган” *NaNose* наночипи ўрнатилган анализатордир. Яқин вақт ичида “ҳид” бўйича саратоннинг бошқа турларини ҳам аниқлай оладиган анализаторларнинг ишлаб чиқилишини кутишимиз мумкин.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Медицина соҳасидаги янгиликлар нима учун инсониятга энг зарур омиллардан бирига айланиб бормоқда?
2. Матндан учта қалит сўзни аниқланг.
3. Ушбу қалит сўз ёрдамида матнни қайта ҳикоя қилиб кўринг-чи.



Ўқиймиз

326-машқ.

Биринчи тўлиқ автоном сунъий юрак ишлаб чиқилди

“*Abiomed*” америкалик компания мутахассислари жаҳонда илк бор имплантация (*AbioCor*) учун (айрим ҳужайра, тўқима ёки бутун бир аъзони баданнинг бошқа жойига улаб, битказиб юбориш) доимий сунъий юрак ихтиро қилишди. Сунъий юрак ўз юрагини даволаш имконияти бўлмаган беморларга ёки донор ўрнатишга мўлжалланган.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Инсоннинг юраги нима учун оғрийди?
2. Юракнинг вазифасини биласизми?
3. “Т-жадвали” ёрдамида сунъий юракни таҳлил қилинг

<i>Сунъий юрак</i>	
<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>

4. Матн мазмунига асосланиб *секингина*, *кичикроқ* сўзлари қатнашган гап тузинг ва таҳлил қилинг.



8-9-дарс. ИЛМ КЎП-У, УМР ОЗ, КЕРАГИН ОЛ-У, ТОШГА ЁЗ.



Ўқиймиз

327-машқ.

Инсоннинг қадри илм билан юксалади. Илмли киши ҳодисаларга холис баҳо беради, талабчанлик ва уддабуронликни ўрганади.

Билмаслик айб эмас, ўрганишга интилмаслик айбдир. Ибн Масъуд инсон билмаганини билиши ҳам илмдир, дейди. Чунки инсон билмаганини билса, ўрганишга интилади.

Фалокатларнинг устидан билим билан устун келиш мумкин. Ҳожи Бектош Валийнинг ифодасига кўра «Билимсизлик билан кетилган йўлнинг охири хайрли бўлмайди». Ғалаба қозониш, муваффақиятга эришиш, юксалишни хоҳлаганлар илмни маҳкам ушлайдилар. Ўрганиш шавқида ёниб куймаганларга эса «Дунёни истаган илм ўргансин. Охиратни истаган ҳам илм ўргансин», деб буюрган Пайғамбаримиз (с.а.в.) билимнинг аҳамиятини нақадар ажойиб тушунтирганлар.

Илм ўрганиш фақат мактабга хос эмас. Мактаб инсонга калит беради. У калит билан илм хазиналарини инсоннинг ўзи очади. Нима қилса ўзининг ғайрати билан амалга оширади. Мактабни битирар-битирмас китоб-дафтарни бир бурчакка улоқтириш катта хатодир. Ҳолбуки, илм олишнинг на ёши, на вақти, на жойи бор. Ҳар ёшда, ҳар ерда, ҳамма вақт ўрганилади, илм энг катта сармоядир, инсон ҳар ёшда, ҳар ерда ва ҳар вақт сармоясини кўпайтиришни истайди. Илм билан ўзингизни тарбияланг. Балки муаммоларга дуч келарсиз. Баъзи қийинчиликларни бошингиздан ўтказасиз, аммо унутманг: ҳар қандай қийматли нарса осонлик билан қўлга киритилмайди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Пайғамбаримиз(с.а.в)нинг илм ҳақида айтган гапларини қайта ўқинг ва иш дафтарингизга ёзиб, доимо ёдингизда сақланг.
2. “Елпиғич” усули ёрдамида биринчи гуруҳ илм ҳақида мақоллар тўплайди ва иккинчи гуруҳ уни шарҳлайди.





3. Ҳаётда олим бўлиш учун эмас, оддий инсон бўлиш учун ҳам илм керакми, қандай ўйлайсиз?



Бу фойдали!

**Оламнинг кети йўқ, билимнинг чеки йўқ,
Илм кўп-у, умр оз, керагин ол-у, тошга ёз.**

“Дунёда илм ҳаддан ташқари кўп, кишининг умри эса чекланган. Шундай экан, ҳамма билимларни ҳам эгаллайман, деб овора бўлмаёқ кўя қол, бари бир бунга эриша олмайсан, бунга сабру бардошинг ҳам, вақтинг ҳам, умринг ҳам кифоя қилмайди.

Илмлар орасида ўзингга керагини, ўз ҳаётини мақсадингга мос келадиганини танлагин-да, уни пухта эгалла, токи ўқиб ўрганган, билган нарсаларинг худди тошга ўйилган ёзувдек миянга абадий ўрнашиб қоладиган бўлсин”.




Ўқиймиз

328-машқ.

Шол бўлган инсон бармоқларини ҳаракатлантирган кибернетик имплантат

Махсус ихчам имплантат инсон бошмиясига ўрнатилгач, 6 йил шол бўлиб қолган киши бармоқларини қимирлата олди. Мазкур кибернетик чип Оҳайо штати университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, инсон ёнидаги қабул қилувчи мосламага сигнал юборади. Қурилма сигнални қайта ишлаб, инсон қўлига тақилган махсус электрон қўлқопга юборади. Қўлқопдаги электр симлар қўл мушакларининг қисқаришига туртки беради ва шу билан бармоқлар қимирлайди.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. “Дардни берган Оллоҳим, давосини ҳам берар”, деган гапнинг тагида қандай маъно бор?



2. Қандай ўйлайсиз, нега охири пайтларда касалнинг турлари кўпайиб кетди?
3. Қуйидаги сўзларнинг ортиғини олиб ташлаб, мақол тузинг ва равишларнинг тағига чизинг. (сим, соғлик, қўлқоп, туман, шаҳар, тан, олтин, кумуш, бойлик)



● Билиб олинг!

Равишларнинг ясалиши

Равишлар морфологик ва синтактик усуллар билан ясалади.

Қуйидаги қўшимчалар равиш ясовчи қўшимчалардир:

- **-ча:** от, сифат, олмош, феълдан равиш ясади: **ўзбекча, янгича, ўзича, кулганича.**
- **-ан:** от ва сифатдан равиш ясади: **виждонан, тасодифан, мажбуран,**
- **-лаб:** от, сифат ва равишдан равиш ясади: **ойлаб, йиллаб, яхшилаб, кўплаб, тезлаб.**
- **-ларча:** мураккаб қўшимча бўлиб, от ва сифатдан равиш ясади: **мардларча, оталарча, баҳодирларча.**
- **-она:** от ва сифатдан равиш ясади: **дўстона, шоирона, мардона.**
- **-лай, -лайн, -лигича** маънодош қўшимча бўлиб, сифатдан равиш ясади: **бутунлай, бутунлайн, бутунлигича.**
- **-н, -ин:** от, равиш ва феълдан равиш ясади: **қишин, ёзин, эртан, яширин.**
- **-дай, -дек:** от ва равишдан равиш ясади: **муздай, тоғдай, қушдек, олдингидай** синтактик усул билан қўшма: **аллақачон, аллақайси, аллапайт, алламаҳал, озмунча,** мураккаб равишлар: **ҳар вақт, ҳар қачон, шу ерда, бу ёққа** каби,

жуфт равишлар: **аста-секин, очиқ-сочиқ, қишин-ёзин, олдин-кейин, қўлма-қўл** ҳосил бўлади.



Ўқиймиз

329-машқ.

Улуғ ва шарафли бўлган илмнинг завқ ва лаззатини тўлиқ ҳис қилганимизда бир зум бўлса ҳам ўзимизни қўйишга жой тополмаймиз. Шунинг учун, илмнинг завқини билганлар бу ҳузурни бошқа ҳеч нарсага тенглаштира олмайди. Кеча-кундуз демасдан бутун умрларини илмга бағишлайдилар. Ҳатто ухлашга, овқатланишга кетган вақтларини катта йўқотиш, деб биладилар. Чунки илмнинг мазасини бошқа бирор нарсада топа олмайдилар. «Ўқишни бошқа ҳеч бир хазинага алмаштирмайман», деган Е. Гиббон, ҳар ҳолда бу ҳақиқатни оз бўлса-да ифодалай олган. Машҳур Имом Аъзамнинг яқин шогирди Имоми Муҳаммаднинг



завқи илмга шу қадар баланд эдики, ўзини қўярга жой топа олмас эди. «Эй подшоҳ ва вазир фарзандлари! Келинг, сиз ҳам жаннат лаззатини тотиб кўринг!» - дер эди. Вафотидан кейин уни тушида кўрган бир дўсти ундан сўради: «Қандай жон бердинг?». – «Илмий бир масала билан шуғулланаётган эдим, жонимни қандай чиққанини сезмай қолдим», - дебди.

Буюклар ўқишни ширин мева, деб билишган. Тоза, мусаффо ҳавога ўхшатишган. У билан нафас олиб, руҳий тушкунликларини, дард-аламларини, жаҳллари унутишган. Монтеск «Чорак соатлик ўқиш билан барча тушкунлик ва ғамгинлигим тарқаб кетади», - дея шу ҳақиқатни эътироф этган эди. Қисқаси, ўқимоққа сув, ҳаводек эҳтиёжимиз бор.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз



Ёзамиз

1. Матнга сарлавҳа топинг.
2. Қуйидаги сўзларнинг турли тиллардаги таржимасини ёзинг

Ўзбек	Қозоқ	Рус	Инглиз
Илм			
Ҳунар			

3. Жадвални матнга асосланиб, намунадагидек тўлдилинг.

Равиш	Сўроғи	Ўзи билан боғланган сўз
Бир зум	Қанча вақт?	Бир зум бўлса ҳам



Ўқиймиз

330-машқ.

Нималарни ўқиш лозим?

Ўқиш каби ўқийдиган нарсаларимизни ҳам аниқ белгилаб олишимиз ҳам жуда муҳим. Ўқийдиган китобларимиз бизга қандай фойда келтиради? Билимимизга янги билимлар қўша оладими? Хатти-ҳаракатларимизнинг яхшилиқка йўналишига ёрдам бериб, ичимизга ҳузур-ҳаловат, ишимизга завқ-шавқ бағишлай оладими?



Франс Кафкага кўра, китоб инсонда кучли руҳий таъсир уйғотиши лозим. У: «Ўқийдиган китобимиз бир муштдек бизни сергак торттирмаса нима ишга ярайди?», – дея ҳақиқий китобнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатади. Агар биз бирор китобни ўқиганимиздан сўнг, «Яхшики бу китобни ўқидим, акс ҳолда жуда кўп нарса йўқотардим», – деган фикр уйғотган китоб, ҳақиқатан фойдали, деган номга лойиқ бўлади.

Александр Поп бундай дейди: «Ўқиган асарингиз сизни фикран юксалтириб, қалбингизга эзгулик ва мардлик туйғуларини уйғотса, у ҳолда бу китоб ҳақида бир фикр билдириш учун шу туйғуларнинг ўзи етарлидир. Умид билан очилиб, фойда билан ёпилган китоб яхши китобдир».

Китоблар инсонлардан айрилмайдиган булоқлардир. Ақлларини китоб билан жилоламаган, руҳларини у билан озиклантормаган инсонлар сиқилиш, зерикшдан қутула олмайдилар. Сенека: «Китобсиз яшаш, кўр, кар, соқов каби ҳаёт кечиришдир», – деган.

«Яхши китобдан баҳраманд бўлмаган инсон ўқимишли бўлиши билан жоҳил қолиши орасида ҳеч қандай фарқ йўқдир», деган Марк Твен яхши китобнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтади. Вақтни бекорга кетказгани учун фойдасиз китобнинг энг ози ҳам зарарли. Инсонни дангасаликка, ишсизликка, ахлоқсизлик ва иймонсизликка етакловчи китобнинг заҳардан фарқи йўқ. Бундай китоблар инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаётини хазонга айлантиради.

Ҳар бир нарсанинг фойдалисини, яхшисини танлаганимиз сингари, китобларнинг ҳам энг яхшиси ва фойдалисини танлайлик. Чунки улар ҳаётимизда асосий йўналишни белгилаб беради. Дунёқарашимиз улар орқали шаклланади. Агар яхшисини танлай олсак, китоб энг яқин дўст ва биродаримизга айланади. Унутмангки, китобдан бошқа хазина йўқдир.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Ўқиш ва уқиш орасида қандай фарқ бор деб ўйлайсиз?
2. Ўзингиз ўқиган қайси китобдан қаттиқ таъсирлангансиз?



Ёзамиз

3. Марк Твен ва Сенекаларнинг айтган гапларини иш дафтарингизга ёзиб олинг, қайта ўқинг ва доимо ёдингизда тутинг.




Ўқиймиз

331-машқ.

Ернинг «яна бир оyi» кашф қилинди

NASA олимлари сайёрамизнинг тортишиш кучи таъсирида Ер орбитасига кириб қолган астероидни аниқлашди. Бу амалда уни, Сайёрамизнинг иккинчи табиий йўлдошига айлантиради. Албатта, Ер атрофида нималар парвоз қилмаган ва қилмаяпти дейсиз: фазо станциялари, сунъий йўлдошлар ва минглаб тонна фазовий чиқиндилар. Аммо Ой шу пайтгача битта эди. Эндликда унинг сони 2та. NASA агентлиги НОЗ фазовий жисмнинг мавжудлиги ва унинг ер атрофида айланаётганини 2016 йилда тасдиқлади.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Ойнинг жуфти пайдо бўлганига қандай қарайсиз? Гуруҳда муҳокама қилинг.
2. Матнда нечта равиш иштирок этганини топинг.
3. Матнни кўчириб ёзиб, синтактик таҳлил қилинг.



Ўқиймиз

332-машқ.

Ўқишдан мақсад нима бўлиши керак?

Фойдали илм ўзи нима, у қандай бўлади?

Фойдали илм, инсониятга нафи тегадиган илмдир. Фойдали илм амалга татиб этиладиган илмдир. Фойдали илм ўрганилганида билимсизлигимизни бизга ҳис эттириб, ўрганишга завқ-шавқ ва ғайрат уйғотади. Ёмон феъл ва хатти-ҳаракатлардан асрайдиган илмдир.

Фойдали илм бизга ўзлигимизни танитадиган илмдир. Илм тубсиз бир денгизга, илм ўрганувчи эса у денгизнинг тубидаги сузишга ҳаракат қилаётган ғаввосга



ўхшайди. «Дунё мени қандай танийди, билмайман, лекин мен ўзимни кашф этилмаган улкан ҳақиқатлар уммони ичида, соҳилда айланиб юрган, онда-сонда юмшоқтош ёки денгиз чиғаноғини топиб олган боладек кўраман», – деган эди Исаак Ньютон. У илм бахшида этадиган камтарлик даражасига етишган олимлардан эди. Сукрот: «Барча билганларим, ҳеч нарса билмаслигимдир», – дея энг буюк ҳақиқатни эътироф этади. Ўрганганларимиз қанча кўп бўлса ҳам, билмайдиганларимиз олдида заррадан ҳам кичкинадир.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. “Ақлий ҳужум”. Фойдасиз илм ҳам бўлиши мумкинми?
2. Қуйидаги сўзларнинг ўз ўрнини топинг: *билим ёшликда нақшдир, ўйилган, тошга, олган.*
3. Олимларнинг айтган фикрларини ёзиб олинг ва маъносини таҳлил қилинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

333-машқ.

Меҳнат қилиш

«Ер ишласин, кўк ишласин, сен ўтир!»

Булар ҳақида баҳонанг борми? Бир зум тўхта!

«Эй, бутун дунё ва ичидагилари уйғоқ бир пайтда сен ғафлатда ётган ўлак-сага айландингми? Ҳаракат қилсанг-чи?» деган шоиримиз бу мисралари билан меҳнат қилишнинг аҳамиятини тушунтиришга интилади.

Инсон меҳнат қилишга мажбурдир. Заррадан то юлдузгача ҳамма нарса тинимсиз ҳаракат қилаётган бу коинотда бекор туриш инсонга ярашмайди. Асаларилар гулдан гулга учади, чумолилар чарчаш нималигини билмай меҳнат қилади. Қўшлар шохдан шохга қўнади. Сувлар жилдир-жилдир оқиб, гуллар очилиб, ҳайвонлар турли тарафга югуради, қуёш ҳар тонгда чиқиб, оқшомда ботади. Агар коинотдаги бу тартибли ҳаракат, фидокорлик, ғайрат бўлмасайди, биз тинч ҳаёт кечири олармидик? Бу низом билан ҳамнафас яшамаган ёки вайрон қилишга уринган инсон жуда катта мағлубият ичидадир. Ҳолбуки, инсон яратилгандан бери меҳнат қилишга мажбур. Инсон ҳузур-ҳаловатни қиладиган меҳнати орқасидан топади. Ташвишлардан фақат шу йўл билан қутула олади. Чунки ташвишлар бекорчи инсоннинг боши атрофида худди пашша каби ғуж-ғуж тўпланади.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. Нима учун ташвишлар бекорчиларда кўп бўлади деб ўйлайсиз?



Ёзамиз

2. Бешта калит сўз топинг ва ўзи билан боғланган сўз билан бирга кўчиринг.
3. “Бекорчидан дунё...”мақолининг давомини топинг ва шарҳланг.



Ўқиймиз



Тинглаймиз



Сўзлаймиз

334-машқ.

Ҳар доим вақт йўқлигидан азият чекамиз. Ажабо, ҳақиқатда ҳам вақтимиз йўқми... ёки вақтимизнинг қадрига етмаганимиздан қийналамизми? Суҳбатларимизда, телевизор олдида, овқатланишга, кўнгилхушликка сарфлаган вақтимизни бир ҳисоб-китоб қилсак, бир йилда бир неча минг соатнинг бекор ўтиб кетиши маълум бўлади. Фақат телевизор кўришга кетказадиган бир-икки соатимизни китоб ўқишга ажратсак, бир йилда энг ками 30-40 китоб ўқишимиз мумкин. Телевизордан олган билимларимиз билан китобдан ўрганганларимизни солиштирсак, китоблардан нақадар кўп фойда олганимизнинг гувоҳи бўламиз. Демак, вақт йўқлиги эмас, дангасалик бизнинг асосий муаммомиз. Энг катта душманимиз бўлмиш дангасаликни енга олсак, ҳаётда бажара олмайдиган иш қолмайди. Шавқ ва ғайратни сўндирувчи, буқаламун каби турли кўринишларда чиқадиган танбалликни енгилс энг буюк ғоямиз бўлсин.

Дангасалик шундай айёрки, баъзан мазаси бору, лекин фойдаси йўқ ширин сақичлардек алдайди, бўшашиш, ҳаётдан зериктиш, чарчоқ, хасталик, бекорчилик, ҳавойийлик каби турли тузоқлар билан инсонларни ўзининг тўрига илинтиришга ҳаракат қилади.

«Бугун кўп ишладинг, бир неча кун дам ол», «Хафа қилма ширин жонингни, ишлаб нима қилиб берардинг? Ишлаганлар нимага эришди?», «Кўп ишлама, соғлигингни йўқотасан», «Ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бир. Кўза олиб келган ҳам, келтирмаган ҳам бир хил, бироқ шунча ҳаракат қилишдан нима фойда?», «Кўявер, бахт қуши бошингга қўнса, ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади», деган гаплар билан инсонни фалокатга етаклайди, ҳеч қандай баҳона тополмаслик учун дангасаларни кўпайтиради. Олдимизда икки йўл бор: ё шу ва шунга ўхшаш дангасалик қуролларига нишон бўлиб, ўзимизни бутун машаққатларнинг онаси ва розолатнинг уяси бўлган танбалликнинг қучоғига ташлаш ёки юксакликнинг,



муваффақиятнинг калити, ҳузур-ҳаловатнинг асоси бўлган меҳнатга бутун борлигимизни топшириб, дунё ва охирада саодатга эришиш.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Муҳокама қиламиз

1. “*Ақлий ҳужум*”. Бахт қуши ўзидан-ўзи бошимизга қўниши мумкинми?



Ёзамиз

2. Матнга сарлавҳа топинг.
3. Дунёда топилмас нарсалар борми? Бор бўлса, атанг? Фикрингизни ёзма баён этинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

334-машқ.

Методли ва режали ишлаш

«Бугун қаттиқ ишладим. Эртадан кечгача бошимни кўтармадим», деган киши бу сўзлар билан балки таскин берар, ваҳоланки, кўп ишлаш зарур, аммо етарли эмас. Режали, аниқ дастур асосида ишлаш шунчалик ишлашдан яхшироқ. Эришган муваффақиятларимизда бу янада яққолроқ намоён бўлади. Натижа қанчалик юқори бўлса, демак ишимиз ҳам шунчалик режали бўлганини билдиради.

Дескартес: «Режасиз ишлаган киши, ўлкама-ўлка юриб, хазина излаган инсонга ўхшайди», деган эди. Шунингдек, у жамиятнинг ривожланганлик даражасини ақл ва заковат эмас, балки метод режали ишлаш белгилашини айтган. Бу сўзлар Европада тизимли ишлашнинг асосини қўйиб берган олимга тегишлидир.

Тизимли ишлаш орқали мақсадга тез эришилади, чексиз орзулар ҳақиқатга айланади. Хоҳ шахс, хоҳ жамият тизимли ишлаш билан мақсадга етишади. Буюк ишларни амалга оширган, юзлаб асарлар ёзган, машҳур одамларнинг ҳаётларига назар ташланг. Тартибли ва режали бўлишни дастуруламал қилганларининг гувоҳи бўласиз. 576 асар ёзган Жалолиддин Суютийнинг бу даражада самарадорликка эришишида шубҳасиз, айнан шу туйғу ётади.

Қанчалаб ақлли, қобилиятли инсонлар ҳам борки, режасизликларидан барча ишлари охирига етмай ҳеч қандай натижага эриша олмаяптилар.

Ўзимизга бир режа тузайлик. Ишни қандай бажаришимизни аниқлаб олайлик. Ҳар куни шу режа асосида ишлайлик. Балки бошида ишимизнинг олтмиш фоизи



амалга ошар, аммо сабр билан давом этиб саксон, юз фоизга етказишга ҳаракат қилайлик. Ана шунда муваффақиятга қандай осон эришганингизни кўрасиз.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. “*Ақлий ҳужум*”. “Режасиз инсон доимо режалига хизмат қилади”, деган фикрни қандай тушунасиз?

2. “Режасиз иш...” мақолини давом эттиринг ва изоҳланг.
3. Жадвални матнга асосланиб, намунадагидек тўлдилинг.

Сўз	Сўроғи	Ўзи билан боғланган сўз
Осон	Қай ҳолда?	Осон эришганингиз



Ўқиймиз

335-машқ.

Куч-қувватга тўлмоқ

Машинани ғилдирагидан рулигача, аккумуляторидан радиаторларигача барча қисмлари бекаму кўст тузилган. Мукамал ясалганига қарамай, сиз уни ҳаракатга келтира олмайсиз. Чунки ёнилғиси йўқ. Ёнилғисиз машинанинг юриши қанчалик хом хаёл бўлса, ишлаш учун керак бўлган қизиқиш, шавқ, ҳаяжон ва жасорат туйғуларидан маҳрум кишининг йўлга чиқиши ҳам ақлга тўғри келмайди. Бу туйғулар машинанинг ёқилғиси каби инсонни ҳаракатга келтирувчи куч вазифасини бажаради. Муҳими, инсондаги меҳнатга бўлган иштиёқни ҳаракатга келтиришдир.



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Ушбу матн нима ҳақда? Битта жумла билан фикрингизни баён этинг.
2. Матн мазмунини ёритувчи 5та калит сўзлар топиб, иш дафтарингизга ёзинг. Матнни давом эттиришга уриниб кўринг.



Сўзлаймиз

3. Калит сўзлар ёрдамида матн мазунини қайтадан ҳикоя қилинг.
4. «Т-жадвал» усулига асосланган жадвални тўлдирилинг.

Машина	
<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>
Инсон	
<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

336-машқ.

Қизиқиш

Ўзимизга разм солганимизда ичимизда қизиқиш туйғусининг экилганини кўрамиз. Қобилият тупроғимизга экилган бу туйғуни ундириб-ўстириш, кашф қилиш ўзимизнинг қўлимизда. Атрофимизда содир бўлган воқеаларнинг сабабларини ўрганиш орзуси бизни ўша соҳадан бохабар бўлишга ундайди.

«Бу нима учун бундай?
Қандай содир бўлган?»

каби саволлар бизни ҳаракатга келтириб, диққатимизни ўзига тортади. Инсонлар шу қизиқиш туйғуси билан тоғларга чиқишади, денгизларнинг тубига тушишади, ойга учишади. Машҳур олим Эйнштейннинг нисбийлик назариясини кашф қилишида болалигиданоқ ўз-ўзига бериб турган саволларига жавоб топиш орзуси сабаб бўлган эди. «Икки воқеа айти бир пайтда қандай содир бўлиши мумкин? Инсон ойга миниб, саёҳат қилса, қандай бўларкин?» деган саволлар унинг учун муваффақият пиллапояси вазифасини бажарди. Қизиқиш илмнинг машъалидир. Ундан фойдалана олганимиз нисбатан йўлимизни ёритади.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.



Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. Сиз илмнинг қай соҳасига қизиқасиз? Ўйланиб кўрганмисиз? “Соябон” усули орқали қизиқадиган соҳангиз билан ўртоқлашинг.
2. Инсон ўзи қизиқмаган соҳада иш қилса, яхши натижага ета олади деб ўйлайсизми?
3. Тезис гапни топиб, унга таъриф беринг.



Ўқиймиз



Тинглаймиз



Сўзлаймиз

337-машқ.

Ихлос билан ишлаш

Инсон қиладиган ишини севиб амалга ошириши лозим. Истамасдан, ёқтирмай бажарилган ишлар хайрли бўлмайди. Инсон ишига қай даражада ихлос билан ёндашса, шунчалик муваффақиятга эришади.

Шунинг учун қилинадиган ишларга севиб қўл уришимиз керак. Касб танлаётганда жуда эътиборли бўлишимиз лозим. Севилмаган касбимиз биз эришадиган самарадорликка тўсқинлик қилиши мумкин. Ўзимизга зимдан қараб чиқайлик. Қобилиятимиз нималарга етади, ўқитувчи, ота-она ва яқинларимизнинг маслаҳатларига қулоқ солишда, албатта, биз учун фойдалар бор. Улар бизнинг ёмон бўлишимизни хоҳлашмайди. Лекин шунга қарамай, бизни ҳаммадан кўра яхшироқ танийдиган яна ўзимиз. Ўз қобилиятларимизни ҳисобга олмасдан, бировларнинг тавсиясига кўра иш юритсак ёки бирор касбни танласак, охир-оқибатда қилган ишимиздан афсус-надомат чекамиз. Аввало, ақлимиз тарозусига солиб кўрайлик. Муваффақиятга эришишимиз ва бу иш бизга фойдали эканлигига ишонч ҳосил қилганимиздан кейингина бирор ишни танлайлик. Шуниси ҳам борки, мавжуд шартлар ҳам орзуимизга етишиш йўлида тўсиқ бўлиши мумкин. Ўзимиз хоҳламаган ҳолда бирор ишга қўл уришга мажбур бўлишимиз мумкин. Агар бу ишимиз фойдали бўлишига қарамай, бизга қийинчилик туғдирса, сабр қилиб, ихлос билан ёндошишга ҳаракат этишимиз лозим. Ишимизга меҳр қўйсак, ҳар қандай қийинчиликни бартараф этишга муваффақ бўламиз.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Жуфтликда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

1. “**Венн диаграммаси**” усули ёрдамида инсон қизиқадиган ва қизиқмайдиган соҳалардаги бажарилган ишлар натижасини тасвирлаб кўрамиз.



2. Сабр нима учун бизга керак, деб ўйлайсиз?

3. “**Ўргимчак уни**” усули ёрдамида қизиқадиган соҳаларингизни бирин-кетин атаб ўтинг.



4. “Танлаган севимли касбим” мавзусида эссе ёзинг.



Ўқиймиз



Сўзлаймиз

338-машқ.

Иштиёқ, ғайрат, ҳаяжон

Қоинотда атомдан то қуёш тизимигача бўлган оламда зерикиш, чарчашдан холи бир ғайритабиий ҳаракат ҳукмрон. Атом атрофида бир сонияда юз минг километр тезлик билан ҳаракат қиладиган электронларда бу иштиёқнинг аломати бор. Қуёш атрофида жуда катта суратда айланиб юривчи сайёраларда ҳам шу сир яширинган. Ёмғир шу шавқ билан ёғади, гуллар ўшандай шавқ билан очилади, қуёш шу шавқ билан чиқиб ботади, табассум билан бизга салом беради.

Шавқ ва ҳаяжон юкли карвонга ер юзининг ҳоқими бўлмиш инсон бутун борлиғи билан қўшилиши керак. Бу туйғудан узоқ инсоннинг барча ишлари остин-устун бўлиб кетади. Иштиёқ ва ғайратдаги чексиз лаззатни ҳис қилган киши ўзини қўярга жой тополмайди. «Ғайратнинг қанчалик қийматли эканини билганингизда бир сония ҳам бўш ўтирмас эдингиз», – деган олимлар бу ҳақиқатни ифодалаб берганлар.

Бошқа нарсага ҳожат йўқ, ғайрат ва иштиёқнинг замиридаги лаззат бизни ҳаракатга келтириш учун етади. Чунки шавқ ва ғайрат руҳнинг қамчисидир. Ҳаётнинг яна фаолият ва ҳаракатдан иборат эканини айтиб ўтган олимлар «Иштиёқ ҳаётнинг уловидир» деб таъкидлаганлар. Бу нуқтаи назардан иштиёқ уловига ғайрат билан миниб, ҳаёт майдонида олға интилмоқ лозим. Иштиёқ, ғайрат ва ҳаяжон билан амалга оширилган ишларгина самара беради. Бу туйғулардан узоқлашмаслик керак. Қувват манбаи бўлган бу туйғулар билан «Муваффақиятга эришаман, бажараман, уддасидан чиқаман!», десак бахтга эриша оламиз. Иштиёқ, бахт, куч-қувват, ғайратдир. Шунинг учун «Мен ишлашни истайман, аммо вақтим йўқ. Орзуим бор, фақат куч-қувватим йўқ», деган кишига ишонманг. Бошқа нарсаларга вақт топа олган инсоннинг бу гаплари, ўзини оқлаш учун айтилган баҳонадан бошқа нарса эмас. Инсон истаса, бошқа нарсаларга вақт топгани каби ишлашга ҳам вақт ва куч топа олади.

Иштиёқимизни сўндирадиган, ғайратимизни ўлдирадиган туйғу ёки бирор воқеълик бўлса, уларни дарҳол бартараф этиб, шавқ ва ғайратни уйғотувчи фикр ва китобларга эътибор қаратмоғимиз керак. Бажараётган ишимиз ва зиммамизга юклатилган вазифанинг буюклигини ҳис қила олсак, биздаги ғайрат туйғуларини уйғотишга уларнинг ўзи кифоя бўлади.

Биз эришадиган маънавий, бебаҳо фойда бизни қуёш чиқмасдан уйғотмоғи, ўрни келса, бизни кечгача ишлашга ундамоғи лозим. Биз бузғунчилик учун эмас, бунёдкорлик учун дунёга келганмиз. Биз адоват, гина-кудурат, душманлик ва ёмонлик учун эмас, севги, биродарлик ва яхшилик учун туғилганмиз.



Мавжудлигимизнинг ўзи бизни ғайратга келтириши етарли эмасми? Бу туй-гулар билан ҳаракат қилганимиздагина, ўқиган китобларимиздан, бажарган иш ва дарслардан, зиммамизга юклатилган вазифадан завқ оламиз. Шавқ ва ғайрат билан унга интиламиз. Иш ва вазифамизни юксаклиги бизни бир қолипга тушиб ва беътибор бўлиб қолишдан қутқаради. Сўнгги нафасимизгача шавқ, ғайрат ва ҳаяжон билан тўлиб-тошиб яшашга ёрдам беради.

(“Одамлар орасида” китобидан)



Савол ва топшириқлар устида ишлаймиз.




Гуруҳда ишлаймиз



Муҳокама қиламиз

“Ассоциация” усули асосида ушбу сўзларга таъриф беринг.



2. Баҳона қидирган инсонга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?



Ёзамиз

3. Биринчи хатбошини кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

НУТҚ ҰСТИРИШ УЧУН МАШҚЛАР

ДИҚҚАТ БИЛАН ЁНДАШИШ

Инсон ишга ўзини бағишлаган, диққат-эътиборини қаратган ва албатта, туйғуларини ҳам шунга ёрдамчи қилган даражада муваффақиятга эришади.

Инсон бутун вужуди билан ишга киришиши, гўё борлиғи шу ишга айланиши керак. Бу омил жисмоний фаолиятларда бўлгани каби ақлий фаолиятларда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муваффақиятсизликнинг энг асосий сабабларидан бири, инсонни ўз ишига сидқидилдан ёндашмагани, эринчоқлик, лоқайдлик руҳиятида қарашидир. Ҳар бир ишимизда жанг майдонида сергак турган аскар каби диққат-эътиборли бўлишимиз, диққат ва талабчанлик самарали ишнинг асоси эканини унутмаслигимиз керак. Эҳтимол, бу хусусиятлар бизда кучсиздир, турли қийинчилик, ғам-ташвиш ва изтироблар ақлимизни чалғитиши мумкин. Бир-бирига зид хоҳиш-истаклар вақти-вақти билан бизни аниқ бир қарорга келишимизга ҳалақит бериши мумкин. Бироқ инсон ақли бу тўсиқларнинг барчасини енга оладиган куч эканини унутмайлик. Ақлда шундай улкан куч-қудрат борки, Уиллям Милтон айтганидек: «Ақл соғлом ва кескин равишда бир нуқтага йўналтирилганда жуда даҳшатли қуролга айлана олади.

Ишимизни бошлаган пайтда, ҳамма нарсани унутиб, ақлимизни шу нуқтага йўналтирсак, на зеркиш, на-да зеҳнимизни банд қилиб турган ҳар хил бадбин хаёллар қолади. Балки бу бошидан қийин бўлиши мумкин, бирор ижобий натижага эриша олмасмиз. Бир маротаба, икки маротаба, ўн маротаба, йигирма карра, ҳатто эллик, юз маротаба муваффақиятсизликка учрармиз... Бундай муаммони баргараф этиш учун диққатни чалғитувчи сабаблардан имкон қадар узоқлашишга ҳаракат қилиш керак. Биз кўпинча, доҳий инсонлар истеъдодларининг туғма эканига ишонамиз. Аслида, бу фикр тўғри эмаслигини айтган машҳур руҳшунос олим Уиллям Жеймс: «Асл фарқ доҳийларнинг мақсад ва ғоялари учун сарф этган ғайратларида ва зеҳнларининг барча имкониятини бир ерга жамлаб, аниқ бир нуқтага йўналтирганларидадир», деган эди.

Ўзимизга ишонайлик ва вазифани шавқ билан зиммамизга олайлик. Доҳийларчалик бўлмаса-да, ўзимизда мавжуд имкониятларни энг юқори даражада бир нуқтага йўналтира олсак, ўқиётган китобимизни янада яхши тушунганимизни, ишимизни янада аълороқ бажарганимизни кўрамиз. Зеҳнимизнинг чархланиши учун шу нарса шартдир. Инсон ўзини нимага бағишласа, ўша нарса доирасида шаклланишини ёдимиздан чиқармайлик.



* * *

Билимига уйғун равишда амал қиладиган киши ҳақиқий зиёлидир. Нури билан атрофни ёритади. Ҳар қандай мавзуда «биламан» деб иддао қилувчи, билмаганини тан олмайдиган чала «зиёллар» инсониятни фалокатга судрашдан, қоронғуликка отишдан бошқа ишга ярамайдилар. Бузғунчи зиёли ва билмаганини билмаган чала зиёли! Уларнинг ҳар иккови ҳам зарарлидир, инсониятни ҳалокатга етакловчилардир. Бири билимини бузғунчилик йўлида ишлатса, бошқаси билмаган ҳолда «биламан» дея ҳаммаёқни хонавайрон қилади.

Ҳақиқий зиёли турли миш-миш ва бировдан эшитган гапларга таяниб ҳукм чиқармайди. Аввал пухта ўрганиб, ўйлаб, ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда иш юритади.

* * *

Муваффақиятнинг сири меҳнатда яширинган. Меҳнаткаш инсонлар эртами кечми муваффақиятга эришадилар. Пешона тери, кўз нури, қўл меҳнати етмаган (тегмаган) нарса йўқдир. Буюк инсонларнинг ҳаммаси интилиши ва ғайрати билан юқори мавқеларга эришганини кўриш мумкин. Аддисон: «Ҳеч бир муваффақият тасодифан қўлга киритилмайди. Эришганларим ҳам тасодиф эмас, меҳнатларимнинг самарасидир», дейди. Эдисон ҳам, «Муваффақиятларимнинг юздан тўқсон тўққизи меҳнат, юздан бири ақлим маҳсули», деган эди. Ҳамма нарсага меҳнат орқали эришилади. Қийматли бирор нарса йўқки, ғайратсиз қўлга киритилган бўлсин? Билим ҳам меҳнат билан топилади. Бальзак: «Илмнинг хўжайини бўлишини истаган киши меҳнатнинг қули бўлсин», дея илм ўрганишда меҳнатнинг ўрни муҳим эканини таъкидлаб ўтади.

Тананинг соғлом бўлиши витамин ва оқсилларни истеъмол қилишга боғлиқ бўлганидек, ақлнинг бақувват ва тириклиги ҳам зеҳни машқ қилдириш билан амалга ошади. Ҳам ақлан, ҳам жисмонан ишлашимиз керак. Чунки борлиқ йўқликнинг эгиз дўсти, ҳаракат эса тириклик, жонлиқдир. Туриб қолган сувларнинг вақт ўтиши билан сасиб, бузилиши ҳаммамизга маълум.

Ота-боболаримиз: «Ишлаган темир зангламайди», деб бежизга айтишмаган. Аслида инсон жўшқин, таъсирчан хусусият билан яратилган. Роҳати, ҳузур-ҳаловати, бахтини фақат меҳнати билан топа олади. Ахлоқсизлик, қашшоқлик ҳам меҳнат билан тузатилади.

Ўз олдиларига аниқ мақсад, буюк ғояларни қўйган кишилар, албатта, меҳнат қилишлари лозим. Камолотга эришиш йўлида меҳнат қилиш шартдир. Осонгина қўлга киритилган нарсалар эмас, пешона тери билан топилган нарсаларни кадрлаш зарур.

Хоре: «Одамлар ҳаётда тез юксалганларни кадрлайдилар. Ҳолбуки, ҳеч бир нарса чанг ва патчалик тез юқорига кўтарилмайди», дейди. Қийинчиликларга чидаб, машаққат чекиб, қўллар қавариб эришилиниган нарсага ҳеч қачон тўймай-



ди. Бирор натижага эришишда шунинг учун ҳориб-толамиз, интиламиз, заҳмат чекамиз. Пул минг бир қийинчилик билан топилаётган бугунги кунимизда юксак мақсадларга осонликча эришиб бўлмаслигини унутмайлик.

«Камолотга етишиш, ҳаёт сир-асрорини ўрганиш билан бўлади», деган Пастер, зеркиш нималигини билмаган, ғайрат ва интилишлари орқали бу сирни кашф этганлардан бири эди. Қандай иш бўлишидан қатъий назар, меҳнатни бош тамойил қилайлик. Ўзимизга: «Кеча нима қилдим? Бугун нима қиламан? Эртага-чи?», деган саволни берайлик. Агар: «Бугун ҳеч бўлмаса, кечагичалик ишладим. Эртага ҳам шу шаклда ишлаб, бир нарса қиламан», дея олсаккина бахтиёр бўла оламиз. Шундагина қийинчиликларни бартараф этиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, имкониятлардан тўлиқ фойдалана олиш салоҳиятига эга бўламиз.

«Икки кунини бир хил ўтказган киши зарардадир» мазмунидаги ҳадис дастуруламалимиз бўлсин. Ҳар кун ундан аввалги кунга бирор нарса қўшишимиз лозим. Ҳаёт шунчаки еб-ичиб, танбаллик билан бекор ўтказиладиган нарса эмас. Вақтини зое кетказган инсон ўзига-ўзи бундай савол бермоғи лозим: «Илон, чаён каби зарарли ҳайвонлар ўлдирилади. Вақтим шу қадар зарарлимикин, уни ўлдираяпман?». Бу саволга берилган «Йўқ!» жавоби бизни меҳнат қилишга ундовчи таъсирли восита бўлади. Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламнинг бўш ўтирган одамга салом бермаганликларини ўйлаб кўрайлик. Шунда меҳнат қилишнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини яна бир карра тушуниб етамиз. «Вақт зик бўлишидан олдин бўш вақтнинг қадрига етинг!», деб буюрган Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламга эргашганлар учун меҳнатдан қочишнинг ҳеч қандай узри йўқ.

* * *

ДАНГАСАЛИКНИ ЕНГИШ

Дангасалик ҳақида айтилган талайгина ҳикматли сўзлар бор. Ҳазрати Али: «Инсонни вақтидан олдин хароб қиладиган нарса танбалликдир», деган. Дангаса ва меҳнаткаш икки инсонни солиштириб кўринг! Ушбу ҳикматли сўзнинг ҳақ эканини англаб етасиз. Ҳаракатчан киши дангасага нисбатан тетик ва бардам бўлади.

Танбал одамнинг борлиги билан йўқлиги ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Танбалликни йўқлик билан тенг кўрган улуғлар эса, бекорчи, танбал, кайф-сафода яшаган ва юмшоқ тўшакларда роҳатланиб ётадиганларнинг ишлайдиганлардан ҳам кўпроқ заҳмат чекишларини ва ҳаётдан зеркишларини таъкидлаб ўтишади, дангасаларнинг доимо умрлари тезроқ ўтишини хоҳлашларини айтади. Ғайратли киши шукр қилади, ҳамд айтади. Умрини бекор ўтиб кетишини истамайди», дейди ва бу қоидани зикр қилади. «Роҳат фароғат машаққатда, машаққат эса роҳатдадир».



Бу ҳақиқатни ўзида сингдирган Ле Браер ҳам, зерикишни танбаллик билан бирга пайдо бўлганини айтади. Шу зерикиш сабабли кўпгина кишилар қиморхоналарда, майхоналарда ва қамоқхонададирлар.

Инсон бу дунёга кайфу сафо қилиш учун келмаган. Қанчалар уринмасин, ҳаётнинг аччиқ кунлари, ғам-қайғулари, зерикишлари бунга фурсат бермайди. У ҳолда инсон роҳатни ҳузур-ҳаловатда яшашда изламаслик керак.

Хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бошини оғритадиган ташвишлар, қийинчиликларга қарши мардонавор туриши, роҳатни шундан қидириши лозим. Роҳатни роҳатсизликдан излаганлар учун роҳатсизлик деган тушунчанинг ўзи йўқ.

* * *

Диплом олиш учун ҳаракат қилиш мумкин, аммо дипломли бўлиш билан билимли бўлишнинг фарқини ажратиб олайлик. Олий ўқув юртини тугатган қанчалаб кишилар борки, ўқишни битирар-битирмас китоб-дафтарни бир чеккага улоқтиришади. Ўқиш ва ёзишдан зерикиб, гўё ўқишга нисбатан уруш эълон қилгандек китобларга душманлик назари билан қарашади. Бундай бўлмайлик, инсонни ғурурга, кибрга етакловчи илм ҳам фойдасиздир. Илм мансаб, лавозим, обрў, инсонларга юқоридан қараш учун ўрганилмайди. «Бу масалани мен билман, менинг соҳам. Бу соҳада менга етадиган билимдон мутахассис йўқ. Сиз буни билмайсиз. Мен ҳамма нарсани биламан» каби ифодалар аслида жаҳолатнинг белгисидир. Саъдий: «Қанчалик кўп ўқисанг ўқи, билганларингга амал қилманг, жоҳиллардансан. Билганига амал қилмаган инсон, устига китоб юкланган ҳайвондан фарқи йўқ», – деб юқоридагиларни ҳам шу тоифага киритади. Ҳар нарсани биламан, деган инсон ҳеч нарсани билмаган инсондир.

(«Одамлар орасида»)

ПОЙТАХТЛАР ТАРИХИДАН

Америка. Вашингтон икки юз йилдан ортиқ вақтдан бери Америка сиёсий ҳокимияти жойлашган шаҳар сифатида маълум. Аммо ундан олдин пойтахт мақоми Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрига тегишли эди.

Пойтахт сифатида Мэриленд ва Виржиния штатлари чегарасидаги, Потомак дарё соҳилидаги жой танланди. 1791 йилда янги пойтахтга АҚШ-нинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон шарафига Вашингтон номи берилди. Ниҳоят, 1800 йилда АҚШ пойтахти Филадельфиядан Вашингтонга расман кўчирилди.

Япония. 794 йилдан эътиборан Япониянинг пойтахти Киото эди, аммо кейинчалик шаҳар бу мақомдан маҳрум бўлди. Император Мэйдзи пойтахтни Киотодан мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири – Эдога кўчирди. Ҳукмдор пойтахт



номини Токио – “шарқий пойтахт” деб ўзгартирди. Токиода бир неча бор кучли зилзилалар юз берган бўлса-да, меҳнаткаш японлар ҳар сафар шаҳарни обод қилишни уудалашди. Бугунги кунда Токио дунёнинг энг йирик ва энг қиммат шаҳарларидан бири ҳисобланади.

Ҳиндистон. Ҳиндистон пойтахти Нью-Деҳли 1910-1920 йилларда инглизлар томонидан, бир пайтлар бобурийлар пойтахти бўлган Деҳли яқинида барпо этилган. Дарвоқе, Деҳли номи форсча “дахлиз” сўзидан олинган. 1757 йилдан то 1911 йилгача Калькутта шаҳри Ҳиндистоннинг пойтахти эди. Аммо мустамлакачи инглизлар мамлакатни бошқариш осон бўлишини кўзлаб, пойтахтни кўчиришга қарор қилишади. Янги пойтахт қурилиши Биринчи жаҳон уруши туфайли 1931 йилгача чўзилиб кетди.

Австралия. Сидней ва Мельбрун ҳозиргача Австралиянинг йирик шаҳарларидан ҳисобланади. XX аср бошларида Сидней Мельбруннинг пойтахт мақомига кўз тика бошлади. Охир-оқибат икки рақобатчи шаҳар келишиб, мамлакат учун янги пойтахт барпо этишга қарор қилинди. Пойтахт Канберра номи Австралиядаги маҳаллий тиллардан биридан олинган бўлиб, “учрашув жойи” деган маънони билдиради. Янги шаҳар қурилиши қарийб йигирма йил давом этди ва 1927 йилда Канберра расман Австралиянинг пойтахтига айланди.

Қозоғистон. Қозоғистоннинг пойтахти 1997 йилда Оқмўлага кўчирилди. Аввалги пойтахт Алматидан фарқли равишда янги пойтахт ҳудудини кенгайтириш имконияти мавжуд, қолаверса, бу ерда зилзила камроқ рўй беради. Пойтахтга янги – Астана номи берилди. Пойтахтнинг кўчирилиши мамлакатнинг шимолий ҳудудларининг иқтисодий ривожланишига кўмаклашди. Айтиш керакки, Астананинг қиши анча совуқ, шаҳар Осиёдаги энг шимолий пойтахт ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳам баъзи давлатлар пойтахтни бошқа жойга кўчириш ҳақида ўйланишмоқда. Масалан, Индонезияда ана шундай фикр йўқ эмас, аммо ҳозирча қарийб 10 миллион аҳолига эга **Жакарта** пойтахт вазифасини ўтамоқда. **Бангкок** эса кўп йиллардан бери сув тошқинларидан қийналиб келади. Мутахассислар яна бир неча ўн йилдан кейин иқлим ўзгаришлари ва дунё океани сатҳининг кўтарилиши натижасида Бангкокнинг асосий қисми сув остида қолишини айтмоқда. Шундай экан, Тайланд ҳукуматининг 230 йиллик пойтахтни кўчиришдан бошқа чораси йўқ, бироқ сиёсий раҳбарлар бу борада бир тўхтамга кела олмаяпти. Шунингдек, пойтахтни кўчириш ҳақидаги гап-сўзлар Аргентина ва Эронда ҳам янграмоқда.

(С.Пирназарова)



ҚАДИМИЙ ҚАРНОҚ



Ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган қишлоқлардан бири Қозоғистоннинг жанубий минтақасида жойлашган Қарноқдир. Қарноқ қишлоғи Қоратовнинг жанубий этакларида суғорма деҳқончилик учун қулай жойда жойлашган. 19 аснинг охирларида Қарноқ қишлоғида 423 хўжалик, яъни 2000 аҳоли истиқомат қилган деган маълумот берилади. Бу даврда Қарноқ қишлоғи Чимкент уезди таркибига кирган. Аҳолиси қадимдан сунъий суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Қишлоқнинг жамоа ерларини сув билан таъминлайдиган асосий манба Чоштепа тоғларидан бошланувчи ариқларидир. Ўз навбатида Қорасув 25 қўшга сув берувчи Маклик ариғига, 50 қўшга бўлинувчи Арғин ариқ ва 70 қўшга сув берувчи Қашқабат ариғларига бўлинган. Кўлбош ариғи эса 30 қўшни сув билан таъминловчи Қайнарбулоқ, яъни бошқа номи Қизилота ариғини сув билан таъминлаган. Шунингдек, Қайнарбулоқдан Бургам даштларини қисман суғоришда қарноқликлар ер олиб ундан мавсумий экинлар экишда фойдаланганлар. Қарноқ қишлоғининг қуйи қисмидаги ерларни Шўрғом (Булдуриқ) ва Чўрлиқ ариқлари орқали суғорилган. Чунки Қайнарбулоқ сойи (ариқ)нинг суви, асосан, эрта баҳор мавсумида Бургамдаги ерларни сув билан таъминлай олган.

А.Қаюмов.

ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ

Чол қайиқда ёлғиз ўзи Гольфстримда балиқ овларди. Денгизга чиқаётганига мана саксон тўрт кун ҳам тўлди, аммо ҳали биронта балиқ тутганича йўқ. У билан қирқ кун бола бирга бўлди. Ҳадеганда қўли қуруқ қайтавергач, ота-онаси унга энди чолнинг ўта-кетган Salao, яъни «ўлгудай омади юришмаган одам»



эканини айтиб, бундан буён бошқа қайиқда денгизга чиқиш кераклигини қулоғига қўйдилар. Ҳақиқатан ҳам, биринчи ҳафтанинг ўзидаёқ бу қайиқда балиқ деса арзигудай учта балиқ тутиб келишди. Деярли ҳар куни чолнинг денгиздан қуруқ қайтаётганлигини кўриб бола ич-ичидан эзилар эди. У чолнинг ускуналари, чангак, гарпун ва мачтага ўралган елканларини ташишга ёрдамлашгани қирғоққа келарди. Дағал матодан тўқилган елкан ямалавериб, ола-қуроқ бўлиб кетган, ўроғлиқ ҳолда яксони чиққан полкнинг яловига ўхшарди.

Чол ориқ ва ҳолдан тойган, энсасини чуқур ажинлар тилиб ўтган, бетлари эса қуёш нурунинг тропик денгиз юзидан акс этиб чиқишидан пайдо бўладиган беозор тери ракининг жигар ранг доғлари билан қопланган эди.

Доғлар чўзилиб гарданигача тушган, йирик балиқларни тортиб олаётганда, чизимчалар ўйиб юборган қўлларида чуқур чандиқ излари кўринарди. Аммо бу излар ичида янгиси йўқ, ҳаммаси ҳам узоқ сувсизликдан қақраб ётган биёбон дарзлари сингари кўҳна эди. Чолда нимаики бор бўлса, бари ҳам эски, фақат денгиз тусини олган мовий, мардона одамларникига хос қувноқ кўзлари бундан мустасно эди.

– Сантьяго,– деди бола боғлоғлиқ қайиқ турган қирғоқдан юқорилаб кетган йўл оша кўтарилишаркан, – энди яна сен билан денгизга чиқишим мумкин. Ҳозир бир оз пул ишлаб қўйдик

Чол болани балиқ овига ўргатган, шунинг учун ҳам бола уни яхши кўрарди.

– Йўқ,– деди чол,– сен бахти чопган қайиқда ов қиляпсан. Ўшанда қолганинг маъқул. – Эсингда борми, бир вақтлар роса саксон етти кун денгизга чиқиб, қуп-қуруқ қайтувдинг, кейин иккаламиз кетма-кет уч ҳафта кунига катта-катта балиқ ушлаб келтирганмиз.

– Эсимда,– деди чол,– сен менга ишонмаганингдан кетганинг йўқ, биламан.

– Отам мажбур қилди. Ўзим бўлсам, ҳали кичкинаман, шунинг учун улارнинг айтганини қилишим керак.

– Биламан,– деди чол.– Ўзи ҳам шундай бўлиши керак. – Отам бўлса, унча ишонқирамайди.

– Ҳа,– деди чол.– Биз эса ишонамиз. Тўғрими?

(Эрнест Хемингуэй)

ЭНГ МАШҲУР ХАЁЛПАРАСТ

Бундан тўрт ярим аср муқаддам Христофор Колумб Ҳиндистонга денгиз йўли ахтариб, учта елканли кемада– каравеллада сафарга чиқди. Уфққа туташган бепоён океан қўйнида сузиб, ниҳоят 1492 йилнинг 12 октябрида Америка соҳилларига–Багам архипелаги оролларига етиб келди.



Атлантика океани бўйлаб қилинган тўрт улкан саёҳат—Катта ва Кичик Ан- тиль ороллари, Жанубий ҳамда Марказий Америка соҳилларининг очилиши Колумбни буюк денгиз саёҳатчилари ва янги ер очувчилар билан бир қаторга қўйди, унинг номини сўнмас шуҳратга буркади. Колумбнинг ҳаёти худди афсо- надек: кўпчилик беҳуда нарсаларни орзу қилувчи, хаёлпараст деб ҳисоблаган қашшоқ, ҳеч ким эътибор бермаган бир ажнабий жаҳонга донг таратган денгиз сайёҳи ва Испаниянинг улуғ адмирали бўлиб танилди, ҳатто Испаниянинг денгиз орти мустамлакаларининг вице-қироли мартабасига эришди. Китобда Американи илк бор очган норманнлар, Африка қитъасини айланиб ўтиб Ҳиндистонга денгиз йўлини кашф этган португаллар Колумбдан кейин Американи истило қилган конкистодорлар ҳамда Американи Веспуччи ва “Америка” номининг келиб чиқиши тўғрисида ҳикоя қилинади.

(Артур Лиелайз. Денгиз саргузаштлари)



СУВ ОРГАНИЗМГА ЖУДА ЗАРУР

Қатталар организмда ўртача 5 литр қон айланади. Қон плазмаси 92-95 фоизга сувдан иборат. Қон сув туфайлигина ўз функцияларини тўлиқ бажара олади.

- органлар ҳужайраларига озуқавий моддаларни етказиш;
- тўқималарга ўпкадан кислород етказиш ва уларга карбонат ангидрид қайтариш;
- ички органлардаги қайта ишланган моддаларни буйраклар орқали чиқариб ташлаш;
- гомеостаз билан таъминлаш (ички муҳитнинг доимийлиги ва мувозанати): ҳарорат, сув-туз мувозанати, гормонлар ва ферментлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- организмни ҳимоялаш: қонда иммунитетга масъул плазмаларнинг лейкоцит ва оқсиллари айланади.

Агар организмга сув етишмаса, қон массаси камаяди, унинг ёпишқоқлиги йўқолади. Бундай қон эса юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Юрак мушаклари муддатидан аввал эскиради, бу хавфли юрак касалликларига сабаб бўлади. Айнаан шунинг учун спорт билан фаол шуғулланганда ва организмга катта оғирлик тушганда кўпроқ сув ичиш керак бўлади.

Сув етишмаслигидан бош оғриши мумкин. Чунки мия фаолияти ҳаттоки енгил сув етишмаслигидан ҳам ёмонлашади. Мия ҳужайраларининг 80 фоиздан ортиғи сувдан иборат, уни қоннинг бешинчи қисми ювиб туради. Боз устига у орқа мия суюқлигида “чўмилади”. Мияга сув билан бирга асаб тизими фаолияти учун зарур бўлган кислород ва глюкоза ҳам келиб тушади.

Сув миядан моддалар алмашинуви маҳсулотлари ва токсинларни чиқариб ташлайди. Шу боис суюқлик етишмаган тақдирда:

- кўп чарчаш ва паришонхотирлик;
- хотиранинг ёмонлашуви;
- математик ҳисоб-китобларни бажариш тезлигининг пасайиши;
- салбий ҳис-туйғулар.

Бунинг натижасида яъни дегидратациядан аутизм, Паркинсон ва Альцгеймер касалликлари келиб чиқиши мумкин. Ўқув йили давомида кўп сув ичган ўқувчиларда дарсларни ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори эканлиги қайд этилган.

Қам сув ичилса ҳам инсон ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Бош оғриғидан ташқари, овқат ҳазм қилиш ва пешоб тизимида бошқа ёқимсиз белгилар ҳам пайдо бўлади. Ошқозон ва ичак сувсиз фаолият юрита олмайди ва бунинг сабаблари кўп. Сув овқатнинг нормал ҳазм бўлиши ва озуқавий моддаларнинг ичакка сўрилишини таъминлайди. Агар организмда сув кам бўлса, қорин соҳасида ёқимсиз ҳиссиётлар ва қабзият юзага келади.

Сувнинг инсон терисига ҳам таъсири бор. Ўз даврида Ибн Сино “Кексалик – бу қуриш” деган экан. Тери ўзининг ҳимоялаш вазифасини бажариши учун у



тургор (эластиклик ва таранглик)ни сақлаб қолиши керак. Шунда у қайноқ қуёш, шамол ва паст ҳароратга қаршилиқ қила олади. Соғлом тери 25 фоизга сувдан ташкил топган бўлиб, у сувсизликдан ажинлар билан қопланади. Демак, унинг тургорини сақлаб қолиш учун ҳар куни керакли миқдорда (камида 2 литр) сув ичишни унутмаслик керак. Яхшиси, тоза, кам минералли ва газсиз сув ичган маъқул.

(Маърифат Мусаева)

СОҲИБҚИРОН

“Дарвеш” Мовароуннаҳр ҳоқонининг тоқи-равоқига ҳар куни кириб юрган одамдек, на маснаду мақомига, на ҳашаму аслоҳига ҳайрат кўргузди. Ўлтур, десалар, – ўтирди, гапур, десалар – гапирди.

– Тунда абёт айтиб нағма қилган сенми эдинг?

– Мен.

Отинг нимадур?

– Айри Қўбуз дерлар.

Соҳибқирон, ҳазил қилур дея, жилмайдилар.

– Нечун “Айри”?

– Термиз сайидлари етакида мурид эканмен, йўқликдан айрига сим тортиб чертар эдим... асли исмим Муҳаммад. – Бор. Либос ёпурлар, хизматимизда бўлурсен.

– ... Мен сўз хизматидамен, – деди Айри Қўбўз тап тортмай, – сўз эса ҳақиқат хизматидадур. Соҳибимни сенга ҳам алмашмасмен.

Соҳибқирон лол қолдилар. Бу нағмакаш сўзида олампаноҳни бирон марта улуғламади, энди эса бетга чопиб...

– Бу ҳаётда улуғ пийримиз ва қайнотамиз раҳматли Убайдуллоҳ Садр аш-шариатдин ўзга ҳеч кимса бизни сенлаб айтмаган. Сен иккиламчисисен, – дедилар қайғадир, чет бир нуқтага тикилиб.

– Жасорат эгасига қўл кўтармаслигининг билурмен, Соҳибқироннинг мардлигини яна бир бор имтиҳон қилишга жазм этдим.

– Унда жасур эмас, таваккалчи тентак экансен.

– Эшитган эдимки, Соҳибқиронга табъи маҳзул бир сўзамол созанда манзур бўлмиш... Ўзи эса сўқир экан. Бир куни давлатпаноҳ андин: “Отинг нимадур?”, дея сўрадинг. “Отим Давлат”, деди созанда. “Давлатнинг кўзи кўр, бўлурми?”, деддинг. Созанда айтди: “Давлат кўр бўлмаса, оқсоқнинг қошига келурму!?”

Соҳибқирон беихтиёр кулиб, нохуш совиган вужудлари яйради.

– Бу ривоятдур... – дедилар.

– Менинг Искандари Сонийни сенлаб гапиришим ҳам бир кун келиб афсона бўлур... – деди Айри Қўбуз. Шундан сўнг бу тунги муғанний Соҳибқирон кўз-



ларига гўё бошқа бир қиёфада намоён бўла бошлади. Ногоҳ унинг кеча тунда куйлаган навои-ноласи бутунича ёдларига келди. У сўзлар гўё мусиқа бирла эскир мавжларида сайрона эди:

Барги сабз ёз бўйи кун нурун эмди.
Куч йиғиб, деди: “Бас, кун – ўзим энди”
Ҳасаддин сарғариб, чирт узилди-ю,
Пилдираб-шилдираб қаброға инди.

Кузнинг қаро туни, момақалдироқ
Йиғоч теграсинда тентирар япроқ.
Барқ қилич сермаб, ёқар гулханлар,
Саросар тутанқиб биқсир гулшанлар.

Ўшал гумроҳ баргидин туташиб олов,
Ул дуркун ҳам ўртанур лов-лов...

(А.Мухтор. Инсонга қуллуқ қиладурмен)

САРОЙМУЛКХОНИМ

Рюи Гонзалес де Клавихонинг гўзал малика ҳақидаги ажойиб ҳикояси.

“ ... Шоҳнинг катта хотини Канъо чодирлар ёнидаги саропардаларнинг бирдан чиқиб келди. Сароймулкхоним қуйидагича кийинган эди: устида зарҳал билан тикилган, учлари ерга судралиб турган узун ва кенг, енгсиз ва ёқасиз қизил шоҳи кўйлак. Кўйлак белидан кесиб торайтирилмаган ҳолда этагигача жуда кенгайиб борган. Малика осон юриши учун кўйлаги этагини ўн беш нафар аёл кўтариб борарди. Маликанинг юзига офтобдан сақланиш учун оқ упа суртилган, чехраси бамисоли оқ гулга ўхшарди. Қишда ёки ёзда сафарга чиққан барча аслзода аёллар юзларига шундай упа суртадилар. Маликанинг юзига ҳарир оқ мато тутилган, худди жангда кийиладиган дубулғага ўхшаш жуда баланд қизил бош кийим. Унинг учлари хонимнинг елкасига тушиб турибди, қуйи қисмига матоҳ тикилган. Уларга кўплаб дурри ноёблар, ёқут, феруза ва бошқа хилма-хил тошлар жуда чиройли қадалган. Бош кийимнинг зарҳал билан тикилган ва хоним елкасига тушиб турган қисмига ҳам қимматбаҳо тошлар дурри ноб билан безатилган чиройли тилла баргак қадалган. Қалпоқ учи бамисоли жажжи айвонга ўхшайди, унга фавқулудда ҳар бири икки бармоқ йўғонлигида ял-ял ёниб турган чиройли, тиниқ уч дона ёқут ўрнатилган. Шунингдек, унга қадалган, узунлиги икки қарич оқ жиғанинг айрим парлари пастга эгилган, баъзилари юз-у кўзга қадар тушиб турарди. Зар иплар билан боғланган парлар ўрами охиридаги жиғага қимматбаҳо тошлар, марваридлар қадалган бўлиб,



юрганда пирпирайди. Маликанинг тимқора сочлари елкасига тушиб турарди. Улар қора сочни юксак қадрлайдилар, ҳатто, сочни янада қорайтириш учун бўйяйдилар. Хоним бошидаги қизил қалпоқ тушиб кетмаслиги учун бир неча аёл қўллари билан тутиб турардилар. Малика билан уч юзга яқин аёл бирга келди. Маликанинг юзига офтоб туширмаслик учун бир киши найзасимон таёққа ўрнатилган соябон тутиб келарди. Худди чодирнинг тепа қисмидай дум-думалоқ қилиб оқ шоҳидан ясалган соябон ҳалқасимон ёғоч чизиққа тортилган эди. Ҳарам оғалари аёллардан олдинда борар эдилар. Шундай қилиб, хоним шоҳ ўтирган кўшкка келиб, Темурбекдан бироз орқароққа жойлашди. Хоним олдида кўрпачалар тахлами турарди. Хонимни кузатиб келган аёлларнинг ҳаммаси кўшкдан ташқарига жойлашдилар. Хонимнинг ёнида уч аёл унинг бошидаги қизил қалпоқни тушиб кетмаслиги учун тутиб турарди”.

(Х.Даврон)

ҲАСАД

Айтишларича, Искандар Румий замонида бир жонивор пайдо бўлди, унга ким рўпара келса дарҳол ҳалок бўларди. Искандар донишмандлари бу балони даф қилиш учун ҳар қанча уринсалар ҳам, ҳеч нарса қила олмадилар.

Ниҳоят, бу балони даф қилиш чорасини Арасту ҳаким топди. Унинг буйруғи билан жуда ҳам катта ойна тайёрладилар, у ойна орқасида бир-икки кишининг бекиниб ўтириши мумкин эди. Ўша ойна сиғарлик жуда катта арава тайёрлаб, уни аравага кўтариб қўйдилар. Арасту ойна орқасида бекиниб ўтирди. Аравани у жонивор турадиган жойга яқинроқ ерга келтириб қўйдилар.

Жонивор одам исини олиб, арава томонига қараб кела бошлади. Аравага яқин келган эди, кўзи ойнага тушди, ойнада ўз суратини кўриб, дарров йиқилиб ўлди. Искандар бу ишдан жуда таажжубланиб Арастудан бунинг ҳикматини сўради. Арасту шундай баён қилди:

– Эй Искандар, бу жонивор ер остида неча йил ётган бадбўй буғлардан вужудга келганди, унинг кўзида заҳари қотил бор эди, кимга кўзи тушса, у киши дарров ўларди. Мен олдига ойна олиб бордим, унинг акси ойнада пайдо бўлди, назари унга тушди. У назар бу акс воситаси билан ўзига қайтди ва ўз назарининг асари ўзига уриб ҳалок бўлди, Искандар Арастуга таҳсин ўқиди. Ҳасадининг ёмонлиги ўзига қайтади. Ўт куйдириш учун бирор нарса топмаса, ўзини ўзи куйдиради.

(Д.Тожиалиев)



БУЮК ДАҲО

Султонмуроднинг ҳаяжондан ранги бироз оқарди. Султонмурод, гўё Навоийни иккинчи қайта кўриш унга насиб бўлмаслигига ишонгандай, ундан кўзини узмас эди.

Навоий Султонмуродни бирга олиб уйга кирди, юқорироққа ўтиришга таклиф этса ҳам, Султонмурод узр тилаб, пастроққа ўтирди. Шоир энгил бир сўлиш олиб, танбурни тоқчага тираб қўйди. Дарича ёнига ўтирди. Мана у яна Хиротда, ўз уйида. Бу ерда энди ҳар бир нарса унга яқин, таниш, меҳрибондек кўринади. Бир вақт Ғиёсиддин Кичкина худди шу ерда, шу дарича остида ўтириб, уни эркалатмасмиди? Мирзо Қосим Анварийнинг байтларини бийрон тили билан ўқиб бераркан, ота қандай қувонарди! Яхши одам эди у. Содда, тўғри сўз, инсофли, раҳмдил одам... Марҳума она-чи! Содда, болалари учун куюнчак, қўни-қўшниллар, ақраболар билан ҳамиша хушмуомила аёл. Беш-олти ёшда мактабидан озод бўлиб югуриб келаркан, дарров бағрига босар, сут, патирнон ва ширинликлар берарди. Мактабда мухтарам қари домла ўргатган сабоқларни ёддан ўқиб бераркан, суюнар, ўғлининг каттакон мулло бўлишини орзу қиларди.

(Ойбек)

ТАРИХ АФСОНА ЭМАС!



Тарих, албатта, холис бўлиши керак. Лекин шу билан бирга тарихчи ватанпарвар бўлмоғи лозим. Тарих фани қадимги Юнонистонда ватан ишқидан вужудга келган. Бу фаннинг асосий вазифаси ёш авлодни тарбия қилиш ва ватан ишқига ўргатиш эди. Ватанпарварлик Юнон халқида энг буюк хислат бўлган. Милоддан илгари, 449 йилда Спартага олиб келадиган Фермопил

водийсида 300 нафар спартачилар Леонид подшоҳ бошчилигида 300 минг Эрон аскарлари билан жанг қилишди. Бу оммавий жасорат эди.

Жанг бўлган жойда уларнинг қаҳрамонликларига атаб ёдгорлик сифатида кумуш тахтача ўрнатилган: “Эй, мусофир, шу жойдан ўтганда Спартага хабар қилгин, муқаддас бурчимизни адо этиб, бу ерда мангу уйқуда ётибмиз” – деган унутилмас ёзувлар битилган тахтачага. Ҳар куни минглаб болалар, сайёҳлар, мусофирлар, дунёнинг барча бурчагидан келган меҳмонлар ана шу кумуш тахтача ёнида бир дақиқа бош эгиб, спартачилар жасоратдан илҳомланиб кетишади. Бу ёдгорлик икки минг йилдирки, ватанпарварликнинг тимсоли бўлиб турибди. Тарих афсона эмас!

(Г.Хидоятлов)



БИРИНЧИ ПАРВОЗ



1903 йилда велосипед фабрикасининг эгаси бўлган америкалик ака- ука Орвил ва Уилбур Райтлар учувчи бошқарадиган “Райт Флайер” учқичини яратишади. Учқич ўша йилнинг 17 декабрида АҚШнинг Шимолий Каролина штатида биринчи бора ҳавога кўтарилади. 16 от кучига эга бўлган мотор ўрнатилган бу учқич ҳавода 59 дақиқа учушга муваффақ бўлади. Айти шу кун жаҳон авиациясининг таваллуд кунини ҳисобланади. Гарчи унинг укаси томонидан яратилган самолёт ҳавода 12 сониягина уча олган бўлса-да, ушбу воқеа авиация соҳаси-

да катта бурилиш ясайди. 1901 йилда аэродинамик қувур кашф этилади, шу билан бирга улар пропеллерни ҳам ихтиро этишади. 1905 йилда яратилган янги модификация эса ҳавода қарийб 30 дақиқа парвоз қилишга муваффақ бўлади.

Ака-ука Райтлар ҳавога илк бор кўтарилгунга қадар авиаторлар фазога чиқишга муваффақ бўлишган. Жак Шарль ва Николая-Луи Робер биринчи марта водородга тўлдирилган ҳаво шарини Парижда 1783 йил декабрь ойида учуришган; ўша кун Шарль шу шарда ўзи учган ва 3000 метр баландликка кўтарилган. Ҳаво шарлари XX аср бошларида самолётлар пайдо бўлиши билан четга чиққан бўлса-да, улар биринчи самолётларга нисбатан анча баландроқ учар эди.

(*"Озодлик" саҳифаларидан*)

КОИНОТ ИНТЕРНЕТИНИНГ БИРИНЧИ ФОЙДАЛАНУВЧИСИ

XX асрнинг дунёга машҳур буюк олими ва кашфиётчиси Никола Тесла. У ўзининг оламшумул кашфиётлари билан замонавий техника ютуқларидан юзлаб йилларга илгарилаб кетган олимлардан биридир (Леонардо Да Винчи каби). Буюк ихтиролар: радио, интернет, телефон, самолётлар, лазерлар айнан Тесланинг ғоялари асосида яратилди. У, ўзгарувчан токни, энергияни симсиз узатишни кашф қилди, биринчи бўлиб электр соатларини, қуёш энергиясида ишловчи двигателни яратди; электр печкалари, люминесцентли лампалар, электрон микроскоп яратилишини башорат қила олди. Унинг ғоялари шунчалик ақлга сиғмас ва фантастик даражада эди-ки, узоқ келажакдан ташриф буюргандек таассурот уйғотар эди. **Теслани коинот интернетининг биринчи фойдаланувчиси деб атайдилар.** 1903 йил 15 июнь кунини ярим кечада Нью-Йорк аҳолиси инсон қўли билан яратилган чақмоқ чақнашларининг гувоҳи бўлдилар, океан сатҳида чақнаётган чақинларнинг узунлиги қарийб 160 (100 мил) километрдан ошар эди! Эртаси




куни “Нью-Йорк Сан” газетаси шундай ёзди: “Лонг-Айлинда Тесланинг лабораторияси атрофида яшовчилар, унинг энергияни симсиз узатиш билан боғлиқ тажрибаларини ниҳоят даражада қизиқиш билан кузатмоқдалар. Кеча тунда биз фаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Тесла томонидан шахсан самога тарқатилган ранг-баранг чақмоқлар атмосфера қатламларини турли баландликларда ва кенгликларда шундай ёритиб юбордики, тун бир онда кундузга айланди. ...Бутун ҳаво бир неча минут давомида инсон танаси бўйлаб йўналган тарзда ёруғлик билан қопланди ва шу ерда ҳозир бўлганларнинг барчаси ёрқин-мовий рангдаги ақл бовар қилмас шуъла сочар эдилар. Ўзимизга, ўзимиз шарпадек туюлар эдик”. Тесла, улкан вибратор ишлаб турган пайтда Ердан олинган ток билан ўзи турган жойидан 42 километр узоқликдаги 200 та лампочкани ёртишига эришди.

(“Буюк кашфиётчилар” китобидан)

ЎРТА ОСИЁДАГИ БИРИНЧИ ФОТО-КИНОЛАБОРАТОРИЯ

Ўтган асрнинг XIX асрнинг 30-йилларида француз rassоми Луи-Жак Дагер то-



монидан кашф этилган Фотография инсоният тафаккурини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Инсон умрида, инсониятнинг кечаётган тарихи лаҳзаларини фотосурат тарзида муҳрлаб қолдириш буюк аҳамият касб этди. Инсон тафаккурининг қудрати билан вужудга келган Фотографиянинг Ўрта Осиёга, хусусан, ўзбек диёрига европалик сайёҳ ва ўлкашунослар олиб келганига 130 йил бўлди. Шундай қилиб, бўлажак биринчи ўзбек фотографи ва кинооператори Худойберган Девонов 1878 йили Хива шаҳрида Нурмуҳаммад девон (мирза) оиласида туғилган. У ёшлик чоғидан бошлаб техникага қизиққан ва соатсоз устага шогирд тушиб, маълум муддат соатсозлик билан машғул бўлган.

“...1889 йилда мени соатсоз устага шогирд қилиб бердилар. Бир йил давомида бу ишни ўрганиш учун устодим бўлмиш Адам исмли бир рус устага 300 сўм тўладим. 3 йил бу иш билан шуғулландим. Шу вақтларда фото ишларини ўрганишга менда катта ҳавас пайдо бўлди. 1903 йил бир миқдор пул анжом қилганим ҳолда Полвон ҳожи билан бирлик-ла Маскавга кетдим...” Ўрта Осиёда биринчи босмаҳонанинг, биринчи фотографиянинг, биринчи овозсиз кинонинг яратилишига ҳам шу даврларга тўғри келди. 1908 йилда Худойберган Девонов Хивада Ўрта Осиёдаги биринчи фото-кинолабораторияни ташкил этади. У шу вақтдан бошлаб фото ва кино ишлари билан мунтазам шуғулланади. Унинг «Халқ сайиллари» деб номланган биринчи кинолавахаси ҳам тахминан шу йилларда суратга олинган. Энг таниқли фотосуратлари: “Аёл портрети”, “Ип йигирувчилар”, “Ёғ сотувчилар”, “Саҳрода ер ўчоқ”, “Дорбозлар”.

(Н.Каримов)



“ЎТГАН КУНЛАР” БРАЙЛДА

Франциялик Валентин Гаюн бармоқларга сезиларли бўртма чизиқли ҳарфларни ўйлаб топади ва 1786 йилда биринчи мактабини очади. Кўриш қобилияти чекланган кишилар бошқалар билан тенг ҳуқуққа эга деган тушунчани биринчи бўлиб атоқли француз шоири Дидро “Кўзи ожизларнинг соғларга насихат хати” номли асарида баён этган.

Ҳозирги бўртма нуқтали ёзувнинг асосчиси—Луи Брайль. У 1809 йилнинг 4 январидида Париж яқинида жойлашган Купере шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигида кўр бўлиб қолган. 1819 йилда Луи Брайль Париждаги кўзи ожизлар Миллий Институтига ўқишга кирган. У 1828 йилда ўқишни тугатгач, шу институтнинг ўзида кичик ўқитувчи вазифасида ишлаб қолган. Луи Брайль тинмай изланиб 16 ёшида, яъни 1825 йилда ҳозирги брайль шрифтини яратган. Луи тинмай ўз ишини давом эттириб, бир гуруҳ кўзи ожизларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу шрифтда китоб чоп этишга эришади. Луи Брайль истеъдодли мусиқачи бўлган, кўрларга мусиқадан дарс берган.

1929 йилда В.Детушов Брайль ёзувининг ўзбек алифбосини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. Ўзбек адабиётининг йирик вакили Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ҳамда Вали Ғафуровнинг “Вафодор” каби романлари Брайль шрифтида нашр этилган. Биринчи бўлиб йирик асарлар яратган кўзи ожиз муаллиф эпик адабиётнинг отаси Гомер, “Иллиада” ва “Одиссея” дostonларини яратган. Америкалик Эрик Вейхенмеер Эверест чўққисини забт этган кўзи ожиз альпинист. У 8848 метр баландликка эга бўлган қорли чўққини забт этган.

СПОРТ

Шарқнинг азалий ўйинлари

Халқимизнинг бебаҳо анъаналари ноёб қадриятларидан ҳисобланмиш халқ ҳаракатли ўйинларининг муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбек халқ ўйинларининг пайдо бўлиши ва тараққиётини ўрганишда шарқнинг буюк





мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Қайковус, Умар Хайём, Амир Темур, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Зайниддин Маҳмуд Восифийлар қолдирган маънавий мероси жуда қимматлидир.

Қошғарий ўз асарида чавгон ҳақида тўхталган. **Чавгон Ўрта Осиё халқларининг жуда қадимги ҳамда сеvimли от спорти ўйинларидан бири ҳисобланади.** Шунингдек, девонда ўша даврда отда пойга чопиш, қувланиш, тез йўртиб туриш, тоққа чиқиш, пастликка тушиш каби “ўйин”лар баёни ҳам келтирилган. Сувда ўтказиладиган мусобақалар ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Сув машқларидан бири бўлган ғаввослик жуда қадимий касблардан бири бўлиб, девонда сувда чўмилиш, шўнғиш, сувдан сузиб ўтиш, сув кечиш, сувда қувлашмоқ, сувга бирон нарсани, масалан, сувда чўкмайдиган ёғоч, бирор ашёни ташламоқ маъносидаги ўйинлар тасвирланган.

Ибн Сино халқ ўйинларидан бири бўлган бадантарбияни тез ҳаракатлар турига киритади: ўзаро тортилиш; мушт билан туртишиш; ёйдан ўқ отиш; тез юриш; найза отиш; юқоридаги бир нарсага ирғиб осилиш; қиличбозлик; найзабозлик; отда юриш. Халқ ўйинларининг кучли турларига майдонда бажариладиган ҳаракатларни киритади: сакраш; найза учи билан санчиш; кураш; тош кўтариш; чопаетган отни жиловидан тортиб тўхтатиш.

Халқ ўйинларининг ажойиб билимдони бўлган Ибн Сино халқимизнинг миллий спорт тури бўлган миллий курашимиз ҳақида ҳам етарлича маълумот қолдирган.

МЕН ЎЗИМ ОЧ БОЛАКАЙ БЎЛГАНМАН!

Илк марта терма жамоага чақирилган санасини у китобида ҳам ёзиб ўтмаган. Ўша куни Пеле уйда ёлғиз ўзи радиодан берилаётган спорт янгиликларини тинглаб ўтирган. Унда терма жамоа шарафини Швециядаги жаҳон чемпионатида ҳимоя қиладиган 22 ўйинчи номи эълон қилинаётган эди.

– Диктор рўйхатни ўқиш учун қоғозни тайёрлаганда баданим жимирлаб кетди. Ёшлигимни тушунардим, касбий футболчи сифатида бир йиллик фаолиятга эга эдим. Шунга қарамай, умид қилардим. Бошловчи эса ўқишдан давом этди: Сантос... Марио Загало... Маццола... Пеле...Охиригача тинглай олмадим. Креслода асабийлаша бошладим. Шу пайт хонага онам кирди ва касал эмаслигим ҳақида сўради. Шундай ҳолатда эдимки, гапиришим қийин кечарди. Ниҳоят, терма жамоага таклиф этишганини айта олдим.

У 1000чи голини ургандан сўнг микрофонга шундай сўзларни айтган:

– Ҳозир мени мамлакат кўраётган ва эшитаётган экан, камбағал болалар ҳақида эслашни таклиф қиламан. Келинг, барчамиз уларга биргаликда ёрдам берамиз! Ахир Янги йил яқинлашмоқда. Бироқ қанча одам уни оч қарши олмоқда? **Мен ўзим оч болакай бўлганман!** Бунинг нималигини биламан. Дўстларим, келинг,



етим болалар ва барча ёрдамга муҳтожларга ёрдам берамиз. Мингинчи голимни айнан уларга бағишлайман. Жуда меҳнатсевар ва ажойиб жисмоний кўрсаткичларга эга Пеле футболда феноменал натижаларни қўлга киритган. Фаолияти чўққисида у 100 метрни 10 сонияда босиб ўтган. Бундай натижа қисқа масофага югурувчи спринтерларга хос саналади. Айтайлик, ҳозирги кунда у ямайкалик спринтер Усейн Болтга рақобат туғдирган бўларди. Бўйи 173 сантиметр бўлган футболчи икки метрдан юқорироққа сакрай олган. Шу хислати билан ҳам у энгил атлетикачилар, аниқроғи баландликка сакровчилар билан беллаша олган бўларди.

(О.Жумабоев)

МУСИҚА ШАЙДОСИ

Қалқамалик Ғози Раҳмонов ҳақиқий табиат жонкуяри, табиатни муҳофаза қилиш бўйича унга тенг келадиган одам йўқ десак лоф эмас. Ўтган йили Қалқамда бўлганимизда ана шу табиат куюнчаги билан тоғма-тоғ, адирма-адир кезиб суҳбат қурдик. Суҳбатимиз оқшом маҳали унинг мўъжазгина чорбоғида давом этди.

Ёз оқшоми. Осмон тоқида юлдузлар марварид янглиғ шуъла сочади. Тоғ томондан салқин шабада эсади. Дарахт шохларига чиқиб олган паррандалар уйқу олдидан қанот қоқиб қўйишарди. Биздан сал нарида ўтирган болалар телевизорни қўйишганда, кўп ўтмай, майин куй ва қўшиқ атрофга таралди. Биз учтўрт киши ҳамон жиддий суҳбат билан банд эдик. Нима бўлди-ю, кўнглим бир нарсани сезгандек секин бошимни кўтардим-у, эсхонам чиқиб кетаёзди. Тепамда тахминан икки қулоч нарида, том бўғотида бир эмас, икки илон арқондай осилиб туришарди. Бақриб юборишдан ўзимни зўрға босиб, уй эгасини оҳиста туртдим.

Ана унга қаранг!

Ғози Раҳмонов мен ишора қилган тарафга эътиборсизгина кўз ташларкан, хотиржам оҳангда деди:

Э, уларми. Менинг шахсий илонларим-ку! Қўрқманг, индашмайди. Шунчаки телевизор томоша қилишяпти. Қурғурлар, мусиқани жуда яхши кўришади... Қаранг, қаранг рақсга тушишяпти...

Бу сафар ўзимни босиб олиб, илонларга синчков боқдим.

Дарҳақиқат, ой нурида махлуқлар мусиқа оҳангига мос равишда таналарини оҳиста қимирлатишарди.

Иккинчи программага олинглар-чи?- деди Ғози Раҳмонов болаларига.

Қани, нима кўрсатув бор экан?.. Телевизорнинг бошқа каналида зерикарли кўрсатув кетаётган экан... Илонлар рақс тушишдан тўхташди. Бир нафас тик қотиб туришгач, буғот остига кириб кетишди.

Ёқмади! – деди Раҳмонов кулганича. – Тўғрида қуруқ гап кимга ҳам ёқарди. Концертга қўйинглар!



Яна ёқимли куй-наво янгради. Мен эса том буғотидан кўз узмасдим. Янглишмаган эканман. Лаҳза ўтмай, яна арғамчисимон икки кўланка пайдо бўлди.

Ҳар ёз мана шу дала ҳовлига кўчиб чиқамиз. Илонлар телевизор олганимиздан сўнг пайдо бўлди. Бировлар ўлдилинг,- деб маслаҳат беришди. Кўнмадим. Бу жониворлар инсонлар каби мусиқани, қўшиқни севишса айбдорми!? Бир марта тажриба ҳам қилиб кўрганман, рангли телевизор олиб келиб ҳовли ўртасига қўйдим. Биласизми, нима бўлди? Илонлар эшиттириш тугагунча экрандан кўз узишмади. Ҳатто концерт бўлмаса ҳам, тикилиб туришаверишди. Лекин яхши куй-қўшиқ жониворларнинг жони!

Сухбатдошимдан кўз узиб, яна буғот томонга тикиламан. Шўх мусиқа ҳамон авж олади, ой нурида илонлар оҳиста тебранишади.

Илонларни фақат зарарли жониворлар, деб тушуниш нотўғри. Хусусан, қишлоқ хўжалигига зарар етказадиган, турли касалликларни тарқатадиган кемирувчиларни қиришда уларнинг роли катта. Табобат соҳасида илон заҳаридан олинадиган дори-дармонларнинг инсон саломатлиги учун фойдали эканлиги ҳаммага маълум. Айниқса, бод, беланги, қуёнчиқ, хроник полиартрит, бронхиал астма, неврология системасидаги хасталиклар, қон кетишни тўхтатиш борасида илон заҳаридан олинадиган дориларга таъриф йўқ.

ҚАСОСКОР ВА МУРУВВАТКОР



Бутун умри тоғларда ўтган Минглиш момо болаларини тоққа жўнатиб, набиралари билан қишлоқда каттакон ҳовлида ёлғиз қолди. Ёш набиралари эса куни билан кўчадан бери киришмайди. Момо зерикканидан ўзини овутиш учун сигир соғадди, сутини ивитиб қатиқ қилади. Қолган пайтларда эса супада ўтириб урчуқ йигиради.

...Ўша куни ҳам Минглиш момо сигирни соғиб бўлгач, сут тўла корсон товоқни қайрағоч дарахтининг шоҳига илинган чамбаракка ўрнаштирди, сўнг неваралари ухлаб ётган супа томон ковушини судраганча йўл олди.

Молхона ёнидан ўтаётганди, девор тагида нимадир йилтирагандек бўлди. Момо қизиқсиниб эгилди... Эгилди-ю, эти жимирлаб кетди. Девор зиҳида тўрт-беш илон болалари эндигина тушган офтоб селига ўзларини тоблаб ётишарди. Момонинг хаёли қочди: “Тагин бачаларнинг битта-яримтаси...” Момо махлуқларни ўлдиришга юраги дов бермади-ю, эҳтиёт шарт учун каттакон бир тоғорани кўтариб келиб, илон болаларининг устига тўнкариб қўйди. Сўнг кўнгли хотиржам топиб, беш-олти қадам юрган эдики, ортида вишиллаган овоз эшитилди. Чўчиб орқасига бурилганди, йўғонлиги билан келадиган қорамтир илоннинг хунук овоз чиқарганча, тоғоранинг атрофида айланаётганини кўрди. Момо қўрққанидан ковушини қўлга олганча, югуриб супа устига чиқди, ўша ердан хавотир аралаш махлуқни кузатиб турди.



Она илон ярим соатча тоғора атрофида айланиб уриниши беҳуда эканлигини сездими, яна хунук вишиллаганча кампир томон судрала бошлади. Момо даҳшат аралаш кўзларини юмганича калима қайтарди. Бироздан сўнг кўзини очганда, илоннинг қайрағоч танаси бўйлаб юқори кўтарилаётганини кўрди. Бақирмоқчи бўлганди, овози чиқмади. Илон эса чамбаракнинг тепасига бориб тўхтади. Сут идиш томон икки-уч энгашиб олгач, ортига оҳиста бурилди. Кампир ялангоёқ ҳолда чошиб бориб, илон болаларининг устидан тоғорани кўтариб ташлади. Сўнг яна супа устига чиққанча илонни кузата бошлади. Илон дарахтдан тушгач, болаларнинг озод бўлганини сезгач, ҳидлаб кўргандек, ҳаммасига бош уриб чиқди... Ниҳоят, илончалар бирин-кетин девор ёриғига кириб кетишди. Минглиш момонинг юраги сал жойига тушиб “катта газанда”нинг ҳам инига киришини кутди. Аммо илон ортга бурилиб, яна қайрағоч томон судралди. Дарахт танасига чирмашиб, чамбарак тепасига бориб тўхтади. Сўнг думи ёрдамида косага қаттиқ зарб билан уриб, сутни тўкиб юборди...

...Минглиш момо она илон девор ёриғига кириб кетгач, енгил нафас олганча, иннинг оғзига бир сиқим ун сепиб қўйди.

ЧАНДИҚ ЮЗЛИ КИШИ

(Бўлган воқеа)

Бу воқеа мени ҳануз ҳайратга солади: дунёда ҳар нарсанинг мезони борлиги, инсоннинг яхшилиги яхшилик, ёмонлиги ёмонлик бўлиб қайтиши яна ҳам қизиқ. Бу воқеани уни бошидан кечирган кишининг ўзидан эшитганман.

Қосимжон Саидов билан дам олиш уйида танишиб қолдик. Ёши қирқларни қоралаган, ўрта бўйли, кўзлари мулойим, ёқимтой бу кишининг юзида чакка суягидан то лабининг четигача узун, айлана чандиғи бор эди. Шу нарса афтини бироз хунук ва ваҳимали қилиб кўрсатар, дафъатан кўзи тушган одам уни ёшлигида безори бўлган бўлса керак, деган хулосага келарди.

Ҳамма шундай ўйлайди,- дейди у куюниб. – Балки безориликдан бўлгани дурустмиди. Виждоним қийналмасди.

Биз хиёбондан кетар эдик. Ҳамроҳим бироз жим қолгач, воқеани гапириб бера бошлади. Назаримда, у ривоят сўзлаётгандек эди. Чиндан ҳам бир қараганда одам ишонмайдиган ҳодиса. Лекин бу ёруғ оламда нималар бўлмайди, дейсиз!

– Ўшанда пединститутнинг учинчи курсида ўқирдим, - деб ҳикоясини давом эттирди танишим, – бир куни беш-олти талаба Ҳисорга сайрга чиқадиган бўлдик. Юк машинасида тоғнинг ичкарасига кириб бордик. Йўлда шу куни дам олиб, эртаси икки-уч кишидан бўлиб сайрга жўнадик. Тоғларда баҳор – ўтлар тиззага уради, булоқлар шарқирайди, ҳаво мусаффо. Мен шерикларимдан ажралиб кетдим. Кечиксам хавотир олманглар, яқиндаги қишлоқда қариндошларим бор, шу баҳона кўриб қайтаман, деб тайинладим.





Хуллас, ўртадаги чўққини кўзлаб кетяпман. Тоғларнинг кўркамлиги кўзни қувонтиради. Бир вақт кичикроқ қоя тагидаги ўт-ўланларнинг устидан босганимни биламан, гуп этиб пастга сирғалиб тушиб кетсам бўладими! Бир пайт кўзимни очсам, чуқурлиги 4-5 метр келадиган ғорда ётибман. Ичкари анча ёруғ. Белим қаттиқ оғриди. Ҳалиям таги шағал аралаш тупроқ экан. Тош бўлганида майиб бўларканман. Оғриқ сал босилгач, чиқишга интилдим. Қайда! Қопқоннинг ўзгинаси.

Тепадаги деворни туртиб чиққан қиррали тошга қўлим зўрға етади.

Уринишларим фойда бермади. Қичқирганим билан биров эшитмасди. Чуқурликда ўлиб кетишим кўзимга аниқ кўринди. Ваҳима босди. Аммо ўзимни тутдим. Ақлни ишлатиш керак: хўш, қиррали тошга осилдим, дейлик, кейин нима ушлайман? Ғорнинг тепаси сип-силлиқ-ку. Девори ҳам анча тик метиндай. Курсдошлар эса узоқда, ҳеч ким қидирмайди ҳам, пешонага ёзилгани шу экан. Аммо индамай ўлиб кетгандан овоз чиқарган маъқул. Бахтимга бирор одам эшитса. Роса бақирдим.

Асирликда ётганим ҳолва экан. Кечқурун ғор сал қоронғилашганда тепадан бир нарсани тушиб келаётганини кўриб қолдим. Диққат қилсам, катта кулранг илон! Йўғонлиги анча бор! Жонимдан буткул умидимни уздим. Дахшат ичида ўрнимдан туриб, деворга қапишдим. Костюмимни ечиб ўзимни ҳимояга шайладим. Товонимдан сочларимнинг учигача титроқ турди.

Одам қаттиқ қўрққанда эсини йўқотаркан. Бир пайт ҳушимга келиб разм солсам, илон мендан бир метрча нарида кулча бўлиб ётибди. Негадир мен билан иши йўқ. Ғира-ширада унинг узунлигини икки метрча чамаладим. Боши анча кичик ва япасқи. Аждаҳога айлангани шу бўлса керак-да.

Кўп ўтмай, ғор буткул қоронғу бўлиб қолди. Тепадан ўтлар орасидан битта-иккита юлдуз кўзга ташланади. Ичкари илиққина. Курсдошларим мени қариндошлариникида деб бемалол яйрашаётгандир. Айтмоқчи, эрталаб кетишади. Мени бироз кутиб, ўзи борар, деб жўнаб кетишади.

Илоннинг менга тегмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ерга чўзилиб ётдим. Қорним очди. Кейин ухлаб қолибман. Уйғонсам, ғор анча ёришган, илон йўқ эди. Чиқишга яна бир бор уриниб кўраётган эдим, тепадан бир нарса тап этиб тушди. Қарасам ўлган каптар. Ҳайрон бўлиб тепага қарадим: ҳеч кимса кўринмайди. Қушнинг патларини юлиб гўштини емоққа тутиндим. Очиққанимдан кўнглим айниса ҳам, парво қилмадим.

Ўйлов ва изтироб билан бу кун ҳам ўтди. Излаб келувчи кимса топилмади. Кечқурун яна илон кириб келди. Бир-биримизга аҳамият бермадик. Оз-моз ухладим. Ярим тунда калламга бир фикр келди, илон ташқари чиқаётганида унга осилсам-чи? Зора ёрдами тегса. Шу фикр маъқул келди, тонг отишини бедор кута бошладим. Ғор ёришганда илон қимирлаб тепага ўрмалай бошлади. Боши тешикдан чиққанида думи қўлим етадиган жойда эди. Таваккал қилиб думидан маҳкам ушлаб, оёғимни тошга тираб тепага – қиррали тошга етдим. Кейин



бир интилган эдим, қўлим ғорнинг оғзига етди. Гавдамни ўнглаб бир сакрашда ғордан отилиб чиқдим. Илон мардлик қилди, то мен чиққунча кутиб турди. Кейин ўтларни оралаб кўздан ғойиб бўлди. Қаттиқ севинганимдан ўтлар устига йиқилдим. Ҳамон қутулганимга ишонмасдим...

Борсам курсдошлар кетишибди. Йўловчи машинага ўтириб, шаҳарга келдим. Орадан бир йил ўтгач, шаҳарга илон ўйнатувчилар келди. Томоша қилдик. Бир курсдошим уларга менинг бошимдан ўтган воқани айтиб қўйибди. Ўша жойни кўрсатасиз деб туриб олишди. Катта пул таклиф этишди. Дарҳақиқат, буларнинг илонлари ғордаги илон олдида жуда ғариб эди. Машинасида бориб, ўша лаънати ғорни кўрсатдим. Уста одамлар экан, ушлаб олиб кетишди.

Орадан йиллар ўтиб, мен яна илон ўйнатувчилар томошасига келиб қолдим. Қай кўз билан кўрайки, ўша ғордаги илон турли машқларни бажарар эди. Томошаси битгач, илон тўсатдан мен томон ташланди, кўриб турганингиздек юзимга дўстликнинг қадрига етмаган одамнинг жазоси шундай бўлади, - дегандек тамға босиб кетди. Мен қилган гуноҳим учун жазоландим. Ҳали-ҳали ўзимни кечира олмай, виждон азобида қийналаман...

(Норқул Тилолов)

ҲУНАР ҲАҚИДА

Донодан сўрашибди:

– Ҳар бир одамнинг бир ҳунарли бўлишида қандай фазилат бор?

Доно жавоб берибди: – Одамда қобилият деган ноёб хислат бўлади: бир киши пазанда – овқатни лаззатли тайёрлайди, бир киши созанда – яратган куйи дилга ором беради, бир киши шифокор – дардга малҳам бағишлайди. Яна бир киши заргар – тиллага зеб беради. Бир киши дурадгор – ёғочдан гул ясайди. Бир киши раҳбар – кўпчиликка падарлик қилиб, минг қўшчига бошчи бўлади. Хуллас, ҳар бир одамнинг бир қобилияти борки, табиат унга буни инъом этган бўлади.

– Ҳунарсиз одамни, бирор қобилияти йўқ одамни нимага ўхшатса бўлади?

Доно айтди:

– Бундай одамни жонли тўнка дейиш керак.

ҲИКМАТ

Ишнинг яхшиси – пухта қилинганидир. Кимки пухта иш қилса, ҳамма уни ёқтиради. Пухта бажарилган иш оз бўлса ҳам жуда яхши ва қимматли бўлади. Ҳар бир яхши ва пухта иш келажакда катта ривожланишларга сабаб бўлади. Ўргимчакнинг шошиб тўқиган тўри сифатсиз. Ипак қуртининг секин бажарган иши пишиқ, пухта. Шу боис у тўқиган ипак қимматли. Одамлар ҳам худди ўргимчак сингари шошма-шошарлик билан эмас, ипак қурти сингари секин шошмасдан, ўйлаб, пишиқ, пухта иш қилиши керак. Инсоният обдон ўйлаб амалга оширадиган пишиқ, пухта ишлари туфайли юксалади.



ТАРБИЯ

Муаллим бир жиҳатдан табибга ўхшайди. Табиб касалнинг соғайиши учун унга керакли дорилар беради, мураббий эса нодонлик касаллигидан қутқазиб учун лозим бўлган даволарни ишлатади. Табобат аъзоларимизнинг иш ва вазифаларини ўрганиб, дориларнинг қайси аъзога қандай таъсир этишини тажриба ва текшириш билан билиб, унга кўра даволаш фанидир. Тарбия эса, руҳий ҳолатимиз қувватини керакли даражада кашф этиб, унинг кенгайиши ва камолга етиши нима билан ҳосил бўлса, шу йўлда ҳаракат қилишдир.

Тарбия – бу тамал тоши. У қайси тарафга қўйилса, ўша тараф оғирлашади.

ТИНЧЛИК – МУҚАДАС НЕЪМАТ

Ватан деганда дилимизга ажиб бир ёруғлик тушади. Хотиржам тортамыз: худди «она» деганда қалбимиз сўзга сиғмас беқиёс саодатга тўлганидек. Сизу биз тасвирлаб беролмайдиган ажиб туйғуни туямиз. Зеро, ҳаётимиздаги биз учун энг қадрли манзараларнинг барчаси Она Ватанга туташади.

Уйимиздаги мунис онамиз, суянган отамиз, оила аъзоларимиз, ширин-шакар фарзандларимиз, дўстларимиз, бир сўз билан айтганда, биз жамики қадрлаган омиллар – уларнинг барчаси Ватанга боғланади. Дарҳақиқат, Ватанни севиш, уни ардоқлаш, ёвлардан ҳимоя қилиш инсон қалбига туғилганданоқ жо бўлади. Тарих шу кунга қадар минглаб Ватан қаҳрамонларини ўчмас саҳифаларга муҳрлади. Улар шу юртнинг тинчлиги ва ҳурлиги учун курашди, жонини қурбон қилишди.

Бугун жаҳоннинг турли минтақаларида бўлаётган урушлар ҳақидаги хабарларни тез-тез эшитиб қоламиз. Ана шулардан хулоса чиқариб, осойишта ҳаётимизнинг қадр-қимматини янада теранроқ ҳис этамиз. Боиси «Ватан тинчлиги» деган жумла замирида бутун бир миллат ва халқ тақдири қандай бўлишлиги акс этади.

Ватан – бу инсоннинг киндик қони тўкилган ер, гўдаклигида тетапоя қилиб юришни бошлаганда унга поёндоз бўлган гўша. Бас, шундай экан, биз ўз Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз даркор. Ушбу эътирофнинг мазмунини қалбимизга чуқур сингдириб олмоғимиз лозим. Бугунги глобаллашув жараёни авжига чиққан, турли ғоялар, манфаатлар ўртасида аёвсиз кураш кетаётган бир пайтда ҳамиша ҳушёр бўлмасак, тинчлик неъматига шукур қилмасак, уни жон-жаҳдимиз билан ҳимоя этмасак эртанги кунимизнинг тинч ва осудалигини таъминлашда муаммолар юзага келиши мумкин. Зеро, бу замин дунё тамаддунига мустаҳкам пойдевор қўйган, башарият тараққиёти учун беқиёс ҳисса қўшган улуғ олиму фузалоларни тарбиялаб берган заминдир. Буюк аждодларимиз ардоқлаган, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаган юртдир бу. Мана шу азиз Ватанни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир.



КУЧ – АДОЛАТДА ДЕРЛАР

Юрагида ишонч борки,
Чўққига чиқар одам.
Кучсизларга суянч – мардлар,
Танти, қўрқмас ва ўктам.
Эзгу амал – дунёдаги
Энг қадрли ўлчовдир.
Бунда – меҳр ва садоқат,
Умидлар чин, оловдир.

(Н. Маматхонова)

ҚУЁШЛИ ЮРТ БОЛАЛАР

Ватанимиз , бу – ўз уйимиз,
Қанотида ота – онанинг.
Бахтлимизки, шунда туғилдик,
Бахтлимизки, у меҳрли, кенг.

Бахтимизни асрагувчидир
Бу Ватанда ҳамма бир бўлиб.
О, қуёшли Ватаним меним,
Ёзилгансан чин тақдир бўлиб!
Ватанимиз, бу – ўз уйимиз,
Мактабга йўл оламиз тонгда.
Уқтиришар такрор ва такрор:
Китоб – қуёш, китоб осмонда.

Тиниқ, ёниқ нурлар сингари
Калитидир илмнинг ўткир.
Қўлимизга тутар устозлар
Садоқату иштиёқдан дур.

Бизга – ўқиш, бизга улғаймоқ,
Шунда йўллар оқ бўлади, оқ.

(Раим Фарҳодий)



ГЛОССАРИЙ

Ақлий хужум	Ушбу стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.						
Балиқ скелети	Ўрганилаётган масалани балиқ расми асосида ёритиш стратегияси. Бунда балиқ боши-мавзу масаласи, устки тармоқлар – асардаги тасвир воситалари, остки тармоқлар – далиллар, қўйруғи – асар ҳақида ўқувчи фикрини билдиради.						
БББ	«БББ» график органайзери ўқувчиларга муайян мавзу бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қўйидаги схема асосида ташкил этилади: <table border="1" data-bbox="469 701 1390 809"> <tr> <td><i>Биламан</i></td> <td><i>Билишни хоҳлайман</i></td> <td><i>Билиб олдим</i></td> </tr> <tr> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> </table>	<i>Биламан</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>	<i>Билиб олдим</i>			
<i>Биламан</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>	<i>Билиб олдим</i>					
Беш дақиқали эссе	«Беш минутли эссе» стратегияси кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қилади. У ўқувчилар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Беш минутли эссени яратишда ўқувчилар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хулосаларни баён этиш имконига эга бўлади.						
Бумеранг	«Бумеранг» технологияси ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларини эркин баён этиш, қисқа вақт ичида кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қилади. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўқувчилар томонидан гуруҳли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, дарсда ташкил этиладиган суҳбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради.						
Венн диаграммаси	Икки муаллиф ёки икки масаланинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиш стратегияси.						
Дебат	Мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашиши.						



Елпиғич	Ўрганилган мавзунини ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш. Ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш.
Жадвал	«Жадвал» график органайзер методи ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида ақс этириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллашда ўқувчилар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, таянч тушунча, муҳим жиҳатларини жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш кўникмаларини ўзлаштиради.
Жигсо – инглизчадан “жим-жима- дор арра, ма- шина арра” маъносини англади	Ўқувчилар янги ўқув материални биргаликда қисқача вақт давомида ўзлаштирадilar. М.: янги материал бир неча тенг қисмларга бўлинади. Нечта қисмга бўлсангиз, ўқувчилар шунча гуруҳ ҳосил қиладилар. Ҳар бир иштирокчи материал қисмини олади ва ҳар бир гуруҳдан бир аъзо эксперт ролини бажаради. Ҳар бир гуруҳ ўзларига тақсимланган парчани 10 дақиқа давомида ўрганадилар. Ҳар бир гуруҳдаги экспертлар масала бўйича мавзуга доир гуруҳга тўпланадилар ва ўзлаштирилган материални қандай қилиб бошқа гуруҳ аъзоларига тушунтириб бериш усуллари-ни муҳокама қиладилар. (конспект, жавоб режаси, хулосалар; 15 дақиқа давомида) Сўнгра бир масала устида ишлаган экспертлар турли гуруҳларга бориб, ахборот алмашадилар. Бу эса «экспертлар учрашуви» деб номланади. Шундан сўнг барчаси ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқа гуруҳларда мустақил ўрганган маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Сўнгра ўқитувчи текширувчи саволлар орқали янги материал қандай ўзлаштирилганлигини билиб олади, баҳолайди.
Инсерт	Ёки “Туртиб чиқиш” стратегияси. Қуйидаги шартли белгилар орқали ўқувчи ўзининг ўрганилаётган асарга бўлган муносабатини билдиради. V – биламан + билмайман – Янги ахборот ? – тушунмадим



Қарорлар шажараси	<p>Ушбу стратегия мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилгандир.</p> <p>У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади.</p> <p>Стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун ўқувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.</p>
Кластер	<p>Бунда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади.</p>
Концептуал жадвал	<p>Ўрганилаётган мавзунинг икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.</p>
Муаммоли вазият	<p>Бунда ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.</p>
Нилуфаргул	<p>Ушбу технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос ва унга бириккан тўққизта «гулбарг» (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.</p>
Оқилнинг олти қалпоғи	<p>Эдвард де Боннинг 6 қалпоғи (6 гуруҳ) асар таҳлилида 6 хил маълумотни тўплашга ёрдам беради: оқ – аниқ маълумотлар, қизил – ички ҳис-туйғу, қора – танқид, сариқ – ижобий томони, яшил – янги фикрлар, кўк – хулоса чиқарувчи.</p>
SWOT таҳлил	<p>Ўрганилаётган масаланинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга ёрдам беради. Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.</p> <ul style="list-style-type: none">• Strengths (кучли томонлари),• Weaknesses (кучсиз томонлари),• Opportunities (имкониятлари),• Threats (хавфли томонлари).



Синквейн	Беш мисрали шеър стратегияси 1 – битта от сўз туркуми 2 – иккита сифат сўз туркуми 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз 4 – тўрт сўздан иборат гап 5 – мавзуга доир бир синоним
Соябон	Ўқувчилар ўрнидан туриб қўлларини юқорига кўтариб жуфтликда бошларига соябон шаклини келтиришади. Уларнинг ясаган соябони тагидан ўтган дарсда келмаган ёки дарсни яхши тушунмаган ўқувчи билан ўтади. Ҳар соябондан ўтаётганда соябон эгалари ўтилган дарс ҳақида битта сўзми ёки гапми айтишлари керак. Барча соябондан ўтган ўқувчи ҳамма олдида қандай маълумотни эслаб қолганини баён этади, натижада ўтилган дарс такрорланади ва мустаҳкамланади.
Тадқиқот иши	Асарни ўрганиш давомида ўқувчилар 5 гуруҳга тўпланиб, қуйидаги топшириқларни бажарадилар. 1. Матннинг асосий ғоясини топинг 2. Аниқ ва ноаниқ маълумотлар 3. Фикрингизни расм билан тасвирланг 4. Асардан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг 5. Тарбиявий хулоса чиқаринг
Тақдимот	Ушбу стратегия ўрганиладиган мавзу моҳиятининг компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Уни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Стратегия ўқувчиларда мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.
Т-жадвал	Мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослайди.
ФСМУ	Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки дарс якунида ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга,



	<p>шу билан қаторда ўқувчиларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалланганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.</p> <p>Ф – Фикрингизни баён этинг.</p> <p>С – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.</p> <p>М – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.</p> <p>У – фикрингизни умумлаштиринг.</p>
Чархпалак	<p>«Чархпалак» стратегияси методи ўқувчиларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.</p>
Ягона давра	<p>Бунда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томондан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларни асослаш, хулоса чиқаришдир.</p>
Сукрот суҳбати	<p>Ўқитиш техникаси. Бунинг марказида йўналтирувчи саволлар ва баҳс-мунозара туради. Ўқитувчи Сократ ролида ўз ўқувчиларига сўроқ ортидан сўроқ бериб, уларнинг мавзуга оид тушунчаларини ўзгартириб юбориб, таҳлил (анализ) қилиш, исботлар келтириш орқали сўнги тўхтамга, ечимга, хулосага келишларига ундаган. Сократ суҳбатининг ғояси тингловчини ҳамма маълумотни биламан-у, лекин бирор қисмидан хабарсиз эканман деган тўхтамга олиб келиш ва изланишга ундаш. “Изланишсиз ҳаёт – ҳаёт эмас. Мен ҳеч кимни ҳеч нимага ўргата олмайман, лекин уларни ўйлашга мажбур қила оламан”. Сукрот.</p>
Фотосуратлардан фойдаланиш методи	<p>Кўникмаларни шакллантиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> • биргалиқда ишлаш; • фикрлаш, ўйлаш, муаммони ҳал қилиш. <p>Услубнинг мазмуни</p> <p>Услуб баҳс-мунозаранинг суръатини тезлаштиришда, чуқурлаштиришда ҳаракатга ундаш сифатида ишлатилади.</p>



Услубдан фойдаланиш йўллари қуйидагича:

- Мавзунинг мазмунига мос (масалан, камбағаллик) фотосурат, расм, карикатураларнинг бир неча турларини тавсия қилинг ва ўқувчиларнинг масалага тааллуқли муносабатини билиш учун саволлар қўйинг. Намуна учун саволлар: Фотосуратчи ёки карикатурачи муаммо ҳақида нима айтмоқчи? Муаллиф билан келишасизми ёки йўқми? Нима учун?
- Ўқувчилар расмларни мустақил танлашлари мумкин. (Нега танлади?)
- Гуруҳ ўқувчиларига расм, сурат берилиб, унга сарлавҳа танланади, гуруҳлараро шарҳланади.
- Қўғознинг марказига ёпиштирилган суратдаги тасвирга мос саволлар тузилади(сурат атрофига). Намуна: Қандай муаммо? Тасвирдаги одам нима ҳақида ўйлаяпти?
- Ўқувчилар ролли ўйин ёки тасвир асосида воқеани моделлаштириш ишларини амалга оширади. Тасвирдаги қахрамонларга исм берилади, уларнинг ҳиссий кечинмалари ҳам ёритилади.
- Сонли камералар орқали суратга олинади (муаммога тааллуқли воқеа-ҳодисалар), тўпланиб расмли коллаж ёки тақдимот қилинади.
- Бу услуб “Хотира” услуби билан чамбарчас боғлиқдир. (Пит Дадлидан)

“Радиоэфир узатиш” услуби

“Уч босқичли интервью” услуби

Услубнинг мақсади– ахборотни тезликда олиш ва уни таҳлил қилиш (анализ), танланган масаланинг мунозарасида тўлақонли иштирок этиб, фаол тинглаш кўникмаларини шакллантириш.


(Синф-студия, радио юргизувчи ўқитувчи ёки ўқувчи, тўрт ўқувчи студия меҳмони, қолганлар тингловчилар. Мавзу танланади юргизувчи томонидан эшиттирилади, тўрт меҳмонга роллар кўрсатилган карточкалар берилади, улар баҳсда ана шу ролларни ижро этади, тингловчилар баҳолайди, саволлар билан қўнғироқ қилади, ёзма равишда баҳсдаги саволлардан ёзиб боради) (П. Дадли)

Ушбу услуб ўйлаш қобилиятини ривожлантиришга ва юқори даражага кўтаришга қаратилган.

Ишни уюштириш

Ўқувчилар тўрт ўқувчидан иборат(жуфтлик+жуфтлик) кичик гуруҳларга бўлинади. А-Б ва В-Г. Биринчи босқичда А Б ўқувчидан, В Г ўқувчидан интервью олади. Иккинчи босқичда



	<p>роллар алмашади. Учинчи босқичда эса ҳар бир ўқувчи гуруҳ-дошларига олинган маълумотни эшиттиради.</p>
<p>“Баҳс-мунозара жараёни” услуги</p>	<p>Шаклландуви кўникма</p> <ul style="list-style-type: none"> • мустақил фикрлаш, мустақил ечим қабул қила олиш <p>Услубнинг мазмуни</p> <p>Услуб ўқувчилар томонидан бирор бир мавзунини ўрганишида ва ундаги асосий масалаларни тушунишга таёрланиш босқичида фойдали. Услуб ўқувчиларда кўрилатган масалага ўз кўзқарабини ҳимоя қилишни ва ҳар бирининг “овозини” тинглаш кўникмасини шакллантиради.</p> <p>Ўқувчилар кўрилатган муаммони ҳал қилишда ноаниқлик ва тушунмовчиликларни бартараф этиш учун ўз фикрини изоҳлаш кераклигини англаб, масалага тегишли билимларини кўрсата олади. “Баҳс-мунозара жараёни”нинг («дебаты на ходу») энг кўп таралган турларига: “Тўрт бурчакдаги(чорраҳали) баҳслар”, “Спектрли мунозара”, “Қадриятлар шажараси” ва “Ҳақиқат ва ёлғон” киради.</p>
<p>Денотатли граф</p>	<p>Денотатли граф – (лот. denoto – белгилайман ва юнонча-ёзаман) – матндан асосий тушунчаларни англатувчи фикрнинг хусусиятларини англаб олиш усули.(Фишбоун ҳам денотатли графнинг кўриниши)</p>  <p>The diagram is a fishbone (Ishikawa) diagram with a central box labeled "Алишер Навоий". It has three main branches pointing to the left, each with three sub-branches pointing to the right:</p> <ul style="list-style-type: none"> Top branch: "Ижод қилади" (Creates) <ul style="list-style-type: none"> Ўзбек тилининг равнақи учун Ўзбек тилининг равнақи учун Ўзбек тилининг равнақи учун Middle branch: "Ёрдамлашди" (Assisted) <ul style="list-style-type: none"> Подшо саройида халққа хизмат қилиш учун Подшо саройида халққа хизмат қилиш учун Подшо саройида халққа хизмат қилиш учун Bottom branch: "Курашди" (Struggled) <ul style="list-style-type: none"> Адолат учун Адолат учун Адолат учун <p>Below the bottom branch, there is a separate box: "Подшонинг, давлатнинг обрў эътибори учун" (For the honor and respect of the ruler and the state).</p>



“Моделлаштириш”

“Моделлаштириш” (вазиятни, ҳодисани ва ҳк.) услуги
Шакллантирувчи кўникмалар:

- биргаликда ишлаш;
- креативли ёндашиш;
- мустақил фикрлаш, мустақил ечим қабул қила олиш.

Услубнинг мазмуни

Услуб ролли ўйинлар орқали ўқувчиларнинг муаммони, саволни ҳал қилиш ва ахборот алмашиш жараёнига жалб қилишга қаратилган.

Услубни амалга ошириш

Ўқувчилар муаммонинг ечимини топиш мақсадида суд мажлисидаги вазиятни, парламентдаги тинглаш, кенгаш мажлиси, корпоратив учрашув ва ҳк. вазиятларини “хаёлий ўйлаштирилган” муҳитда муҳокама ўтказадилар. Бундай вазият ўқувчиларни ўз фикрини, кўзқарашини айтиб ҳимоя қилишга, тинглаш жараёнида ҳиссий қадриятларга риоя қилишга, ўзаро қўллаб-қувватлаш каби кўникмаларини шаклланишига олиб келади.



МУНДАРИЖА

VI бўлим. СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ ДАРЁ ВА КЎЛЛАРИ

1-дарс: СУВ – ОБИ ҲАЁТ, ТИРИКЛИК МАНБАИ	4
2-дарс: ЦИВИЛИЗАЦИЯ БАҲОНАСИ	11
3-дарс: ТАБИАТ ТИКОНДАН ГУЛ, АРИДАН БОЛ ЯРАТАДИ.	19
4-дарс: ШУНЧАКИ “ЮМ-ЮМАЛОҚ ТОШ”ДАГИ ТИРИКЛИК	26
5-дарс: МУЗЛИКЛАР – ЕР ШАРИНИНГ “ХАВФСИЗЛИК ҚАЛПОҒИ” 32	
6-дарс: СУВНИНГ ТОМЧИСИ ҲАМ СУВ	41
7-дарс:ҲАҚИҚИЙ ТИРИК СУВНИНГ ҚАДРИ.	46
8-дарс: ШУНЧАКИ СУЗИБ ЮРГАН “КИТ”	54
9-дарс: ҚУЁШГА ҚАРАБ ОҚҚАН СУВ.....	63



VII бўлим. СПОРТ. АТОҚЛИ СПОРТ НАМОЯНДАЛАРИ

1-дарс: ОЛИМПИА ҲЙИНЛАРИ –“ТЕЗРОҚ, БАЛАНДРОҚ, КУЧЛИРОҚ”	72
2-дарс: ҲАЛОЛ МУСОБАҚАЛАРНИНГ БАЙРОҚЛАРИ ОСТИДА	80
3-дарс: ЖИСМОНИЙ ШАХМАТ	87
4-дарс: АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ	95
5-дарс: СПОРТ ҚИРОЛЛАРИ	103
6-дарс: ОСИЁ ҲЙИНЛАРИ ҚОЗОҒИСТОНДА	114
7-дарс: ОҒИР АТЛЕТИКА ЮЛДУЗЛАРИ.....	119
8-дарс: СУВ ВА СУВ МАШҚЛАРИ СИРЛАРИ	127
9-дарс: ШАХМАТ – ХАЛҚНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚУДРАТИ	132

VIII бўлим. ҲЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ АНЪАНАЛАРИ ВА УРҒ-ОДАТЛАРИ. НАВРҲЗ

1-дарс: ХУШ КЕЛИБСАН ҲЛҚАМИЗГА, НАВРҲЗИ ОЛАМ!.....	139
2-дарс: ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР.....	144
3-дарс: ҚОЗОҒИСТОН – УМУМИЙ ҲЙИМИЗ	147
4,5-дарслар: НАВРҲЗ ДУНЁ КЕЗМОҚДА	154
6,7-дарс. НАВРҲЗ ТАОМЛАРИ	161
8-9-дарс: НАВРҲЗ УДУМЛАРИ.....	167



IX бўлим. ОЛАМДАГИ ЙИРИК КУТУБХОНАЛАР

1-дарс. КИТОБ – МУҚАДДАС	181
2-дарс. КИТОБ – БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ.....	189
3-дарс. КИТОБ ЎҚИШ МАДАНИЯТИ	194
4-дарс. ДИЛЛАРГА ЗИЁДИР КИТОБ	200
5-дарс. КИТОБАТ ИШИ.....	205
6-дарс. КИТОБ – БИЛИМ МАНБАИ	209
7-дарс. КИТОБ – ОФТОБ	213
8-дарс. КУТУБХОНА – НУРХОНА	218
9-дарс. КИТОБ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВР	223





Х бўлим. ИЛМ – ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ ЮТУҚЛАРИ

1-дарс. ГЎЗАЛЛИК ИЛМУ МАЪРИФАТДА	229
2-дарс. ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН, ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН.....	233
3-дарс. ИЛМ – ЭНГ БУЮК ШАРАФ	239
4-дарс. ИЛМ ОДОБИ	245
5-7-дарс. ХХІ АСР КАШФИЁТЛАРИ	252
Глоссарий	300

Учебное издание

**Шахло Джамаловна Наралиева
Нуриниса Джамаловна Досметова
Фаррухбек Наматжанович Абдалиев**

ЎЗБЕК ТИЛИ

**Умумтаълим мактабларининг
6-синфи учун дарслик**

2-ҚИСМ

(на узбекском языке)

**Редактор Ш. Шарафуддинова
Художественный редактор Н. Тазабеков
Техн. редактор З. Бошанова
Дизайн и компьютерная верстка: Д.К. Мансурова**

ИБ № 7363

Подписано к печати 04.05.2018. Формат 84×108^{1/16}.
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.
Физ. печ.л. 19,5. Усл. печ.л. 22,76. Усл. кр. от. 131,04.
Тираж 8000 экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-607-0



9 786012 006070